


5 ташаббус китоб


Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси

Аёл



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи


Ю
47899
3
2020/110-
Д75
Зуєвич Куролбой Бур.
Дел. Т. 2019. - 320с.
2020/110-Д75



Зулфия
Қуролбой қизи

5 ташаббус китоб

АЁЛ

Ҳикоялар

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
З – 91

2 – Ўзбек адабиёти.

Қ 82

Таҳрир ҳайъати:

Сирожиддин Саййид (ҳайъат раиси), Акмал Саидов, Аҳмаджон Мелибоев, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Баҳодир Карим, Шавкат Юсупов.

Лойиҳа раҳбари:

Носиржон Жўраев

Ғоя муаллифи ва нашрга тайёрловчи:

Санжар Турсунов

Зулфия Қуролбой қизи.

Аёл: ҳикоялар / Зулфия Қуролбой қизи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2019. – 320 б.

«Беш ташаббус – беш китоб» лойиҳасининг навбатдаги китоби Зулфия Қуролбой қизи асарларидан тартиб берилди. Тўпламга ўн бешга яқин ҳикоялар жамланган. Тўпламдаги ҳар бир ҳикояда аёлларнинг – меҳрибонлиги, севгиси, орзую армони, изтироби, вафою ҳаёси, эр олдидаги бурчи, фарзанд олдидаги хизмати моҳирона қаламга олинган. Аёл деган номни бўй-басти билан кўрсатган бу ҳикоялар ҳеч қачон қадрини йўқотмайди.

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

2020/110 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
A 75

ISBN 978-9943-5953-2-3

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019

ID 478 99
391

АЁЛ

Деворлари оппоқ хона.

Дераза ойнасидан тўкилаётган оппоқ нур аёлнинг юзида жилва қилди, юмуқ қовоқларини қизартирди, ёноқларига илинган марварид томчиларида ва бармоқларидаги узукнинг олмос кўзчаларида акс этди.

Аёл кўзларини хиёл очди. Шуъла энди унинг қорачиқларида аксланди.

"Қандай ёқимли... Тирикликнинг яна бир тонги отди, – аёл кўзларини юмиб, қуёш нурларини симирди, кейин яна оҳиста пичирлади: – Сени қанчалик яхши кўраман қуёш!.."

Қуёш нурларини мўл-кўл тўкди. Аёл буткул офтоб нурига ғарқ бўлди...

* * *

Кейинги ҳафта сурункасига Назокатнинг ҳарорати кўтарилиб, тушиб турди...

Даволовчи шифокор Шавкатни хонасига чақирди.

– Назокатнинг аҳволи яхши эмас. Ҳозирлигингизни кўраверинг.

Шавкат бошини чангаллаб қолди.

– Оғир бўлинг. Бўшашманг. Ҳали у кўп азоб тортиши мумкин. Булар ҳали ҳолва... – дўхтир жимиб қолди.

Шавкат илкис бошини кўтарди.

– Наҳотки... Шунча қийналгани етмайдими?..

– Кўп азоб турибди олдинда, – деди дўхтир, сўнг маҳзунлик билан хайрлашди.

Шавкат касалхона ҳовлисида анча вақт айланиб юриб кейин палатага кирди. Назокат ухлаб ётарди. У жуда озиб кетганди. Қовоқлари ичга ботган, ёноқ суяклари туртиб чиққан, лабларининг четида чуқурча пайдо бўлган, чекка томирлари кўм-кўк бўлиб бўртиб турарди.

Дунёдаги барча касалликларга лаънат ўқиди Шавкат.

Назокат тикилиб турган нигоҳларни ҳис этди шекилли, аста кўзларини очди.

– Яхшимисан?..

– Тузук, – ўрнидан қўзғалди Назокат. – Ҳовлига чиқиб келсамми, девдим.

Шавкат унга қўлини узатди.

– Ҳали кучим бор, ўзим юра оламан, – деди Назокат ғалати қараб.

Шавкат беихтиёр чуқур хўрсинди.

Улар ҳовлига чиқишди.

– Дўхтир сизга бир балоларни вайсаган шекилли, – деди Назокат ташқарига чиққанларидан кейин эрининг қовоқлари салқиган, кайфиятсиз юзига зимдан тикилганча. – Лекин улар янглишяптилар. Афт-ангоримга қаранг, яхшилаб қаранг, мен яқин-ўртада ўладиган одамга ўхшайманми? Ўзимни ҳар қачонгидан яхшироқ ҳис этяпман. Яшаш учун бундан ортиқ яна нима бўлиши керак? – Аёл юришдан тўхтади. Ҳаво совуган, осмонда увада булутлар кезинар, қуёш хирагина нур сочар, қорнинг ҳиди келарди. – Мен ойнага боқиб, қайта-қайта тикилдим ўзимга, ўладиган одамнинг юзи бунақа бўлмайди. Сиз ҳам эшитганмисиз шу гапни?

– Ҳа, эшитганман, – деди Шавкат шубҳага ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

– Ана, кўрдингизми, – Назокатнинг аллақандай ички нурдан юзи ёришди. У нарироқ бориб кунгай ерда турди, аёлнинг қорачиқларида олов аксланди. – Ҳалиям ҳаво булут, – деди у, – ёруғлик тиниқ эмас. Бу ҳаво одамнинг рангини очмайди, бўғиб қўяди!

Ҳақиқатан ҳам очиқ ҳавода унинг юзида касаллик нуқси сезилмас, эгнига тўкилган упа ғубори, ҳавога таралаётган ёқимли ҳид унинг ўзига оро берганини билдириб турарди.

Бирдан кутилмаган ҳол юз берди. Назокат югуриб келиб Шавкатнинг қучоғига ўзини отди. Аввалари ҳеч ҳам бундай қилмасди.

– Биз фақат эр-хотин эмас, ундан ҳам яқинроқ бўлиб кетганмиз, а, дадаси? – деди у эрининг кўксига юзини босиб.

Шавкат кучли ҳароратни ва кўз ёшларни туйди. У қимир этолмай қолди.

Шавкат нимадир дейишни, хотинининг кўнглини кўтаришни истади, аммо тили айланмади. Кўксидан беихтиёр яна оғир хўрсиниқ отилиб чиқди.

Назокат эрининг юзидан ўпди, авайлаб, назокат билан ўпди. Шавкатнинг танасига титроқ кирди. Хотинининг қовжираган лаблари иссиқ эди. Юзи иссиқ эди. Нафаси иссиқ эди. Юзига тегиб турган сочларидан-да ҳовур сачраётгандек эди.

– Сенга нима бўлди?.. – дея олди Шавкат.

Назокат жилмайди. Бир вақтлардагидай... Аммо бу кулгу эмас, оғриқ, армон тўла шодмонлик эди.

Шавкат уни бағрига босди, нигоҳларини яширди. Назокатнинг юзига қарашга ортиқ бардоши етмади.

– Мана кўрасиз, икки-уч кун ўтсин, яна аввалгидай бўлиб кетаман. Шундай бўлишини кўнглим сезиб турибди, – шивирлади Назокат.

Шавкатнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетди.

* * *

Кечаси Назокатнинг яна иссиғи кўтарилди. Алаҳсиради. Болаларини сўради.

Шавкат навбатчи врачни чақирди. Уколдан кейин Назокат тинчланиб ухлаб қолди.

Эрталаб одатдагидай вақтли уйғонди.

– Қаттиқ ухлаб қопман-а? – деб сўради аллақанарсадан ҳадиксирагандек бўлиб.

– Чарчагансан, – деди Шавкат.

– Радионы нимага ўчириб қўйдингиз?

– Сенга тинчлик керак. Дўхтир айтди.

– Мен атай радионы ёқиб қўйгандим. Ғинғиллаб турса қаттиқ ухлаб қолмайман...

– Бугун ҳам ҳаво жуда яхши, ҳовлига чиқасанми? Ёзга ҳам, кузга ҳам ўхшамайди сира, – деди Шавкат.

– Чиқаман, албатта. Эрталабки тоза ҳавони яхши кўраман.

Назокат адёлни устидан олиб ташлаб, оёқларини каравотдан пастга туширди. Бирдан оёқларига кўзи тушган аёлнинг юзи ўзгариб кетди. Иккала оёғи ҳам шишиб, пўрсиллаб турарди. Бир кечада-я...

– Кейинроқ чиқарман... – Назокат бўшашганча ўрингa чўзилди. Оёқлари устига адёлни ташлади.

– Нонуштани шу ерга олиб кела қолай. Иккаламиз ўтириб чой ичамиз, кейин болалардан,

ишдан хабар оламан, – деди Шавкат хотинининг бирдан авзойи ўзгарганидан таажжубланганини сездирмай.

– Майли...

Шавкат ғилдиракли столда нонушта олиб келди. Назокат оёқларини адёл билан ўраб ўтириб чой ичди...

Кечга бориб Назокат болдирлари ҳам шишиб, кўпчиб турганини кўрди. Унинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Кечаси яна иситма тутди.

Эртасига саҳар уйғонганида қорин қисмида аллақандай ғашни келтирувчи оғирликни туйди. Қоқсуяк қўлини қорни устига қўйди-ю, шу заҳоти тортиб олди. Шиш энди қорнига ўтган, у ошган хамирдай кўпчиб турарди.

– Дўхтир! – қичқириб юборди Назокат. Лекин буни ўзи сезмади.

Салобатли кекса дўхтир, унинг кетидан озғин ҳамшира ичкарига киришди.

– Қалайсиз, қизим, иситма безовта қилмаяптими энди? – табуреткага ўтирди дўхтир.

Назокат маҳзун жилмайди, кўзларининг остида ажин ғужуми пайдо бўлди.

– Яхшиман.

– Ҳароратини ўлчанг, – деди дўхтир ҳамширага қараб. Кейин яна Назокатга юзланди. – Менда гапингиз бор экан. Эшитаман, қизим.

– Шиш масаласида... – Назокат гапиролмай қолди.

– Хўш.

– Қорниимда яна сув тўпланган шекилли? Қаранг... Шу суюқликнинг ҳаммасини бирдан олдирсам, шиш қайтадими?.. – Назокатнинг кўзлари ғилтиллади.

– Шиш қайтади, – деди дўхтир вазминлик би-

лан. – Лекин менимча... Сизга дўхтир сифатида эмас, оддий бир одам, отангиз қатори бир одам сифатида айтадиган бўлсам... буни маслаҳат бермайман.

– Нега?

– Энди... шуниси маъқул... – Дўхтир нигоҳларини қаерга яширишни билмасди.

– Бу гал жудаям қийин бўлса керак-а? Қаттиқ азоб тортсам керак. Қайсидир палатада бир аёл кечадан бери чинқириб ётибди-ю, шунга ўхшаб. Лекин буни қаранг, қорним соат сайин катталашиб кетяпти. Ҳадемай дўмбирадай бўлиб қолса керак. Мен бундай хунук алфозда... – Назокат юзини девор томонга бурди. Ёстиқ нам тортди.

Тоғдай дўхтир бирдан кичрайиб қолгандек ҳис этди ўзини.

– Тушуниб турибман... – деди бир оздан кейин овози хириллаб. – Биз керагини олдик суюқликнинг... Аммо ортиқча азобнинг нима кераги бор?

– Майли, мен чидайман... – деди Назокат терс қараб ётган кўйи. – Ҳаммасига чидайман.

Дўхтир ўрнидан турди. Назокат жон ҳолатда дўхтирнинг қўлидан ушлади.

– Биламан, оз қолганини биламан. Лекин бундай хунук алфозда ўлишни истамайман. Истамайман!..

Дўхтир қўлини авайлаб тортиб олиб, хонадан чиқди...

* * *

Тун.

Шавкат тезда ухлаб қолди. Аммо Назокат ёта олмади. У оёқларига илашган енгил кўрпани нари суриб, қийинчилик билан тиззаларини қучоқ-

лаганча тўшак устида ўтирмоқчи бўлди, аммо бу ноқулай эди. Тўғрироғи жуда ўнғайсиз эди. Хипча белида осилиб турган ёқимсиз оғирлик ўтиришга халақит берарди. Аёл ўрнидан туриб дераза олдига келди. Унинг уйқуси ўчган, бутун оламни нигоҳлари билан қамраб, унга жойлаб олмоқчидек, очиқ деразадан унсиз осмонга тикилар, ҳайратомуз манзарадан донг қотарди. Зеро бу вақтда ҳад-ҳудудсиз осмон нурафшон, тилларанг ёғдуга ғарқ бўлиб ётарди. Уфқ тепасида осилиб турган ой, жимир-жимир қилаётган юлдузлар яқинлашиб келаётган тонгга ўрин бермасликка, аста-секин хира тортиб, сўниб йўқ бўлиб кетмасликка тиришаётгандай янада ёрқинроқ жилва қилишарди.

Тун ва тонг ўртасида кескин кураш кетаётган бир вақтда борлиқда теран сукунат ҳукм сурарди. Аёл бутун жисму жони қулоққа айланиб аллақандай эшитилмас товушларга, сирли оҳангларга ғарқ бўлди, ой нурида ялтираётган япроқларнинг сеҳрли титроғини ҳис этди... Кейин чуқур нафас олиб ўпкасини тоза ҳаво билан тўлдирди. Лабларини қаттиқ қимтиб, нафас чиқармай турди.

Аста-секин борлиққа кумушранг оқим ёйилди. Қушлар чаҳ-чаҳлаб юборди...

Назокат чуқур хўрсинди. Кўзлари ёшланди.

Шавкат безовталаниб, қимирлаб қўйди.

Назокат ўрингa чўзилди. Бошини кўрпа билан буркаб олди. Зум ўтмай адёл силкина бошлади.

Аёл йиғларди, унсиз йиғларди...

* * *

Кечга бориб Назокатнинг нафаси сиқа бошлади. Боши ёстиққа тегиши ҳамон ҳаво етишмай қолгандек бўларди. Қорни яна бир оз каттaлашгандек эди.

Врач Назокатга ёстиққа суяниб ўтирган кўйи ухлашни тавсия қилди. Ётган пайтида қорин бўшлиғида пайдо бўлган суюқлик ўпкани сиқиб қўярди, шунинг учун Назокат нафас олишга қийналаётган эди...

Палатага ҳамшира кирди.

– Эрим келса ичкарига киритманг, илтимос, – деди Назокат унга.

– Нега? Дўхтир кечаси ёнингизда одам бўлишини тайинлаган, – деди ҳамшира.

– Вақтинча киритмай туринг, илтимос.

– Лекин у хавотирланади...

– Бирор баҳона ўйлаб топарсиз! – Назокат ҳамширанинг чўнтагига пул солди.

Ҳамшира иккиланганча чиқиб кетди.

Назокат деразага тикилди. Унинг кўз олдида ўғиллари пайдо бўлди.

Аёл ўкириб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади...

Шавкат ишдан чиқиб тўғри касалхонага келди. Лекин уни палатага киритишмади.

– Мумкин эмас! – деди ҳамшира дарчага энгашиб.

– Аҳволи оғирлашиб қолдими?!. – даҳшат ичида сўради Шавкат. Бирдан унинг юзи кўкариб кетди.

– Аҳволи ёмонмас, лекин...

– Врач билан гаплашсам бўладими?

– Врач кечки обходда!

Шавкатнинг юраги хавотирли увишди. Назарида атай врачлар уни ичкарига киритишмаётгандай туюлди. Аллақандай қора хаёллар бирдан бостириб келди ва у ўзини боса олмай қолди.

– Эшикни очинг! Очинг, деяпман! – дея қичқирди у эшикни муштлаб. – Врач билан гаплашишим керак! Хотинимни кўришим керак!

Ичкаридан жавоб бўлмади.

Шавкатнинг хавотири кучайди. Дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди.

– Эшикни очинг! Очинг! – дея қичқирди у жони бўғзига тиқилгудай бўлиб. Кейин эшикни бир-икки тепди ҳам.

– Нима гап, тинчликми? Нега тўполон қиляпсиз? – деди бир маҳал кекса навбатчи врач эшик олдида пайдо бўлиб.

– Дўхтир, хотинимни кўришим керак... Кўришим керак... Лекин улар мени ичкарига киритишмаяпти! – деди Шавкат ҳовлиқиб.

Эшик очилди.

– Ортимдан юринг, – деди кекса доктор.

Шавкат унга эргашди.

Кекса врач уни Назокат ётган палатага бошлаб борди. Лекин ичкарига киришга рухсат бермади.

– Ана, хотинингиз ухлаяпти, энди кўнглингиз тинчидими? – деди кекса врач эшикни қия очиб.

Шавкат қия очилган эшикдан ичкарига бош суқди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам дераза остидаги каравотда Назокат ухлаб ётарди. Қуюқ қора сочлари оппоқ ёстиқ устида паришон сочилган... Кўрпадан сал чиқиб турган елкасида ой нури жилва қиларди. Шавкат сал хотиржам тортди. Аммо дилидаги ғашлик ва қўрқув тарқамади.

– Нега мени ичкарига қўймаяпсиз? – деб сўради у кекса врачдан. – Ахир ўзингиз айтгандингиз-ку, кечасига олдида одам бўлиши керак, деб.

– Тўғри, ўзим шундай дегандим. Лекин бу беморга ёқмаяпти. У тинчликни истаяпти чоғи. Майли, кўнглига қараймиз.

– Мен нима қилай унда?

– Сиз? Истасангиз уйингизга бориб, болаларингиздан хабар олиб келинг. Дарвоқе, уларни эртага

олиб келсангиз ҳам бўлади. Фақат дераза ортидан гаплашишади, хўпми?

– Хўп...

Кекса врач уни эшик олдигача кузатиб қўйида, кейин хонаси томон кетди.

Шавкат касалхона ҳовлисида анча вақт туриб қолди. Унинг кетгиси келмаётганди. Бирдан унинг хаёлига дераза томондан борсам-чи, деган ўй келди. Кейин касалхонани айланиб ўтиб, Назокат ётган палата деразаси тагига келди. Аммо ичкарини кўриб бўлмасди. Дераза ойналари ярмигача тўсиб қўйилганди.

Шавкат ерга чўк тушди. Кейин бу ердан бир қадам ҳам жилмади...

* * *

Азоб эди...

Ёта олмасди. Ўтириш ҳам анча ноқулай. Икки-уч қадам юрмасдан ҳарсиллаб қоларди. Ҳолдан тойган вужуди ортиқча юкни кўтаролмай қийналарди.

Кечга бориб Назокатни ҳиқичоқ тутди. Икки-уч марта "ҳиқ-ҳиқ" этди-ю, бирдан ичидан қандайдир суюқлик отилиб чиқди...

– Ҳамшира! – хирқироқ овозда қичқирди Назокат.

Зум ўтмай врач етиб келди.

– Энди сувни олмасликнинг иложи йўқ, а? – деди Назокат врачга қараб.

Врач жавоб бермади.

– Дўхтир... – Назокат бармоғидаги тилла узугини врачнинг чўнтагига солди. – Сувни олинг, илтимос. Фақат охиригача!

Врач яна жавоб бермади. Ҳатто қараб қўймади. Аёлнинг қўли чўнтагига кириб чиққанидан кейин ҳам юзига қарамади. Бироқ...

– Ҳамшира! – дея чақирди йўлакка қараб.

Назокат жилмайди. Кейин ёстиғи остидан упаэликни олди...

* * *

Тун чекинди.

Дераза ойнасига кумушранг ёғду ёпирилди.

Кейин уфқ қизариб, аста қуёш бош кўтарди. Қуёш нурлари хира ва кучсиз эди, аммо у тез кўтарилди. Ҳар ер-ҳар ерда уни увада пардалардек кулранг булутлар тўсди, лекин қуёш юришини тўхтатмади. Бирдан қуёш кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлиб порлаб бепоён осмонни ёритди, сўнг юришини секинлаштиргандай бўлди ва касалхона тепасига келганида бор шуъласини деразаси очиқ хонага туширди, шуъла шу лаҳза каравотда ётган хушбичим ва гўзал аёл юзида жилва қилди, қовоқларини қизартирмоқчи бўлди, лекин тош қотган қовоқлар қилт этмади, шуъла ўзига қадрдон қорачиқларда аксланмоқни истади, аммо уларни топа олмади, у фақат аёлнинг бармоқларида пайдо бўлиб қолган узукнинг олмос кўзчаларидагина акс эта олди.

Бу кун қуёш қанчалар порлоқ ва нурафшон бўлмасин, унга ҳеч ким муҳаббат изҳор қилмади, мулойим нурларини симирмади...

Барибир қуёшнинг бу ердан узоқлашгиси келмади, у сахийлик билан нурларини мўлкўл тўкди, жимгина ётган аёл вужуди кўзни қамаштириб, ярқираётган оппоқ нурларга омухта бўлиб кетди...

ТАФАККУР

I

Бу ерларнинг ёзи иззатталаб бўлади, кечикиброқ келади-ю, вақтлироқ кетишга шошилади, гўё кутгувчиларнинг бадига уриб кетмай дегандек; ёз гирд атрофини тепаликлар-у, ундан нариси пурвиқор тоғлар билан қуршалган дашт қишлоқни бир қур кўздан кечиради-да, баҳор пойига илашиб қолган яшил этакларини йиғиб олиб олисларга кетиб қолади. Куз келар-келмас олтиндек товланаётган бийдай далалар ёзнинг ортидан унсиз қараб қолгандек туюлади.

Кеч кузакдан то баҳор оёқлагунга қадар ярмигача захлаб ётган гувала уйларнинг деворлари селгишга-да базўр улгуради. Қишлоқдан бир неча чақирим нарида яна бир овул бор. Ундан наридаги қияликдан сўнг яна биттаси... Лекин уларни қишлоқ деб ҳам бўлмасди. Аҳолиси кўпи билан ўттиз-қирқ хўжалик чиқар.

Сиртдан қарагандаёқ зерикарли эканлиги кўриниб турган бу қишлоқдаги ҳаёт тарзи ўша қишлоқ деб атаб бўлмайдиган – қишлоқчалардан кўп ҳам фарқ қилмасди. Бунда ҳам томи шиферланган уйлардан кўра лойсувоқ томлар кўп учраганидан ташқари уйларнинг бири тепароқда, яна бири пастликда, тағин биттаси қияликда жойлашувлари ҳам бир-бирларига ўхшаб ке-

тарди. Қишлоқ гирдида қад кўтарган тепаликлар бағрида бир вақтлар шарқираб оққан булоқларнинг кўзи аллақачон бекилган, фақат биргина чалажон булоқдан нимдошгина сув сизиб чиқар, аммо қишлоққа етиб келар-келмас, чўпон-чўлиқларнинг бўғовига дуч келиб, ярим йўлда кўлмак ҳосил қилганди. Кўлмакки, ичида қурт-қумурсқа, чувалчангу қурбақалари бисёр. Подага қўшилган сигирларнинг тез-тез зулуклаб туриши ҳам шундан. Ҳар бир ҳовлида қудуқ бор эди. Қадимда битта қудуқнинг суви камида икки авлоднинг чанқоғини қондирган бўлса, эндиликда сув тортилиб, ер остига тушиб кетаётгандек қудуқлар тез-тез қуриб қоларди.

Дов-дарахт камчил эди, кўкламда унган гиёҳлар бир лаҳзалик саратонга ҳам етиб бормасдан қуриб-қовжираб қолганидан, ҳовлилар тақир бўлиб ётарди. Экин-тикинларнинг баракаси учган, аммо лалми ерга экилган буғдой гуркираб ўсарди.

Қишлоқ одамларининг тили қарлуқ лаҳжасида эди. "Соф жўқчи"лар деб бир вақтлар шу ернинг одамларини айтишарди. Лекин ҳозир "соф"ликка ҳам андак путур етган, етмиш яшар чолу кампирлар тилида "сапсим", "не тўлка" каби сўзлар тез-тез учраб турарди.

Фақат биргина истисно мавжудки, бу нарса ушбу қишлоқнинг нуфузини бошқаларга нисбатан анча юқорилаб қўйганди. Атрофида тўртта қишлоқни бирлаштирган хўжалик маркази шу ерга жойлашган эди. Марказ бўлгандан кейин хўжалик идораси, мактаб, кутубхона, қишлоқ кексаларининг унчалик тили келишмайдиган "амбулатория" ҳам шу ерда эди-да.

"Ойнаи жаҳон" деб аталмиш мўъжиза бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қишлоқда пайдо бўлганди.

Қаҳрамонимиз қишлоқ тегирмончисининг тўнғичи Тангриберди худди ўша ойнаи жаҳон деб аталмиш мўъжизани кўриб катта бўлганди.

Ёши олтмишлар атрофида, юзига кексалик нуқси урган бўлса-да туртиб чиққан мушакларидан куч-қувват ёғилиб турган чағиркўз, барваста тегирмончи биринчи марта дунёда ер-осмон ва тегирмондан ташқари "дилбузар" деб аталмиш мўъжиза борлигидан бохабар бўлишига мана шу тўнғич ўғлининг бехосдан йўқолиб қолгани сабаб бўлганди. Тегирмончи ўғлининг йўқолиб қолгани эсига тушганида айни ушбу воқеадан кўра, воқеага тааллуқли бошқа бир манзара ҳақида андак ғурур, кибру ҳаво билан гапиришни хуш кўради:

"Пешин бўлиб қолувди-ёв.

Хотин дод-вой қилиб олдимга келди. Тангир ҳеч қаерда йўқ, дийди. У томон қир, бу томон қир, қаерга кетайди, десам ҳам сира кўнмайди. Кўзини ёшини селдай оқизайди. Хотинди дийирмонга ташлаб, изғиб кетдим. Бу қисталоқ осмонга учдими, ерга кирдими, биров кўрдим, демайди. Кирмаган эшигим биргина Эшбоевнинг ҳовлиси қолувди. Мендан нима кетди, ака-укадай бўп кетган бўлсак, қисиниб ўтирдимми деб райиснинг эшигини тақиллатдим. Кириб нени кўрдинг денг? Чоғроқ қутидай бир нарса. Симини тўкка суқса ичида одами кўринайкан. Тағин денг, бийрон-бийрон қилиб ўзимиздинг тилда гапиришади. Икки қўлим ёқамда!.. Сингрийиб қопман... Эшбоев уйида экан. Манзиратли одам-да. Тўрга ўтинг, Довулбой, деди. Ўтмадим. Қисиндим. Хотини ола қараб тургандай кўринди. Уст-бошим ҳам ҳалигидай... туври дийирмондан чиқиб келяпманда. Шунда Эшбоев бир гап айтувди, ҳеч эсимдан чиқмайди: "Паланчи ака, дунёнинг янгиликлари

биздинг қишлоғимизга ҳам кириб келяпти. Худо хоҳласа, яқин беш-олти йил ичида хўжалигимдаги одамларнинг ҳаммасида мана шундақа дилбузар бўлади. Унгача бола-чақангиз минан ҳар замонда бўлсаям келиб дилбузар кўриб кетаберинг. Бу матаҳ ейилиб қолармиди!"

Кўнглим бир гупирди, бир гупирди...

Эшбоевдай одам дунёга бир келади-да, лекин айтдим, кўнглимда борини айтдим. Тоза ўлиб турганакан демасин, дедим-да. Қўйинг, раис бова, хўжаликда одам кўп бўлса, уларди ҳар бирига дилбузар обберіб, нима... Қўйинг, бизга шу яхши гапингиз ҳам етади. Биз дилбузарсиз ҳам яхши яшаяпмиз. Бир райислар бор, савлатидан от ҳуркади. Лекин халқини мирламайди. Бу гапни олдингизда эмас, орқангизда ҳам айтамиз, не тўлка мен, бутун халқ сиздан рози. Мингдан минг рози, дедим.

Эшбоев онграйиб қолди. Бир қизиқ қилиб қараб қўйди. Гапларим мойдай ёқди, лекин кўпни кўрган-да, билдиргиси келмади. Мендан нима кетди, дедим-да, мақтайбердим. Дийирмонда, ун ичида ўтириб унга зорман-ку, аслида. Ке, қўй, дедим-да. Эшбоев гапларимга чиппа чин ишонди. Сизга ўхшаган халқнинг ичидан чиққан одамларнинг гап-сўзларидан биламизда халқнинг аҳволини, деди димоғи чоғ бўлиб. Ҳа, деб қўйдим-да қўлтиғига сув пуркайбердим, пуркайбердим. Аслида бошқа бир гапди айтсам ҳам бўлайди. Қишлоққа иккита, тоза бўлмаса, битта артезан қудуқ керак, демоқчийдим. Тунов куни десангиз, муздай сув ичгим келиб, қудуққа пақир ташлаб, шундай тортиб олсам, нени кўрдинг денг? Ярим пақир сув... ичи тўла қурбақа! Катталари нақ пиёладай келайди. Майда-

20 20/10 A 75 nomidagi O'zbekiston MK

чуйдалари ҳам боракан, нуқул Эшбоевнинг "вилис"ига ўхшайди. Ҳай, тилим қичиди, лекин айтмадим. Турсунбой малим гапга уста, шу айтсин, дедим. Унинг қудуғидан зулук чиққан экан, кўмиб ташлабди. Турсунбой ҳар қалай муаллим одам, гапирса ярашади. Бу гап мендан чиқса, Эшбоев ўпка-гина қилиши турган гап. Оғайин бўлмасак ҳам, оғайиндай бўп кетганмиз, ахир! Кейин давленаси борлиги эсимга тушиб қолди. Диққати ошиб, ўлиб-нетиб қолса, не бўлади? Раҳбар одам, териси юпқа... Тўрт-беш кун қурбақадан қолган сувдан ичсак-ичиббиз-да, дедим..."

Кимдир биров: "Улингизди товдингизми, ишқилиб?" дея луқма ташлагандан кейингина тегирмончи раиснинг уйига нима учун борганлигини эслайди. "Бу энағар Эшбоевникида дилбузар кўриб ўтирганакан. Шу боламиз райисникида дилбузар кўриб катта бўлди ҳисоб. Шунинг учун анча истил бўлиб қолган. Шохмот деган балони дилбузарда кўриб, дувона бўлган-да!.."

* * *

Дарҳақиқат, тегирмончининг тўнғичи шахмат ишқибози эди. Ундаги қизиқишни оддий ишқибозлик деб бўлмасди. Бу қандайдир бошқача туйғу эди.

Эшбоевнинг юзидан заҳар томиб турадиган хотини очиқдан очиқ тўсрайса-да (баъзида уришиб ҳайдаб юборарди), болаларча сурбетлик билан куннинг истаган вақтида яланг оёқ кириб бориб, раиснинг болалари қаторида (гоҳида улар туриб кетишарди) қимир этмай ўтирганча соатлаб телевизор кўрадиган болакай бир кун келиб кўрсатилаётган киноюю томошалар ичида "Шахмат мактаби" деган қисқагина кўрсатув ўзига маъқул

келганини фаҳмлаб қолганидан кейин тупроқ кўчани чангитиб уйига югураркан, эндигина тегирмондан қайтган, уст-бошидан тортиб, қошукипригигача оппоқ гард қўнган отасининг белбоғига осилиб: "Менгаям шохмот ясаб беринг", дея жанжал қилган кундан бошлаб унинг ишқибозлиги аён бўлган эса-да, бунга на ота, на она эътибор берди.

Отасидан: "Пишт-е, сендан бошқа дарди-касалим йўқми!" деган силтовни эшитган бола мактабга, арифметика муаллимининг ҳузурига борган ва ҳаяжондан бир оз довдираган кўйи: "Менга шахмат ясаб беринг!.." дея илтимос қилган.

Муаллимнинг ўша вақтда иши тиғизмиди ёки қунт қилмадими, бирдан болакайнинг ҳафсаласини пир қилиб, рад жавоби берган бўлса-да, кейин кўнгли бўшлик қилиб умидбахш ваъдаларни бериб юборган, айтганки: "...яқин-ўртада шаҳарга борсам сенга давлат ишлаб чиқарган шахмат тахтасидан опкеб бераман. Уни папкангга солиб юрсанг ҳам, чўнтагингда олиб юрсанг ҳам бўлади!.."

Хурсанд бўлиб кетган бола нақ уч ой арифметика муаллимининг оғзини пойлади, дарсга кирганларида қўлларига умидвор тикилди.

Шовқи муаллим ўша ваъдасидан кейин бир эмас, бир неча марта шаҳарга тушган бўлса ҳам кичкина шогирдининг илтимосини унутган эди.

Умидлари пучга чиқса-да, ишқибозлиги сўнмаган бола бир куни Эшбоевнинг ҳовлисида тўнтарилиб ётган қоғоз қутилардан бирини олиб муаллимнинг уйига борган: "Муаллим, мана шу картонга шахмат катакларини чизиб беринг!.."

Мулзам бўлганидан андак қизаринқираган Шовқи муаллим ўша куниёқ картон қутининг бир бўлагига шахмат катакларини чизиб, оқ ва

қора рангларга бўяб берганди. Кейин касбига хос фидойилиги тутиб, болага шашка ўйнашни ўргатмоқчи бўлади. Лекин бола кўнмайди. Фақат шахматни ўрганаман, деб туриб олади.

Қалбида ҳавасу қизиқиш кучли бўлган бола муаллим ёрдамида олтмиш тўрттадан иборат оқ-қора катаклар нима, шахмат доналарининг номланиши, уларнинг жойлашувию ҳаракат йўналишларини... жуда зийраклик билан тезда ўрганиб олади.

У жуда секин, лекин ўжарлик билан ўйнаб муаллимни доғда қолдирарди. Айниқса, унинг шахмат доналарини сеҳрлаб олмоқчидек уларга қатъият билан унсиз тикилиши, сабр-тоқат билан соатлаб жим ўтириши Шовқи муаллимни ҳайратга соларди. Ахир, унинг ёшидаги болаларга бундай узоқ сукут сақлаш умуман ёт нарса-ку!

Буюрилган ишни чала-чулпа бажариб қўйиб картонини қўлтиғига қисиб, шахмат доналари ҳисобланмиш – оқ ва қорага бўялган турли шакл-даги тошлару ошиқлар солинган халтасини тутамлаганча муаллимникига югурган болакай отасидан тез-тез калтак еб турарди. Бироқ қизариб кетган юзидаги тарсаки тафти совимасдан туриб у бирор пана-пастқамга ўтиб олиб яна картон-тахта устига мук тушарди.

Олтинчи синфда ўқиб юрган кезлари у ўқувчилараро шахмат мусобақасида қатнашиб, кетмакет ғолибликни қўлга киритди.

Биринчи йирик мусобақага у тўққизинчи синфда ўқиб юрганида қатнашиши лозим эди. Аммо Довул тегирмончи розилик бермади. Бу вақтга келиб Тангриберди қўлидан иш келадиган дастёр бўлиб қолгани учун отаси уни ёнидан жилдиришни истамади.

– Шохмот сенга ош-нон бераймиди?! – деб бақирарди у жазаваси қўзиганидан шахмат тахтаси-ю доналарини дуч келган томонга улоқтириб юбораркан. – Қаёқдаги бекорчиларнинг ўйинига ишқи тушгани-чи! Артисликка қизиққанингдаям майлийди. Бир тўйга борсанг дунёнинг пулини топасан-ку, занғар! Савлатинг ҳам артисларга мос...

Ёшига нисбатан бўйи бир оз новча, бунинг устига жудаям ориқ-озғин бўлган Тангриберди дала ишлари тугул уй юмушларига ҳам уқувсиз эди. Унга бирор ишни ишониб топшира олмаслигидан отасининг хуноби ошарди.

– Ким айтади, сени Довул дийирмончининг ули деб. Кундан-кунга ийна еган итдай бўп боряпсанов. Шохмот сенинг жонингни олиб боряпти. Ҳадемай, сочинг тўкилиб кал бўп қоласан, бола!

Бундай хавфли дақиқаларда Тангриберди ерга қараганча мум тишлаб ўтирар, ич-ичидан эзилсада, отасига қарши бир сўз демасди. Буни безбетлик деб тушунган ота атай унга алам қиладиган сўзларни қалаштириб ташларди.

– Сен, бола, барибир, гўр ҳам бўлмайсан-ов. Мени давримда-ку гариллаб юрарсан. Битта жувдирчоч билан қолганингдан кейин... ҳай билмадим. Лекин!.. – мана шу кетидан ундов қўйилган сўзни ота алоҳида таъкид билан айтарди. – Лекин Эркабой!.. Худо хоҳласа, новвосдай жигит бўлади!

Кўз ёшлари юзини ювaётган ўсмир овоз чиқармасдан йиғларди... Катта-катта, серкиприк қўй кўзларини бир нуқтага қадаб тек қотганча... юм-юм йиғларди.

– Отангга тик қарама! – деб дўқ уради жаҳли чиқиб кетган ота.

Тангриберди қаттиқ сесканиб кетиб нигоҳларини “нуқта”дан узиб, ерга қарар, кўз ёшлари тийилиб, вазмин тортиб қоларди. Унинг жисмида ақлига нисбатан нуқсон (озғинлиги, нимжонлиги) сезилса-да, қайсидир авлодидан ўтган фавқулодда иқтидори, куч-қуввати ана шу сукутида мужассамлашгандек эди.

* * *

Шундай қилиб, Довул тегирмончи ўғлига мусобақада қатнашиш учун рухсат бермади. “Дам олиш куни Қўзибойнинг маккасини тортиб беришимиз керак”, деб туриб олди. Тангрибердини мактабга ҳам юбормай қўйди.

Мусобақа бошланишига бир кун қолганда...

Тепаликдаги тегирмоннинг эшиги олдига курсича қўйиб ўтирган Довул тегирмончи пастликдан бир-бир босиб юқорилаб келаётган Шовқи муаллимни кўриб энсаси қотди. “Оббо, ана, даллолчиликка ҳам келяпти! – деди у ўзига ўзи. – Энди бир соат бошни қотиради”.

Довул тегирмончи ўзини иши тиғиз одамдек кўрсатиш учун ичкарига қараб бақирди:

– Тангир! Сийпаланмай бўл тезроқ! Бир тонна маккани қачон тортиб бўламиз?!

Муаллим гўё унинг овозини эшитмагандай, иши тиғизлигини сезмагандай хотиржам тутди ўзини. Худди айланиб юриб келиб қолгандай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Нарх-наво, экинтикин, об-ҳаво, ҳатто ўриклар довча бўлган пайт бирдан бўрондек бостириб келиб, дарахтларни қарсиллатиб синдириб, довуччаларни тўкиб кетадиган шамол ҳақида ҳам сўзлашиб ўтирди.

Довул тегирмончининг хаёли чалғигандек бўлди.

Бир маҳал эътибор берса... муаллим шахмат ҳақида оғиз кўпиртиряпти!

ми, тегирмончининг ҳийласини аллақачон пайқаб улгурган, қанча кўп ялтоқланса суҳбатдоши ўзини тарозига солаверишини ўйлаб қовоғини солди, кетишга чоғланди.

Ниҳоят, тегирмончининг ўзи биринчи бўлиб гапиришга мажбур бўлди.

– Биз минг гариллаганимиз билан барибир оми одаммиз. Мен боламни жўнатдим ҳам дейлик, у ёқдагилар тағин... ҳалигини... ўзлари олиб...

Тегирмончи кўзларини жавдиратиб муаллимга боқди.

– Ҳақиқат бор, ака! – деди лабларида истеҳзоли табассум жилва қилаётган муаллим.

– Ҳақиқатингни бошимга ураманми? Мен дийирмонди ўйлаяпман. Тангир у ёққа кетса дийирмон ишламайди. Халқ бувдойини орқалаб қаерга боради? Менам энди қаридим. Аввалгидек куну-тун ишлашга ярамайман. Эшбоевга хўп ялиндим, битта ёрдамчи бер, деб. Бермади. Улингиз бор, сизга ёрдамчи не керак дийди! – Охирги гапни тегирмончи атай ўзидан қўшиб айтди. Муаллим эл ичида юрган одам. Бу гапни дарров оёқлатади. Қарабсизки, Довул тегирмончига пинҳона тиш қайраб юрганлар (улар бор, тўртта одамнинг бири албатта тегирмончининг душмани ҳисобланади) чапак чалиб қолаверишади. Айтишадики (балки ўйлашар), Довул дийирмончи анойи эмас. Аллақачон райис билан ишни пишитиб қўйибди. Энди дийирмондан умидимизни (умидимни) узсак бўлади!

– Тангир ғолиб бўлса албатта пул билан келади!

Муаллимнинг сўзлари тегирмончининг қулоғига булоқ сувининг жилдирашидек ёқимли эшитилди...

Дам олиш куни Тангриберди мусобақага кетди. Довул тегирмончининг бутун хаёли, фикри-зикри

мусобақага кетган ўғлида бўлди, илҳақ бўлиб унинг йўлига кўз тикди.

Тегирмончининг мақсади тегирмон талаш-тортиш бўлиб қолмасдан уни ўғлининг қўлига топшириш эди. Вақт-вужуд либосини эскиртиряпти. Соч-соқоли гард қўнмаса ҳам оппоқ бўлиб боряпти. Бугун бўлмаса эртага "тиш қайраб" юрганлар отилиб чиқиши ё ими-жимида Эшбоев билан тил бириктириб жиловини қўлидан олиб қўйиши мумкин. Лекин тегирмончи бунгача кутиб турмайди. Ўғли мактабни тамомлаши билан барча расм-русумларни адо этиб, "мерос"ни эгасига топширади-қўяди! Ана шунда, тиш қайраганлар (уларнинг борлигига тегирмончи шубҳа қилмасди, биров келиб ёқасига ёпишмаган бўлсада кимлардир, қаердадир унга қарши фитна тайёрлаётгани аниқ) тишларини қайраганча қолаверишади. Тегирмончилик улуғ мартаба. Шунинг ортидан саккиз жон кавшаниб турибди ахир!..

Хуллас, шу куни вақт тушдан оғгач, тегирмончининг ҳафсаласи пир бўла бошлади: "Дийирмончининг боласи-да, гўр бўлармиди?!" деган хаёл кўклам осмонини қоплаган қора булутдай дарди-дунёсини зимистон қилиб юборган бўлсада, кўнглининг туб-тубида мудраб ётган чалажон умид ҳам ора-сира бош кўтариб қоларди: "Биламан, Худо бу боланинг куч-қувватини миясига берган. Ҳадемай қўйни-қўнжи тўлиб келиб қолади!"

Довул тегирмончи синиқлик билан илжайиб қўйди. Тасаввурида ўғли бир дунё пул ёки... ёки телевизор-меливизорга ўхшаш каттакон совға билан кириб келаётгандек бўлаверди.

Дарвоқе, телевизор...

Худди Эшбоевникига ўхшаш "дилбузор" олиш истаги тегирмончининг кўнглида айнан ўша Эш-

боевнинг уйида қутига ўхшаш нарсани кўрган кунидан кейин туғилганди.

Гарчи Эшбоев "хўжалигини телевизор билан таъминлаш"ни бўйнига олган бўлса-да...

Гарчи айтилган муддатдан ўтиб кетилган бўлса-да...

Тегирмончи барибир, телевизор кутиб яшарди. Назарида, Эшбоев бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса индинга одамларни телевизор билан таъминлаб қоладигандек туюлаверарди. Балки бу гап Эшбоевнинг эсидан чиққандир. Чунки ўшандан кейин у бундан бошқа-бошқа ваъдаларни ҳам бериб юборган. Қай бир йили тўхтовсиз эзиб ёққан ёмғирга дош бера олмай қулаб тушган деворни қайта тиклаш учун пой деворига тош тераётганида йўлдан ўтаётган "Виллис" тўхтаб, ундан икки юзи хўрознинг тожидай қип-қизил Эшбоев тушиб, кулимсираганча шу томонга юрди. Тегирмончи ҳали оғзини ҳам очгани йўқ эди.

– Ҳали бу уйларингиз ўрнида пойдевори бир ярим метр келадиган ҳақиқий кошона қуриб берамиз, Довулбой!

Эшбоевнинг дўрдоқ лабларининг бир четидан учаётган сўзларни эшитган тегирмончи ҳушидан кетиб қолаёзди.

Ундан сал олдинроқ эса...

Тегирмончи ҳали ўғлининг қўлини ҳалолламаган эди. Эрта, деди... Индин, деди... Чоғим келсин, деди. Бир кун қарасаки тўнғичи бу ёқда турсин, кенжатой ўғлининг-да бўйи чўзилиб қолибди. Чамалаб кўрса, чоғи ҳали ҳам келмабди. Шартта юзини сидириб ташлаб, хўжалик идорасига борди. Минғирлаб аҳволини тушунтира бошлаган ҳам эдики Эшбоевнинг гулдираган овози гапини чўрт кесди:

Эшбоев ойга ўхшаб одамларга ярқироқ томони билан кўринарди. Қоронғу, ёришмайдиган томонига эса шу пайтгача ҳеч кимнинг кўзи тушмаган...

Мана, энди, тегирмончига ҳам Худо "ол, қулим" дейдиган кун келиб қолди-ёв.

Довул тегирмончи умрида илк бор ўғлининг иқтидорига тан берди.

Бир маҳал қияликда югургилаб келаётган қизига кўзи тушган тегирмончи ўрнидан туриб кетганини сезмай қолди.

– Ота!.. А-акам келди. Биринчи ўринни опти! Икки кундан кейин яна бораймиш!..

Довул тегирмончи қалтираб кетди.

"Дийирмончининг боласи ҳам юртга танилибди!" деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Бир лаҳза... атиги бир дақиқа фахрланиш туйғуси юрагини қамраб олди. Кейин туйқусдан бир дунё пул... телевизор ҳақидаги орзуси эсига тушди-ю шоша-пиша энги-бошининг чангини қоқа бошлади.

– Сен дийирмонда ўтира тур. Битта-яримта кеп қолса, айтгин, отам насияга ун тортмас экан, де. Кўнгли бўшлик қилмагин тағин, нақ кунингни кўрсатаман-а! – Тегирмончи муштини дўлайтирди, ҳовлиққанча икки-уч қадам одимлади-ю дарҳол изига қайтди, гард қўнган сийрак киприкларини пирпиратганча қизига юзланди. – Акангди... қўлида у-бу бормиди?..

Қиз елка қисди-да:

– Билмадим, – дея жавоб берди бир оздан кейин.

* * *

Уйга яқинлаб қолганларида муқовасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган "Ёрлиқ"ни кўксига

босганча кўзлари ёниб келаётган Тангрибердини Шовқи муаллим енгидан тортиб тўхтатди. Бир зум тараддудланиб турди-да, йигитнинг озғинлигидан сузма халтадай осилиб турган шими чўнтагига нимадир солиб қўйди.

– Боргандан кейин отангга бер. Қувониб қолади...

Тангрибердининг нафақат юзидан, ҳатто кўзларининг ичидан иссиқ чиқиб кетди.

– Керакмас!.. Керакмас!.. – дея хитоб қилди у овози қалтираб. Пулни олиб эгасининг чўнтагига солиб қўйди. – Отам ўзи... сал шунақа... Пулни яхши кўради!..

– Ахир, қандай қилиб... Нима дейсан?..

– Ҳозирдан пул олиб боришимга ўрганса, кейин нима бўлади?

Муаллим пулни чўнтагига солди, аммо кўнгли ғаш бўлиб қолди...

Кўчага қараган дераза олдида тик турган Тангриберди отасининг ҳовлиқиб ўтиб кетганини кўриб... ичидан зил кетди.

Калтак зарбини ҳис этган вужуди жимирлади...

Аммо отаси рўпарў келганида ростини айтди.

– Биринчиликни олдим, ота. Лекин бир тийин ҳам беришмади. Бунақа мусобақаларда пул тўланмас экан.

– Қанақасида тўланаркан?.. – анқовликка олди ота ўзини.

– Катта-катта халқаро турнирларда...

– Нега ўша катта-каттасига қатнашмадинг?

– Ота, ахир...

Йигитча қўққисидан юзига тушган тарсаки зарбидан девор ёнига учиб тушди. Ҳирсдай тегирмончи бақувват қўллари билан силтаб ўғлини ўрнидан турғазди-да иккинчи юзига ҳам тарсаки туширди.

– Бир сўм бермаса ... ни еб юрибсанми?

Эшик зарб билан ёпилганда уй деворлардан тортиб дераза ромларигача зириллаб кетди.

Шифтдан бир ҳовуч тупроқ тўкилди...

Довул тегирмончи тупроқ кўчани чангитиб, ёнверига ҳам қарамасдан ғизиллаб тегирмон томон кетаркан ичида ҳадеб ва ҳадеб Шовқи муаллимни бўралатиб сўкарди.

Орадан кўп ўтмасдан, отасининг "иситмаси" тушиб улгурмай Тангриберди яна мусобақага бориш учун рухсат сўради. Тегирмончи миқ этмади. Ўғлининг юзига ўқрайиб қараб қўйди-да, индамай уни қўлидан етаклаб бориб ертўлага киритди. Сўнг отнинг калласидай қулфни ертўла эшигига осиб қулфлаб қўйди...

Ўша мусобақага Тангриберди бора олмади.

Бироқ кейин йўлини топди. Мусобақа бўладиган куни турли баҳоналар билан уйдан чиқишнинг ҳадисини олволди. Ўнинчи синфни тамомлагунча у туман, вилоят чемпионлигига кўтарилди. Бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди, лекин бирортасини ҳам на отаси, на онасига кўрсатди.

Кейин эса армияга кетиб қолди.

Шундан кейин шахмат деган бало Довул тегирмончининг оромини ўғирлаб, хаёлини банд этмай қўйди.

Оилада хотиржамлик ҳукм сура бошлади...

II

Бўйи ёшига нисбатан анча дароз, озғинлигидан эгнидаги кийимлари мисол йирик мускулларини ўраб турган пуштиранг териси осилиб қолган, қорачиқлари юлдуздай порлаб, зийраклик

билан боқса-да, отасининг зулмидан қўрқиб пана-панада дув-дув кўз ёши тўкадиган йигитча икки йилдан сўнг ҳарбий формада қишлоққа кириб келганида уни кўпчилик танимай қолди. Сочлари тепага таралганидан кенг пешонаси ярқ этиб кўзга ташланган, истараси иссиқ, барваста йигитни кўриб Довул тегирмончининг ўзи ҳам бир сесканиб тушди.

Бир ҳафтача келди-кетди бўлиб турди.

Ота-бола ёлғиз қолишдан, бақамти келишдан чўчиётгандек туюларди.

Ниҳоят, саккизинчи кунмиди ё тўққизинчими,

– Нима энди... Тегирмончининг боласи тегирмончи бўлиши керак, деб шу тоғлар орасида ўтиб кетаверамизми?!

– Дийирмончи бўлиб бировдан бир бурда нонни кам едингма?

– Қора нонга обдон тўйганмиз!..

– Ношукр бўлма, бола. Тилингни узиб оламан!

– Кетмасам бўлмайди, ота!

– Нима бало, битта-яримта санқи хотинга илакишиб қолдингма?

– Э!..

– Гап шу, ҳеч қаерга кетмайсан. Ота-бобамизнинг касбини қиласан!

– Мен бутунлай кетаман деяпганим йўқ... – деди Тангриберди энди зорланиб. – Армияда шахмат билан кўп шуғулландим. Мусобақаларда қатнашдим. Ишимни яна давом эттиришим керак. Тренерим Алмаз аканинг ўзи бирга келмоқчи эди. Мен йўлдан қайтардим...

– А-ҳа, ана энди ичингдагини айтдинг! – Тегирмончининг кўзлари ялтираб кетди. – Кўнглим сезиб турувди. Шу ёқларда ҳам тинч юрмабсан-да!

– Ота...

– Хўш, неччи марта ютдинг-у неччи марта ютқаздинг?

– Ана, қоғозлар дипломатда турибди.

– Қўзибойди боласи армиядан битта мотосекди пулини ишлаб кепти. Сен!..

Эски ғишава бошланаётганидан безган йигит чидаб тура олмади:

– Пул йўқ! Пул йўқ! Бир сўм ҳам беришмади. Ўзим ёнимдан пул тўлаб қатнашдим.

– Ҳай, аттанг!.. – Тегирмончи каппадай калласини чангаллаган кўйи жим қолди. Анчадан

кейин бошини кўтариб қараркан, фавқулодда хотиржамлик билан сўради: – Қани ўша қоғозларинг? Кўрсам бўладими?

Тангриберди яп-янги, залворлигина сумкасини ичкари уйдан олиб чиқиб, жимитдай калит билан уни очди. Бир қанча қалин муқовали ёрлиқларни отасига узатди. "Отам ўқиган билан тушумайди. Шунчаки кўрмоқчи шекилли", деб ўйлади йигит.

– Анови нима? – ялтироқ қоғозга ўроғлик нарсага имо қилди ота.

– Буми... – Тангриберди бир оз иккиланган ҳолда ялтироқ қоғозни очди. – Бу шахмат тахтаси. Яп-янги! Бунда бир қўл ўйнаганман, холос.

– Бу ёққа бер!..

Довул тегирмончи керакли нарсаларни йиғиб олди-да, ўрнидан турди. Тўғри ўчоқ бошига борди. Кули олинмаган тандирга қўлидаги нарсаларни тиқди-да, устидан керосин қуйди...

Қоғозлар гуриллаб бир зумда ёниб битди.

Шахмат тахтаси эса... бир ловуллади-ю, кейин нимагадир тутай бошлади.

Оқ ва қора "Шоҳ"лар ўз сипоҳлари билан ерда сочилиб ётарди.

Тегирмончидан чиққан шахматчи эса ранги бўздай оқарганча ҳайкал бўлиб қолганди...

Тегирмончи ҳеч нарса бўлмагандай жойига келиб ўтирди. Гапини тўхтаган еридан давом эттира бошлади:

– Отам отасини боқди, саксондан ошиб қазо қилганида иззат-икромминан кўмди. Вақти келганида менам отамнинг қўлидан ишини олдим, боқдим, ўлганида ўзим кўмдим. Лекин мен ўлсам ўлигим эгасиз қоларкан...

Довул тегирмончи бирдан жимиб қолди. Димоғи ачишиб, милклари намланди. Бу ҳолдан

негадир ийманмади. Кўзларидан думалаган икки томчи ёшни атай ўғли кўрсин учун... артиб ташламади.

Тангриберди ўрнидан тура солиб эгнидаги оҳорли кўйлагини ечиб уй тўрига улоқтириб юборди. Кейин майкачан ҳолда шахт билан юриб ташқарига чиқиб кетди.

Эшик ёпилган асно тегирмончи ошхона деразасидан мўралаб турган хотинини имлаб чақирди.

– Қариндош уруғданми, бегонаданми, тузувроқ қиз топ! Уйлантириб, бу боланинг оёғига тушов солиб қўймасак қочиб кетишдан ҳам тоймайди. Лекин қиз ҳаддин чиройли бўлсин!..

Турмуш икир-чикирлари тўлиб-тошган мияси да бехосдан пайдо бўлган янги сўз, янги фикр тегирмончини ҳайрон қолдирди. Одатда, у аёлларни ҳуснига қараб фарқламасди. Ош-овқатингни қилса, бола туғиб берса бўлди-да. Бу дунёда ҳамма нарса ўз ҳолича қолмайди. Янги лаган ҳам бир кун келиб эскиради, сири кўчади, оҳори кетади...

Довул тегирмончи ўйлай-ўйлай охири "истил" бўлиб кетган ўғлининг тақдирини Эшбоев билан биргаликда ҳал қилишни кўнглига тугди.

Қолаверса, Тангриберди саркашлик қилгани учун унга атай тегирмонни тиқиштиргани билан аслида нияти бир оз ўзгарган эди. Басавлат, башанг ўғлини мудом чанг-тўзон аримайдиган тегирмонга раво кўрмай қолганди тегирмончи...

* * *

Раис тегирмончини хушламайроқ кутиб олди. Тегирмончи буни дарҳол сезди, бир зумда кўнглидан не тусмоллар ўтмади, аммо бирови ҳам думини тутқазмади.

Шунинг учун эски усули мақтовга зўр берди. Мақтаса Эшбоев қуруқ қўл билан чиқариб юбормаслигини биларди. Айтмоқчи бўлдики, одамларга бош бўлиш ҳам осонмас, лекин илож қанча, биров тепадан бошқариб турмаса одамзод хом сут эмган банда, тентак қўйдай боши оққан тарафга улоқиб кетиши турган гап, ...шунга ўхшаш бир оз дудмол, бир оз чучмал, бири бошидан, бири кетидан, тумтароқ, аммо бир неча кундан буён содда қалбини ҳаяжонга солган (тумтароқ бўлсада жумла тузиш осонми) сўзларни батафсил баён қилгандан кейингина асосий мақсадга ўтди.

– Улимиз ҳарбийдан сал бебошроқ бўлиб қайтди-ку, райис бова, – деди у бирдан тўлиқиб кетиб. – У десам, бу дийди, бу десам у... Келганидан бери қитиқ патимга тийиб юрибди-да. Ўзингиз тартибга солиб бермасангиз бўлмайди.

Эшбоевнинг юзи ой баркашидек ялтираб турса-да, ёғдуси хиралашган, хўроз тожидек қипқизил ёноқларида қорамтир доғчалар кўзга ташланиб турарди. Пешонасида ажинлар ҳалинчаги пайдо бўлганди.

– Лангал гапиринг, нима дийди ўзи?! – Раис-

билан не ишим бор!..” Ўйлари далда бўлиб қаддини тиклади.

– Мен-ку эркак одамман, не ўтса ичимда. Лекин энасига қийин бўляпти-да. Ҳаммамиз ҳам энадан бино бўлганмиз...

“Эна” сўзини эшитиб раиснинг қарашлари маҳзунлашди. Яқинда тўқсонга кирган онаси қазо қилганди. Раис онаси жон берар чоғида тепасида бўлолмаганидан армонда эканлиги тегирмончига маълум эди.

– Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Тегирмончига айнан шу жавоб керак эди.

– Идорадан иш товиб берсангиз дебидим, – деди у бирдан жонланиб. – Ҳисоб-китобга калласи зўр ишлайди!..

– Бўпти. Бир ҳафтадан кейин келсин. Гаплашамиз.

Эшбоев шу билан қутулдим деб ўйлаб олдидаги қоғозларни титкилай бошлади.

Довул тегирмончи эса кетишга шошилмасди. Ниманидир айтишга ботина олмаётгандек Эшбоевга мўлтираб тикилди.

Эшбоев қоғозлардан бош кўтаришга мажбур бўлди.

– Нима гап яна?

– Улимга қанча... ойлик берилади?

Эшбоев ғалати қараш қилди, чоли қурғур ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган боласини ишга олишга рози бўлиб қанчалик мурувват қилганимни тушунмаяпти чоғи, дегандай...

Тегирмончи учлари оқара бошлаган киприкларини пирпиратганча раисга умидвор тикилиб тураверди.

Эшбоев энсаси қотганини сездириш учун илкисроқ жавоб қилди:

– Бораверинг-чи, қолганини улингиз билан гаплашамиз.

Довул тегирмончи идорадан таъби хира бўлиб чиқди. Гоҳ тепага ўрлаб, гоҳ пастга эниб кетган йўл четидан қўлларини орқага қилганча ўй суриб бораркан, раиснинг ўзгариб қолганини ич-ичидан ҳис этди. Аввалари бундай эмасди, деб ўйлади тегирмончи. Қишлоқнинг итини ҳам кулиб қарши оларди. Раислик курсисида узоқ ўтириб қолганига мана шу самимийлиги кўпроқ сабаб бўлгандир. Энди бўлса... Эшбоевнинг ўзгариб қолишига балки "тегирмон даври" ўтгани сабабдир...

Довул тегирмончи юришдан тўхтаб, калиши ичига тўлган тупроқни тўкди. Шу баҳона ортига, хўжлик идораси томонга қаради. Шу пайтгача раисдан бунчалик кўнгли оғримаганди...

Тегирмончи юришда давом этди.

Йўлда бир-бири билан қучоқлашиб, оғиз-бурун ўпишаётган пиёнисталарга кўзи тушиб "тегирмон даври" ҳақидаги ўйлари эсига тушди.

Яқин уч-тўрт йилдан буён хўжаликда буғдой экиладиган ерлар кескин камайтирилган, унинг ўрнига турли навдаги ток кўчатлари ўтқазилиб, гектар-гектар ерлар узумзорга айлантирилмоқда эди. Бундан қишлоқ аҳли ишсиз қолгани йўқ албатта. Буғдойзорда ишламаса, узумзорда ишлашади. Лекин узум буғдой эмас-да! Узумзорнинг меҳнати кўп-у, меҳнат пули кам эди. Майиз қилиб бўлмас экан. Бола-чақанинг бир тўйганини айтмаса. Буғдой ўз оти билан буғдой-да! Буғдой уни одамларни тўйдирса, сомони мол-ҳолнинг кунига яраб турарди. Ўрим вақтида уддабуронлар тонна-тонналаб буғдой ғамлаб олишарди. Эпсизлар ҳам буткул қуруқ қолишмасди, бошоқ териб қишлигини ғамларди. Бундан ташқари йиллик даромад эвазига ҳам кўпинча буғдой бериларди.

Узумдан кўнгли тўлмаганлар оғзи ботир деб тегирмончининг эски ошнаси Қўзибойни раис билан гаплашгани юборганида, Эшбоевнинг ранги ўчиб кетибди. "Нафсингни катта қўйсанг, тўйганингни билмайса-да. Нимангга етмаяпти ўзи?" деб Қўзивойни анча сиқувга олибди. Қўзибой дегич ҳам тап тортмабди: "Раис бова, эмасам узумди биз бопидан эктиринг. Бунингиз олчадай тирсиллаб тургани билан мийиз қилиб бўлмаса, ширасининг ҳам мазаси йўқ. Ҳеч нарсага ярамайди!.."

Шунда Эшбоевнинг жаҳли чиқиб кетибди.

"Бу узумларнинг навини Грузиядан опкелтирганман. Грузиядан! Бундан зўр вино ишлаб чиқарса бўлади. План тўлганидан кейин ортган узумлар ириб-чириб ётмасин, силар ҳам бир ўзларингни синаб кўринглар. Бу ёғини сўрасанг, грузинлар вино ишлаб чиқариб бойиб кетган халқ! Ўзларинг дангасасилар, Қўзибой, дангаса!.."

Қўзибой ўша куни ўзини илҳақ кутиб турганларга Эшбоевнинг бу сўзларини айтмади. Ичида олиб қолди. Биринчи бўлиб ўзи мусаллас тайёрлаб, татиб кўриш истаги юрагига қутқу солаётганди.

Яширинча тайёрланган мусалласни бир ҳафта давомида ўзи ичиб юрди. Кейин нимагадир зерикди. Бировга сотиш эсига келмади. Ёлғиз ичиш бўлмас экан, деган фикрга келиб невараларидан бировини юбориб Довул тегирмончини чақиртирди. Тегирмончи мусалласдан бехабар, иши тиғизлигини баҳона қилиб бормади. Қўзибой неварасини бошқа бир ошнасиникига ғизиллатди.

Шундай қилиб, сир ошкор бўлди. Энди билган ҳам, билмаган ҳам мусаллас тайёрлаш билан андармон бўлиб қолганди. Энди одамлар кечқурунлари уч-тўртта бўлишиб бир ерда тўплани-

шар, мусаллас солинган идишнинг таги кўриниб қолгунча ичишар, кейин... кейин эса... чексиз бахтиёр кимсалардек ширакайф кўзлари сузилганча... қартабозлик қилишарди. Ютқизган бир шиша вино опкелади.

Қартабозлик қизигани сайин ҳангома ҳам авж оларди: кимнинг виноси зўрлиги-ю кимникига сув аралашгани, кимнинг томорқасидаги картошка қанча ҳосил бергани-ю, кимнинг картошкасига қурт тушгани ва яна... яна кимнинг қизини оёқ олиши чатоқ экани-ю, кимнинг хотини нимага жерик бўлганлиги ҳақида соатлаб оғиз кўпиртиришарди. Баъзида ҳангома тортишувга айланар, тортишув авжига чиқиб жанжал-тўполон бўлиб кетарди.

Фақат Довул тегирмончи бундай давралардан ўзини четга олиб юрарди. Иштиёқ йўқлигидан эмас, асло. Тегирмондан айрилиб қолишдан чўчирди. Ичиб-нетиб юргани Эшбоевнинг қулоғига етса кўнгли қолади. Жаҳли чиқса... ким билади, Эшбоевга тегирмончи қаҳатми? Нон бўлса нонхўрак топилади.

Довул тегирмончи аллақандай шовқин-суронни эшитиб, ҳушёр тортди. Қараса, қишлоқ дўкончаси олдида турибди. Хаёли қочганлигини пайқади. Шовқин-сурон сабабини ҳам англади. Дўконга ун келган экан!

Яқингача дўкондаги унни қимматсиниб, қоп орқалаб тегирмонга зир қатнаган одамлар энди бир қоп ун учун дунёни бошларига кўтаришарди. "Тўрт кило ун нима бўлади? Касалманд энамнинг овқатига ҳам етмайди-ку!.." деганга ўхшаш жириллашлар анча ергача тегирмончининг қулоғига эшитилиб турди.

Довул тегирмончи ичида жиртак чалди. Шунинг баробарида хаёлига ярқ этиб бир фикр келди.

“Турсунбой муаллимга айтиб Эшбоевнинг устидан ўхшатиб жалоба ёздирсаммикан? Тангирни ишга олмаса устолига тўқ этказиб қўяман шуни!..”

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Йўлни қияликдаги Турсунбой муаллимнинг уйи томон бурди.

Турсунбой муаллим уйда ухлаб ётган экан.

Хотини: “Дийирмончи акам келди, туринг”, деб қанча турткиласа ҳам уйғонмади. Ёнида думалаб ётган мусаллас юқи банкани кўрган тегирмончи сирғалиб уйдан чиқди.

* * *

Кунлар ўта бошлади.

Тегирмончи: “Бир ҳафтадан кейин Эшбоевнинг идорасига борасан”, дея ўғлига тайинлаб қўйганди.

Аммо Тангриберди идорага боришни хаёлига ҳам келтирмади. Бўш қолди дегунча аллақаердан топиб келган шахмат тахтаси устига мук тушарди. Соатлаб шахмат доналарига тикилиб ўтирарди. “Қилт” этмасди. Бир ўзи ҳам “оқ”лар тарафда, ҳам “қора”лар томонда туриб ўйнарди. Одати бўйича жуда секин ҳаракат қиларди. Аҳён-аҳёнда от ёки филни суриб қўйиб яна “қилт” этмай ҳаракатсиз қотарди. Ташқи дунёни буткул унутарди гўё. Егулик келтирган онаси Бувзилол байча ҳайрон бўла-бўла чиқиб кетарди. Тирикчилик ташвиши, ўйин-кулги йигитни қизиқтирмасди. Гўё ҳамма орзу-ҳаваслари йитиб битган-у, олдидаги шахмат тахтасидан бўлак ҳеч нарсаси қолмагандай. Аввалари писанд қилмаган бўлса-да, ҳарбийдан келганидан буён ҳаворанг футболкасини кийиб мускуллари тирсиллаб юрган йигитни кўрган қизлар

бу гал ўзлари кўз сузаётган бўлсалар-да, Тангрибердининг хаёлини чалғита олмасдилар.

Тангриберди учун оқ-қора катакларда дунё бор бўй-басти билан намоён бўлар, ғам-ташвиш, қувонч-шодлик, ҳаяжону эҳтирос – ҳамма-ҳаммаси айни ўша олтмиш тўрт катакка жо бўлгандек гўё. Теварагини қуршаган борлиқнинг золимона бир хиллиги, зерикарли оҳангги бадига ургандек, барча-барчасига қўл силтаганди.

Фақат... Толиққан кезлари шахмат тахтасинини қўлтиғига қисиб аста уйдан сирғалиб чиқиб, Шовқи муаллимникига йўл оларди.

Ҳарбийдан келганидан кейин биринчи марта йўқлаб борганида муаллим хурсанд бўлиб кетганди. Қайта-қайта қучоқлашиб кўришиб, тўрга ўтқазаркан муаллим хижолатли кулимсираб "чой"га чақира олмагани учун узр сўради. Ва хотини ёзган ғарибона дастурхон устига ўғли келтирган сопол идишдаги мусалласни қўяркан:

– Бугун бир отамлашайлик, – деганди.

Кейин муаллимлиги эсига тушибми, бир оз қизаринқираган ҳолда:

– Бизда ҳозир шунақа... – деб қўйди.

Ўртага ўнғайсиз сукунат тушди...

Сукунатни Тангрибердининг овози бузди:

– Келинг, шуни ҳангомага қўшмайлик, Шовқи ака, – деди у ва сопол идишни четга олиб қўйди.

Шундан кейингина ўртадаги ўнғайсизлик кўтарилиб, гап-гапга қовушди.

Лекин "сопол идиш" муаллимнинг эсидан чиқмаган экан. Кетиш тадоригига тушган Тангрибердига истиҳолали назар ташларкан:

– Ановини бекор олиб қўйдинг. Отанг эшитса хафа бўлади. Улимни одам ўрнида кўрмабсан деб!.. – деди.

– Парво қилманг, жуда бўлмаса, отамга Шовқи аканикида ичабериб, бўкиб қопман, дейман, – деди Тангриберди кулиб.

Шундан кейин улар тез-тез учрашиб турдилар. Суҳбатлари асосан ҳарбийлик даври ва шахматга оид янгиликлар ҳақида бўларди. Фақат бир марта ҳангома сал бошқача тус олди. Кўзлари киртайиб, ранги кетиброқ қолган йигит одатдагидан фарқли равишда, анча вақт ерга қараб ўтириб-ўтириб, охири ийманиб кўйлагининг кўкрак чўнтагига қўл солиб, у ердан қандайдир сурат олиб муаллимга кўрсатаркан:

– Музайяна деган қиз... – деди пичирлагудек бўлиб.

Кейин муаллимнинг юзига зимдан назар ташларкан изоҳ берди:

– Алмаз аканинг қизи. Тренерим у киши. Отамнинг олдига келиб ўзи рухсат сўрамоқчи эди. Мен кўнмадим. Қайтиб келаман дегандим...

Муаллим киртайган кўзлар тубига чўккан мунг соғинч эканини пайқаган. Лекин бирор йўриқ беришга истиҳола этган. Эҳтимолки, Довул тегирмончининг ғазабидан қўрққан...

Орадан икки кун ўтгач қишлоқда Довул тегирмончининг ўғли қочиб кетибди, деган миш-миш тарқалди. Кечга бориб миш-миш бошқача тус олди, эмишки Довул тегирмончининг ўғли узоққа кета олмабди. Поездга билет олиш учун навбатда турганида отаси билан яна биров бориб тутиб олишибди. Довул тегирмончининг жаҳли чиқиб ўғлини ертўлага қамаб қўйибди.

Бу гапларни ҳаммадан кейин эшитган Шовқи муаллим юраги така-пука бўлиб, хабар олгани борганида... Тангриберди чиндан ҳам ертўлада эди!..

Муаллимнинг барча уринишлари зое кетди. Довул тегирмончига гап уқтириб бўлмади.

– Менинг оғзим бадрапдан ҳам баттар. Абийирингизни борида жўнаб қолинг! – дерди тегирмончи ғазабдан қалт-қалт титраганча. – Сизди шаропатингизминан улимдан айрилиб қолишимга сал қолди-ку! Яна ҳовлимга изингизни боссангиз... қарғайман. Ўнгмайдиган қилиб қарғайман!..

* * *

Довул тегирмончи бир вақтлар, қарчиғайдек йигитлик даврида уйланмасдан олдин бир уй, бир даҳлиз солган эди. Ошхона ва яна бошқа бало-баттарлар ҳали йўқ эди унда. Даҳлиз ошхона вазифасини ўтарди. Эрта-индин келин келаман деб турибди-ю, тегирмончи (ўшанда ҳам тегирмончи эди) даҳлиз остидан ертўла қазиган. Ният шундай эди: "Тангрим мениям ватанли қилса энг аввал ертўла қазийман. Ичини дондунга, ёғ-мойга тўлдираман. Қачонки, бир кун келиб уруш ё очарчилик бошлангудек бўлса, ҳеч қачон оч қолмайман!.." дея ният қилганди... кимсасиз даштда, туяқорин панасида инига кириб кетган каламушнинг қайтиб чиқишини пойлаб ўтирганида!..

Эҳ-ҳе, у пайтлар уруш даври эди.

Отаси беш ака-ука эдилар. Бешови ҳам урушдан қайтмади. Кетиш олдидан отаси кичкина Довулбекни қучоқлаб хайрлашаркан: "Армияга кетяпман, улим. Тезда қайтаман", деганди. Лекин отаси ваъдасини бажармади, армиядан қайтмади...

Онаси, акаси, иккита синглиси очликдан шишиб ўлди. Довулбек уларнинг қаторига кириб қолмаслик учун қўлига нима илинса оғзига тиқди. Бир гал даштда изғиб юриб қилтириққина

каламушни кўриб қолиб, роса қувлаб ета олмаган, каламуш қандайдир тешикка кириб кўздан ғойиб бўлганди. Шунда кичкина Довулбек туякорин панасига ўтиб икки кун каламушнинг инидан чиқишини пойлаган, кутган, оғзининг сўлаги оқиб-оқиб кутган. Каламуш қайтиб чиқмаган. Шунда... қорни оч, силласи қуриб бораётган Довулбек бир этак тош териб олиб, уларни битта-битталаб ғажий бошлаган.

Тошни еб бўлмаслигини била туриб... иштаҳа билан тош ғажирди!

Қовурғаларига ёпишиб, бор-йўқлиги билинмай кетган ошқозонини сўлак билан алдамоқчи бўларди: ана!.. ана, овқат!.. Ҳозир... Мана ҳозир!.. Сўлак билан қовзанган ошқозон зум ўтмасдан яна буралиб оғрирди. Болакай қўллари қалтираганча тағин тош ғажишга тушарди...

Бу ҳол тош бехосдан қаттиқ тегиб, озиқ тишларидан бири ярмидан синиб тушганидан кейингина барҳам топди. Аммо орадан йиллар ўтган бўлса-да, тегирмончи ҳали ҳамон тушларида тош ғажийди. Тонг саҳардами ё ярим кечасими чўчиб уйғониб кетади. Қалт-қалт қилаётган вужуди ўзига келгач англайдики, уйқусини бузган нарса, ғажиган тошларининг ғижирлаши эмас, синган озиқ тишининг лўқиллиб оғриши экан. Синиб, яримта бўлиб қолган, бунинг устига кўкариб кетган тишининг "умри" узун чоғи, бошқа, қилт этмаган тишлари тўкилиб боряпти-ю синиқ тиш қимир этмайди.

Уйланмасдан олдин ертўла қуришининг сабаби шу эди. Оч қолмаслик! Тегирмончига умр бўйи қўлтиқтаёқ бўлган шиори шу эди.

Унинг миясида очлик йилларидан қолган "ғовак" ҳеч қачон тўлмасди.

Яна қачондир очарчилик бўлади-ю... Яна қачондир...

Бу сафар ҳаёт тегирмончини доғда қолдира олмайди. У аллақачон келажак тадоригини кўриб қўйган. Ертўлада темир бочкаларда камида икки йилга етадиган буғдой, бидонларда эритилган ёғ-мой ғамланган. Рўзғорда ёғ тугаб қолса иккиуч кунлаб овқат қилинмаса қилинмайдики, ертўладаги ёғга ҳеч ким тегинмайди. Бир маҳаллар эмизикли Бувзилол байча ертўлага тушиб бидондан ёғ олганини билиб қолган тегирмончи кетмондаста билан уриб аёлини беланги қилиб қўйишга сал қолганди. Шу-шу, Бувзилол байча ертўлага яқин йўламайдиган бўлди.

Довул тегирмончи борлиқ тинчиб, одам оёғи тийилгач мойчироқни ёқиб ертўлага тушади. Йиғнаган "хазина"ларини бирма бир кўздан кечиради. Буғдойга каламуш тегмадими? Ёғ бидон очилмадими? Ертўланинг бир бурчида, буғдой бочканинг орқасидан қўл узатса етадиган бир ёриқ бор. Тегирмончи орттирган тўрт-беш сўмини тамаки дони солинган рўмолчага тугиб, устидан селофанга ўраб ип билан чирмаб, кейин ўша ёриққа тиқиштириб қўярди. Тутаб ёнаётган мойчироқ ёруғида эринмасдан пулларини санарди. Чолворининг липпасига ва ундан ҳам ичкарироқ ерга яширган пулларини олиб, рўмолчадагисига қўшиб бир бошидан қайта ҳисоблайди. Кейин муштдайгина бўлиб қолган тугунни яна аввалги жойига тиқиб қўяди...

Ертўлада зах, моғор ва яна қандайдир ёқимсиз уфунат уфуриб турарди. Кичикроқ темир эшиги зичлаб ёпилса ичкарига бир тутам нур ҳам тушмасди.

Калтак зарбидан аъзойи-бадани моматалоқ бўлиб кетган Тенгриберди шу ертўлада икки кун

қимир этмай ҳушли-ҳушсиз ётди. Қолаверса, бу ерда ўрнидан туришга ҳожат ҳам йўқ. Барибир ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Эшик шундай зичлаб ёпилгандики, бир тутам ёруғлик тушмасди. Тундай зим-зиё қоронғулик ютаман дейди... "Ўлсам ўларман, лекин аҳдимдан қайтмайман! – дерди у ўзига ўзи ҳушига келган пайтлари. – Ертўлада ириб-чириб кетсам ҳам отамга ялинмайман!.."

Бироқ учинчи кунга бориб ўрнидан турмасликнинг иложи бўлмади. Ошқозони бураб оғрий бошлади. Бу камлик қилгандай, ўнг томонда қовурғасининг остида санчиқ пайдо бўлганди. Бир... икки... учига чидади йигит. Лекин кейинги кучли оғриқдан ларзага тушган йигит инқиллаб ўрнидан турди. Турди-ю ўша заҳоти кўнгли озиб ўхчиб юборди. Шу пайт ташқаридан Бувзилол байчанинг овози келди.

– Тангиржон... болам...

Тангриберди кафти билан оғзини тўсди. Оҳ-воҳини онаси эшитишини истамади.

– Калит отангда, бермаяпти ҳеч. Ҳеч еринг оғримаяптими, болам?.. Қулфни бузай десам кучим етмаяпти...

Тангриберди дош бера олмади. Кўнгли озиб, қаттиқ ўхчиб юборди. Кейин мадорсизликдан йиқилгудек бир алфозда эшик олдига келди.

– Оғримаяпти... энажон, оғримаяпти... – деди иҳраниб зўрға. Жарангдор овози лат егандек бўғиқ ва жуда паст чиқди.

– Қорнинг очмадими, болам-а?.. Икки кундан бери... ошқуяринг оғримаяптими?..

– Қорним очгани йўқ... Хавотир олаверманг... – деди Тангриберди хирқираб. Ва оғзини қаттиқ юмди.

Она изиллаб йиғлаганча нари кетди-ёв, шип-шип этган қадам товуши эшитилди.

Оғриқ кучайиб кетди.

Аъзойи-бадани қалтираб, тишлари такиллаётган Тангриберди ғужанак бўлиб ётиб қолди. Совуқ тер босган баданига кийимлари чиппа ёпишди. Азобга чидай олмади у. Бақириб юборди: "Эй, Худо, жонимни ол!.. Бундан кўра ўлиб кетганим яхши..."

Афсуски, оҳ-воҳ, ғужанак бўлиб у ёқдан бу ёққа ағанашлар ёрдам бермади. Оғриқ кучайгандан кучаяверди. Ҳушидан кетди. Туман ичида қолган шуурида: "Ўляпман..." деган ожизона фикр "йилт" этди-ю сўнди.

Аслида ақл-идрокнинг ҳаётга ишқи сўнган, ўрнини ўлим ихтиёрига топшириб қўйган бўлсада, энди вужуд ва томирларда оқаётган қон ўлим билан олишиб, унга қаршилик кўрсата бошлаганини йигит сезмасди...

Тўртинчи куни пешин чоғи ертўлани бирдан ёқимли ва қадрдон ҳид тутиб кетди. Бу нон ҳиди эди.

"Онам нон ёпяпти", – деб ўйлади сулайиб ётган йигит. Кейин ингранib, инқиллаб ўрнидан турди. Гандираклай-гандираклай, тусмоллаб эшикни топди. Оёқда туришга ҳоли келмади, чўккалаб қолди. Темир эшикка суянаркан, беихтиёр... оғзини очди...

Кейин нима деди? Жазавага тушиб нималар деб бақирди, Тангриберди эслашга-да уялади...

Шу куни кечқурун Тангриберди озод қилинди.

Унинг афтига қараб бўлмасди. Кийимларидан моғор ҳиди анқирди.

Дарвоқе, нон ҳиди...

Янги ёпилган бир жуфт нонни Довул тегирмончи ертўла эшиги ёнига қўйиб кетганди...

III

Тўй ўтди.

Келин ўзларидан, Довул тегирмончининг хешларидан бирининг қизи. Юмалоқ юз, икки яноғи туртиб чиққан, дуркунгина келинчак дастлабки кунларданоқ қайнона-қайнотасига ёқиб қолди.

Тўйдан кейин Довул тегирмончи ўғлини Эшбоевнинг идорасига бошлаб борган эди. Келишувга биноан раис унга идорадан иш берди. Ҳисоб-китобга усталиги туфайли бўлим буғалтерларининг бирига ёрдамчи этиб тайинлади.

Эшбоев: "Ҳозирча шу ишда айланишиб турсинчи, кейин яна ўйлаб кўрармиз", деб қўйди.

Бу мурувватдан тегирмончининг боши осмонга етди. Раис билан ўз-ўзидан, сабабсиз совуқлашган муносабатлари яна ўз-ўзидан илиқлаша бошлаганидан хурсанд бўлиб кетди.

Ер чизиб ўтирган ўғлининг ёноқлари пир-пир учаётганлигини сезмади...

Кейинчалик сўраб-суриштириб ўғлининг маоши қанча эканлигини билиб олди. Ундан олдин Тангриберди айтганида ишонмаганди.

У ўғлининг ёнида ортиқча пул бўлишини истамасди. Маошини тийин-тийинигача ҳисоблаб оларди. Токи, ўғлининг чўнтагида шамол ўйнаб турса у ҳеч қаерга кета олмайди!..

Шу йили куз беайла серёғин келди.

Кун аро ёмғир томчилайди.

Узум чириб кетишидан ваҳимага тушган Эшбоев ҳар куни идора ходимларини ғазаблайди. "Одамларни ишлатишни билмайсанлар! Халқни тепасида туриб ишлатиш ўрнига идорада тухум босиб ўтирибсанлар!.. Давронқул, буғалтирман деб керилиб идорада ўтирганингни кўрмайин. Ўлсанг, жасадинг даштда қолсин!"

Кун бўйи далада изғиган ходимлар миқ этмайди. "Миқ" этиш ниятлари ҳам йўқ.

Ҳар куни кечқурун раиснинг сўкишлари билан бошланиб, ярим кечаси яна раиснинг болохонадор сўкишлари билан тугайдиган бундай мажлислар ходимларнинг жонига тегиб кетганлиги уларнинг лоқайд ўтиришларидан сезилиб турарди.

Тангриберди Эшбоевнинг сўконғич эканлигини идорага ишга ўтганидан кейин билди. "Унинг оғзи бадрапхонадан ҳам сассиқ экан-ку! – дея ҳайратга тушарди Тангриберди. – Бор ахлатини ходимларининг бошига тўкиб, халққа саҳийсўз бўлгани қизиқ!.."

Шундай кунларнинг бирида Тангрибердининг номига қайсидир ҳарбий қисмдан мактуб келди. Унда нималар ёзилгани номаълум, хатни ўқиб бўла солиб йиртиб ташлади, лекин ўша кундан эътиборан юзи докадек оқариб юрди. Шахмат ўйнашни ҳам йиғиштирди. Ҳатто шахмат тахтасини бекитиб қўйди. Ўйин хумори тутмаслиги учун раиснинг топшириғини ўзига ўзи рўкач қилиб, эртадан кечгача далада, узумзорда изғиб юрди. Кўнглидаги иштиёқни ўлдирмоқчи, шу йўл билан ҳамма, ҳаммасига барҳам бермоқчи эди. Ўзини хиёнаткор санарди. Юзига қора суртгандек ўзидан нафратланарди. Орзу-умидлари, иззат-нафси, қалб тўрида асраган эзгу ҳислари топталди, энди уларни ўлдириш қолди. Шундай ўлдириш керакки, улар ҳеч қачон қайта бош кўтармасин, ҳайвонга айланган эгасини қайта безовта қилмасин!..

Озиб кетди йигит. Қорайди. Нигоҳларидаги маҳзунлик йўқолиб, кўзлари бефарқ боқди... Бир ҳафтанинг нари-берисида у ўзини ҳаддан ташқари толиқтирди. У ҳеч қачон ўзини бунчалик

хўрламаганди. Аёлига қарашга-да ўзида рағбат сезмасди. Тунлари тескари ўгирилиб ўзини ухлаганга солиб ётар, хотинининг бир маромда нафас ола бошлаганини ҳис этгач аста тўшакдан туриб, ташқарига йўналарди. Ой шуъласидан ёришган ҳовлида қўлларини кўксида чалиштирганча айланиб юрарди. Ҳеч нарсани ўйламасликка интиларди. Ҳовлида шарпадек изғиб юришидан мақсад ўзини янада толиқтириш эди. Толиқса, ҳолдан тойса тош қотиб ухлайди. Айланиб юриш асносида оёқлари толиққанини ҳис этар, лекин кўзларига уйқу келмасди.

Борлиқ осмон чироқлари ёғдусидан ёришган, тун зулмати қочиб йигит қалбидан паноҳ топганди.

Зулматнинг кўнглига ингани ёмон...

Тоғдай йигит кўнглига инган зулматни даф этолмай ҳалак эди...

Бедор йигит чорбоғ этагидаги тепалик устига чиқиб, тиззаларини қучоқлаб ўтирган кўйи дўнгликлар оралаб келган, айни чоғда тун ёғдусида оқариб турган илонизи йўлга унсиз тикиларди. Кейин чуқур хўрсиниб қўяркан: "Яхшиям осмон битта..." деб пичирларди...

Кундузги югур-югурлардан толиққан келинчак пишиллаб ухлаб ётар, эрининг тунги шарпадек бедор кезишларини сезмасди. Тонгга яқин намоз вақтидан ўтиб кетмадимикин, деган хавотир туйғусидан чўчиб уйғонар, шундагина эрининг ёнида эмаслигини билиб, мунғайиб қоларди.

Бир оқшом тескари қараб, ўзини ухлаганга солиб ётган эрининг елкасини силаркан, ботинқирамасдан сўз қотди:

– Мендан кўнглингиз қолдими, нега терс қарайсиз?..

“Кўнглим бормиди ўзи?” дегиси келди йигитнинг. Шундан дейишга чоғланди ҳам...

Аммо...

Қапишиб ётган аёлнинг қорнида типирчилаётган гўдакнинг “тепкиси”дан йигит ҳушёр тортди.

– Сенга шундай туюлгандир-да...

Аёл жавобдан қониқмади. Бошқача... жудаям бошқача жавоб кутганди.

– Ота-энангизнинг ўтидан кириб, сувидан чиқсам... – иддао қилди аёл. – Қариндошларингизни бешикдаги боласигача сен демасам...

Йигитнинг гапиргиси келмади, энсаси қотди. Аммо барибир нимадир дейиш керак...

– Фазилатларинг учун яхши кўришни истамайман.

Аёлнинг уни ўчди.

* * *

Нонушта вақтида Тангрибердининг тумтайиб ерга қараб ўтирганини кўрган тегирмончи кампирига им қоқди. Демоқчи бўлдики, нима бало хотиниминан жиқиллашиб қолдима?

Она кимдандир, қаердандир ўғлига мактуб келганидан ғира-шира хабардор, юраги безовта, аммо эрига қараб: “Билмайман”, дегандай елка учирди.

Тегирмончи зимдан қараб, ўғлининг оғзини пойлади. Тангрибердидан ҳадеганда сас-садо чиқавермади. Тегирмончининг тоқати тоқ бўлди.

– Гўнгқарғага ўхшаб шуйтиб ўтирберасанма?! – деб юборди охири.

– Ота! – илкис бош кўтарди Тангриберди. – Менга пул керак! Келаси ойнинг ўн еттинчисида шахмат бўйича мусобақа бошланаркан. Бораман-у

қайтаман, ишонинг, фақат шунинг учун бораман. Турнир тугаши билан қайтаман. Сўз бераман!..

Тегирмончи ўғлининг сўзларини бўлмай охиригача эшитди. Сўнг кўзларини лўқ қилганча:

– Мен бир дийирмончи одам бўлсам. Ортиқча пул нима қилсин, – деди у.

– Топганимни олиб келяпман-ку, ахир!

– Топганингни берган бўлсанг бир ўзим еганим йўқ. Сенам бир рўзғорсан энди. Бола-чақангни боқиб ётибман-ку!

Тангрибердининг юзи аламдан бужмайиб кетди.

Довул тегирмончи хотиржамлик билан чой ҳўплади. У ўғли томонга қарамасликка уринарди.

– Бораман, барибир бораман! – деб бақириб юборди Тангриберди жазавага тушиб. – Пул бермасангиз берманг, ўзим топаман! Лекин билиб қўйинг, энди бутунлай кетаман!

Тегирмончи пиёлада қолган чойни ўғлининг юзига сепиб юборди. Кейин ирғиб ўрнидан туриб Тангрибердининг устига бостириб келиб, ҳўл бўлган сочларидан тортиб уни ўзига қаратаркан:

– Қани, кетиб кўр-чи, қарғайман, бола!.. – деди важоҳат билан. – Ўнгмайдиган қилиб қарғайман!..

– Бораман, барибир, бораман... – деди Тангриберди паст, аммо қатъиятли овозда.

– Ҳэ, энангди!..

Довул тегирмончи ўғлининг дуч келган ерига мушт тушира бошлади.

Бувзилол байча ҳай-ҳайлаб ўртага тушди. Йиғлади, бақирди, аммо ўғлини ажратиб ололмади.

Довул тегирмончи қутуриб кетганди.

Бор кучини сарфлаб бўлгандан кейингина те-

гирмончи ҳолдан тойиб ўтириб қолди. Шундоққина ўғлининг ёнига...

Тангриберди бошини ҳимоя қилмоқчи бўлгандек қўллари билан калласини тўсиб олган, пиқ-пиқ йиғларди...

Бир неча кун ўтди.

Довул тегирмончи раиснинг ҳузурига борди. Уйида бўлган гап-сўзларни оқизмай-томизмай Эшбоевга гапириб берди-да, охирида ўтинч билан деди:

– Кўнглим сезиб турибди, улим олдингизга пул сўраб келади. Битта илтимосим шу, райис бова, улимга пул берманг, илтимос, уришинг, сўкинг, ҳаққингиз бор. Керак бўлса бир-икки шапат урсангиз ҳам майли, болани йўлдан қайтаринг!..

– Менинг олдимга келолмайди, – деди Эшбоев ишонч билан. – Ботиниб келса, ўзим боплаймн, сиз хавотир олманг, у ҳеч қаерга кетолмайди! Истасам, биз истасак, қочиб борган еридан ҳам қайтариб олиб келамиз!

Довул тегирмончи идорадан кўнгли хотиржам бўлиб чиқди. Эшбоевга бўлган эътиқоди янада ортди. Халқ дарди билан яшайдиган раисга ҳайкал қўйиш керак, деган фикр хаёлини банд этганди.

Бироқ тегирмончининг хотиржамлиги узоққа чўзилмади. Тун ярмида аллақандай шовир-шувур қулоғига чалиниб, ҳовлига чиққан тегирмончи ҳайратдан бир лаҳза қотиб қолди.

Ўтган йили фалон пулга сотиб олган тахталарни Тангриберди билан яна биров кўча эшик томон ташиётган эди!

Шу орада Бувизилол байча чиқиб қолди-ю шовқин-сурон кўтарилди. Нотаниш киши кузовли машинасига ўтирди-да, жўнаб қолди.

Довул тегирмончи ўғлини тутиб қолди, холос.

Тахтанинг ярми машинада кетди.

Тегирмончи шу куни сезди куч-қувватдан қолганини, чунки ўғли юлқиниб чангалидан чиқиб чорбоғ томон қочиб кетганди.

– Қайт! Орқангга қайт, бола! – деб ҳайқирди тегирмончи. Ҳайқириғи тун зулматини ёриб ўтиб тепаликлар ортида акс-садо берди.

Тангриберди ортига қайрилиб ҳам қарамади.

Қаҳр-ғазабдан дир-дир титраётган тегирмончи қўлларини тепага кўтариб, кафтларини очди:

– Қарғайман, бола! Ўнгмайдиган...

Бувзилол байча ўзини эрининг оёқлари остига ташлади.

– Жон отаси, боламни ерпарчин қилманг... жон отаси, мени уринг... мени тепинг... аламингиз босилади! Боламни қарғаманг, жон отаси...

Тегирмончининг кўзлари ғилтиллади.

Кўкка чўзилган қўллари бўшашди...

Оёқларидан мадор кетиб ерга чўк тушди.

Кўз олдидан ўғлининг чақчайган кўзлари нари кетмасди.

Бу кўзлар бир вақтлар юм-юм кўз ёш тўкадиган кўзларга сира-сира ўхшамасди.

Довул тегирмончининг дуоибадга очилган қўллари бошини чангаллади...

Тангриберди тунни тепалик ортида ўтказди. Унинг юзи, бўйни, билаклари тирналган, қон сизган, эгнидаги кўйлагининг тугмалари узилган, сочлари тўзғиб, "сават" бўлиб қолганди. Жон асари тарк этаётгандек аъзойи-бадани бўшашиб, ҳолсизланиб борарди.

Аммо... орзуси ҳали ҳам сўнмаган, кўнгил қирғоғида илиниб турар, "ана кетдим-мана кетдим" дегандай. Лекин буткул тушиб кетишга ожизлик қилар, чунки... илдизи бақувват эди!..

Тонг отиши билан у хўжалик идорасига борди. Эшбоев энди келиб турган экан.

– Намунча, ғарға оғзига ... олмасдан келиб турибсан? Тинчликми? – Эшбоев Тангрибердининг шилинган, гезарган юзидан "тинчлик" эмаслигини пайқаган бўлса-да, атай шундай деди.

– Менга бир оз пул керак, ака. Илтимос, йўқ деманг!..

– Пул керак бўлса отангдан сўрамадингми? – Эшбоев курсисига ястаниб ўтириб, йигитга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Отам... – деди-ю Тангриберди гапиролмай қолди. Шу пайтда ҳам кўнгил бўшайдими?

Раис ундан кўз узмай турарди.

Тангриберди ич-ичидан кўтарилаётган ғалаённи куч билан босди. Кейин раиснинг кўзларига тик қараб деди:

– Отамда пул йўқ экан. Илтимос, раис ака!.. Қўрқманг, еб кетмайман...

– Энди, ука, бизнинг номимиз улуғ, раис деган отимиз бор, лекин пул масаласида эл қаторимиз, – деди Эшбоев зорлангандай бўлиб. – Раисда пул тиқилиб ётибди деб ўйлайсан-да ҳамманг!.. Аслида аввалги раиснинг шилтасидан ҳамон чиқолмай ётганимни ҳеч ким билмайди. Хўжаликни ўтқазиб қўйган экан, номард!

– Бу гапларни отамга айтсангиз ишонарди, – дея пичинг қилди Тангриберди.

– Ишонмасанг ўзинг биласан!..

– Пул бермайсизми?.. – Тангрибердининг кўзлари чақчайди. – Бермайсизми?..

– Бермайман десам урасанми?!

– Йўқ, урмайман, – Тангриберди хотиржам сўзлашга уринса-да овози, нафақат овози, балки бутун вужуди титрай бошлади. Қарашлари ҳам

ғалати эди. – Лекин!.. Ер сотганингизни, йўллар тўлиқ асфальтланди, деб бир миллион сўмлик акт тузиб, пулни уч-тўрт киши бўлишиб олганларингизни ёзиб райкомга, керак бўлса обкомга бораман. Фермадаги қўйларни сел оқизиб кетди деб акт туздирганингизни ҳам биламан. Ўн беш йилдан буён хўжаликни еб ётибсиз-ку, сизда пул бўлмайдими?!.

– Ҳов бола, ўйлаб гапир!.. Тилим бор деб...

– Мана, манави қоғозда, – Тангриберди кўйлагининг кўкрак чўнтагидан тўрт буклоғлик қоғоз олиб, ҳавода силкитди, – барча кирдикорларингиз ёзилган. Ипидан игнасигача! Мен бир йилдан буён идорада бекор юрганим йўқ!..

Эшбоев бақа бўлиб қолди.

Аммо тезда ўзини ўнглаб олди.

– Э, билганингни қилмайсанми! Менга деса райкомдан ҳам каттасига бор!

– Мана шу гапингизниям ёзиб қўяман. Қўрқмайсизми, ахир?!

– Нега қўрқаман, ҳақ бўлгандан кейин. Опке, ёзганингга қўл қўйиб бераман!

Кутилмаганда Тангриберди ҳиринглаб кулди.

– Аҳмоғингиз йўқ, – деди ортига тисланаркан. – Сиз билан энди тегишли жойда гаплашамиз!

Эшик тарақлаб ёпилди.

"Ана энди, Эшбоев оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолади! – дея ичида тантана қилди йигит. – Типирчиламай кўрсин-чи, ур-руғини қуритаман ҳали!.."

Тангриберди хўжалик идорасидан узоқлашгани сайин тез-тез ўгирилиб ортига қараб қўярди. Ўйлардики, типирчилаб қолган раис орқасидан югурдакларини югуртиради. Шунда... Шунда... Ана шунда!..

Тангриберди уйига яқин келди ҳамки, идора томондан бировнинг қораси кўринмади.

Кўча сокин, кимсасиз эди.

Хўжалик идораси ҳеч нарса бўлмагандек қўқ-қайиб турарди.

Йигитнинг асаблари заифлашди. Юзидаги шодиёна ифода йўқолди. Ҳалигина ғалаба наъшасини тантана қилаётган юраги тариқа бошлади. Бирдан унинг миясига: "Нега Эшбоевга ёпишиб қолдим? – деган фикр ярқ этиб урилди. – Бировга ўтқазиб қўйган жойим борми? Бировбиров-да, чўнтаги тўла пул бўлсаям истаса беради, истамаса йўқ!" Ўзига ўзи шундай дейиши билан Тангрибердининг туйқусдан жазаваси қўзиб кетди. Ўзини босолмай қолди. "Эшбоевни ер билан яксон қилишим керак!" Ушбу таҳдидона фикр йигитга фавқулодда куч-қувват бағишлади. Орзулардан озурда бўлган юраги ғазаб ва нафрат исканжасида дир-дир титраса-да... ғайри-шуурий равишда руҳан енгил тортган эди. Афсуски, бу кайфиятнинг умри узоққа чўзилмади. Қия очиқ эшикдан уйга кириши билан хотинига кўзи тушиб асаби бузилди. Барча кўргилигу-шўришларига хотини айбдордек кўзига бало-қазодек кўринди. Шунда ҳам ўзини босишга уринди. Эшбоевнинг "урруғини қуритиш" фикридан ҳали ҳам қайтмаган эди. Шунинг учун хаёлини чалғитмасликка тиришди. Қоронғу хонага кириб олиб, Эшбоевнинг устидан ўхшатиб ёзмоқчи, шу йўл билан юрагидаги заҳар-заққумларни мадда боғламасдан чиқариб ташламоқчи эди. Раисга дағдаға билан кўрсатган қоғозда аслида ҳеч вақо ёзилмаганди. "Мана энди кўради мендан!.." Тангриберди қоғозга алланималарни ёзишга киришди. Аммо ҳадеганда фикрини жамлай олмади.

Чунки хотини у ёқ-бу ёққа ўтиш баҳонасида эрининг елкаси оша кўз ташлаб "пойлоқчилик" қилаётганди. Тангриберди буни сезиб қолди.

– Нимага бунча атрофимда хира пашшадек ўралашасан?! – деб бақирди у, аъзойи-бадани яна дир-дир титрашга тушди. – Бор, йўқол, кўзимга кўринма!

Келин тахта бўлиб қолди.

– Эй, йўқол дегандан кейин йўқолмайсанми! Ҳайдаб чиқармагунимча тураверасанми қаққайиб!..

Доғ босган олма ёноқлар аввал қизарди, кейин оқариб кетди. Сўнг хўнграб йиғлаганча ғоз юриш қилиб қайнонасининг уйига қараб кетди.

Бу ёғи энди маълум...

Келин ҳиққиллаб йиғлайди аввал...

Юраги ёрилган қайнона шошиб қолади. Нима бўлди ўзи, деган зардали сўров базўр оғзига келади.

Келин пиқ-пиқ йиғлайди.

Йиғлаб туриб сўзланади, айтадики, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, жонимга тегиб кетди, мени ким деб ўйлаяпти улингиз, ҳайдаб чиқармасам кетмайсанма, деб бақиради?! Мен ўз оёғим билан келмаганман йўлдан қўшилиб, иззатимни қилиб олиб келибмидингизлар, энди беиззат бўп қолдимма? Бировга хат ёзаётганини кўриб қолганимдан қўрқиб кетди, қўрқоқ!..

Бошига гурзи тушгандек довдираб қолган она (қайнона бўлиш ҳам осонмас) бу вақтга келиб ҳушини йиғиб олади, қарши ҳужумга ўтади, айтадики, ҳа, эси йўқ хотин! Эринг кет деса кетаберасанма? Қачондан бери у хотин ҳайдайдиган бўлиб қопти? Бу уйдинг катталари ўлганма? Қайната-қайинна пишагингни пишт демаса, эринг

аччуви чиқиб турганда айтса-айтибди-да. Кундуз урушса, оқшом суяди, эр-хотинчилик шу-да!

Келиннинг қарашларида зиғирдек иддаоми, саркашликми бордай, аммо уялганидан қайта оғзини очмайди. Лаблари қимтилганча ҳовлига чиқади, тенгсалиб, бир нимасини йўқотгандек гарангсиб у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, иш унмайди. Қайтиб ботинқирамасдан ўз уйига киради. Ўргамчикка ўхшаб ўз тўрига ўралиб олган анови "гўрсўхта" аёл томонга қараб ҳам қўймайди...

Келинга алам қилиб кетаверди... кетаверди...

Охири чидай олмади, апил-тапил кийимларини йиғиб тугунга тугди-да, индамай чиқиб кетди.

На бир товуш берди, на бир сўз деди.

Андак зарда билан ёпилган эшикдан "қарс" этган овоз чиқди холос.

Келиннинг кетиб қолганидан хабар топган ота-она кечга яқин Тангрибердини ўртага олишди. Бири бақириб, сўкиб, боши устида муштини дўлайтирса, иккинчиси йиғлаб-сиқтаб, эмраниб... йўлга солишди уни. Аммо меҳрибонларнинг бирови ҳам нима бўлди ўзи деб сўрашмасди.

Хуллас, хотинини олиб келиш учун Тангрибердининг ўзи борадиган бўлди.

* * *

Келин кутмаган экан.

Эшик олдида турган эрини кўриб кўзлари чақнаб кетди.

Кейин бирдан аразли экани эсига тушиб, дарров қовоғини солиб олди.

– Бўл, нарсаларингни йиғиштир, опкетгани келдим, – деди Тангриберди қуруққина қилиб.

– Бормайман! – Келин терс бурилди.

– Нега?

– Айтайинма, айтсам айтайин, кўнглингиз бошқада сизнинг! Ҳар дойим бировни ўйлаб юрасиз!

– Осмондан олдингми бу гапни?..

– Осмондан олганим йўқ. Шовқи муаллимининг хотинидан эшитибидим!..

– Қачон?!.

– Тўйдан олдин!..

– Одамлар нималар демайди. Бир вақтлар кимдир билиб-билмай гапирган гапни байроқ қилиб кўтариб юриш шартми?

– Ўзингиз айтдингиз-ку!..

– Қачон айтдим? Нима дедим?..

– Айтдингиз... Ўзингиз айтдингиз... – Келин ҳиқиллаб йиғлашга тушди. Овози аянчли эди. Йиғлаганида, энтикканида атлас кўйлаги остида дўппайиб турган қорни кўтарилиб-тушарди.

– Бўлди, энди... – Тангрибердининг кўнгли бир хил бўлди. Шаштидан тушгани овозидан билинди. – Бўла қол, уйдагилар кутиб қолишди.

Келин оёқ тиради.

– Аввал ваъда беринг, ҳеч кимни ўйламайман деб! Борларини ҳам кўнглимдан чиқариб ташладим денг!

Тангрибердининг эти сесканди. Жунжикаётгандек қунишиб олди.

Кўнглидаги сир-асрорини билиб олмоқчидек синчиковлик билан тикилиб турган ёстиқдошидан нигоҳларини олиб қочаркан... ночорлик билан кулимсиради:

– Сен нима десанг шу...

Аёл-аёл-да... эрининг бир лаҳзалик сукутдан кейин янграган лутфидан хурсанд бўлиб кетди.

– Сиз бораберинг, мен пичак ёпиб, кейин бораман. Отам билан энам бир мазза қилиб ейди.

– Кеч бўлиб қолди-ку.

– Укам қўйиб келади.

Келин шошилганча ичкарига кириб кетди.

Ҳақиқий азоб кейин бошланди.

Қайнотасининг дарвозасидан беш-олти қадам узоқлашар-узоқлашмас Тангриберди ўзини уриб ташлагудек ёмон кўриб кетди.

Ўзини оғир тоғ кўчкиси остида қолгандек ҳис этди.

Юраги сим-сим оғриди.

Уйга боргиси келмади.

Кейинги кунларда тилга тушиб, анча танилиб қолган, пастак пештоқига "Ҳасан вино" деб тумтароқли ёзув осилган уй томон бурилди. Уйга яқинлашган сари ачиган-чириган мева-чевалар-нинг қўланса ҳиди димоғига урилиб, афти бужмайган бўлса-да ортига қайтмади...

Йигит ҳамма-ҳаммасини унутишни истарди...

Алламаҳалда винофурушнинг хотини ҳайдаб солганидан кейин ўрнидан турган Тангриберди кайф зўридан бир неча марта йиқилиб тушди. Бир амаллаб ўрнидан туради, зум ўтмай яна йиқилади. Гандираклай-гандираклай кўчага чиқиб олди. Тунги саррин шабада мисдай қизиётган лоҳас вужудга хуш ёқиб, бир неча дақиқа йўл ўртасида туриб қолди. Оғзини катта-катта очиб кўксини тўлдириб нафас олди. Муздай ҳаво гумираётган юрагининг тафтини босгандай бўлди. Кейин уйини мўлжал олиб йўлга тушди. Ўзича нималардир деб ғудранар, йиқилиб-суринар, йўлнинг гоҳ у томонига гоҳ бу томонига ўтиб гандираклаб бораркан орқасидан изма-из келаётган иккита барзангидай йигитни пайқамасди.

Бир оз юргач сойлик бошланди.

Сойлик хилват эди.

Навбатдаги уй нариги тепалик бағрида эди.

Тангриберди сойликка энаётганда йигитлардан бири етиб келиб уни туртиб юборди. Зўр-базўр оёқда келаётган йигит "гуп" этиб йиқилди.

Сойлик қоронғутоб эди. Сарғимтир ойнинг сарғиш шуъласи бу ерни ғира-шира ёритарди.

– Кўзингга қараб юрсанг ўласанми! – Бирдан дағдаға қилди ўша йигит. – Нега туртасан мени?.. Сенга осилдимми?!

Тангриберди инқиллаб ўрнидан тураркан:

– М-мен т-ту-туртмадим. Ўз...зинг-ку... – дея ғўлдиради.

– Ие, ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик де. Ҳов бола!.. Йигит Тангрибердининг ёқасидан олди: – Туҳмат қилсанг каттарофидан қил, билдингми?!

– Ўзинг... – дейишга улгурди Тангриберди, барзанги асабийроқ эканми, уни ёқасидан тутиб, бир-икки сиқди-да кейин итариб юборди.

Тангриберди орқаси билан ерга ўтириб қолди.

Тангриберди сўкинганча ўрнидан турганида барзанги муштини ишга солди. Тангриберди чап бермоқчи бўлди, лекин эплай олмади, кайфининг зўридан боши ҳамон гаранг эди. Мушт Тангрибердининг қуйи жағини шиширib юборди.

Жаҳли чиқиб кетган Тангриберди қаттиқ теккан зарбдан ва ғазабдан афти бужмайганча қарши ҳужумга ўтаркан, нега бу одам менга тўппа тўсиндан ташланиб қолди, деб таажжубланарди. Ғира-ширада у барзангининг кенг, япасқи юзи-ю қаҳр-ғазабдан ёниб турган кўзларинигина кўрарди. Бундай башарани у қишлоқ ичида учратмаганидан уни таний олмади.

– Энангди!.. Пишагингни пишт демасам, нега мени итарасан?! – Тангриберди қорувли эди, йигитнинг елкасига, биқинига бир-икки мушт туширди. Барзангининг лаби ёрилди шекилли,

Тангрибердининг қўли шилимшиқ нарсага тегди. Бундан руҳланиб кетиб муштига зўр берди у. Биқинига, кўкрагига тушаётган зарбалардан бадани зирқираб оғриётганини ҳис этса-да у бор кучини тўплаб уришарди.

Барзанги қалқиб кетиб, йиқилишига сал қолди. Шунда иккинчи барзанги шеригига ёрдамга келди. Тангрибердининг муштлари зарби заифлаша бошлади. У иккала томондан тўхтовсиз урилаётган муштларга чап бера олмай қолди. Унинг биқинлари, бели, елкалари зирқираб оғрирди. Иккинчи барзангининг қақшатқич тепкисидан кейин боши худди қўрғошин қуйилгандай оғир бўлиб қолди. Ҳолдан тойган йигит йиқилиб қолганда ҳам барзангилар аяб ўтиришмади. Энди улар Тангрибердининг дуч келган ерига тепишарди.

– Теп! Теп! – дейишарди улар ҳансираб. – Ўнгмайдиган қилиб теп!

Не кўргулик юз бераётганига ақли бовар қилмаётган Тангриберди жон аччиғида бақира бошлаган эди, йигитлардан бири кафти билан оғзини тўсди-ю елкаси аралаш бўйнига зарб билан тепди. Иккинчиси мўлжаллаб туриб белига тепди...

Тангрибердининг кўзлари даҳшат ичра "ярқ" этиб очилди, гавдаси бир кўтарилиб тушди-ю юзтубан йиқилди...

Барзанги йигитлар шундан кейин баттар қутуриб кетишди.

Улар Тангрибердининг боши-кўзи демай тепаверишди, тепаверишди...

Касалхона.

Жой танқислиги сабаб олти кишилик палатанинг кираверишида, эшикка яқин ерга қўйилган каравотда Тангриберди юзтубан ётарди. Унинг умуртқа поғонаси уч еридан синган, синганда ҳам

унча-мунча эмас, суяклари майда-майда бўлиб кетганди. Тўрт ойдан буён жароҳати битмас, дўхтирларнинг ўзаро эътирофича, ҳали-вери битадиганга ўхшамасди. Бундан ташқари бош мияда ҳам андак ўзгариш юз берган чоғи, йигит тез-тез иситмаси кўтарилиб, ҳушдан кетиб қоларди. Ҳушига келгандан кейин ҳам кўз олди қоронғулашиб, қулоқлари шанғиллар, юзи докадек оқариб, оёқ-қўллари музлаб қоларди. Кўп терлаганидан кийимлари ҳўл бўлиб кетар, томир уриши сустлашиб, қисқа-қисқа нафас олиб ётарди.

Тўрт ойдан буён аҳвол шу...

Тўрт ойдан буён у тахтакаравотда ётарди...

Озиб, чўп бўлиб қолганди.

Тўрт ойдан буён ўғлининг ёнида ўтирган она ҳам адойи-тамом бўлганди. Қовоқлари чуқурлашиб, кўзлари ўйилган гўрдай бўлиб қолганди.

Ўғлини ҳар гал операция хонасига олиб кириб кетишаётганида: бу довургисига чидай олмайди, нима жони қолди ўзи, деган ўйдан жинни бўлиб қолай дерди. Икки... уч... баъзида тўрт соатлаб чўзилган операциядан кейин ўғлини яна тирик ҳолда кўриш насиб қилганида она дунёга қайта келгандек бўларди...

Бирдан елкаси гудрайиб, алпдай қомати дол бўлиб қолган Довул тегирмончи кунора касалхонага қатнайди. Ўғлининг ўнгланмаётганидан хавотирга тушиб, кўнглига бир шумлик келди: "Дўхтирлар бир нарса мудигар бўлаётган бўлмасин, тағин!.."

"Қора кун"га деб асраб қўйганидан қисиб-қимтиб бир қисмини олиб бориб катта дўхтирнинг шахсан ўз қўлига тутди. Тўғри, орага одам қўйса ҳам бўларди, лекин ўртадаги одам қаллоблик қилиб, пулни катта дўхтирга бермаса-чи! Берсаям

аввал ўзини улушини олиб, ортганини оборса-чи. Қўлма-қўл бўлгандан кўра ўз қўли билан бергани маъқул. Катта дўхтир у-бу дейдиган бўлса, "биз бир оми одаммиз", деб тураверади. Ҳозир пул олмайдиган дўхтир борми, ҳаммаси ҳам шу сариқ шайтонни кўрса шайтонлаб қолади.

Афсус...

Тегирмончи хом ўйлаган экан.

Катта дўхтир ранглари ўчиб, титилиб кетган, захнингми, моғорнингми ҳиди анқиб турган, жамиси майда пуллардан иборат боғламни тегирмончининг қўлига қайтариб бераркан:

– Ўғлингиз тузалаверсин, бундан каттароғига эрийсиз, ҳали, – деди.

– Кам бўлса яна опкеламан...

– Кам деяётганим йўқ, ум-муман керак эмас, деяпман. Очиғини айтсам, раисингиз бизга шундай топшириқ берган!..

– Йўғ-е, Эшбоев келдима?.. – Ишонқирамасдан дўхтирнинг кўзларига тикилди тегирмончи.

– Ҳа, келди, ўғлингизни кўрди, айтадиганини айтди бизга. Хуллас, "золотой" раисингиз бор экан!..

– Эшбоевни икки-уч марта кўрдим... – деди тегирмончи ўзига ўзи гапиргандай ўйчанлик билан. Аммо... Эшбоев бу ерда нима қилиб юрибди, деб ўйлаш хаёлига келмади.

– Эшбоевга ўхшаган одамлар яхшиликни билдирмасдан қилишади, – деди катта дўхтир.

У самимий сўзладими ёки кесатиб гапирдими, тегирмончи ажрата олмади, дўхтирнинг гап оҳанги тушуниксиз эди.

Барибир, нима бўлганда ҳам дўхтирдан эшитган янгилик тегирмончига хуш ёқди. Эгилган қадди кўтарилди. Эшбоев аралашдими, демак

улим тузалади, деган ишонч билан қайтди касалхонадан.

Хўжалик идораси қаршисидан ўтаётиб ичкарига киргиси келди. Аммо ботинолмади, тўғриси оёғи тортмади. Кирди ҳам дейлик, нима дейди? Яхшиси, ўғли тузалиб кетганидан кейин уни етаклаб идорага боради, икковлашиб миннатдорчилик билдиришади.

Фикри ўзига жўяли туюлди.

Кампири бўшаган идишларни солиб берган сеткани саланглатганча йўлида давом этди. Икки қадам ташламасдан ортига ўгирилди. Назарида, идора деразаларининг биридан кимдир қараб тургандек, тегирмончи ўгирилиши билан ўзини панага тортгандек туюлди...

Уйга келиб биринчи қилган иши, оғзидан боласи чиқиб кетгудай бўлиб юрган келинини отасиникига олиб бориб қўйди. Бувзилол байча шуни қаттиқ тайинлаганди.

Келин... камзулининг ёқасини кўзига босганча йиғлаб қолди.

Довул тегирмончи қудасининг уйидан чиқиб тегирмонга борди. Бироқ кундалик машғулотига қўл ургиси келмади. Илк бор ишдан кўнгли совуганини ҳис этди.

Эшик олдидаги курсичада узоқ ўтирди.

Қуёш пушти ранг уфқ устида осилиб турарди.

Қуёш нурларидан тегирмончининг кўзлари қамашди, у худди кўзи оғриган одамдай ёруғликка тик боқолмай қолди.

Бошини қуйи солиб, кўзларини чирт юмди. Шундай қилса унга осондай туюлди.

Бирор соат ўтиб қуёш кўринмай қолди.

Уфқда пушти ранг излар жилоланди.

Тегирмончи бошини кўтарди, кўзларини баралла очди. Ухладим, деб ўйлади. Лекин у ухла-

маганди. Курсичада қимир этмай ўтирганча, ҳеч нарса ҳақида ўйламаган, мушоҳада қилмаган эди.

Қалби ҳам, мияси ҳам бўм-бўш, ҳувиллаб қолганди.

Бир маҳал у бирдан сесканиб кетди, аланг-жаланг қилиб ён-верига қаради. Атрофда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кейин билдики, безовта қилган нарса синиқ тишининг зирқираши экан. Тегирмончи тишини ушлаб кўрди. Сал қимирлаб қопти. Тушиб кетганида қутилардим, деб ўйлади у.

Уфқдаги пушти ранг излар йўқолган, қош қорая бошлаганди.

Тегирмончининг ҳувиллаб қолган қалбига аста-секин изтироб ина бошлади. Оқшом борлиқни айланиб ўтиб, унинг қалбига оқиб кираётганди...

Ўмровини кўтара олмай, ўсал ётган ўғлини кўз олдига келтираркан ўзини босиб тура олмади: "Занғар!.. Ичишга бало бормиди?! Мен энди кимнинг ёқасига ёпишаман, боламни нега майиб қилдинг деб!.."

Кейин шахт билан ўрнидан турди-ю, Қўзибой ошнасининг ҳовлиси томон юрди.

Ошнасининг бир уйига қамалиб олиб, ярим кечагача бўкиб ичди. Аввалига чарчоғи чиққандай тетикланди, фикрлари тиниқлашди. Хотирасида олис ўтмишдаги узуқ-юлуқ хотиралар жонланар, аммо зум ўтиб, бу манзаралар айқаш-уйқаш бўлиб кетар, кўз олдидан ўғли билан боғлиқ воқеалар бир-бирига эргашиб ўта бошларди. Нимагадир камзулининг ёқасини кўзига босганча йиғлаб қолган келини ҳадеб кўзига кўринаверарди.

Нимадир алам қилиб кетаверди. Нималигини ўзи ҳам билмасди. Яна ва яна қуйиб ичиб бир неча сопол идишни бўшатди. Кейин ўзини бошқара олмай қолди. Лоҳас бўлганидан уй ичига сиғмай

кетаётгандек ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёнга ташлар, тинимсиз "уҳ" тортар, бўғзига нимадир тиқилиб қолгандай иягини тепага кўтариб, ҳадеб томоғини силарди.

Бир маҳал хабар олгани ошнаси Қўзибой кириб қолганди, сенам ич, дея унга ёпишди-қолди. Қўзибой ошнаси: "Ичмайман, ичишни ташладим, сотган одам ичмайди, галварс", дея ўзини четга тортса ҳам кўнмади. "Ичасан, мен минан ичасан", дея тирғалаверди. Ўртага Қўзибойнинг хотини тушди. Эр-хотин бир амаллаб тегирмончини уйдан чиқариб юборишга зўр бериб уринишарди.

Аммо...

Довул тегирмончи кетишни хаёлига ҳам келтирмас, ҳадеб бошмолдоқдай нарса туртиб чиққан томоғини силаганча:

– Мана шу еримда нимадир турибди-да, ошна. На ичга тушади, на сиртга чиқади... – дея йиғламсиради.

Орадан икки ҳафта ўтиб келиннинг кўзи ёриди, ўғил кўрди.

Довул тегирмончи қудасиникига бориб неварасининг қулоғига азон айтиб, исм қўйиб келди.

Отасига йўлдош бўлиб юрсин деб неварасининг исмини Йўлдош деб атади.

Тангриберди эса ҳеч нарсадан бехабар, ҳамон қимир этмай дустаман ётар, яқинда бўлиб ўтган бош мия операциясининг оқибати шекилли, кунуззукун пиш-пиш ухларди. Охирги операцияга олиб кетишаётганда Бувзилол байча... очиғи, умидини узганди. Озиб кетганидан қуриган чўпдай бўлиб ётган, дока билан ўраб ташланган юзи бир бурда бўлиб қолган ўғли операциядан тирик чиққанини кўриб кампир изиллаб йиғлаб юборди.

“Чибиндай жонинг тошдан қаттиқ экан, болам...” дерди у ҳиқиллаб.

Куну-тун пишиллаб ухлаётган Тангриберди аста-секин ўзига кела бошлади. У онда-сонда уйғониб кетгандек бўлар, изтироб ифодаси қотиб қолган, ёстиққа босиб ётаверганидан эгри-бугри чизиқчалар пайдо бўлган юзи бир турликкандек, қотиб қолган қорачиқлари ҳаракатлангандек бўларди-ю илҳақ ўтирган она “ҳа”, дегунча бўлмай яна ухлаб қоларди.

Бир оқшом унинг тағин иситмаси кўтарилиб кетди. Аъзойи-бадани темирдек қизиб, алаҳлади, алланималар деб қичқирди. Ҳатто ўрнидан турмоқчи бўлиб бошини кўтарди, аммо жароҳати оғриб кетди чоғи, бошини кўтарган заҳоти азобдан афти бужмайиб кетди.

Шу охиргиси бўлди.

Шундан кейин Тангрибердини жазавага солувчи ғайритабиий иситма безовта қилмади.

Кундан кунга юзи сокин тортиб, ўнглана бошлади. Гапирмаса-да ётган ерида ён-верини кузатарди, қорачиқлари у ёқдан бу ёққа бориб-келарди.

Бошида парвона бўлаётган аёлга қизиқсиниб қараб қўярди.

Ниҳоят кунларнинг бирида Тангриберди тилга кирди:

– Қорним оч... – қуруқшаб, ёрилиб кетган лабларидан учган дастлабки сўз шу бўлди.

Бувзилол байчанинг юраги ёрилаёзди.

Топган-тутганини ўғлининг оғзига тутди.

Бирор соат ўтиб яна Тангрибердининг шикаста овози эшитилди:

– Овқат... борми?..

– Болам бечора... – Онанинг кўнгли вайрон бўлди. – Индиги қуриб кетган-да.

Бироқ...

Кўп ўтмасдан ўғил тағин овқат сўради.

Бу сафар она хиёл ажабланди. "Шунча овқат қаерга кетяпти?" деди ичида ўзига ўзи. Кейин кўзи тегиб қолишидан қўрқиб кетди. Шоши-пиша ўнг оёғи билан чап оёғининг изини "кесиб" қўйди.

Тангриберди эса тағин овқат талаб қила бошлади.

Кечга бориб она хавотирга тушди.

– Улим эрта-мертандан бери тинмай овқат еб ётибди. Ошқуяри овриб қолмайдима? – деб сўради "обход"га кирган ҳаворанг қалпоқли, баланд бўйли дўхтирдан.

– Ҳозир нима сўраса бераверинг, – деб жавоб берди ҳаворанг қалпоқли врач. – Лекин кейин тўхтатиш керак. Буни ўзим айтаман ҳали.

Чамаси бир ҳафтадан кейин бошини кўтариб, бемалол у ёқ-бу ёққа ҳаракатлантира оладиган бўлиб қолган Тангриберди овқатлангандан кейин қаршисида мунғайиб турган аёлга миннатдорчилик билдира бошлади:

– Раҳмат, хола, овқатингиз мазали бўпти.

Бувзилол байча чала эшитдимми, деган хаёлда ўғлининг юзига ҳайрон бўлиб тикилди.

Тангриберди аёлни эшитмади хаёл қилиб яна сўзини такрорлади.

– Раҳмат, холажон.

– Нимага хола дейсан?! – қўрқиб кетган она бақириб юборганини сезмай қолди.

Тангриберди сесканиб тушди. Кўзларида хавотир аломати пайдо бўлди. Қаршисида гезариб, йиғламоқдан бери бўлиб турган кампирнинг айюҳаннос солишидан чўчиб юзини деворга бурди.

Дастлабки кунларга қараганда енгил шиппакда юришга ўрганиб қолган она палатадан чиқа солиб, дўхтирнинг хонаси томон югуриб кетди.

– Улим... Болам... мени хола деб ётибди... – деди у врач ҳузурига ҳансираб кириб бориб.

Қандайдир қоғозларни деразадан тушаётган ёруғга тутиб кўздан кечираётган қалпоқли дўхтир эшитмадим, дегандек онага юзланди.

– Улим мени хола деб ётибди...

– Амнезия! Ўзим ҳам ўйловдим. – Врачнинг юзида ўйчан ифода пайдо бўлди. Кейин анқайиб турган аёлга тушунтирди: – Ўғлингиз хотирасини йўқотган. Лекин сиз ваҳимага тушманг, бу вақтинча, албатта...

– У энди ҳеч кимни танимайдима? Боласиниямми?..

– Афсуски, шундай. Лекин бу вақтинча бўлиши мумкин. Мен ҳозир ҳамшираларга айтаман...

– Яна апараста қиласизларми?

– Оббо! Онахон, жуда бесабр экансиз-да. Энди операция қилмаймиз. Намунча, ҳаммаларинг операциядан қўрқасизлар?!

– Апарастадан кейин шўйтиб қолди-ку!..

Дўхтирнинг юзи сезиларли даражада ўзгариб кетди.

– Агар биз операция қилмаганимизда, биласизми, ҳозир ўғлингиз қаерда бўларди?!

– ...

– Жиннихонада! Боринг палатага, ўғлингиз қалтис ҳаракат қилиб қўймасин!

... Бир ойдан кейин Тангрибердига уйга қайтишга рухсат беришди. Ўша куни бош врач Довул тегирмончини ҳузурига чақириб ётиғи билан тушунтирди:

– Биз қўлимиздан келганча қарадик, даволадик. Лекин... Умуртқа поғонасидан атиги битта суяги синган одам қулаган дарахтдай гап. Тангрибердининг бир эмас учта суяги синган. Бош мия...

озгина шикастланган... Эҳ!.. Қараб туриб... шуларнинг ҳаммаси ичкиликнинг касри, деб ўйласанг, бир қултум ҳам ичкилик оғзингга олгинг келмай қолади. Хуллас, бу ёғини энди вақт даволайди. Бир ой, бир йил, балки ундан кўпроқ муддат керакдир. Лекин аниқ кафолат бера олмайман. Балки умуман... Аммо очиғини айтишим керак, Москвага олиб борганингизда ҳам бундан ортиғи қўлларидан келмайди...

Тегирмончи лом-мим демади.

Нигоҳларини ерга тикканча нафасини ичига ютиб ўтирди.

– Лекин овқатни вақти-вақти билан бериш керак. Семириб кетса ўзига қийин бўлади.

Врач яна нималардир деди.

Тегирмончи бирини англади, бирини англамади.

Хонадан чиқаётиб эшик олдида бир зум каловланиб туриб қолди. Сўнг шими чўнтагидан қоғозга ўралган нарсани олиб стол устига қўйида, ёв қувлагандек чиқиб кетишга шошилган эди, дўхтир йўлини тўсди.

Пулни қайтариб эгасининг чўнтагига солиб қўйди.

– Қизиқ одамсилар, сўралмаган пайтда ҳам пул берасизлар-а? – дея ҳазилга бурмоқчи бўлди гапни дўхтир. Тегирмончининг қарашларидаги тошдай оғир ифода ҳазилнинг ўрни эмаслигини таъкидлаб тургандек туюлди. Дўхтир бирдан жиддийлашди: – Яхшиси ўғлингизга аравача олиб беринг!..

Вазни анча оғирлашиб қолган Тангрибердини тўрт киши кўтариб касалхонадан олиб чиқишди. Машинанинг орқа ўриндиғига қорни билан ётқизишди. Шалвираб қолган оёқларини орқага букиб қўйишди...

– Бечора одам... – дея пичирлади эшик олдида турган ҳамширалардан бири.

– У одам эмас, урод! – деди ҳаворанг қалпоқли дўхтир ва тобора узоқлашаётган машина ортидан унсиз қараб қолди.

* * *

– Бу сенинг улинг!

Бувзилол байчанинг қўлида кўзлари чақнаб турган етти ойлик болакайга Тангриберди кулиб қаради, аммо унга қўл узатмади.

– Қўлингга олсанг-чи болангни... – деди Бувзилол байча ва болакайни Тангрибердининг қорни устига ўтқазиб қўйди. – Ота-бола бир искашиб олинглар, зора...

Она кўзларини олиб қочди.

Тангриберди қаршисидаги аёлнинг кўнгли учун болакайнинг пешонасидан ўпиб, эркалади. Кейин уни қўлларида тутган кўйи гоҳ ўзидан узоқлаштириб, гоҳ кўзига яқин келтириб юз-кўзига тикилди. Синчиклаб тикилди. Аммо... зулмат ортида муз қотган хотирасида "йилт" этган тафт, учқун сезилмади.

Балки шу боис болага нисбатан юрагида ҳеч қандай туйғу уйғонмади..

– Мени хола демагин, тағин. Эна де, энанг бўламан, – деди Бувзилол байча.

Бир муддат тараддудланиб турди-да, дўхтирларнинг: "Таниш нарсаларни кўпроқ кўрсатинг. Эслаш қобилиятини тиклашда ёрдам беради", деган сўзларини эслади ва ёшига ярашмаган бир енгиллик билан "лип" этиб бориб қаердандир шахмат тахтасини топиб келди.

– Манави эсингдами, манави... – Бувзилол байча чанг босган шахмат тахтасини енги билан

артиб ўғлининг кўзларига яқин келтирди. – Шуни деб балога йўлиқиб қолдингма дейман-да, шўрли болам!..

Тангриберди "эна"сининг қўлидаги матоҳга парвосиз назар ташлади. Индамади.

– Манави ерга қўйдим шахматингни, керак бўлса қўлингни чўзиб олаверасан, – деди ва шахмат тахтасини ўғлининг бош тарафига тикка қилиб қўйди.

Тангриберди тағин индамади.

У қиқирлаб кулаётган болакайга андармон бўлиб қолганди.

Бир куни...

Тегирмончини Эшбоев йўқлатди.

Саҳар эди.

Эшбоев айтганидай "...ғарға овзига ... олмаган" бир пайт эди.

Эшбоев гапни аввал тегирмондан бошлади. Кимдир Довулбой кундан кун қўл ҳаққини ошириб боряпти, деган эмиш.

Эшбоев шу гапларни айтиб киприк қоқмасдан тегирмончига тикилиб тураверди.

Терговга чақирилибман, деб ўйлади тегирмончи. Энди бу кўргулик ҳам бормиди?.. Аввалига оёқлари қалтиради, кейин териси буришиб қолган вужуди титрашга тушди. Лекин барибир жавоб бериши керак! Энг осони, бошига тушган кулфатни рўкач қилиш... Шунда балки Эшбоев кўкайини кенг қилар. Довул тегирмончи кўзларини пирпиратди, елкасини қисди. Бечораҳол кўрингиси келди янада.

Айтдики:

– Боламиз... Боламизнинг бошига ташвиш тушиб... Энди унинг бола-чақасини боқиш менинг гарданимда... Тан оламан, бир-иккитасидан ошиқча ҳақ олдим. Лекин ҳаммаданмас!..

– Ўша “бир-иккиталар” кимлигини яхши биламиз. Мана, ўзининг оти, отасининг отига довур аниқ-таниқ қилиб ёзиб кетишган. Ҳай, майли, мен хўжакўрсинга сизни идорага чақиртирдим. Ановиларнинг кўзига бўла... мен сизга айтсам, ошиқча пулни кимдан олишни билиш керак. Айтганча, улингиз қандай?..

– Шу... кўтарам бўлиб қолди-да.

– Хотираси ҳам яхшимас, деб эшитдим.

– Шундай.

– Бўлмаса бундай қиламиз. Мен улингизга хўжалик ҳисобидан пенсия тайинлайман. Ҳар ойда пешма-пеш олиб турасиз. Кейин... битта дилбузар билан битта аравача биздан!..

Тегирмончининг юраги ҳаприқди. Қаршисида ойдай ярқираб, тўлишган раиснинг пойига тиз чўкишдан ўзини базўр тийди.

– Раис бова... Оробани ўзимиз обберамиз... – деди у ҳаяжондан тутилиб. – Сиз аробани Қодирқулди отасига бера қолинг. Шўрли ўн уч йилдан бери тўшакда михланиб ётибди.

– Қодирқулди отасигаям арава топамиз. Ғам еманг. Аравачанинг таги мўл! Айтгандай, невара қандай? Уям шохмот ишқибози эмасми, ишқилиб?..

– Ким билади, лекин калласи каттагина отасига ўхшаб. Аммо-лекин... Раҳмат, райис бова!.. – Довул тегирмончи қўлини кўксига урди.

Ойнинг юзида табассум жилва қилди.

“Ороба керакмас дедим, дилбузар керак эмас демадим, – деб ўйлади тегирмончи уйига қайтар экан. – Шунга фаҳми етдимикан?..”

Тангриберди эса кундан кун семириб бораётганди. У энди тўлишиш фаслидан ўтиб росмана семираётган эди. Онаси ёки хотинига кўзи

тушса бас, қорним очди, деб қўярди. Улар атай эшитмасликка олиб ўтиб кетишса борми, Тангриберди ўзини боса олмай қоларди:

– Қорним оч, овқат борми ўзи бу уйда! – деб айюҳаннос соларди.

Қўни-қўшнилардан хижолат тортган аёллар дарров унинг айтганини муҳайё қилишарди.

Тангриберди фақат овқат ейиш учун яшаётгандек эди. Унинг фақат ногирон вужуди ва ошқозони қолганди.

Кўп ўтмасдан у бир қоп гўштга айланди.

Идора ходимларидан икки киши келиб, тантанали равишда Тангрибердига ногиронлик аравачаси билан телевизор топшириш маросимини ўтказишди. Машина ҳайдаб келган йигит суратга туширди...

Икки ҳафтадан кейин Тангрибердининг ногиронлар аравасида ўтирганча телевизорни қабул қилиб олаётган ҳолдаги сурати газетада босилиб чиқди...

Эшбоев эса... Кўп ўтмасдан район катталари ҳузурига чақиртирилди.

Айтишларича, ё ўринбосар, ё "катта" бўлаймиш...

IV

Ҳаёт давом этарди.

Бирин-кетин бўй етиб қолган қизлар жойи чиқиб узатилиб кетишди. Эркабой уйланди. Ёр-ёр садолари янграб, янгалар қуршовида келинчак кириб келганида нима учундир йиғлаб юборган катта келин "юз очди" бўлган куннинг эртасига боласини етаклаб қаёққадир отланди. Хавотир аралаш ҳайрат билан ҳаракатларини кузатаётган

Бувзилол байчадан на изн сўради, на рағбат кутди. Боласини етаклади-ю чиқиб кетди.

Ўша куни, ундан кейинги кунлар ҳам келиндан дарак бўлмади.

Мункиллаб қолган тегирмончи қудасиникига зир қатнади. Кимларни ўртага қўймади.

Афсуски, келини қайтиб келмади.

Тегирмончининг аввалги шахти йўқ эди. Қудаси-ю-келини олдида тили қисиқдай эди. Аммо буткул ноумид қайтишни ҳам истамасди.

– Йўлдошбой бизники! – деб туриб олди неварасини қучоқлаб.

Қуда ер сузди.

Лекин қудағай тилини тийиб тура олмади, жовуллади:

– Болангиз минан уй қилиб орттиргани шу болайди. Энди шугинани ҳам тортиб олмоқчимисиз?!

Довул тегирмончи "миқ" этолмай қолди. Ичида неварасидан айрилганини тан олиб ҳам қўйганди. Энди бош кўтармай чиқиб кетиш қолганди.

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, остонада келин бўлмиш – Йўлдошбойнинг онаси пайдо бўлди.

– Майли, бола уники... – деди у йиғламсираб, камзули ёқасини кўзига босиб. Кейин йиғи аралаш сўзланди: – Фақат кейинроқ...

Довул тегирмончи келиннинг муддаосини фаҳмлади.

Тангрибердига хотинининг кетиб қолганини айтишмаганди. Ўғлига ўрганиб қолган экан, ҳадеб: "Йўлдошбой қани? Нега келмаяпти?" деб сўрайвериб онасини безор қилиб юборди. Бувзилол байча чидаб тура олмади, охири айтди. Йиғлаб туриб айтди.

Тангриберди "миқ" этмади.

Онасининг кўз ёшлари юваётган юзидан кўзларини олиб қочди. Шифтга тикилди. Киприк қоқмай ётди.

Шу куни у бирор марта ҳам: "Қорним очди!.." деб бақирмади.

Эртаси куни ҳам...

Ундан кейин ҳам...

Кейинги куни у тун ярмидан оққанда онасини уйғотиб ташқарига олиб чиқишини илтимос қилди.

– Ярим оқшомда нима бор, болам. Тонг отсин...

– Олиб чиқмасангиз, ҳозироқ ўлиб қоламан!.. – юзи кўкариб кетган Тангриберди кўйлаги ёқасини тутамлади.

Бувзилол байча қўрқиб кетди.

Ҳайҳайлаб Эркабойни уйғотди.

Биргалашиб Тангрибердини аравачага ўтқазиб ҳовлига олиб чиқишди.

– Энди бориб ухлайверинг, – деди Тангриберди онасига. – Мен ўзим ўтираверaман!

Бувзилол байча аста юриб уйга кирди. Аммо ўринга чўзилмади. Ҳовлига қараган дераза олдига чўк тушиб, ўғлидан кўз узмай ўтирди.

Тангрибердининг нигоҳлари ҳовлини кўздан кечириб, ой шуъласига чўлғаниб ётган тепаликка тушди. Бироқ нигоҳлари бу ерда ҳам бир дақиқа "тўхтамади", тепалик оша узоқ-узоқларга тикилди. Бири қорайиб, яна бировининг учи ялтираб турган тепаликлару-тоғлар билан юлдузлари жилва қилаётган осмоннинг туташган ерига унсиз тикилиб қолди.

Лекин афсуски, музлаб қолган шуури ҳеч нарсани ҳис этмади.

Бедарак кетган хотираси ҳеч нарсани эслай олмади.

Юраги қаттиқ санчди, холос.

Эртаси куни Довул тегирмончи эрталабданоқ тирговуч ясашга киришди. Тунда дераза олдида тиз чўккан кампирининг ёнида туриб шу фикрга келганди. Бирор соат ўтиб тайёр бўлган тирговучга шахмат тахтасини осиб, ўғлининг каравоти ёнига қўйди.

Қаршисида телевизор, ёнида шахмат доскаси, биров тегирмонга бор, деб зуғум қилмайди. Неки истагини айтса бас, ёнида мўлтираб турган онаси муҳайё қилади.

Энди шохмат билан шуғулланиш учун барча шароит муҳайё эди!

Аммо...

Тангрибердини шохмот деган балои-азим энди умуман безовта қилмасди. У фақат телевизор кўрарди. Толиққан пайтлари деразадан кўчани, ўтган-кетганни кузатиб ўтирарди.

Истаса, шундоқ қўлини узатса бас, шахмат билан шуғулланиши мумкин эди.

Айнан, ўша истак йўқ эди йигитнинг кўнглида.

У фақат бир нарсани, онаси "сени ўғлинг", деб қўлига тутган ўша болакайни кўришни, уни яна қўлига олишни орзу қиларди.

Довул тегирмончи эса... тез-тез ўғлининг хонасига кирадиган, у билан соатлаб гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолганди. У ўғли билан суҳбатлашиш асносида шу нарсага амин бўлдики, Тангрибердининг тили равон, ҳамма нарса ҳақида бийрон-бийрон гапирарди. Фақат нимагадир ёнгинасида турган шахмат доскасига қайрилиб ҳам қарамасди.

Шунда тегирмончининг мижжаларига беихтиёр ёш қалқди. Буни ўзи ҳам сезмай қолди. Ўғлининг ярми тирик, ярми жонсиз, абгор танасига зимдан

боқаркан юраги ўртаниб кетди: “Балки ҳарбийга қайтиб кетганида бу фалокатга йўлиқмасмиди?..” деган армонли ўй миясидаги ўша ғовакни тирнаб ўтгандай бўлди...

Ўша куни кечга бориб тегирмончи сирқовланиб ётиб қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам ўрнидан турмади. Туз тотмай қўйди.

Бешинчи куни тонггга яқин бошмалдоқдай нарса туртиб чиққан томоғини икки-уч бора силади, кейин қўлларини қимирлатишга ҳам ҳоли келмади...

Бувзилол байча оғзига томизиш учун сув олиб келганида тегирмончи жон таслим қилиш арафасида хириллаб ётарди. Оёқ-қўллари музлаган... Кўзлари чирт юмилган, худди қайта очилиб кетмасин, дегандай... Аммо ҳамон хирқираётган бўғзидан отилаётган кўкимтир кўпик сира адо бўлмайдигандек оқаверди, оқаверди... Бувзилол байча қўрқиб кетди: бунча кўпик қаердан чиқяпти?!.

Орадан олти ой ўтиб Бувзилол байча ҳам касал бўлиб ётиб қолди. Ўрнидан туролмай қолгунча ўғлининг хизматини қилди. Охирги дақиқаларда ҳам у боласига илҳақ бўлди. Ўлгиси келмагандек жон талашди; жон тери чиқиб, қат-қат ажин босган пешонасидан реза-реза тер оққанида ҳам... кампир ўрнидан турмоқчи бўлар, устига ёпилган енгил кўрпани силтаб-силтаб юборар, аллақачон карахт бўлиб қолган лаблари нимадир демоқчи бўлгандай аҳён-аҳёнда сесканиб кетарди.

Бир бурда бўлиб қолган вужуд сўнгги куч-қувватини шу йўсин сарфлади...

Бақрайиб қолган кўзларни қишлоқ мулласи дуо ўқиб ҳам ёпа олмади...

* * *

Катта келин бошқа турмуш қилгачгина Йўлдошбойни отасининг ихтиёрига юборди. Бирданига икки ўғилчали бўлиб қолган кичик келин рўзғор юмушларига ўралашиб қолган, Тангрибердига қараш баъзи кунлари эсидан чиқиб кетарди. Эркабой кун бўйи тегирмондан бери келмасди.

Довул тегирмончи оламдан ўтиб кетган бўлсада, у умр бўйи кутган, қўрққан "талаш-тортиш" юз бермаган, Эркабой тегирмонни ёпиш хаёлида юрарди.

Беморга қаровнинг мазаси қочди.

Хонадан ёқимсиз ҳид уфуриб қолганди.

Тинимсиз қашинаверганидан Тангрибердининг баданида учуққа ўхшаш бир нарсалар пайдо бўлди. Учуқлар аста-секин катталашиб, йирингли ярага айланди. Бир кун келиб яралар ёрилиб, йиринг аралаш қон сачраб кийимлари доғ бўлиб қолгандан кейингина Эркабой бундан хабар топди. Тўғрироғи, бу "хабар"ни ота-онаси ўлганидан кейин Тангрибердининг олдига тез-тез кириб турадиган Шовқи муаллим айтди. Эркабойга бир-икки аччиқ-тизиқ гапларни ҳам гапирди. Эркабой жиззакироқ эди. Жаҳли чиқиб кетди унинг.

– Сиз! – деди у отасиникига ўхшаш чағир кўзларини чақчайтириб. – Акамминан ишингиз бўлмасин! Отамдан бир эшитгандим, аслида акамнинг бошига сиз етгансиз! Сиз!

Шовқи муаллимнинг кўзларидан тирқираб ёш отилди. Аммо бир сўз демади. Сенга гап ҳайф, дегандай Эркабойга нафрат билан тикилди-да уйдан чиқиб кетди.

Шу кетганча бадар кетди. Қайтиб бу остонага

қадам қўймади. Тангриберди эса ташқарида бўлаётган гап-сўзлардан бехабар, эшикка термулиб ётарди. Шовқи муаллим келишини кутарди. Муаллимнинг суҳбатлари унга номаълумлик чегарасини бузиб ўтиш учун куч-қувват бағишлаётгандай эди.

Нимадир юз бериб, ҳаммаси тамом бўлганига бир ойлардан кейин ишонди Тангриберди. Чунки ўтган вақт мобайнида Шовқи муаллим умуман қорасини кўрсатмаганди. Тангрибердининг: "Балки кўчадан ўтганда кўзи тушиб қолар..." деган ожизона илинжи ҳам пучга чиқди.

У энди кун уззукун миқ этмасди. Ўғли ўйин боласи эмасми, кўчадан бери келмасди. Телевизор ҳам жонига текканидан баъзида кун бўйи бирор марта ёқилмасди.

Тангриберди энди "овқат!" деб бақирмасди. Келини патнис кўтариб келгунча бир парча бўлиб қолган юзининг ярмини эгаллаган кўзларини бақрайтирганча деразадан ташқарига тикилар, аҳён-аҳёнда ёнгинасида қаққайиб турган "икки оёқли" шахмат тахтасига қараб-қараб қўярди.

У озиб, чўп бўлиб қолганди. Худди мўмиёланган жасаддек кундан кун кичрайиб, емирилиб бораётгандек эди.

Қалбида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетган... Вужудидан муҳаббат ва самимият сиқиб чиқарилган... Шуури... аёвсиз жангдан кейин ҳувиллаб қолган қўрғонни эслатарди. Совуқ шамол, елвизак ҳукм сурарди у ерда... У жисмонан енгилган эди.

У нақ мурданинг ўзи бўлиб ётарди.

Кунларнинг бирида...

Саҳар пайти эди.

Осмон ёришган, қушлар чаҳ-чаҳлаб тонгни ҳушлаётган сокин бир палла эди.

Тангриберди уйқудан чўчиб уйғонди.

Уйғона солиб, ирғиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ жонсиз оёқлари қимир этмади. Ажабланди. Тарашадек қотган оёқларига ҳайрон бўлгандек бир неча сония тикилиб қолди. Кейин олазарак бўлиб атрофга аланглади. "Эна-а!" деб бақиргиси келди. Аммо бақирмади, бақира олмади. Чунки каравотдан сал нарига солинган ўринда ўзига қуйиб қўйгандай ўхшаш бир бола пишиллаб ухлаб ётарди. Кўксини ажиб туйғу қамраб олди. У болани қўлига олгиси, бағрига босиб, эркалатгиси келди. Аммо болакайнинг ширин уйқусини бузгиси келмади.

Сўнг нигоҳлари беихтиёр шахмат тахтасига қадалди. Қарашларида фавқулодда бир зийраклик ва теран маъно акс этарди.

Узалиб тирговучли шахмат тахтасини ўзига яқин сурди. Кутилмаган жўшқинлик билан шоша-пиша оқ ва қора доналарни тахтага териб чиқди.

Кейин... қандайдир хаёлий куч исканжасига тушиб қолгандек қалтираб кетди. Қалтираш асносида... елкасидаги йирингли ярадан нимжонгина бир нарсалар учиб пастга – кўрпа устига тушди. Бу қурт эди.

Баданидаги яралар қуртлай бошлаганди.

Тангриберди бундан бехабар...

Юраги ҳеч ерга сиғмайдигандек гурсиллаб урар, олов ёлқилланаётган кўзлари тахтага қадалганча тек қотганди.

Бир маҳал...

Музлаб қолган тафаккурида "йилт" этиб учқун пайдо бўлди. Учқун аста-секин аланга олиб, зулматда қақшаб ётган тасаввур кўзгусини ёритиб, кумушдай ярақлатиб юборди.

Шундан кейингина йигитнинг кўз олдидан таниш лавҳалар бир-бирини қувлашиб ўта бошлади. Ва... Ва Тангриберди аста қўлини узатиб "оқ"ларнинг "пиёда"сини бир катак олға сурди.

V

Телевизорда шахмат мусобақасига оид кўрсатув берилаётган пайт.

Жаҳон чемпиони билан жаҳон чемпионлигига даъвогар ўртасида кескин жанг бошланган. Иккаласи ҳам чуқур ўйга толиб, шахмат тахтасига тикилган кўйи ўтиришарди.

Тангриберди жаҳон чемпионининг ҳар бир ҳаракатини, ҳатто кўз қарашларини ҳам эътибордан қочирмасдан ўйинни кузатарди. Унинг бутун вужуди кўзга айланган, экран ичига кириб кетгудек бўлиб ўтирарди.

Бир маҳал тош қотиб ўтирган жаҳон чемпионининг қўли ҳаракатга келди. Бармоқлари "от"нинг бошидан тутди.

Шунда... шунда Тангриберди ўтирган ерида бир қалқиб тушди.

– Йўқ! Йўқ! – дея пичирлади у ҳаяжонланиб. – "От"ни қўя тур! "Рух"ни с 8 дан с 4 га юр! Шунда... Ана шунда!..

АЖАЛ ЧОРЛОВИ

*М*улла Ашур қишлоқнинг нафаси ўткир дуохони эди. Муриду мухлислари кўп эди. Дами ўткирлигидан одамлар орасида ҳар хил шовшувли миш-мишлар юрарди. Эмишки, аллақайси бойваччанинг бир кечада, ўз-ўзидан оғзи қийшайиб қолганида уч марта "дам солиб" отдай қилиб юборган экан. Тўқай қишлоқлик Саттор чолни қора қурт чақиб олганида, бир ўлимдан олиб қолган одам мана шу Мулла Ашур эди. Ҳосил миробнинг қўрққаниданми ё бошқа сабабданми, бирдан гапиролмай, гунг бўлиб қолган беш яшар неварасини тилга киритиб юборган ҳам мана шу Мулла Ашур...

Бундай гап-сўзларнинг боши-кети йўқ эди. Уларнинг қай бири рост, қай бири лоф, ажратиш қийин. Лекин номлари тилга олинган ўша бойвачча ҳам, Тўқай қишлоқлик Саттор чол ҳам, Ҳосил мироб ҳам муллани кўрди дегунча, қўлларини кўксига қўйиб, иззат-икром кўрсатишлари рост гап. Ўткир нафасидан шифо топиб, соғайиб кетган баъзи бировлар азбаройи ихлос зўрлигидан Мулла Ашурнинг хизматига ҳам кирган эдилар. Муллани излаб, ундан нажот кутиб ён-атрофдаги қишлоқлардан ва ҳатто шаҳардан ҳам одамлар келиб туришарди.

Мири кам дунё, деганларидек кўпнинг мушкулини осон қилган мулла... ўз дардига даво тополмай изтиробда яшарди. У – бефарзанд эди.

Аёли Хонимбуви бечорагина, мушфиққина аёл. Турмуш қурганларига саккиз йилдан ошяптики, эрининг кўзига тик қарамайди. Уятчан, тортинчоқ, гапга ҳам нўноқроқ. Мулла Ашур Хонимбувидан аввал ҳам уйланган, хотин кўрган эди. Қўшни қишлоқлик Усмон ҳожининг кенжа қизи Бувражаб билан ўн беш йил яшагач, фарзанд бўлмаганлиги важидан яхшиликча ажрашишган эди. Усмон ҳожининг кенжаси мулла билан орани очди қилгач, бошқа бировга тегиб, бола-чақали бўлиб кетди. Мулла Ашурнинг эса ҳамон дарди ичида, икки қўли бир тепа бўлиб ўтиб кетяпти.

Мулла шу ҳақда ўйлади дегунча юраги сиқиладиган бўлиб қолди. Ўзини қўярга жой тополмайди. Ётган бўлса, ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетади. Ўтирган бўлса, отилиб ҳовлига чиқади. Ҳадемай, кўз очиб юмгунча умри поёнига етса бу ҳовлида ва умуман ёруғ дунёда ўзидан ном-нишон қолмаслигини, ота-боболари давру даврон суриб ўтган, тепалик устидаги бу кўҳна қўрғон чолдеворга айланишини ўйлаб, юраги эзилади. Бу аёлнинг ҳам баҳридан ўтиб, бошқасига уйланишга яна юраги бетламайди. Буниси ҳам бошқа бировга тегиб, болали бўлиб кетса борми, муллага ҳаёт татийдими?! Айб ўзида экан, хотинларини ёмонотлиқ қилиб юрган экан, демайдими одамлар?!

Икки ўт орасида ўртаниб юрган кунларнинг бирида мулланинг хузурига ёшгина жувон бош эгиб кириб келди.

– Тумор қилиб берсангиз, дегандим... Тирноққа зорман...

Тўрт қават қуроқ кўрпача устида ўтирган Мулла сесканиб тушганини ўзи ҳам сезмай қолди. Беихтиёр аёлга зимдан кўз қирини ташлаганини

кейин сезди. Одатда у шифо тилаб келувчиларни ҳам, илтимосчиларни ҳам, айниқса аёл киши бўлса, чордона қурганча, китобидан кўз узмаган ҳолда арз-додларини эшитар, шу қабилда жавоб-муомала қилар эди. Аммо бу гал... Аёлнинг юзи лоладек қизариб кетган, кўзларини ердан узмасди. Овози дардчил, лекин шу қадар ёқимли эдики!.. У қимтиниб, ерга қараб ўтирган аёлга назар ташлашдан яна ўзини тия олмади. Лекин тезда ҳушини жамлади, шайтонга хай бериб, ўзини ўнглади. Гуноҳ, тавқи лаънат бўйнига осилишидан чўчиган мулла кўзларини юмган кўйи, ичида аллақандай дуони ўқиди. Сўнг тасбеҳ ўгирганча, китобдан кўз узмаган ҳолда, ўта жиддийлик билан сўради:

– Аввалги турмушингиз... бузилганми?

– Ҳа. Беш йил бўлди.

Аёлнинг овози яна мулланинг юрагини "қитиқлади". Мулла Ашур ўзини босишга, фикрини чалғитмасликка уринди. Алҳол, бунинг уддасидан ҳам чиқди.

Йигирма дақиқадан сўнг аёл юзи гул-гул яшнаб, кичкинагина, учбурчак туморни сиқимлаганча... хонадан чиқиб кетди. Очиғи, мулла аёлнинг қачон, қандай чиқиб кетганини сезмай ҳам қолди. Унинг ҳуши ўзида эмасди. Кечгача ғалати кайфиятда юрди. "...Лоладек қизариб кетган" аёл ҳали у ердан, ҳали бу ердан қараб тургандек бўлаверди. Аёлнинг сохт-сумбати, юз тузилиши ҳақида унинг ҳеч қандай тасаввури йўқ эди. Ахир унга дурустроқ тикилиб қарамади-да! Фақат "лоладек қизариб" тургани ёдида...

Мулла Ашур ҳарчанд ўзини чалғитишга, фикрини жамлашга уринмасин, уддасидан чиқолмасди. Икки марта уйланган бўлишига қарамай,

мулла бундай ҳолга биринчи дафъа тушиши эди. Ўз кўнглида, қандайдир бесаранжом бўлиб қолгандай эди. Ва бу бесаранжомликнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини ғайри-шуурий равишда ҳис этган мулла кечга бориб хонасига кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлади.

Тўрда, қиблага қараган бурчакка ёзилган жойнамоз устида ўтириб, кўзларини юмганча тиловат қила бошлади.

Уч кун ўтгач, озиб, ранг-қути ўчган, лекин гуноҳлардан фориғ бўлган мулла ҳовлига чиқди. Уни кўриб, хурсанд бўлиб кетган Хонимбуви ошхона томонга югурди. Бироқ Мулла Ашурнинг иштаҳаси йўқ эди. Шу топда негадир бўшашиб, ланж бўлиб бораётганди.

– Жой сол, бир пас чўзилмасам бўлмайдиёв, – деди у дастурхон кўтариб келаётган хотини томонга қарамай.

– Кунботарда ётмасдингиз-ку, – деди Хонимбуви ботинмайгина. Унинг овози ингичка ва чийилдоқ эди.

Мулла Ашур беихтиёр чуқур хўрсинди. Нигоҳи узоқ-узоқларга қадалди.

– Бирровга... Бир жойга ўтиб келаман, – деди мулла салдан кейин. Сўнг аста-секин юрганча ҳовлидан чиқди.

Хонимбуви нон, қанд-қурс ўралган гулдор дастурхонни бағрига босганча, эрининг ортидан тикилиб қолди.

Мулла Ашур дарвоза олдида бир зум тўхтаб, нафас ростлади. Уч кунлик тиловат – тавба-тазарру уни ҳолдан тойдирганди. Оёқлари қалтираб, мадорсизланди. Дарвозага беҳол суянди. "Худойим, хиёнатимни ўзинг кечир, – деди ичида мулла. – Шайтон қутқусига учдим. Бир лаҳзага

бўлса-да, Сени унутганим учун ўзинг кечир, Парвардигор!"

Мулла кўзларини юмган кўйи чуқур-чуқур нафас олди. Беш дақиқадан кейин вужудига куч энгандек бўлиб, секин ўрнидан жилди. Уйнинг орқа томонига ўтди.

Мулла Ашурнинг уйи қишлоқ четидаги кичкина тепалик устида қад ростлаган эди. Уйни бундан юз эллик йил муқаддам Мулла Ашурнинг катта бобоси Бузрук мулла қурдирган экан. Қишлоқнинг нариги бошидан қаралганда дастлаб шу уйнинг пештоқию томи ярқ этиб кўринади. Бошқаларникига қараганда пойдевори-ю девори баланд-баланд қилиб қурилган, айвон пештоқидан тортиб кўча эшиккача нақшинкор безак берилган уй четдан қараган кишига кичикроқ қўрғончани эслатарди. Бир ярим асрдан буён муллалар сулоласининг кўрки ҳисобланиб, ҳар бир авлод даврида гуллаб-яшнаган бу табаррук қўрғон бугунги кунга келиб инқирозга юз тутмоқда. Мулла Ашурдан кейин бу уйнинг чироғини ёқиб ўтирадиган ҳеч кимса йўқ. Вақти-соати етиб мулла ҳам, хотини ҳам оламдан ўтгач бу ер бойқушлар маконига айланади. Ё бирорта дахрий идорага макон бўлади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам отамерос қўрғоннинг тақдири "бойқуш"лар қўлида қолиши тайин. Ё тириклигидаёқ бирорта мўмин-мусулмон қариндошига хатлаб берсамикин? Шунда кўнгли хотиржам тортармиди? Ё... бирорта бенавонинг боласини асраб олиш... Йўғ-е, – Уйнинг орқа тарафида ўзини кунчувоққа солиб ўтирган мулла беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Бундан икки йилча илгари, хотини ботинолмаган бўлса-да, тенгқурларидан бири секин қўйнига қўл солиб кўрган. Мулла Ашур унинг нима демоқчи

эканлигини билиб олгач, ўша оғайнисини жеркиб берганди. Бировнинг пуштикамаридан бўлган бола ҳар куни, ҳар сония ўзининг кимлигини, кимнинг боласи эканлигини эслатиб, Мулла Ашурга ҳозиргидан ҳам кўра қаттиқроқ ва аламлироқ азоб беради-ку! Бундан кўра беш-бегонага хатлаб бергани маъқул эмасми? Лекин... – Мулла Ашурнинг қалбини алам-қизғониш аралаш изтироб қамраб олди. Ўзини ўзи енголмай эзилган мулла хомуш, афтодаҳол бир қиёфада пастга – қалин дарахтлар билан ўралган қишлоққа ғамгин нигоҳ ташлади. Хатлаб берган қариндоши текинтомоқ, дангаса, уқувсиз чиқиб қолса буёғи неча пулдан тушади?! Аждодлари қўлида кўз қорачиғидек асраб келинаётган гўшанинг парокандаликка юз тутишига Мулла Ашур сабабчи бўлмайдими?!

Кеч кириб, қишлоқ уйларидаги чироқлар бир-бир ёна бошлаганда ҳам Мулла Ашур хаёл дарёсига ғарқ бўлиб ўтирарди. Бу орада хотини икки марта келиб хабар олди. Сўнгги келишида у:

– Овқат совиб қолди, – дея қисталанг қилса-да, мулланинг жойидан жилгиси келмади.

– Сен ичавер, мен кейин, сал туриб бораман, – деб хотинини жўнатиб юборди.

Хонимбуви ҳайрон бўлганча, ўгирилиб ортига қарай-қарай, ҳовлига кириб кетди. Хотини кўздан йўқолгач, мулла инқиллаб ўрнидан жилди. Одатдагидек, уй-қўрғон атрофини бир қур айланиб чиқди. Ҳар куни бўлмаса-да, уч-тўрт кун оралатиб, ён-веридан инсон қадами тийилгач, уй атрофини гир айланиб чиқадиган одати бор эди унинг. Мулла бу ишни одамларга билдирмай бажаряпман, деб ўйларди. Лекин ер тагида илон қимирласа билиб қўядиган ҳамқишлоқлари

унинг бу одатини аллақачон сезиб улгуришганди. Баъзи бировлар: “Мулланинг уйида ота-бобосидан қолган хазинаси бор. Битта-яримтанинг назари тушиб қолмаслиги учун уйининг қай бир бурчига кўмиб қўйган. Тинч ўтиролмай, уй атрофини айланиб юриши ҳам шундан. Хазинасини қўриқлайди”, – дея гап болалатиб юборишганди. Аслида ҳақиқатда шундаймиди ёхуд аввалига шунчаки миш-миш сифатида пайдо бўлиб, сўнг “пуфлаб пиширилган” лофмиди, ҳеч ким аниғини билмайди. Бироқ мулланинг уй атрофини айланиб юриш одати рост эди...

Эртаси куни кечга яқин Мулла Ашур нақшинкор дарвоза ёнида “узала ётган” узун ва йўғон ходага кетини қўйганча, қишлоққа термулиб ўтирганида туйқусдан пастда, шундоққина йўл четидан таманно билан ўтиб кетаётган аёлга кўзи тушиб қолди. Аёл мулланинг нигоҳини ҳис этди шекилли, ялт этиб қараб қўйди. Мулла Ашур қаттиқ сесканди. Аёл унга танишдек туюлди. Ё кимгадир ўхшатдими? Ие, ҳа, эсига тушди, бу ахир... Тунов куни: “Тумор қилиб беринг”, деб келган аёл-ку! Мулланинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Ҳаяжонда кўзларини олиб қочди. Аёл нарироқ бориб, ортига ўгирилди. Хиёл жилмайгандек бўлди-ю, яна йўлида давом этди. Мулла Ашурнинг юраги ҳаприқиб кетди. У зўр бериб уринмасин, аёлни кўздан йўқотмаслик учун унинг ортидан қараб қолмасликнинг иложини қилолмади. Жадал юриб кетаётган аёл дуч келган биринчи ҳовлининг чорбоғига ўзини урди-ю, кўздан йўқолди. Шундан кейингина Мулла Ашур ўзига келгандек бирдан ҳушёр тортди. Шоша-пиша ёнверига қараб қўйди. Яхшиям ёнида ҳеч ким йўқ. Бўлмаса, нақ шарманда бўларди-я.

Уят ҳиссидан ҳам кучлироқ, аёвсиз, таъбир жоиз бўлса, даҳшатлироқ – гуноҳкорлик туйғуси юрагини эзиб, азоб бера бошлади. Уч кунлик тоат-ибодат зое бўлди, ҳавога учди. Бир нигоҳ, бир жилмайиши туфайли у бир йўқотиб-топган хотиржам ҳаётидан, ўла-йита эришган ҳузур-ҳаловатидан яна мосуво бўлди. "Ким бўлдийкин у?" деган савол яшин тезлигида хаёлидан ўтди унинг. Хаёлан аёл кириб, кўздан ғойиб бўлган ҳовли эгасини хотирасида тикламоқчи бўлди. Ва бирдан ҳаяжон билан хитоб қилди: Ахир ўша ҳовлида Оқбердининг тўнғичи Неъмат муаллим хотини ва беш боласи билан яшайди-ку! Яқинда кўчиб келишган. Оқбердининг ўзи кенжатойи билан қишлоқнинг нариги четида яшайди. Демак... бу аёл Оқбердининг келини экан-да!.. Унда... Нега унда?.. Ўша кунги аёл "тирноққа зорман", деганди-ку!"

Мияси "ғовлай" бошлаган мулла тутақиб кетди. Ҳатто ўзидан-ўзи нафратлана бошлади. Ёв қувгандек шошиб ўрнидан туриб, ичкарига кирди. Эшикни зичлаб ёпиб, тамбалади. "Энди уйдан бир қадам ташқарига чиқмайман!" – деди ўзига ўзи. Ва бирдан вужудини қамраган ҳорғинликдан шалвираб "хосхонаси"га кирди. Бу ерда у мухлису муридларини, шифо тилаб келувчиларни қабул қиларди. Муножоту тиловат, Оллоҳга сажда қилиш онларини ҳам у шу хонада ўтказарди. Тўрт қават қуроқ кўрпача устига чўкиб, пар ёстиққа ёнбошлади. Кўзларини юмди. Лаблари қимтилди. Шу кўйи у узоқ ўтирди. Куч билан ич-ичидан кўтарилиб келаётган ғалаённи босди. Потирлаб ураётган юраги ўз маромига тушгунча сабр-тоқат билан кутди. Сўнг чордона қуриб ўтирганча олдида ёзиғлик турган жойнамоз устидаги эски-

риб, титилиб кетган китобни авайлаб қўлига олди. Китоб араб имлосида ёзилган бўлиб, унга раҳматли отасидан, отасига эса ўз отасидан, яъни Бузрук мулладан мерос қолган. Китоб шу қадар кўҳна эдики, балки Бузрук муллага ҳам қайсидир бир аждодидан мерос қолгандир.

Мулла Ашур китобни аввал кўзига сурди. Сўнг лабига босиб тавоф қиларкан қўллари титраётганини ҳис қилди. Аввалдан у кўҳна китобни тез-тез қўлига олиб, ўқиб турарди. Жуда сиқилиб, толиқиб кетганида, ўзини ёлғиз ва... ва аждодлари руҳи олдида айбдор ҳис этганида ушбу китобни қўлига олар, бир-икки саҳифалик мутолаадан кейиноқ жунбушга келган вужуди осойиш топиб, хотиржам тортиб қоларди. Айни дақиқада мулла нажот истаб, очкўзлик билан китобга ёпишган эди. Биринчи саҳифани очиб, жимжимадор жумлаларга кўз югуртира бошлади. Бир, икки, ҳатто учинчи саҳифани ўқиб чиқди ҳамки, қулоғига ҳеч нарса кирмади. Мияси бўшаб қолган қутидек ҳеч нимани қабул қилмасди! Мулла Ашур қўрқиб кетди. Ҳатто ваҳимага тушди.

– Ё, тангрим, – деб юборди у беихтиёр. – Бу не синоат?! Вужудимга уя қуриб олган иблиснинг ишими бу? Мен уни ҳайдайман, йўқотаман!

У пичирлаб, аллақандай дуони ўқий бошлади. Бир неча сониядан сўнг китобни қўлига олди. Бир-икки жумла ўқиди, холос. Кўз олди жимирлашиб, ҳарфлар бир-бирига қўшилиб, чаплашиб кетди. Юраги кўкрак қафасига сиғмай ураётган мулла ҳовлиқиб ўрнидан турди. Ҳовлига қараган деразани очар-очмас, ташқарига қараб бақириб юборганини сезмай қолди.

– Қай гўрдасан, Қўшанбойнинг қизи?!

Ишком остидаги сўрида олмақоқи қилаётган Хонимбуви ирғиб ўрнидан турди. Липпасига қис-

тириб олган этагини тушириб, шоша-пиша уст-бошини қоқди. Илдамлик билан дераза ёнига келаркан, эрининг заҳил башарасига кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди.

– Тинчликми?!

– Покланиб, кейин менинг ёнимга кир! – деб буюрди мулла.

Хонимбуви ҳайрон бўлганча ортига қайтди.

Мулла Ашур жойига чўкиб, бошини хам қилганча хотинини кута бошлади. Лекин ҳадеганда ундан дарак бўлавермади. Сабр косаси тўлиб бораётган мулла энди ўрнидан туришга чоғланаётганда намхуш юзини силаганча Хонимбуви кириб келди. Унинг нигоҳларида аллақандай ҳадик мужассам эди.

– Ўтир! – деб буюрди мулла ва имо билан оёқ учидан жой кўрсатди хотинига.

Хонимбуви қимтиниб, омонатгина чўк тушди.

Мулла Ашур кўҳна китобни қўлига олди-да, биринчи саҳифасини очган ҳолда хотинига узатди.

– Шу еридан бошлаб ўқи!

Хонимбуви бир китобга, бир эрига қараркан, хижолатли овозда деди:

– Мен ўқишни билмайман.

– Нега билмайсан?! – Мулланинг кўзлари чақчайиб кетди. – Ўргатган эдим-ку, уйланган йилим!

– Эсимдан чиқиб кетган... кетибди, – деди дув қизарган Хонимбуви саросималаниб.

– Бекорларни айтибсан, эсингдан чиқмаган. Ишингни қизғониб атай ёлғон гапиряпсан.

– Ўлай агар...

– Ўқийсан! – Мулла Ашур мажбурлаб хотинининг қўлига китобни тутқазди. – Ўқийсан!

Мулла Ашур жазавага тушган, ҳушидан айрилаёзган эди. Нима қилаётганини, нима деяётганини ўзи ҳам идрок қилолмасди.

Хонимбуви китобни тутганча ҳўнграб юборди.

– Касофат! Бор, йўқол, кўзимга кўринма! – Мулла Ашур махсили оёғини узатиб, товони билан хотинининг тиззасига тепди.

Хонимбуви кутилмаган зарбадан қалқиб кетди. Китоб қўлидан учиб тушди.

– Сендан яхшилик чиқмаслигини билардим, – деди мулла кўзлари хонасидан чиққудек бўлиб, китобга узаларкан.

Хонимбуви пиқиллаганча оқсоқланиб, хонадан чиқиб кетди. Мулла Ашур ғазаб ва нафрат билан унинг ортидан қараб қолди. У китобни хотинига ўқитиб, тинчланмоқчи, шу йўл билан ғалаён кўтараётган юрагига хотиржамлик бахш этмоқчи эди.

– Шунчалик ҳам ақли ноқислик бўладими? – деди у ўзига ўзи. – Ўргатган нарсанг эсида турмаса...

Мулланинг бир дарди иккита бўлди. Ўша куни "лоладек қизариб турган" аёлни кўрганидан буён ҳаяжонданми, эҳтиросданми титраб турган юраги энди ғазаб ўтида ёна бошлади.

Бурунги хотини ҳожининг қизи бўлса-да, даҳрийлиги бор эди. Биринчи бўлиб ажралишни таклиф этган ҳам, кўч-кўронини ортиб, уйдан чиқиб кетган ҳам унинг ўзи эди. Тушкунликка тушиб, ғарибона яшаб юрганида қариндошлари: мўмин-мусулмоннинг қизи, дейишиб, мана шу Хонимбувига уйлантириб қўйишганди. Айни дақиқада ғазаб ўтида қоврилаётган мулла туйқусдан Хонимбуви ҳам ўша даҳрий кундошининг "мардлиги"ни такрорлашини истаётганини сезиб қолди. "Ё, раббий, – деди у изтироб билан. – Менга нима бўлди? Нима учун бундай ўйларга боряпман. У чиндан кетиб қолса аҳволим не кечади? Ўша...

баттол балки бировнинг хасми-ҳалолидир? Ё... у билан хуфия учрашиб, ўзимни синаб кўрсам-микин?" Хаёлига келган сўнгги ўйдан мулланинг эсхонаси чиқаёзди. Юзини кафтлари орасига олиб, узоқ тин олди. Сўнгги ўй уни даҳшатга солганди. Бундан қутулиш учун у ҳозир ҳамма нарсага тайёр эди.

Бир тутам тун минг азоб билан ўтди.

Тонг ғира-ширасида бостирмада таҳорат олиб, бир қўлида обдаста, иккинчиси билан белбоғини елкасига ташлаганча ортига қайтаётган мулла кимдир ўзини кузатаётгандек туюлиб, беихтиёр юришдан тўхтади. Ортига ўгирилди. Зингил солиб, ён-верини кузатаркан, бехосдан ҳув нарида, чорбоғнинг йўлга туташ ерида, ёғоч панжарага суянганча, маъюс жилмайиб турган ўша аёлга, ўша баттолга кўзи тушиб, негадир сесканиб кетди. Орадаги масофа узоқ эмасди. Шу боис мулла аёлнинг хижолатданми ё уялганиданми, лоладек қизариб турганини кўрди, ҳис этди. Балки аёл қизармагандир, мулланинг хотирасида ўша "ҳолат" сақланиб ва ҳатто ўрнашиб қолгани учун шундай туюлгандир. Ҳовли супуришга тутинган Хонимбуви эрининг аро йўлда ҳуши бошидан учиб туриб қолганини кўриб хавотирланди, бир зумда хаёлидан нелар ўтмади, шусиз ҳам бир неча кундан буён унинг аҳволидаги ўзгаришдан ҳадиксираб юрганди. Супургисини девор четига итқитиб юбориб, эрининг олдига келди. Қўлидан обдастани оларкан:

– Жойнамозни солиб қўйдим, – деди оҳиста.

Мулла Ашур гарангсигандек бўлиб, хотинига маънисиз нигоҳ ташлади ва шу асно боши билан чорвоқ томон ишора қилиб деди:

– Анави... аёл Оқбердининг келиними?

Эри имо қилган тарафга қараган аёл у ерда дарахтлару, чорбоғни ўраб турган ёғоч панжарадан бошқа ҳеч нимани, ҳеч кимни кўрмади.

– Оқберди аканинг келини тонг саҳарлаб бу ерда нима қилади? – деди Хонимбуви ажабланиб.

– Дарди бордирки... – Мулла Ашур яна ўша томонга юз бураркан, у ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб, капалаги учди. "Ҳозиргина... Ҳозиргина турган эди-ку! Ерга кирдими, осмонга учдими? Ёки... қияликдаги йўлдан ўтаётиб қарагиси келгандир... Хонимбувини кўриб қолгач, қочиб қолгандир". Мулла ҳаяжондан энтикди. Вужудини қамраган ёқимли ҳисдан дили яйради. Лабига табассум югурди. Ўзи сезмаган ҳолда, аёл қаршисига келиб тургандек эркаланиб нигоҳ ташлади. Хосхонасига киргунча бу ёқимли ҳис уни тарк этмади. Ичкарига кириб, тасбеҳини қўлига олгач, унинг учун яна азобли, ҳар лаҳзаси дўзах азобидан кўра минг карра оғир дақиқалар бошланди...

* * *

Кунлар ўтган сайин Мулла Ашур "лоладек қизариб турган" аёлни тез-тез учратадиган бўлиб қолди. Гоҳ чорбоғ ёнида, гоҳ уй ёнида, йўл устида... Аёл майин табассум ҳадя этарди-ю, мулла оғиз жуфтлагунига қадар жуфтакни ростларди. Тутқич берай демасди. Ҳар гал ўша Оқбердининг тўнғич ўғли яшаётган ҳовлининг чорбоғига кириб, кўздан ғойиб бўларди. Мулла Ашур унинг ортидан ҳайрат ва аллақандай ичикиш билан унсиз қараб қоларди. "У жудаям чиройли ва ёш, – дея ўйларди у ичи ўртаниб. – Элликнинг эшигини қоқаётган чолни бошига урадими?! Шунчаки эрмак қилаётгандир? Эрига кўнгли йўқдир... Нега унда, агар у чиндан ҳам Оқбердининг келини

бўлса, нега унда, тирноққа зорман, деб ҳузуримга келди? Балки бу баҳонадир, шунчаки аёлларга хос макрдир?..” Мулла Ашур ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Шу қадар кўп ва берилиб ўйлардики, охир-оқибатда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, фикрлари чувалашиб кетарди. Баъзида хаёл сура туриб беихтиёр соқолини тутамлаётганини сезиб қоларди. Бир вақтлар, ҳалиги аёлдан ҳам ёшроқ вақтларида юртга таниғлик аждодларига ҳурмату эътиқоди баландлигидан, уларга тақлид қилганидан ва яна... сал салобатлироқ кўриниш истагида соқол-мўйлов қўйиб юборганига афсус ҳам қилаётгандек бўлиб қоларди. Мош-гуруч бўлиб қолган соқол-мўйлови уни янаям қаримсиқ кўрсатиши тайин-да!.. Кириб ташлашнинг иложи йўқ. Юртга кулги бўлади.

Вақт ўтгани сайин Мулла Ашур табиатида ажабтовур ўзгариш содир бўлаётганини пайқаб қолди. У энди аёлнинг шарпасини кўрган заҳоти ёки уни эслаганда юрагида пайдо бўлган ҳисни, шуурига соя ташлаётган шарпани ҳайдашга ҳаракат қилмас, ўзини хиёнаткор санаб саждага бош қўймас, бобомерос кўҳна китобни ҳам қўлига олишдан тийилгандай эди. Шу билан бирга беш вақт намозини ўқиб, саждага бош урмаса, шифо тилаб келганларга ёрдам қўлини чўзмаса вужудини “босиб” турадиган аллақандай куч-қувватдан айрилганини сезмай қолди. Мудом қандайдир кўринмас куч таъсирига тушиб қоладиган вужуди фавқулодда қушдек енгил бўлиб қолганди. Анави аёл бир кўриниш бериб, табассум ҳадя этиб кетгач ҳам унинг шарпаси мулланинг ёнгинасида қолгандек, унинг ён-верида айланиб юргандек туюларди. Бу ўша баттол аёлнинг хотирасида сақланиб қолган тасвирими ёхуд бошқа нарсамиди, мулланинг идроки етмасди.

Бир куни уч-тўрт чол билан Турдибой трактторчининг худойисидан келишаётган эдилар. Ҳеч кутилмаганда Оқбердининг тўнғичи Неъмат муаллим яшайдиган ҳовлининг дарвозаси қия очилиб, ўша соҳибжамол чиқиб қолса бўладими? Хаёл суриб келаётган мулланинг бехосдан аёлга кўзи тушиб, юраги шувиллаб кетди. Бир лаҳза... Бир дақиқа юришдан тўхтаб, аёлга интиқлик билан тикилиброқ қаради. Уни яқиндан кўриш истаги аллақачонлардан буён кўнглида ғалаён кўтараётган, безовта қилиб оромини ўғирлаган эди-да. Фақат бир лаҳза... Кейин ҳушини йиғиб, олдинлаб кетаётган шерикларига етиб олиш учун қадамини тезлатди. Аёл рўпарасидаги қўшнисиникига ўтмоқчи шекилли, лекин гурунглашиб келаётган чолларнинг йўлини кесиб ўтмаслик учун ерга қараганча, уларнинг ўтиб кетишини кутиб турди. Ўзларича ниманидир баҳслашиб кетаётган чоллар йўл четида ийманиб турган аёлни пайқашмади ҳам. Улар яқинлашганда аёл... ердан кўз узмаган ҳолда пичирлагудек бўлиб салом берди. Бадқовоқ чоллар кўчада ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқдек, вағур-вуғур қилишганча ўтиб кетишди. Аёлнинг саломини эшитишмади шекилли, алик ҳам олишмади. Мулла Ашур эса... унинг овозини эшитди! Ҳатто кўз қири билан бўлса-да, унга қараб қўйиш, бош ирғаб саломига алик олиш имконини-да топди. Сутга чайилгандек оппоқ юз... писта даҳан... қайрилма қошлар... гилосранг дудоқ... ҳарир рўмоли остидан чиқиб, пешонаси-ю чеккаларини тутган қўнғироқ сочлар... Мулла Ашур кўз қири билан қараш асносида ҳаммасини кўрди. Фақат аёлнинг кўзларини кўра олмади. У ерга қараб турганди-да. Аммо унинг нигоҳини ҳис этган аёлнинг лоладек қизариб

яна ўрингa чўзилди. Хонимбуви савол назари билан бир-икки қараб қўйди-ю, аммо индамади.

Шундан кейин Мулла Ашур дардга чалингандек сирқовланиб юрди. Ҳе йўқ, бе йўқ, беш вақт намозни қанда қилди. Шифо тилаб келгувчиларни қабул қилишдан бош тортди. Тўй-маъракаларга ҳам бормай қўйди. Хонимбувини лол қолдириб, тўшагини бошқа қилди: бир ўзи хоснонада ётадиган одат чиқарди. Хотини бунинг сабабини сўраганида, у қироат билан шундай деди:

– Кўнглим тинчликни тусайди.

Шу билан Хонимбувининг ҳам уни ўчди. Тақводор одамга бир нарса деб бўлармиди?

Дам олиш куни Хонимбуви қариндошларинникига тўйга кетди. Мулла Ашурни ҳам таклиф қилишганди. Унинг боргиси келмади. Мазам йўқ, дея баҳона қилди.

– Бугун укамникида ётиб қоламан, – деди Хонимбуви кетиш олдидан. – Эртага келин томонга куда бўлиб борасиз, дейишяпти.

Мулла Ашур "Хўп" дегандек кўзини юмиб-очди. Хонимбуви эшикдан чиқар маҳали ортига ўгирилиб қаради: эри чордона қурганча, хаёлга толиб ўтирарди. Аёл унинг ўйчан ва дардчил, ҳатто қайғули қиёфасини хотирасига муҳрлаб олмоқчидек узоқ тикилди. Сўнг... кўзлари намланганча чиқиб кетди. Мулла Ашур хотинининг қараб турганини ҳам, чиқиб кетганини ҳам пайқамади.

Тун ярмидан оққанида, энди кўзи илинган муллани кимдир оҳиста туртгандек бўлди. Эриниб кўзларини очган мулла ёнгинасида ўтирган аёлни кўриб ҳуши бошидан учди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо аёл: "Ётаверинг..." дегандек елкасини силаб қўйди.

Бу ўша!

Мулланинг кўзига лоладек қизариб кўринган, ақлу ҳушини ўғирлаган соҳибжамол эди!

– Келдингми?.. – деди мулла базўр, негадир унинг нафас олиши қийинлашиб бораётганди.

– Ҳа, – дея шивирлади аёл овозига сирли тус бериб.

Лоҳас ётган вужудига илоҳий куч эниб, қони гупира бошлаган мулла аёлнинг белидан қучиб, ўзига тортди. Аёл эгилиб, мулланинг кўксига бошини қўяркан, яна ўшандай сирли овозда шивирлади:

– Олиб кетгани келдим...

...Эртаси куни кечга яқин тўйдан тўлиб-тошиб қайтган Хонимбуви эрини жонсиз ҳолда кўриб бақириб юборди.

О, ҲАЁТ!

*Н*азар чол уч-тўрт кун сирқовланиб юриб бирдан кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Алишер дўхтирга югурди, кампири Ойнисахон бошида парвона, келин-неваралар ош-сувига балогардон!

Кунора маҳалладан уч-тўрт оқсоқол кириб ҳолаҳвол сўраб туришди. Назар чол яқинларининг, оқсоқолларнинг ўзларини тутиши, гап-сўзларига разм солиб, вақти-соатим етибди-да, деган хаёлга борди. Бироқ! Нега? Нима учун? Ахир бу дунёдан кетиш учун бирор сабаб бўлиши керак-ку! Бир ери қилт этмаса... Оғриқ бўлмаса, азоб бўлмаса...

Озгина беҳоллик демаса... Шу беҳоллик, ҳорғинлик уни ётқизиб қўйяпти, акс ҳолда аллақачон қаддини ростлаб, ҳовлида ғимирлаб юрарди. Чорбоғдаги ишлар ҳам ўлда-жўлда ётгандир. Чол тепаларида туриб ишлатмаса, қўлларини совуқ сувга ҳам урмайдиган неваралари унинг бетоблигини эшитишиб, дўппиларини осмонга отиб юришгандир.

Ўғли олиб келган дўхтирлар чолнинг дард-касалини топиша олмади. Биттаси ёшини сўраркан, "Етмиш беш!" деган жавобни олгач, Алишерга маъноли кулимсиради: қаричилик, яъни вақти-соати етибди-ку бобойнинг, демоқчи бўлди-ёв. Аввалари, ётиб қолмасидан бир кун бурун ҳам ҳали тўй деб, ҳали чаллари деб эшикма эшик юрадиган Ойнисахоннинг қадами тийилган, уч-

тўрт кундан буён ёнидан жилмайди. Кампирининг юзи бир оз изтиробли, аммо кўнгли хотиржамдек туюлди беморга. Ҳол сўраб чиққан қўшниларига секингина:

– Вақти-соати етган бўлса не қиламиз! Ҳаммамиз ҳам бир кунмас бир кун кетамиз-да у дунёга. Ажал келса бисмилло, энди! – деганини эшитиб қолди-ю, чолнинг бутун вужуди титраб кетди.

Наҳотки! Қандай журъат этяпти бу сўзларни айтишга?.. Ҳаяжон аралаш қўрқув таъсиридanми чолнинг увишиб ётган оёқларига жон эниб, юмуқ кўзлари чақчайиб кетди. Кампири бирдан ҳушёр тортиб чол томон ўгирилди.

– Сув бер, – деди чол титроқ овозда.

Ойнисахон сув ичишига ёрдамлашиш учун ёстиғини кўтармоқчи бўлганди, чол силтаб юборди. Бир пиёла сувни ютоқиб-ютоқиб ичаркан лоҳас вужудига куч эниб, ўзини бардам ҳис этди ва ҳаммани ҳайрон қолдириб, ирғиб ўрнидан турди-ю ҳовлига чиқиб кетди.

Ҳовли-чорбоғ саранжом-саришта эди. Чол ётиб қолмасидан бурун неки юмушга қўл урган бўлса, барчаси ўзиникидан ҳам аъло даражада бажарилган; орқаларидан қувлаб юриб ишга соладиган неваралари елиб-югуриб бип-бинойидай ишлаб юришарди. «Мен бўлмасам бу уй, бу ҳовли хароб бўлади», деб ўйлаб юрган чолнинг ҳафсаласи пир бўлди. Тенгсалиб у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, бир эрмак тополмади. Соғайиб кетгани ҳеч кимни қувонтирмаётгандек туюлди унга. «Бақирок туядан қутиладиган бўлдик деб хурсанд ҳам бўлишгандир балки», деган ўй юрагини ғижимлаб ўтди.

Аммо ўзининг қувончи чексиз эди. Майли, ҳеч ким суюнмаса ҳам, бор-йўғидан хабар олишмаса

ҳам, шу ёруғ дунёни, ҳаётни тарк этмаса бас. Ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарса! Ҳаммасини бердим уларга!

Манави ҳашаматлар – ҳовли-жой, мол-ҳоли, кўр-қути – ҳеч бири керакмас. Бир вақтлар шу анжомлар учун жонини жабборга бериб ишлаган кунларини эслаб чолнинг жаҳли чиқди. Ҳаммаси беҳуда, арзимас матоҳ! Фақат яшаш, яшаш, яшаш! Қанийди мангу яшаса (ҳар гал шундай ўйлаши билан чолнинг юраги қинидан чиққудек дукиллаб уриб кетади), атиги етмиш-саксон йил (шунга ҳам ета олсанг!) умр бўптими? Анави токчада турган лаган чолнинг бувисига онасидан қолган, қаранг, одамзоднинг умри шу лаганча ҳам бўлмаяпти-да! Тахминан ёшини ҳисоблаб кўриб, чолнинг шу лаганга ҳам ҳаваси келди.

Шу ёшга кириб Назар чол кампири айтган «у дунё»нинг борлигига ўзини ишонтира олмади. Кўзини юмса бас, зимистон қоронғулик, йўқлик! Қолганини ўйлашга-да қўрқади.

Чол бундан етмиш беш йил муқаддам эмас, худди куни кеча туғилгандай оламга ҳайрат нигоҳи ила боқиб, ҳеч ундан кўнгил узолмайди. О, ҳаёт! Мана шу мислсиз ёруғлик, кенгликни ҳеч нарсага алиштириб бўлмайди, ахир! Тип-тиниқ осмон, ям-яшил барглар, аллақандай, чол ҳатто номини ҳам билмайдиган ажойиб гулларнинг ёқимли ҳиди, ариқчада жилдираб оқаётган сув! Э-ҳе, буларни қандай қилиб кўз қияди.

Бир мунча вақт ўзини дадил ҳис этган чол чойхонага чиқиб ошналари билан чақчақлашиб юрди. Гўёки кексалик гаштини сураётгандек, аслида қарилик-иложсизлик мезони, энг ёқимсиз давр экан деган хаёлга бориб, ўксиб юрди. Шу орада нима бўлди-ю ошналаридан бири тўсатдан

вафот этди. Жанозадан қайтишаётганда чоллар ўзаро суҳбатлашиб келишди: жаннату дўзах ҳақида, азроилу мункар-накир ҳақида, гуноҳу савоблар ва яна алламбалолар!

Чоллар ўта хотиржам ва ўта ишонч билан (худди бориб у дунёни ўз кўзлари билан кўриб келишгандек!) гапиришар, бир-бирларининг сўзларини маъқуллаб ҳам қўйишарди. Бирортасининг юзида гумон аломати сезилмасди. Фақат Назар чолгина беҳаловат, бесаранжом!

«Йўқ, ҳаммаси ёлғон, – дерди унга ички бир нидо. – Одамлар ўлимдан чўчимаслик учун нариги, иккинчи дунёни ўйлаб топишган. Бу дунёдан ўтганимиздан кейин бутунлай йўқ бўлиб кетмас эканмиз, деб ўзларига тасалли-таскин бериш мақсадида ўйлаб топилган сафсата. Аслида! Аслида ўлдинг-ўчдинг! Тамом! Юрак уришдан, қон айланишдан тўхтадими, бўлди. Тананг ирибчириб, қурт-қумурсқаларга ем бўлиб, тупроққа қоришиб кетасан. Қулоқ эшитмагандан кейин, кўз кўрмаса, онг ҳеч нарсани идрок қилолмаса, миянг ҳеч нарсани ўйлай олмаса... руҳ бўлиб яшагандан нима фойда! Қизиқ, ўлганимиздан кейин овозимиз қаёққа кетаркин? Ким кафолат бера олади ўлимдан кейин ҳам ҳаёт борлигига? Барибир бу дунёни ташлаб кетар эканмиз, нега яралдик? Тирикликни яратгувчи зот бундан бошқа эрмак тополмадими? Хўп, яратишга яратибди, тўкис қилиб қўймайдими?!"

Назар чол ўзи билан ўзи олишиб юрган кунларнинг бирида ўғли Алишер ҳалокатга учраб, касалхонага тушиб қолди. Чол ҳаллослаб етиб борганида ҳамма ёғи дока билан ўраб ташланган Алишер уни кулимсираб қарши олди. Ҳатто ўрнидан туришга-да чоғланди. Бу ҳаракатларни

кўриб чолнинг кўнгли жойига тушгандек бўлди: ҳар қалай аҳволи оғир эмасга ўхшайди.

Шу оқшом у ўғлининг ёнида ўтириб чиқди. Тонгга яқин сал кўзи илингандек бўлган экан, аллақандай инграганга ўхшаш овоздан чўчиб уйғонди. Қараса Алишер! Икки кўзи отасида, нимадир демоқчи бўлади-ю, ҳеч чоғи келмаяпти.

– Уриниб қоласан, болам, гапирма, – дея зорланди чол.

Алишер бир неча сония отасига қаттиқ тикилиб турди-да, сўнг маъюс жилмайди ва беозоргина кўзларини юмди.

Шу кўйи ўғли кўзларини қайта очмади.

Кутилмаган зарба чол-кампирни эсанкиратиб қўйди. Айниқса Ойнисахон билан келини ўзларини еб қўйишди. Юзларини юлиб, ёқаларини йиртиб уввос солишди: "Алишер, мениям ёнингга торт!"

Келин бир уйда бағрини захга бериб ётар, кампири бир уйда! Иккала аёл ҳам бошдан-оёқ қора кийимга ўралган. Кун-узукун ҳуш-беҳуш бўлиб ётишарди. Айтиб йиғлайвериб овозлари ҳам бўғилиб қолди шекилли, ҳар замонда инграгандек овоз чиқариб қўйишардию, яна ҳушдан кетишарди.

Ёлғиз Назар чол тирик арвоҳдек ҳовлида ғимирлаб юрарди. У ҳам оғир аҳволда қолганди. Ўғлини қўмсаб пана-панада йиғлаб олар, аммо ҳеч вақт кампири, келини сингари ўзига ўлим тилай олмасди.

Қайнона-келиннинг аҳволини кўриб, буларни чалғитиш керак деган қарорга келди у ва ўйлай-ўйлай ошхонага кириб, ярим бидон ёғни кўздан пана ерга бекитди-да, Ойнисахон ётган уйга кириб, букчайганча унинг бош тарафига ўтиб ўтирди.

– Кампир, – деди оҳиста, – уйғоқмисан?

Ойнисахон кўзларини базўр очиб чоли томонга қараркан, икки чаккасига икки томчи ёш думалаб, оппоқ сочлари орасига ёйилиб кетди.

– Эртага пайшанба! Уйга одам келади! Бир томчиям ёғ қолмабди-ку ошхонада!

– Анавиндан сўрамадингизми? – деди кампир хириллаб. – Ҳаммаси ўшанинг қўлида-ку.

– Билмайман, деяпти, – чол кўзларини пирпиратиб, кампирга тик қарай олмади.

Ойнисахон юзини четга бурди.

Назар чол узум остидаги сўрида бошини кафтлари орасига олиб, мунғайиб ўтираркан, кимдир ёнига келиб секингина "Дада" деб чақиргандай бўлди. Илкис бошини кўтарган чол қаршисида қовоқлари шишиб, юзлари тирналган келинини кўрди.

– Ошхонадаги бидонда ёғ бор эди! – деди келини ва юзини кафтлари билан яшириб ҳиқиллай бошлади.

Назар чолнинг юраги ўртанди, ёмон ўртанди. Аммо ўзини босиб, дағал оҳангда:

– Ошхонангни ҳам кўрдим, ертўлани ҳам кўрдим, йўқ, – деди овозини бир парда кўтариб.

– Вой ўлмасам! Битта-яримта пайтдан фойдаланиб қолган бўлмасин!

– Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, келин. Уёқ-буёққа қарасанг бўлмайдими? Эринг кетган бўлса тўртта ўғлинг бор. Яшаш керак, келин, яшаш керак, яшаш!

Келин кўзлари ғилт-ғилт ёш, мунғайибгина ошхона томонга ўтиб кетди. Тушликдан кейин Ойнисахон ҳам ҳовлига чиқди...

Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дегандай, икки йил ўтиб-ўтмай Ойнисахон ҳам, келини

ҳам ўзларини анча тутиб олишди. Рўзғор ташвишларига андармон бўлиб, дардларини сал ортга ташлагандай бўлишди.

Ёлғиз Назар чолнинг дардига даво йўқ эди. У ҳамон ўзи билан ўзи олишиб яшарди.

Саксон бирга кирганида қаттиқ оғриб ётиб қолди. Кампири ҳам, келин-неваралари ҳам энди ўрнидан турмайди-ёв, деган хаёлга бориб, ими-жимида тадорикларини кўра бошлашди. Кампири куппа-кундузи уни ухлаяпти хаёл қилиб, сандиқдан бир тўп сурпни олиб чиқиб кетаётганини чол ўз кўзи билан кўрди. Бу сафар ҳеч ким дўхтирдан, касалхонадан оғиз очмади. Бир гал жони оғриб азоб чекканида, чидай олмасдан кампирининг қоқсуяк сонини ўйиб олди. Ойнисахон қўрққанидан ўрнидан туриб кетди.

– Нима бало бўлди? – деди бир оздан кейин ўзини босиб.

– Нега дўхтир чақиртирмаяпсан? – деди чол қичқиргудек бўлиб.

– Ўзи айтмади-ку чақир деб.

– Айтмасам чақирмайсанми? Ўла қолсаю қутула қолсам деб ўтирибсанми? Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! – чол жазавага тушиб бақира бошлади. – Мен яшайман, кўп йил яшайман! Сендан кейин ҳам юз йил яшайман, юз йил! Юз йил!

Чолнинг овози бўғилиб, нафаси сиқди ва бирдан беҳол бўлиб, ўзини ёстиққа ташлади. Қовоқ солиб, ўшшайиб турган кампири шошилиб ташқарига чиқиб кетди. Ярим соатдан сўнг худди шундай ўшшайганча қўшниси Абдунаби мол дўхтирини бошлаб кирди.

Абдунаби беморнинг уёқ-буёғини кўргач, бир парча қоғозга алланималарни ёзиб берди.

– Бу қоғозингни молларга берасан! – деди чол негадир жони чиқиб. Кампирига еб қўйгудай бўлиб тикилди. – Мени аҳмоқ қилаяпсанларми? Тузукроқ дўхтир чақиришга ҳам ярамадиларингми?

– Сиз шу дориларни ичинг, уколларни канда қилмасдан олинг, – деди Абдунаби пинагини бузмай. – Қаттиқ шамоллагансиз, ҳафта-ўн кунда отдай бўлиб кетасиз.

Дўхтир тўғри айтган экан, икки ҳафта ўтиб чол соғайиб кетди. Энди у уззу-кун ҳовлида, кўча эшик олдида айланиб юрар, узоқроққа, ҳатто чойхонага ҳам чиқмасди (Чоллар суҳбатидан юраги безиллаб қолганди). Йўлда қоқилиб кетиб, бир нима бўлиб қоладигандек жуда эҳтиёткорлик билан қадам ташларди.

– Оёқни узатиб ётса бўлмайдими? – дерди кампири ҳар замонда зарда қилиб.

Чолнинг эса уйга киргиси йўқ эди. Шу сабабли кампирининг сўзларини эшитмасликка олиб, ҳовлида юргани-юрган. Соғайиб кетганидан буён кампирига зуғум қилмай қўйган, айниқса келинга малол келмасин деб озиқ-овқат масаласида ҳам инжиқлик қилмасди. Тушлик ё кечликка чақиришганда:

– Бир бурда нон, бир пиёла чой бўлса бас, менга, – деб қўярди минғирлаб.

"Кўп емоқ ҳам кони зиён, – деб ўйларди у бир вақтлар аллақайси китобдами-журналдами ўқиганларини эслаб. – Узоқ умр кўрай десанг кўп ема, дейилганди ўша китобдами-журналдами. Қайси китоб экан? Кимники эди-я? Луқмони Ҳакимникими?"

Чол невараларидан бирини чақириб, "Менга Луқмони Ҳакимнинг китобини топиб кел мак-

табингдан", дея илтимос қилди. Икки кун ўтиб ўша невараси:

– Ота, мактабимиз кутубхонасида Луқмони Ҳаким деган ёзувчининг китоби йўқ экан, – дедию, югуриб ҳовлига чиқиб кетди.

Чол хафа бўлди. Неварасидан ҳам, китобни топиб бермаган ўша кутутхоначидан ҳам кўнгли қолди. Аммо начора, дардини кимга айтсин?

Майсалар кўкариб, дарахтлар гулга кирган кунларнинг бирида кампири ётиб қолди. Дўхтир чақиришга ҳам, касалхонага боришга ҳам кўнмади.

– Бу ёғи яқин қолди, чол, – деди у ҳансираб. – Бир кам саксонга кирдим, армоним йўқ. Сиз ҳам болаларни қийнаб нима қиласиз. Ҳеч қўрқинчли ери йўқ буни! Ахир Алишернинг олдига борамиз. Сиз шуни ўйланг, Алишерни ўйланг! – Кампирининг нафас олиши сустлашиб, қорачиғи тепага тортила бошлади. Тили каловланиб, алланималарни ғўлдираганда, чол базўр илғаб олди:

– Кўнглингизни оғритган бўлсам, кечиринг, мендан рози бўлинг, – деди-ёв.

Сўнг "пуф" этди-ю жон таслим қилди-қўйди. Оппа-осон! Хамирдан қил суғургандай!

Кампирининг ўлимидан кейин чол ўзини анча олдириб қўйди. Яхшими, ёмонми, ҳар қалай кўз очиб кўргани, жуда ўрганиб қолган экан. Айниқса, сўнгги сўзларини эсласа, аъзойи-бадани титраб кетади. "Аҳволимни сезган экан, шўрлик," дерди-ю кўзидан дув-дув ёш тўкиларди. Ҳийла вақт гарангсиб юрди, аммо кейин ўзини ўнглаб олди. " Менинг ёшимда кўп куйиниш ярамайди, – дерди у ўзига-ўзи. – Асаб толалари ўлиши мумкин."

Чол ҳовлида ўзини бегонадай сезарди. Аввал ўғли, кейин кампирининг вафотидан кейин бу

уйда ҳақсиздай бўлиб қолди. Фақат келини – Алишернинг аёли олтмиш беш ёшида, ертўлага тушаётиб қоқилиб кетиб ўша ернинг ўзида тил тортмай жон таслим қилгунга қадар чолнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турди. Кирчирини ювиб, дуосини олди. Шунга довур чол ўзининг ёшини эслаб, ҳеч янглишмасдан ҳисоблаб юрарди. Келинининг ўлимидан сўнг унинг ҳаётида парокандалик юз берди. Неваралар, невара келинларнинг у билан ишлари бўлмай қолди. Гоҳ вақтида (жуда кам ҳолларда), гоҳ бевақт чой-нонини бериб туришганини ҳисобга олмаганда, ҳеч ким ундан ҳол сўрамай қўйди. Чолнинг ҳам уларга кўзи учиб тургани йўғу, ҳар қалай одамгарчилик юзасидан дегандай.

Ўзларидан кўпайишиб, хона етишмай қолганида чолдан сўрамай-нетмай уни ошхона ёнидаги ҳужрага кўчириб ўтқазишганда ҳам у оғринмади. Аксинча, уларнинг устидан кулишга-да қудрати етди. Ҳали улар ҳеч нарсадан бехабар, ўзларини дунёга устун бўлади деб ўйлашади шекилли! Ҳа майли! Чол хотиржам, жимгина, ҳатто бир оз кулимсираганча эшикдан кирган-чиққанларни кузатиб қоларди. Зеро, тирикликнинг ўзи катта бахт эди унинг учун. Ёруғ дунёда борлигини ҳис қилишнинг ўзи улкан қувонч бағишларди қалбига.

Кунларнинг бирида ҳовлидан қий-чув, йиғи-сиғи овози эшитилиб қолди. Эваралардан бири оламдан ўтди шекилли! Чол тўнғич неварасининг ўғлини элас-элас кўз олдига келтириб, юраги бир ҳаприкди. Анчадан буён кўнгли бу қадар юмшамаган эди. Наҳотки ёлғизлик жонидан ўтган, яқинларининг йўқлиги билинган бўлса? Аслида у ёшига нисбатан анча дадил, ҳовлига чиқиб юришга-да қодир эди. Бироқ уни ҳеч ким на

азасига, на тўйига йўқларди. Гўё у йўқ, унутилган! Одамларнинг эсидан чиқиб кетгандек эди гўё.

"Арзимаган майда-чуйда ташвишлар учун куйиб-ёнишнинг ҳожати йўқ, – деб ўйлади чол, аммо киртайиб, қовоқлари ичига ботиб кетган кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. – Ҳаммаси беҳуда!"

Чолнинг кўзлари хиралашиб қолган бўлса-да, онг-шуури ҳамон теран, дераза ойнасидан тушиб турган бир тутам нур, бир парча осмонга тикилиб ётиб, ҳамон тириклик лаззатидан баҳраманд эканлигидан қалби қувончга тўларди. Яна бир мунча вақт ўтиб, Назар чол ёшини ҳисоблашдан бутунлай адашиб кетди. Тишлари тўкилиб, янги сут тишчалар чиққанига ҳам аллазамон бўлган. Ундан кейин невараси оламдан ўтди, сўнг эвараси! Бошқаларини у танимайди, ҳатто исмларини билмайди. Аллақандай чорпахил йигитлар! "Наҳотки шулар менинг зурёдим бўлса, – деб ўйларди у ўша чорпахил кишиларни ҳар замонда кўриб қолганида. – Эвараманинг неварасими ёки неварамнинг ўғлимикин?"

Бора-бора чол ҳужра деразасидан тушаётган бир тутам нурни кўриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди. Қулоғи ҳам эшитишдан чарчади.

Ҳамма ёқ зим-зиё, тун-куннинг фарқи йўқ эди. Шунда ҳам чол тушкунликка тушмади. Ундан хабар олиб турувчи кишилар ҳам аллақачон бегона одамлар! Салом йўқ, алик йўқ, бир коса ёвғонни "тўқ" этиб қўйишадию, тўнғиллай-тўнғиллай чиқиб кетишади. Чол сассиқ такадай бадларига урганлигини яшириб ҳам ўтиришмасди. Чолнинг кўзи ожиз бўлмаганида, қулоғи оғирлашиб қолмаганида уларнинг аҳволини кўрган, ширасиз сўзларини эшитган бўларди, аммо барибир кайфия-

тини бузмай, уларнинг ортидан тишсиз милкларини кўрсатиб тиржайганча кузатиб қолган бўларди.

Овқатдан кейин бир соатми, икки соатми, балки кўпроқ вақт ўтгач, яна бирови илимилиқ чой қўйиб кетарди. "Қайноқ чойни ичаман деб куйиб қолмасин дейишса керак-да, раҳма-ат", деб ўйлашга чолнинг фаҳм-фаросати етарди.

Тимирскиланиб, бир коса ёвғонни ичиб олиб, яна жойига чўзиларди. Тирикликнинг барча воситаларидан – кўриш, эшитиш, юришдан маҳрум бўлди, энди чол ўлса керак деб ўйлашди атрофдагилар.

Баъзилар унинг бир боғлам пиёздай бўлиб ётганини кўриб: "Эй худо, намунча хўрламасанг бу бечорани, нима гуноҳи бор эдики жонини олмаяпсан, – дея нола қилишарди. – Ахир ўлолмаслик ҳам азоб-ку!"

Чол эса уларни кўрмасди, эшитмасди, аммо ғайри шуурий равишда кимлардир томоша қилаётганини сезиб қолиб, қўлига илинган нарсани – косами, чойнакми олиб, эшикни мўлжаллаб туриб улоқтирарди.

Сўнг эса аввалгидан ҳам теранроқ, аввалгидан ҳам равшанроқ мулоҳаза юритиб, кўнгли қувончга тўларди: "Мен энди ҳақиқий ҳаётимни яшаяпман! Мен яшаяпман!.."

ҚАДИМИЙ ҚЎШИҚ

“Ана у! Келяпти! Ана, анави ёқдан келяпти. Қара, қарагин. Нимага тўхтаб қолдинг? Бормайсанми олдига?

– Вой шарманда! Вой юзсиз... Анави юзсизни қара!

– Тангрига ибодат қилиш ўрнига...

– Қизим, жон қизим, иймон келтир, тавба қил. Энди у ёқнинг кераги йўқ сенга. У ёқнинг ери ҳам бошқа, осмони ҳам! Оллоҳ иймон келтирган бандаларининг гуноҳларидан кечгувчидир. Иймон келтир, болам, иймон келтир, иймон нурига чулғангайсан!..

– Қиёмат куни бир тарозу қурилурки, ани беадад сутунлар била барпо қилишур, Ҳар бир устуннинг узунлиги мағриб бирла машриқнинг миёнасига баробардур. Анинг ҳар бир палласи ер юзига баробардур. Бир палласи Аршнинг ўнг тарафида турурки, анга савоб солинур. Бир палласи Аршнинг чап тарафида турурки, анга гуноҳ солинур.

...кимнинг тарозуси енгил келса, бас, андоғ кишининг онаси Ҳовиядур.

– ...

Шивир-шивирларга тўлган олам қалбини тилиб юборган ўтли хўрсиниқни илиқ шамол олис-олисларга олиб кетди...”

Султонмурод яна ўша таниш уй – қишлоқ чеккасидаги хароба олдига келиб қолганини майда

– Худо хоҳласа, никоҳимизни мана шу кишига ўқитамиз, – деганди ўшанда Султонмурод ёшига нисбатан анча қорувли, кимхоб камзули ўзига ярашган эшоннинг ортидан қараб қоларкан.

Қиз эса уялиб кулимсираган... Кейин тақдир чархпалаги тескарисига айланиб кетди. Султонмурод юрагини чангаллаб қолаверди.

Тўйдан кейин Султонмурод уни бир марта узоқроқдан кўрди. Жувон ҳам уни кўрдими-кўрмадими, билмайди, эҳтимол, кўзи тушгандир-у, ўзини кўрмаганликка олгандир.

Султонмурод эса бу кунни эслаб қолди. Унута олмади. Янглишмаса, ўша куни чоршанба эди, санаси ҳам эсида – 12 май, пешин чоғи эди... Бироқ – буни қанчалик истаётган бўлмасин – жувоннинг олдига бориш тугул, унга тикилиброқ қарашга-да ботина олмади. Нима бўлган тақдирда ҳам энди у қишлоқ аҳлининг эътиқодига сазовор бўлган тақводор одамнинг завжаси!..

Ҳамма-ҳаммасини унутмоқ истади. Бунинг йўли топилди – уйланди. Тақдир ҳазили – келин Шоҳсанамга қариндош эди.

Аммо барибир ҳувиллаб ётган кўнгил мулкига файз кирмади. Юрагини бир алам эзиб ётардики, бунга чидаб яшагандан кўра, дўзах оловида куйиб кул бўлган афзал эди. Кунларнинг бирида у барча-барчасига – уят-андиша, иймон-эътиқод – ҳамма-ҳаммасига қўл силтади. Ва...

Султонмурод ўзини эшоннинг ҳашаматли дарвозаси олдида кўрди: “Ундан сўрарим бор... Нега... Нима учун бундай қилди?”

Бироқ...

Эшикни тақиллатишга ҳам улгурмади.

Ҳашаматли эшик шиддат билан очилди.

Ва остонада Абдураҳмон эшон пайдо бўлди.

бўлади, қайноқ, бетакрор бўсалар таъмини туяди лаблари...

Иттифоқо...

Ўша куни у ишга кечикиброқ борди. Эрталабданоқ бошлиқдан эшитадиганини эшитди. Бунинг устига ҳисобот дафтарчаси уйда қолиб кетибди. Бошлиқдан яна насибасини олди. Бу камлик қилгандай, бошлиқ уйига бориб, ўша жин ургур ҳисоботни олиб келишни талаб қилди. Ишхонадан уйгача саккиз чақирим, кун иссиқ; бекатда ярим соат туриб улов пойлади, аммо ҳадеганда уловдан дарак бўлавермади, асаблари ўйнаган, чарчаган, бўғилган бир алфозда пойи пиёда йўлга тушди. Чамаси бирор соатлардан кейин у ўзи яшайдиган кўча бошига етиб келди. Шу ерда тўхтаб бироз нафас ростламоқчи бўлди. Аммо... Оҳ, меҳрибон парвардигор! – шунча ҳаракат, шунча заҳмат ва кўргуликлар ёлғиз Унинг учун, Уни кўриш учун эканлигини ўша дақиқада, ҳатто ундан олдинроқ ҳам қайдан билибди? Билганида эди эҳтимол... Ё, қодир эгам, тағин денг шундоқ рўпарасидан чиқиб қолди! Албатта У ёлғиз эмасди. Ёнида қандайдир бола кўтарган аёл... Ва атиги бир дақиқа, йўқ, ярим дақиқа, эҳтимол сониянинг аллақайси бир улушида – бехосдан уларнинг нигоҳлари тўқнашди! Ҳамроҳ бўлмиш аёл нимадир деди, лекин Шоҳсанам эшитмади. Олам сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолганди. Кейин яна ҳаммаси аввалги ҳолига қайтди: шовқин-сурон, вағир-вуғир...

Шоҳсанам ерга қараганча ёнидан, шундоққина ёнгинасидан ўтиб кетди. Султонмурод уни анчадан буён бунчалик яқиндан кўрмаган, кўзларига термулмаган эди. Йигитнинг ҳаётидаги энг порлоқ кун бўлди ўша кун.

нимасига учди эшон бува?.. Ҳатто пиёваниям эплаб пишира олмайдиган қўли синиқ-ку бу!

Султонмурод эса...

Шу "қўли синиқ" жувонни бир кўришга муштоқ, раҳматли эшон буванинг кўчасидан ўтишдан ўзини зўрға тийиб юрарди. Ахир, эҳтимол, чиндан ҳам у уқувсиздир... Лекин... рангпар хушбичим чеҳра, нозик даҳан, тик қомат, кўзлар... худди бу оламда ўзидан бошқа ҳурлиқо яшамайдигандек чақнаб боқувчи нигоҳлар...

Буларни унутиб бўладими?

Йигит фақат бир нарсадан хавотирда эди, ҳатто қўрқарди. Бу қўрқув туйғуси шу қадар улкан эдики, унинг ҳайбатига бир қур назар ташлашга-да қурби етмасди: "У мени унутган бўлса-чи?!."

Йил сўнгида эшон буванинг руҳи-покига атаб йил оши берилди. Шундан кейин бир ҳафта ҳам ўтмади, бирдан совчилар ёмғири ёғила бошлади.

– Эшон буванинг ҳурматини сақлаб шунча кутдик. Энди бир нарса де. Укам ёмон йигит эмас.

– Хўп, деяқолинг энди, илтимос. Акамнинг шашти баланд, кўнмаса опқочиб кетаман, деяпти!..

– Бу дунёдан ҳеч ким тоқ ўтмаган, қизим. Сенам ахир бир кун уй қиласан-да, ёш умрингни хазон қилмасанг-чи.

– Ёлғизлик азоби ёмон. Мана, менинг амаким ўн беш йилдан буён ёлғиз яшайди. Ўн беш йил-а! Бечора хотини жон бераётганда бошқага уйланмайман, деб ваъда бериб қўйганди. Энди билсам... босиб юрган эканман, дейди шўрлик амаким.

– Хўп деса, кафтимда кўтариб юраман, деяпти акам. Илтимос... ҳеч бўлмаса бир оғиз гаплашиб кўринг ўзи билан.

Дунё сўққабош эркакларга тўлиб кетгандек эди. Бироқ!

– Худога шукр...

– Сен?!.

– Ҳа... Эрталаб... боя... эшитдим... эшитиб қолдим...

Султонмурод энди эътибор берди. Жувоннинг юзи докадек оппоқ, нигоҳлари хавотирга тўла эди. У ҳатто тузук-қуруқ ҳол-аҳвол ҳам сўраша олмади. Қаттиқ қўрқиб кетганида одам шу кўйга тушади.

– Қўрқма, – деди, дея олди Султонмурод. – Қўрқма...

Жувон бош ирғади.

Бори шу.

Кейин у узалиб, қўлидаги тўрхалтани дераза токчасига қўйди-ю кетди.

Султонмурод шу куни кечгача дераза олдидан нари кетмади. У энтикарди, хўрсинарди. Касалхона дарвозаси томон кетган йўлакка унсиз тикиларди...

Шу куни у яна бир нарсага иқрор бўлди: қалбида яшаётган туйғу абадиятда ҳам руҳини тарк этмайди!

– Нимага ўзбошимчалик қилиб юрибсиз? – дея сўроққа тутди хотини Султонмуроднинг жабрланувчи сифатида даъвосидан воз кечганини эшитиб, тутақиб кетганидан сира ҳам ўзини боса олмай. – Хаёлингизга нима келса қилаверасизми? Хўп, даъво қилишдан воз кечиш ниятингиз бор экан, аввал шартингизни айтмайсизми? Жилла қурса касалхона харажатини кўтарсаям ҳарна эдида!

Султонмурод хотиржам тутди ўзини. Хотини гапирганда энсаси қотмади бу гал. Ҳатто унга кулиб қаради. Хотини унинг юзи табассумдан бу қадар ёришиб кетганини яқин-ўртада кўрмаганди.

"Қанотим бўлса-ю қошингга учиб борсам!"

Улар бир неча дақиқа бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди. Эшоннинг нигоҳлари ғазаб ва нафратга тўла... Оқиш, лекин айни дамда гезарган, бўзарган чеҳрасида шафқатсиз ифода қотиб қолган...

Султонмурод бўшашди. Аллақандай ғайритабиий куч қаршилигига дуч келгандай ўзини жудажуда ожиз ҳис этди. Бояги шаштидан асар ҳам қолмади.

Аста бурилиб ортига қайтаркан, алам ва изтиробдан инграб юборди...

Шу-шу бўлди-ю, йигит йўли тушган тақдирда ҳам эшоннинг кўчасини айланиб ўтадиган бўлди.

"Мана энди ундан абадул-абад айрилдим, – деб ўйлади Султонмурод. – Энди уни ҳеч қачон олисдан бўлсаям кўра олмасам керак!"

Дарҳақиқат, шундан кейин у Шоҳсанамни узоқдан бўлса-да кўришдан маҳрум бўлди. Чунки...

– Тавба қилдим, қариганда ёш хотинга уйланган эркак эсдан оғиб қоладими дейман-да, – деб қолди бир куни Султонмуроднинг хотини. – Эшонбувани айтаман-да. Остона ҳатлаб кўчага чиқсанг оёғингни уриб синдираман, дебди Шоҳсанам опамизга. Тунов куни бечора деразадан қараб турган экан, Эшонбува тоза таъзирини берибди.

Султонмурод чурқ этмади. Ичидан зил кетди. Айрилиққа, азоб-уқубатларга тўла дунё қад ростлади қаршисида. Бироқ йигит тишини тишига босди, чидади, чунки барбод бўлган дунё вайроналари устида шундай улуғвор кошона бунёд этгандики, бу кошонага истаган ерда, истаган вақтида кириб-чиқади; бу ерда изтироблардан зада қалби ором топади, қийғос гуллаган шафтолининг ёқимли ҳиди димоғига урилгандек

Орадан кўп вақт ўтмади.

Абдураҳмон эшон тўсатдан бандаликни бажо келтирди.

Шоҳсанам бева қолди.

"Энди у ё бу ҳовлидан бош олиб кетади, ё кимгадир эрга тегади, – деган гап топиб келди Султонмуроднинг хотини уйига бориб. – Албатта, эрга тегади-да. Тегсаям тегади, тегмасаям тегади. Ахир ёш бўлса, овунадиган фарзанди бўлмаса. Тегади-да, тегмай қаёққа борарди? Айтмоқчи, шаҳардаги амакимизнинг бултур хотини ўлганди. Ўртага тушсаммикин?"

Султонмуроднинг юраги зирқ этди.

Ёмғир фасли ўтди.

Жазирама ўтди.

Сокин ва осуда сунбула кириб келди ҳамки, Шоҳсанам на эрга тегди, на қишлоқдан бош олиб кетди. Эшон бувадан қолган ҳовлида ёлғиз ўзи яшайверди. Жувоннинг харидорлари кўп эди. Лекин нима учундир бирор кимса эшоннинг остонасини ҳатлаб ўтишга журъат этолмасди. Шоҳсанамнинг ўзи ҳам кўпчиликка қўшилмас, тўй-маърака тугул, ақалли, кўча-кўйга-да чиқмай қўйганди.

Тириклай кўмилгандек эди гўё.

Эшон бувадан қолган ҳовли-жойдан путур кета бошлади.

– Қаров бўлмагандан кейин шу-да! Ҳамма нарса ўлда-жўлда ташлаб қўйилгандан кейин шунақа бўлади! – дея жаврарди Султонмуроднинг хотини ҳар кеч. Бева бўлиб қолганидан кейин Шоҳсанам нима учундир унга ёқинқирамай қолганди. – Эсиз... эсизгина шундай уй! Раҳматли эшон бува бўлганда... Тавба, қош-кўзини бўяшдан бошқасига ярамайдиган бу ипирисқи хотиннинг

– Йўқ, дедимми, йўқ! – битта сўзда туриб олди Шоҳсанам.

Сабабини сўраганларга тишини ёрмади.

– Бешёғочлик киши ёмон одамга ўхшамайди, – дея Султонмуродни янгиликлардан хабардор қиларди хотини билибми-билмайми. – Шу кишига тегса бўларди. Иккита боласи бўлса нима қипти? Тайёр дастёр-ку улар. Бошқаларни-ку писанд қилмади.

Султонмурод чурқ этмасди. Фақат юзи аввал оқаринқираб, кейин қоғозга айланиб борарди...

Назарида хотини "ҳамма гап"дан хабардор – у атай Шоҳсанам ҳақида "хушхабарлар" топиб келаётгандай... Бу даҳшат! Ахир ёнингдаги одам кўнглингдан нелар кечаётганини сезиб турса... азоб бундан ортиқ бўладими...

Орадан анча вақт ўтди. Кунларнинг бирида ишдан қайтаётган Султонмуродни машина туртиб юбориб енгил жароҳат олиб, касалхонага тушиб қолди.

Шу куни эрталаб ҳаво булут эди. "Ёмғир ёғса эҳтимол", – дея ўйлади Султонмурод зирқираётган жароҳатига кафтини босиб. У ёстиқдан бошини кўтарди дегунча дераза оша ташқарига термуларди. Ўша куни ҳам у бир муддат дераза рахига пешонасини тираб турганди. Қаттиқ ўйга толганидан вақт чошгоҳга яқинлашганини, булут кўрпаси йиғилиб, осмоннинг бир чети очилаётганини ҳам пайқамади.

Бир маҳал...

Ё раббий!

"Йўқ, туш кўряпман, бу туш!.."

Султонмурод кўзларини юмиб-очди, очиб-юмди ҳамки, қаршисидаги сароб тонгги шудрингдай йўқ бўлиб кетмади. Маъюс, маҳзун жилмайган чеҳра...

Аммо энди у бўз йигит эмас.

Тангри ёрлақаб унда қанот пайдо бўлганда ҳам энди унинг ёнига бора олмасди. Бунга иқрор бўлгани сайин ич-ичидан нимадир кўтарилиб томоғига тиқиларди-қоларди: "Тангрим..."

Шоҳсанам эса яна уйига қамалиб олган, ташқи дунё билан алоқасини узганди гўё.

Бир куни...

Хотини кечки овқатни дастурхонга қўйиб, ўзи ошхона томонга кетди. Ва зум ўтиб қўлида тугунча билан қайтди.

– Санам опамизнинг тоби йўқмиш, – деди у Султонмуроднинг саволчан нигоҳига жавобан. – Бора солиб кўриб келай. Ҳар қалай, бир илдизнинг томиримиз...

Султонмурод тахта бўлиб қолди. Оғзидаги луқмани юта олмади. Гапирмоқчи, нимадир демоқчи бўлди, лекин томоғига қилтаноқ тиқилиб қийналаётгандай бўғзидан хирқироқ товуш чиқди, холос.

Хотини унга ғалати қараб қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

Султонмурод сўри четини тутди. Кучи борича маҳкам ушлади. Ҳозир кимдир оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташлашига-да рози эди: Йўқ! Йўқ! Бу мумкин эмас!..

Ярим соатлардан кейин хотини келди. Ранги оқаринқираган...

– Санам опамизнинг анча мазаси йўққа ўхшайди, – деди у сўри четига ўтираркан. – Вой худойим-эй... Дард бераман деса осон экан-да. Бечора... Адойи тамом бўпти!

Аёлнинг аёлга раҳми келдими, аҳвол жиддий!

Султонмуроднинг ичида нимадир чирт узилди. Қулоқлари шанғиллади. Хотинининг жаврашлари узоқ-узоқлардан келаётган товушдек элас-элас эшитиларди:

нарди. Султонмурод уй ичига зимдан разм солди: ҳаммаёқ шипшийдам, тахмонда тўрт-бешта кўрпа-ёстиқдан бошқа қўлга илинадиган нарса йўқ эди.

Жувон буни сезди.

– Дори-дармонга деб... Ўлсин, қанча дорини ичиб юбордим. Барибир фойдаси бўлмади.

Ўртага зилдай сукунат чўкди.

Султонмуроднинг нимадир дегиси, аёлнинг кўнглини кўтаргиси, шу билан ўртадаги ноқулайликни кўтариб ташлагиси келарди. Лекин ҳали уйидан чиқмасдан олдин ич-ичидан турган қалтироқ ҳамон босилмагани сабабли, сира ҳам гапира олмаётган эди.

– Биламан, мендан хафасиз, – деб қолди жувон бир маҳал.

Султонмурод шунча уринса-да, эплолмади – бўғзидан оғир хўрсиниқ отилди.

Аёл кўз учида унга қараб турарди. Нимадир дейиш лозим...

– Нималар деяпсан... деяпсиз... Нега хафа бўларканман?..

– Билмайман, ҳатто тушуна олмайман ўзимга ўзим... Менга нима бўлган? Худди ҳушим ўзимда эмасдай... Мана ҳозир ҳам... – деди аёл ўзига ўзи гапиргандай паст овозда. Бирпас жим турдида, сўнг яна деди: – Баъзида нимадандир жуда безовта бўламан. Хаёлимга нималар келмайди? Мана ҳозир яна... Мендан нафратлансангиз ҳам арзийди... Мен шунга лойиқман... О, йўқ, йўқ!..

Жувон юзини кафтлари билан тўсиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Юзи бир бурда... Бармоқлари қонсиз ва нимжон... Қоқсуяк елкаларида аянчли титроқ...

Сўнгги бардош ҳам тугади:

– Бу деворлар соқов эмас. Ҳар оқшом улар тилга киради.

– Ўлай агар, сўзларингга тушунган бўлсам.

– Э, қўяверинг бу ёғини. Бояги гапим гап. Шундай юраверайлик. Бизни ҳеч ким, ҳеч нарса ажрата олмайди!

Йигит эътироз билдирмади.

"Балки у ҳақдир? – деб ўйлади ичида. – Эҳтимол, шуниси маъқулдир..."

Биз режа тузамиз, аммо тасодиф уни барбод қилади. Кутилмаганда фожиа юз берди. Ҳа, бу – тасодиф, машъум тасодиф эди. Ҳатто ғайритабиий сир-синоат эди. Кутилмаганда содир бўлди у. Шоҳсанам ярим тунда қўққисдан гумбурлаган момақалдироқдан чўчиб уйғонди-да, чидаб бўлмас даражада санчаётган юрак хуружидан йигирма дақиқа азоб чекди-ю... омонатини топширди-қўйди. Султонмурод довдираб қолди. У ҳеч нарсани идрок қилолмасди. Йўқ, идрок қиларди, аммо ҳеч нарсага тушунмасди. Ахир шу кеча ҳарорат қирқ даража иссиқ, ҳаво қуриб қолгандек нафас олиш амримаҳол, барқут осмонда юлдузлар чарақлаб турар, қилт этган эпкин йўқ, лекин бутун борлиқни, курраи заминни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади!..

Ё алҳазар!

Ер ёрилиб кетгудек бўлди-я!

Дафн маросимидан қайтиб, очиққанларидан шоша-пиша овқатланаётган эркагу аёл, одатдагидек, яъни бошқа ҳамма жойда бўлганидек, марҳума ҳақида гапиришди.

– Тавба, минг марта тавба, шундай қилиб ҳам одам ўладими? Жон бериш ҳам осон экан-да. Биргина момогулдирак!..

– Йўқ, бу ерда бошқа бир гап бор.

– Ўзидан кўрсин! Ҳаммасига ўзи, фақат ўзи айбдор. Вақтида эр қилганида бу азоблар йўқ эди. Ҳали бу кунлар ҳолва. Бу ҳали азоб эмас. Ҳақиқий азоб ҳали олдинда! Бир кунлар турибди ҳали. Қон йиғлайди, қон!..

Хотини башорат қилган ҳалокат яқинлашиб қолгандек Султонмуродни даҳшат босди. Кўзларини чирт юмди. Аллазамонлардан буён қадам ташлашга изн бермаётган, темир тўсиқдек йўлига ғов бўлган куч исканжасида тўлғонди.

– Мен ўшанда айтгандим, билгандай, кўнглим сезгандай айтгандим, – ҳамон лаби-лабига тегмасди хотинининг. – Амакимга кўнмасангиз, ана Тўйчи муаллимни ушланг дегандим. Ёлғиз яшаш осон эмас. Иссиқ жон... Ўзи мени норози қилган одам ўнгланмайди!

– Бас қил-л!.. – тишларини ғичирлатди Султонмурод. – Бас қил-л!..

– Ҳа, намунча...

Хотинининг гапи чала қолди. Султонмурод кутилмаганда ирғиб ўрнидан турди-ю, сўридан сакраб тушди ва кўча эшик томон отилди.

Тўлин ой тераклар устида осилиб турарди. Аллақандай шовқин-суронсиз, маҳзун кеча эди. Султонмурод шу оқшом муюлиш четида қорайиб турган тошни кўрди. Ва анча вақтгача тош устида хаёл суриб ўтирди. Кейин бор кучи-ю иродасини тўплаб, эшон буванинг нураётган уйи томон юрди.

– Бу ҳаммаси... сиқилганимдан... Қўрқманг, ўтиб кетади, – деди Шоҳсанам синиқлик билан. Унинг юзи заъфарон, кўзлари киртайган, озғин вужуди ниҳоятда беҳол эканлиги шундоқ сезилиб турарди.

Аёл ниманидир яшираётгандек ва буни кулги билан пардалаётгандек, ҳадеб жилмайишга ури-

– Ўзингдан-ўзинг нималар деб ётибсан боядан бери, – дея гап бошлади йигит, гўё жуда ҳам оддий нарса ҳақида сўзлаётгандек. – Ҳали... ҳали шунақа бўлмағур ўйларни ўйлаб, ўзингни ўзинг касал қилиб ётган экансан-да. Мен хафа эмишман... тўғри, бир пайтлар бўлган... шундай... Лекин кейин... билсам, сендан нафратланиш тугул, хафа ҳам бўлолмас эканман...

Бирор соатлардан кейин Султонмурод ўрнидан қўзғалди.

"Бунинг ҳаммаси ёлғизлик оқибати... Уни ташлаб қўймаслик керак!" деган қарорга келди у жувон билан хайрлашаётиб.

Шундан кейин у тез-тез Шоҳсанамнинг аҳволидан хабар олиб турадиган бўлди. Аёл жуда секинлик билан бўлса-да, ўзига кела бошлади. Унинг аҳвол-руҳиясидаги ҳар бир ўзгариш йигитнинг назаридан четда қолмасди: "Бугун у ярим соатдан кўпроқ гапирди, ҳарсилламасдан, хотиржам сўзлади. Ҳатто кулгиси ҳам жаранглай бошлади..."

– Менга турмушга чиқ, – дея таклиф қилди у кунларнинг бирида.

– Иложим йўқ... – дея пичирлади жувон. Йигит ҳайратдан донг қотди. У аёлдан бундай жавобни кутмаганди.

– Нега? Нима учун? Мени ўйлаётган бўлсанг кўп қайғурма, ҳаммасини яхшиликча ҳал қиламан.

– Мен у ёғини ўйлаётганим йўқ.

– Нимани ўйлаяпсан бўлмаса? Сени бу ҳовлида нима ушлаб турибди? На фар... Кечирасан!

– Мен бандиман...

– Тушунмадим...

– Яхшиси, шундай юраверайлик.

– Сени ҳеч кимга ишонмайман. Ҳатто манави соқов деворларга ҳам...

– Шўрликнинг юраги хаста экан-да.

– Э, у бўлди-бу бўлди, нима қилиб бўлсаям эшон бува завжасини ўзининг олдига чақириб олди-да!

– Ие, уни қаранглар, парда қимирлаяпти!

Султонмурод ортиқ дош бера олмади... Азахонадан чиқиб кетди.

Тўшакда ажриққа ағанагандек ухлолмаган йигит алламаҳалда аста ўрнидан турди.

– Қаёққа? – сўради хотин.

– Ўзим, шундай...

– Эрталаб вақтли туришингиз керак, ухласангиз бўлмайдими?

– Уйқум келмаяпти.

Эшик хиёл ғийқиллаб очилиб-ёпилди.

Хотин кўрпани юзига тортди: "Тавба!"

Кеча ойдин эди.

Чарақлаган юлдузлардан ерга кумушранг ёғду тўкиларди.

Дераза ёнидан ўтган йигит бирдан таққа тўхтади.

– Сен?!

– Ҳа, мен...

– Ахир, сен...

– Кета олмадим!

* * *

"Дунё шунчалар гўзал!

Яйраб нафас олиб яшаганга не етсин... Ой нурида товланаётган япроқларнинг шовуллаши қандай ажойиб...

Аммо...

Бу дунёни сиз борлигингиз туфайли яхши кўраман.

Сиз туфайли!.."

* * *

– Қаерларда юрибсиз? – сўроққа тутди хотин.

– ...

– Бирпасда йўқ бўласиз-қоласиз!

– Ёмғир ёғаётган экан. Йўл четидаги тош устида бирпас ўтирдим.

– Бирпас?! Қайси йўлнинг четидаги тош?

– Муюлишдаги...

– Муюлишда ҳеч қанақанги тош йўқ! Ёмғир ҳам ёғмаяпти! Қачонлардан бери осмондан бир томчи тушгани йўғ-у... Нега ёлғон гапирасиз? А, нега? Нима учун? Ҳеч бўлмаса ариқдаги сувга бўкиб, кейин уйга келсангиз бўларди!

– Мен ахир у ерда Холиқ амакини кўрдим. Кейин анави чол бор-ку, оти нимайди, ҳаҳ, тегирмончи...

– Шўрим қурсин, ахир улар аллақачон ўлиб кетишган-ку!

* * *

– Сизга бир бало бўлгани рост.

– Бас қилсанг-чи!

– Бас қилмайман! Нега энди бас қиларканман? Мен ерда яшаяпман, сизга ўхшаб осмонда учиб юрганим йўқ!

– Инсоф қилгин, чарчадим, бирпас мизғиб олишга қўясанми-йўқми?!

– Боринг, дўкондан бир қоп ун опкелинг. Уйда бир ҳовуч ун йўғ-у, бу кишим!.. Қачон болам-чақам дейсиз?

– Э, бор-э!

Султонмурод уйдан чиқиб муюлишга борди.

У ерда ҳеч қандай тош йўқ эди.

Ёмғир ҳам ёғмаётганди...

* * *

"Эсингиздами, бир кеча тонг отгунча ухламасдан гаплашиб ўтирганимиз? Эсингизда, а? Биларди м... Осмон бир бошқа бўлиб ёришиб кетганди ўшанда! Ой нақ тепамизда туриб олганди. Худди биздан узоқлашгиси келмагандек. Илиқ шамол райҳон ҳидини димоғимизга урарди... Назаримда, кеча-кундуз ҳам, ой-қуёш ҳам, ҳамма-ҳаммасининг бизга ҳаваси келарди".

* * *

– Чик-чак... Чик-чак...

Султонмурод чўчиб кўзини очди.

Аллаким дераза ойнасини оҳиста чертгандек туйилди. Ёстиқдан бошини кўтарди.

Хира ёғду тушаётган ойна ортида кимдир унга тикилиб турарди.

Йигит ихтиёрсиз суратда ўрнидан турди.

Хотини қора терга ботиб ухлаб ётарди.

Султонмурод ҳовлига чиқди. Сўнг кўчага...

Ўн дақиқадан кейин у ўзини хароба олдида кўрди.

Чироқ ёниқ турарди.

– Кеч киришини минг азоб билан кутдим... – дея шивирлади жувон унинг кўксига бош қўяркан.

– Мен ҳам адойи тамом бўлдим. Нега бунча шошилдинг?

– Ихтиёрим ўзимда эмасди.

Тўсатдан жавондаги идишлар жаранглаб кетди. Қандайдир кўринмас қўл идишларни бир-бирига уриб, чил-чил қилаётгандек эди.

Жувон хижолатли кулимсиради.

– Эътибор берманг. Мен ўрганиб кетганман...

У сўзини тугата олмади. Хонанинг аллақайси

бурчагидан эшитилган овоз жувоннинг овозини босиб кетди:

– Бадбахт! Ярамас! Тавқи лаънатимга учрадинг! Қиёмат куни ҳам сени кечирмайман!.. Эй, бадбахт! Азоб фаришталарига топширдим сени! Алар дўзах ўтидин тож кийдирурлар бошингга, қиздирилғон мисдан либос қиюрсан!

Жувон иккала кафти билан йигитнинг қулоқларини тўсди.

– Эшитманг!..

* * *

Султонмурод кимсасиз кўча ўртасида турар, аллақачон қоронғи тушиб, ён-беридан одам оёғи тийилганини, уйига бориши лозим эканлигини фаҳмларди, ҳис этарди, аммо оёқларига тош боғлагандек уларни ердан узолмасди. Бир маҳал аллаким қўлидан тутгандек бўлди. Қаттиқ сесканди. Уй томон юрмоқчи бўлди. Шу он оқшом ҳукмига ўтган борлиқ бағридан сирғалиб ўтган бир нидо қулоқларига урилди: "Султон..."

Йигит иккиланди: бу одатдаги овозга, одатдаги чорловга ўхшамасди.

Тағин ўша овоз: "Султон..."

Йигит гарангсиган кўйи овоз келган томонга юрди: яна ўша хароба!

У таниш йўлак бўйлаб ичкарилади.

Хона зим-зиё.

Қулоқни қоматга келтиргудек сукунат.

Вақт тўхтаган, олам нафас олмай қўйганди гўё.

– Бу ёққа ўт! – деган дағал овоз гулдуради. Қоронғиликка кўника бошлаган йигит зулмат қаъридан ўзига қадалиб турган бир жуфт ғазабнок нигоҳларни ҳис этди.

“ – Оҳ!

– Вой бечора...

– Э, нега дод-вой қиласанлар? Қилғиликни қилгандан кейин жазосини олсин-да! Бундайларнинг жойи дўзахда!

– Дўзах шундай жойки!.. Дўзахнинг ўтидин заррадек олиб, уни тоғ устига қўйдилар. Бас, тоғ анинг иссиқлиғидин симобдек эриб кетди...

– Ё тавба!

– Тангрим, уни ўзинг ёрлақа!”

Султонмурод сиртмоққа қўл узатди. Қўли етмади, етар-етмас бўлиб, ҳавода муаллақ қолди. Яна бир қадам... Бехосдан пойабзалининг учи қаттиқ нарсага тегди. Мункиб кетди.

– Йўқ, йўқ, – деганча ортга тисланди у ўзига келиб.

– Қўрқма, – дея далда берди гулдураган овоз энди бир оз юмшоқ оҳангда...

– Йўқ!

– Бу жуда осон...

Шу он бўшлиқ қаъридан сузиб чиққан аллақандай шарпа тап тортмасдан дорга қўлини узатди ва... худди шундай ҳеч иккиланмасдан – оддий юмушни бажараётгандек – сиртмоқни бўйнига солди. Шундоқ Султонмуроднинг кўз олдида шарпа ўзини осди. Боши кўксига осилган... оёқлари шалвираган... Юзи эса... Ҳайратланарлиси шунда эдики, у шарпанинг юзини аниқ-таниқ кўрди. Дарвоқе, юз... юзини қандай эди деса бўлади? Юзи... юзи улуғ саодатга эришгандек мамнун ва сокин эди!

– Нега бундай қилдингиз? – дея қичқириб юборди Султонмурод беихтиёр.

– Нима қипман?

– У ўлиб қолди.

– У ўлгани йўқ. Яхшилаб қара. Мана у ёнингда турибди.

Султонмурод кўзларини юмиб-очди: ё алҳазар! Шарпа бояги жойида ҳеч нарса бўлмагандек қақ-қайиб турарди!

Йигит ақлдан озаёзди.

– Ҳозир... Ҳозиргина у... – дея пичирлади қуруқшаган лаблари.

– У ўлгани йўқ, сираям ўлгани йўқ.

– Ақлим бовар қилмаяпти...

– Тасаввур қил, вужуд – улкан чиғаноқ, руҳ шу чиғаноқ ичида димиқиб ётган жонивор. Мана энди у озод!

Султонмурод яна сиртмоққа кўз югуртирди.

– Бу жуда осон...

– Бу жуда ажойиб...

– Бу жуда осон...

– Бу жуда ажойиб...

Таранг тортилган асаблар бўшашди.

Йигит ўзи истамаган ҳолда, лекин шунга мажбурдек сиртмоққа қўл юборди. Шу вақт...

Бирдан еру кўкни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади. Чақмоқ чақди.

Шамол қоп-қора булутларни ҳайдаб келди.

Дераза шарақлаб очилиб-ёпилди.

– Йўқ! Йўқ! – деган фарёд эшитилди аввал.

Кейин... Ё раббий!

Чақмоқ ёруғида у кўзга ташланди. Мана у! Бор бўй-басти билан. Бу ўша!

– Йўқ! – дея такрорлади у. – Йўқ! Бундай қилманг! Бу тузоқ... Бу фитна... – жувон йигит пойига тиз чўкди. – У мени ўзи билан олиб кетмоқчи эди. У билан кетсам гуноҳлардан фориғ бўлармишман. Жаннат менинг пойимда бўлармиш! Мағфират нурига йўғрилар эмишман. Шунда буюк азоб куни

ёруғ юз билан чиқар эмишман. Акс ҳолда руҳим ёруғ дунёда сарсон-саргардон изғиб юраркан... Мен шунисини танладим. Дунёни сиз борлигингиз туфайли яхши кўраман! Қаранг, шафтоли қийғос гуллабди...

Кутилмаганда хона ичи ёришиб кетди. Султонмурод ҳайрат оғушида жувонга боқди. Сиртмоққа узалган қўллари бўшашди...

Эрталаб уни харобадан ҳушсиз ҳолда топишди. Тушгача у қишлоқ касалхонасида ётиб, ниҳоят ҳушига келди. Аммо... йигит тамомила ақлдан озган, телба эди.

"– Ё тавба, мен илгари ҳам бундай воқеага гувоҳ бўлгандим.

– Қачон?

– Миллион йил аввал..."

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Январнинг охирларида бирдан ҳаво айниб, кун совиб кетди. Бу йил қиш бўлмайди-ёв, деб бемалол юрган одамлар шошиб қолишди. Икки кун гупиллатиб қор ёғди. Куни билан ҳовлини тўлдириб, қий-чув қилиб ўйнайдиган болалар ҳам уй-уйларига кириб кетишди. Катталар иш юзасидангина кўчага отланишган, совуқдан ҳамманинг туси ўзгарган, юз-кўзларида ҳорғин ифода акс этиб турарди. Шаҳар одамлари шунақа, совуққа чидамсиз бўлишади; иш бўлмаса, бўйнимга олган мажбурият бўлмаганида эди, иссиққина уйда, юмшоқ диванга ястанганча қаҳва ичиб ўтирардим, деб ўйлашади улар. Дарвоқе, уйга нима етсин. Каталакдек бўлсаям ўз уйинг бўлса, ғам-андуҳга не ҳожат...

Беш қаватли уйнинг бешинчи қаватидаги хонадонларнинг бирида муздай дераза ойнасига бошини тираб хомуш ўтирган қиз шуларни хаёлидан ўтказди. Бундан ўн йил муқаддам у "ўқийман" деб шаҳарга келиб қолганди. Тақдир кулиб боқиб, институтга қабул қилинган, тиришиб-тирмашиб беш йилни бир амаллаб ўтказган қиз қишлоққа қайтиб боришдан бош тортган, ақлини танигандан буён у шаҳарда яшашни орзу қиларди. Шу боис кетгиси келмади. "Бу ерда яшаш осон, – деб ўйлаганди у ўшанда. – Бир амаллаб уй олсам, гап меники. Эр топиш қийинмас".

Йўлланма бўйича ишга жойлашиб олиб, "прописка" деган балодан ўтиб олганида ўзининг омадли эканига яна бир карра ишонди. Жон-жаҳди билан ишлашга, пул топишга ҳаракат қилди. Бироқ олган маоши у ойдан бу ойгача озиқ-овқатига базўр етарди. Кийим-кечакка йўл бўлсин. Яхшиям ота-онаси ҳар замонда бўлсаям пул бериб туради. Ҳар доим улардан ёрдам сўрашга қизнинг юзи чидамайди. Ахир ундан ташқари яна саккизта жон ота-онанинг қарамоғида. Ўғингарчилик кунлари лой бўлиб кетган туфлисини иссиқ сувда ювмайди, елими кўчиб кетиши мумкин. Шунчалик авайласа ҳам бир марта ишдан шошиб келаётганда бир пой туфлисининг пошнаси тушиб кетиб, ўтган-кетгандан жуда уялиб қолганди...

Ҳамон ойнага тиралиб турган пешонасидан совуқ ўтган қиз бирдан ўзини тортди. Пешонасини ушлаганча дераза олдидан узоқлашди. Ошхонага ўтар-ўтмас эшик қўнғироғи устма-уст қаттиқ жиринглаб, чўчитиб юборди. Эҳтиёт юзасидан "глазок"дан қаради. Эшик ортида пешонасини пуштиранг шарф билан танғиб олган аёлни кўриб юраги шув этди. Уй эгаси! Ижара ҳақини сўраб келган. Эшикни очмасликка қарор қилиб, нафас чиқармай тураверди. Ташқаридан аёлнинг шанғиллаган овози эшитилди:

– Эшикни очинг, Дилдора! Очинг деяпман. Биламан, уйдасиз. Ҳалигина балконда турганингизни кўргандим.

"Оббо, куйдирги-ей, – деб ўйлади қиз. – Каламушга ўхшаб, ҳамма ёқдан ҳид олиб юради-я".

Ноилож эшикни очди.

– Вой, Мавжуда опа, сизмидингиз? Китоб ўқиб ётиб кўзим илинибди.

– Ижара пулини сўраб келди, деб атайин очмадингиз-ку. Нима қиласиз яшириб? – деди Мав-

жуда опа шартакилик қилиб. Овозидан унинг ҳазиллашаётганини ҳам, жаҳли чиққанини ҳам билиб бўлмасди.

– Чиндан ухлаб...

Дилдоранинг гапи чала қолди. Мавжуда опа унинг таклифини ҳам кутмасдан остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Кира солиб уй ичини бирма-бир кўздан кечира бошлади. Энгашиб кўрсатгич бармоғи билан плинтуснинг чангини ҳам артиб кўрди.

– Бир пайтлар мен бу уйни тилим билан ялардим, – дея ҳар доим айтавериб ёд бўлиб кетган гапларини такрорлади у. – Уйимни озода тутишингизга ишониб, сизни ижарага қўйганман.

Мавжуда опанинг қизиқ одати бор эди. Гапираётганда ёнидаги кишининг юзига қарамас, ундан гапига яраша жавоб ҳам кутмас, шанғиллаганча хаёлига келган нарсалар ҳақида тинмай сўзлар, фақат навбат ижара ҳақига келганидагина кўзларини лўқ қилганча тикилиб тураверарди.

– Эртага берсам майлими? Илтимос, яна бир кунгина...

– Инсоф сайин барака деганлар, Дилдора. Ахир уч ойдан бери тўламаяпсиз-ку.

– Биламан, ҳисоблаб юрибман, – деди Дилдора, ўқитувчиси олдида имтиҳон топшираётган талабадек юрак ҳовучлаб. – Пулим тугаб қолди. Бугун, мана ишга ҳам боролмадим. Этигимнинг пошнаси тушиб қолиб... – Дилдора шоша-пиша эшик ортида турган этигининг бир пойини кўрсатди. – Кечга яқин бир танишимдан сўраб кўрмоқчиман.

– Ҳа, сўранг танишингиздан. Сўппайиб, қуруқ қўл билан келиб-кетиб юраверадими?!

Дилдоранинг юзидан иссиғи чиқиб кетди. “Вой, каламуш-ей, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди-я?”

Мавжуда опа ошхонага ўтиб, дераза тагидаги стулга ўтираркан, газ устида турган қозонга ишора қилиб деди:

– Ўнингизда бир мири йўғ-у, нима қилардингиз унинг учун овқат қилиб.

– Ҳа, энди... – дея чайналди Дилдора. – Йўқдан кўра...

– Ошми?

– Ҳа...

Мавжуда опа илкис-илкис гоҳ ундан, гоҳ бундан савол бериб, қизни гапга тутаркан, зимдан унга синовчан тикиларди. Кўзларида тушкунсиз бир маъно бор эди – ҳайратми, ҳайронликми?

– Ҳа, майли, шунчаси ўтган яна бир кун ўтар, – деди у охирида ўрнидан тураркан. – Билиб қўйинг, бир кундан ортиқ кутолмайман.

Эшик салгина зарда билан тарақлаб ёпилди. Дилдора эркин нафас олди. Бир неча сония йўлак деворига суянганча хаёлга толиб турди-да, сўнг ўзидан икки қадам нарида турган телефон олдига борди. Гўшакни ушлаганча, бир пас иккиланди, кейин таниш номерни тера бошлади.

– Абдуллани чақирворинг, – деди у гўшакни олган кишига.

Анчадан кейин у томондан "Абдулла йўқ?" деган жавобни олиб тепа сочи тикка бўлди. "Аблаҳ. Яна эски ҳунарини бошлади". У ошиғич тарзда эшик ортида турган эски туфлисини қўлига олиб, уёқ-буёғини кўздан кечирди. "Кийса бўлади, – деган қарорга келди. – Қорлар эрий бошлагандир". Йўлак деворига осилган узунчоқ кўзгу олдида туриб нақ ярим соат пардоз-андоз қилди. Гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан кўзгу олдига келиб, ўзига тикиларкан, шу туришида ҳар қандай эркакни лол қилиб қўйишига ишонч ҳосил қилди.

* * *

“Қочиб, қаерга бораркан, – деди қиз ичида кимнидир яниб. – Ернинг тагидан бўлсаям суғуриб оламан”. У эшик олдида бир нафас тўхтаб, плаши чўнтагидаги чақаларни ҳисоблаб кўрди. Трамвайда бориб келишига бемалол етади. Қиз зиналардан эҳтиёткорлик билан тушди. Биринчи қаватда Мавжуда опа яшайди. Унинг кўзига кўринишдан, саволларига жавоб беришдан юраги безиллайди. Уч ойдан буён ижара пулини тўламагани учун еб юборгудек бўлиб юрибди ўзи. Уззу-кун Дилдорани кузатади. Худди у бир кечада кўч-кўронини ортиб, кўчиб кетадигандек ортидан пойлагани-пойлаган. Ҳозир ҳам аллақайси тирқишдан мўралаб, уни кузатиб тургандир.

Дилдора бир амаллаб зиналардан тушиб, ҳовлига чиқиб олди-ю, елкасидан тоғ қулагандек енгил тортди. Аммо Мавжуда опанинг чигиртканингдек бир бурда юзи ҳеч кўз олдидан нари кетмасди. “Бойлик, бахт ҳусн танламас экан, – дея ўйлади у трамвайда кетаётиб. – Омади бор аёлнинг бошига қўнавераркан”. У навбатдаги бекатлардан бирида тушиб, югурганча йўлнинг нариги бетига ўтиб олди. Иккала тарафдан ғизиллаб келаётган машиналарнинг “бобиллаб” берган сигналларига парво ҳам қилмади. Шундоққина йўл ёқасидаги тепасига “Сартарошхона” деб ёзилган ойнаванд бинонинг эшигини очиб, ичкарига қадам босиши билан анвойи ҳидлар қоришмасидан ҳосил бўлган бўғиқ ҳаво димоғига урилиб, нафасини қайтарди. У ҳеч иккиланмай эркаклар бўлими томон юрди. Ичкарида калта оқ халат кийиб олган икки йигит мижозларнинг сочини тўғрилашаётганди. Учинчи кресло бўш. Демак у йўқ.

– Абдулла ака бугун ишга келмади, дедим-ку сизга, – деди йигитлардан бири унга қараб.

– Нега келмайди? Ахир бугун иш куни-ю...

– Қизчаси касал экан. Дўхтирга олиб бораман деганди.

Дилдоранинг энсаси қотди. Йигитнинг гапига ишонмаганлигини билдириш учун қошларини чимирди.

– Ҳа, майли, кеч бўлсаям келиб қолар. Кутиб тураман, – деди у ва йўлакка чиқиб, шу ерга қўйилган ўриндиқлардан бирига ўтирди.

– У бугун умуман келмаса керак, – деди ҳалиги йигит овозини сал баландлатиб гапириш асносида қизиқсиниб Дилдора томон қараётган мижознинг бошини тўғрилаб, рўпарасидаги кўзгуга қаратиб қўяркан.

Дилдора унинг сўзларини эшитмагандек, бепарво ўтган-кетганни кузатиб ўтирди. "Ҳаммасининг тили бир, – дея ўйлади қиз. – Ҳали трамвайдан тушган заҳотим у ойнадан кўрган-у, жуфтакни ростлаган".

Дилдора йўлакдаги ўриндиқда уч соатдан кўпроқ ўтирди. Бироқ Абдулладан ҳамон дарак йўқ. Биринчи смена тугаб, иккинчи смена бошланди. Ҳалиги сартарош йигит ҳам халатини ечиб, кийимларини алмаштира бошлади. Дилдора унинг кетиш тараддудини кўраётганини сезиб, ўрнидан турди.

– Илтимос, унга айтиб қўйинг. Бугун кечқурун уйимга ўтсин. Агар яна қочиб юрадиган бўлса уйига бориб шармандасини чиқараман, – деди у қатъий қилиб.

Йигит индамади. На "хўп" деди, на "йўқ". "Хўп" деса Абдулла билан тили бирлигини сездириб қўяди. "Йўқ" дейишга Дилдорадан ҳайиқди. Икки

йилдан буён Абдулла билан жиқиллашиб юрганидан хабардор. Бир неча марта Дилдоранинг шаллақилик қилиб, Абдуллани юмма талаганини ҳам кўриб қолганди. Шу боис миқ этмади.

Дилдора ташқарига чиқиб, трамвай бекати томон йўл олди. Унинг ранг-қути ўчган, ич-ичидан ғалати бир титроқ турганди. "Аблаҳ, – деди у ҳар галгидек бутун ғазабию нафратини шу сўзга жамлаб. – Энди бунақасини ўйлаб топибди-да. Агар озгинагина, жуда кам бўлсаям пулим бўлганида ҳеч қачон унинг ортидан қидириб юрмасдим". Бешинчи курсда ўқиб юрганида сочини кестириш учун шу сартарошхонага келиб, аёллар бўлмаси томондаги йўлакда навбат кутиб турганида Абдулла билан танишиб қолганди. Ўшанда у қизни навбатсиз ичкарига олиб кириб, таниш сартарош аёлдан қизнинг сочини чиройли қилиб, энг сўнгги моддада кесиб қўйишини илтимос қилганди. Кейинги сафар, орадан икки ой ўтиб, у яна шу сартарошхонага келганида тағин йигитга йўлиқди. Кейинги учрашув институтда юз берди. Бу гал Абдулла уни йўқлаб борганди. Кейин эса ... улар жуда яқин бўлиб кетишди. Абдулла чиройли йигит эди. Қадди-қомати келишган, қошкўзлари қоп-қора, юзи худди тарашланган тошдек силлиқ. Дилдора бу кўркам йигитга қандай қилиб ихтиёрини бериб қўйганини сезмай қолди. У икки йил ҳеч нарсани ўйламай Абдулла билан учрашиб юраверди. Биринчи бўлиб Абдулла "ўйин"ни бузмаганида ҳаёти ҳалига довур илгаридек давом этаверган бўлармиди. Афсуски, Абдулла бирдан ўзгариб қолди. Уни-буни баҳона қилиб учрашувлардан бош торта бошлади. Ҳар замонда бир кўришган вақтларида ҳам ўй суришдан нарига ўтмасди. Кейинчалик умуман йўқламай қўйди. У

йигитнинг хотини, биттами-иккитами (аниғини билмасди) боласи борлигини биларди. Азбаройи уни яхши кўргани учун бу масала қизни кўп ҳам қийнамасди. Тўғри, Абдулла уйига кетган вақтлари рашк ўти юрагини куйдирган онлар ҳам бўлганди. Бироқ у кўнглини кенг қилишга ҳаракат қилар, мени деб болаларидан воз кечишини истамайман, дея ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўларди. Бунга эришарди ҳам. Эр-хотинлик муносабатлари янги бошланган пайтларда Абдулла: "Уй олиб бераман, никоҳимга оламан" деб кўп ваъдалар берганди. Муносабатлари қалинлашиб боргани сайин у йигитнинг чўнтагида ортиқча ҳемириси йўқлигини билиб олган, аммо негадир ғаши келмаганди. Аксинча, беш-ўн сўм орттирган вақтлари сездирмай Абдулланинг чўнтагига солиб қўярди.

Кутилмаганда нарх-наво кўтарилиб, унинг аҳволи танг бўлавергани сайин, Абдулла ҳам ўлгаининг устига тепган қилиб, алоқасини узишга ҳаракат қилиб қолди. Устма-уст телефон қилаверіб, безорини чиқазган чоғлардагина истар-истамай қизникига келар, юз-кўзидан, гап-сўзларидан уни кўришга зор эмаслиги мундоққина сезилиб турарди. Ана шундан кейингина Дилдоранинг бурнига сув кирди.

– Ие, бу қанақаси бўлди? – дея қичқирди у пировардида. – Ҳаётимни барбод қилиб, қочиб қолмоқчимисиз? Уй олиб бераман, дегандингиз? Никоҳимга оламан, дегандингиз? Қани, ўша ваъдалар? Қани?

Унинг жазаваси тутган, кўзларидан ўт чақнар, бутун вужуди иситма тутгандек титрарди. Абдулла миқ этмасди. Ерга қараган кўйи, оғир-оғир хўрсиниб ўтираверарди. Кейинчалик, муносабатлари сал илиқлашган пайтлари у гап орасида болалари кўпайганини, хотини пул топмаяпсан

деб жанжал қилаётганини қистириб ўтарди. Дилдоранинг унга раҳми келди. Ўзича Абдулланинг ғарибгина уйини, юпунгина кийинган хотини-ю, болаларини кўз олдига келтириб кўнгли бўшади, йиғлагиси келди.

– Ҳаммасига чидайман, – дея пичирлаганди у ўшанда Абдуллани қучоқлаб. – Ҳаммасига чидайман. Фақат мени ташлаб кетмасликка сўз беринг.

Абдулла овоз чиқариб бир нарса демади. Кўзларини юмган кўйи, бош ирғади холос. Ҳақиқатан ҳам Дилдорага ҳеч нарса керак эмасди. Абдулла ёнида бўлса бас! Аммо йигит шуни ҳам эпламади. Борган сайин узоқлашиб кетаверди. Охирида қочиб қолиш пайига тушди. Дилдора уч ойдан буён уни тутолмай гаранг.

Трамвай келиб қолиб, қизнинг хаёли бўлинди. У туртиниб-суртиниб, трамвайга чиқиб олди. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди. Унинг рўпарасидаги ўриндиқда қорачадан келган йигит ўтирарди. Дилдорага кўзи тушгани ҳамон эски танишлардек бош ирғаб салом берди. Дилдора юзини ўгириб, ойна томонга қараб олди. Кета-кетгунча йигит ундан кўз узмади. Дилдора трамвайдан тушганида йигит ҳам тушиб, изма-из келаверди. Қиз уни ўғри гумон қилиб, юрагини ваҳм босди. Қадамини тезлатди. Таниш уй олдига келиб, ортига ўгирилганда беш-олти қадам нарида турган йигитни кўриб дод деворишига сал қолди. Сумкасини бағрига босганча, югуриб зиналардан тепага кўтарилди. Қўрққанидан аъзойи-бадани қалтирарди. Титроқ қўллари билан эшикни очаркан, пастдан эркак кишининг оғир-оғир қадам товушини эшитиб, баттар юраги ёрилди. Уйга кириб, титроғи босилгач секин “глазок”дан қаради. Ҳеч ким йўқ. “Ўғри изимга тушди, уйимни кўриб олди.

Энди мени тинч қўймайди", – деган хаёл миясини пармалай бошлади. У ошхонага ўтиб стол устидаги чойнакдан чой қуйиб ичди. Юраги ҳамон кузги япроқдай титраб турарди. "Шуниси етмай турувди, – дея ўйлай бошлади у. – Ҳали уй эгасига нима дейман?" Ҳалиги қўрқув устига ижара пули ваҳимаси қўшилиб қизнинг юрагини эзди. У ўзининг ночор аҳволда қолганидан хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади. "Энди мен керак бўлмай қолдимми. Жанжал қилавериб, сени уйдан бездирган ёмон хотининг энди яхши бўлиб қолдими? – Дилдора қаршисида Абдулла тургандай йиғи аралаш кўнглидагини тўкиб сола бошлади. – Энди нима қиламан? Қандай яшайман? Ота-онамга нима дейман? Мавжуда опани қандай қилиб тинчитаман?"

* * *

Шу оқшом у юрак ҳовучлаб тонг оттирди. Мавжуда опа кечқурун негадир чиқмади. Уйига меҳмон келиб қолганми? Унинг эри аллақайси идоранинг бошлиғи деб эшитганди Дилдора. Шунинг учунми тез-тез уйларига меҳмон келиб туради. Дилдора уч йил бадалида Мавжуда опанинг эрини уч ёки тўрт марта кўрди-ёв. Қачон қарамасин ишда бўлади. Аммо-лекин хотинини, болаларини таъминлаб қўйган. Қўша-қўша уйлари, машиналари бор. У курсдош дугонаси орқали шу уйни ижарага олганди. Дугонаси Мавжуда опанинг жияни бўлади. У аллақачон эрга тегиб, бола-чақали бўлиб кетди. Ижара ҳақини тўлаш муддати ўтиб кетган вақтларда Мавжуда опа йўлини пойлайвериб, безор қилар, бўлар-бўлмас, заҳар-заққум гапларни гапириб таъбини тирриқ қилар, аммо бирон марта уйдан чиқиб кет, деб

дўқ урмасди. Балки ўша жиянининг юзини қилар, балки шу йўсин одамгарчилик қилаяпман деб ўйлар, бу ёғи Дилдорага номаълум.

Эрталаб музлатгични (унинг бирдан-бир бойлиги) очиб кўриб, нонуштага арзигулик ҳеч вақо йўқлигини кўриб, таъби хира бўлди. Бир муддат музлатгичга тикилиб хаёл суриб турди. Сўнг бир қарорга келди шекилли, апил-тапил кийина бошлади. "Бугун дам олиш куни, – деб ўйлади қиз. – Уйига бостириб бораман..." У ҳам меҳмонхона, ҳам ётоқхона вазифасини ўтовчи (бир хонали уй бўлса!) каттагина хонага кириб, каровати тагидан оғиргина чемоданини тортиб чиқарди. Кийилавериб анча униққан кийимлари орасидан салафанга ўралган бир жуфт сочиқни олди. Ўтган йили онаси берган эди. Ишлатишга кўзи қиймай, чамадонига солиб қўйганди. Ўша сочиқларни Мавжудга опага кўрсатиш учун қўлтиғига қисиб, уйдан чиқди.

– Мана буларни сотмоқчи эдим. Балки олар-сиз... – деди у минг истиҳола билан.

Мавжуда опа салафанни очиб, сочиқларни ёйиб кўрди.

– Алмисоқдан қолганми, нима бало?

– Йўғ-е, ўтган йили онам берганди. Асраб юрувдим...

– Қанча берай?

– Билмадим... ўзингиз биласиз...

Мавжуда опа ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг қўлида пул билан қайтиб чиқди.

– Рози бўлинг, – деди у хушламайгина.

Дилдора пулни санаб ҳам кўрмади. Чопқиллаб ҳовлига чиқиб кетди. Мавжуда опа унинг ортидан узоқ тикилиб қолди. Ҳар доим қаҳр билан беписанд боқувчи кўзларида шафқат туйғуси уйғонгандек эди...

Эшикни ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги аёл очди. У оқ-сариқдан келган, истараси иссиқ эди. Кийиниши ҳам ёмонмас, ҳар қалай Дилдора ўйлаганчалик юпун эмасди. Аёл Абдулланинг хотини эканлигини у дарров фаҳмлади.

– Келинг, – деди аёл ҳайрон бўлиб, унга бошдан-оёқ тикилганча.

– Абдулла... ака... уйдами? – дея олди Дилдора базўр. Негадир саросималанаётганди. Бояги ботирлиги қаёққа йўқолди?

– Ҳа, уйда, келинг. Ичкарига киринг, – аёл уни эрининг мижозларидан деб ўйлади шекилли, мулозимат қила бошлади. – Остонада турмай, уйга киринг. Ҳозир чиқиб қоладилар.

Дилдора таваккал қилиб, ичкарига қадам босди. Шу пайт ванна томондан "Ким келди, Мавлуда?" деган таниш овоз эшитилди. Зум ўтмай елкасига сочиқ ташлаб олган майкачан Абдулла пайдо бўлди. Остонада турган Дилдорага кўзи тушган заҳоти тошдек қотиб қолди.

– Дадаси, сизни сўраб келдилар, – деди Мавжуда гоҳ эрига, гоҳ Дилдорага қараб қўяркан.

– Мен уйда соч олмайман, – деди Абдулла дарҳол ўзини ўнглаб.

Дилдора тушунсин деб овозига сирли тус берди. Аммо Дилдора унга парво қилмади. Қариндошининг уйига келгандек бафуржа оёқ кийимини ечиб, йўлакнинг чап тарафида эшиги ланг очиқ меҳмонхонага кириб, уй ичини кузата бошлади.

– Кимсиз ўзи? Уйимизга нега келдингиз? – деди Мавлуда энди саросимага тушган ҳолда унинг ортидан изма-из юраркан. Кутилмаган ташриф уни довдиратиб қўйдичамаси.

– Ўҳ-ҳў, – Дилдора аёлнинг саволларини эшитмагандек унга қиё ҳам боқмади. – Хотиним уйим-

да қўлга илингулик нарса йўқ деб жанжал қилади, дегандингиз. Мана булар нима? Рангли телевизор, диван-кресло, германский гиламлар...

– Бас қилинг, – дея қичқирди Абдулла. – Эшик очиқ, чиқиб кетинг!

– Нега чиқиб кетарканман? – деди Дилдора бамайлихотир. – Бу уй менинг ҳам уйим.

– Абдула ака, у нима деяпти?

Кўзлари ёшга тўлган Мавлуда эри томон юзланди. Абдулла унга жавоб бермади, бироқ кўзларини олиб қочди. Дилдора тўла ғалабага эришгандек эр-хотинга ғолибона қараб турарди.

– Мен уни танимайман, – деди ўзига келган Абдулла. У энди ўзини тутиб олган, юз-кўзларида киноялы табассум ўйнарди. – Ҳозир шунақа аёллар чиққан деб эшитгандим. Тинч ўтирган оилаларга бориб, мен эрингни ўйнашиман деб туриб олишаркан. Балога қолган эр ҳалигини тинчитиш учун пул билан оғзига ураркан.

Дилдоранинг устидан бир челак совуқ сув қуйиб юборишгандек, бутун вужуди музлаб кетди. Томирларида қон юришмаётгандек, оёқ-қўллари жимирлаб, увишаётгандек туюлиб, ўзини ташлаб юборишга сал қолди.

– Вой ярамас, ҳали шундай қилиб нон топиб еб юрибман, де. Ота-онанг биладими? – дея бобиллай кетди Мавлуда эшимчага қўшимча бўлиб. – Уйингда ... қисиб ўтирганингда тенгингни топиб кетардинг-ку, жалаб.

Дилдора чидаб туролмади. Ҳамон қўлтиғида қисиб турган сумкасини Мавлуда томон улоқтирди.

– Ифлос, аблаҳ, бунчаликка борасан деб ўйламагандим, – дея изиллаб йиғлади Дилдора ва эшик томон йўналаётган эди, юзи шилинган Мавлуда йўлини тўсди.

– Жавобини олиб кетмайсанми? – деди-ю, Дилдорага ташланди.

Қий-чув, тўполон бошланди. Бири бирини юлган, бири бирининг сочига чанг солган. Бақиришган, дод-вой қилишган...

Абдулла базўр уларни ажратди.

– Мавлуда, йўқол, кўзимга кўринма, – дея аввал у хотинига бақирди. Сўнг Дилдорага юзланиб деди: – Мана, ўйлаган ниятингизга етдингиз. Энди жавоб!

– Бу уй, бу эр меники, иккинчи қадамингни босма! – деб бақирди Мавлуда унинг ортидан.

Дилдора ит қувган гадойдек абгор ҳолда уйдан чиқаркан, бор кучини, бор нафратини тўплаб шундай деди:

– Ҳали кўрамиз кимники бўлишини...

Бир оздан сўнг эшик қарсиллаб ёпилди.

Сочлари тўзғиган, юзлари тилинган, ёқавайрон қиз кимсасиз кўчада қаёққа юришини, нима қилишини билмай анча вақт туриб қолди. Қалби ҳувиллаб, ўзини ёлғиз ҳис этди. Шу пайтгача у Абдулла мени севади деб ўйларди. Шу умид, шу ишонч унинг дардига малҳам, кўнглига қувонч бағишларди. Тақдир уни шугина бахтдан ҳам бенасиб этди. Ўлғиз қандай яшайди?

Қиз оғир хўрсиниб, ҳалигина келган йўли бўйлаб, бекат томон бир-бир босиб юриб кетди. Кун кеч бўлиб қолган, йўллар музлаб, изғиринли шамол эсарди. Автобуслар тирбанд. Бир бекатда тўхташса, наригисидан ғизиллаб ўтиб кетарди. Бекатда тураверіб, совуқ жонидан ўтиб кетди. Плаш чўнтакларига қўлини солаётиб бирдан ёнида сумкаси йўқлигини билиб қолди. Юраги шув этди. Сочиқнинг пули сумкада эди...

* * *

Кечқурун уйга базўр етиб келган қиз эртасига тонг азонда анча бардам уйғонди. Балконга чиқиб, ойнадан ёришиб келаётган тонгни кузатди. Кечаги воқеалар эсидан чиқмай, кўнглига соя ташлаб турган бўлса-да, тиниқиб ухлаганиданми, руҳи анча тетик эди.

Кейин музлатгичда борини дастурхонга қўйиб, нонушта қилди. У ўзини ўзи қувноқ кўрсатишга, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди. Ахир, яна ярим сотадан кейин ишга бориш керак. Кечаги кайфияти билан ишлаб бўлмайди. "Сумкани қолиб кетгани ёмон бўлди-да, – дея ўйлади у. – Шуни баҳона қилиб ортимдан чиқса бўларди. Яхшиям майда пулларни чўнтагимга солиб қўйган эканман. Бўлмаса ҳолимга маймунлар йиғларди".

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб, унинг хаёли бўлинди. Ким экан? Қизнинг юраги тез-тез уриб кетди. Абдулламикин? Сумкани баҳона қилиб... Ў Мавжуда опами?.. Эшик олдига боргунча минг хил хаёл бошидан ўтди. Одатдагидек "глазок"дан қаради. Қандайдир эркак киши орқа ўгириб турарди. Дилдора иккиланиа-иккилана охири эшикни очди.

– Салом, – деди эшик олдида турган йигит ва остонада ҳуши бошидан учиб, қотиб қолган қизга кулимсираб қаради. – Мени танимадингиз-а?

Қиз зўрға бош ирғади.

– Трамвайда учрашгандик, эсингиздами?

Дилдора яна бош ирғади. Унинг тили тангла-йига ёпишиб қолгандек, ҳеч айланмасди. Йигит-нинг юзидаги табассум бирдан йўқолиб, ўрнини жиддийлик эгаллади.

– Бостириб келганим учун... узр. Бошқа... ҳеч иложини қилолмадим, – деди у тутилиб-тутилиб.

Бояги ўктамлиги йўқолиб, ўзини ноқулай сезаётганди.

– Мен ишга боришим керак, кечирасиз, – деди ни-ҳоят ўзига келган Дилдора ва эшикни ёпиб олди.

Ҳаяжонланганиданми ё қўрққаниданми бутун вужуди дир-дир титрарди. У деворга беҳол суянди. Бу қанақаси бўлди? Ким ўзи у? Нега келади? Боши қотган қиз икки ўт орасида қолди. У секин бориб яна "глазок"дан қаради. Ҳалиги йигит ҳамон эшик ортида турар, "глазок"дан кўз узмасди. У ўттиз беш-ўттиз олтиларга борган, баланд бўйли, кенг елкали, сочлари қалин ва маллага мойил эди. Ўноқ суяклари туртиб чиқиб, юзини кенг, бесўнақай кўрсатар, аммо қош-кўзининг қоралиги, бурнининг бежиримлиги унинг бу қусурини ёпиб кетарди. Лаблари устидаги кичкина мўйлови ҳам ўзига ярашган эди. Бироқ кўзлари аллақандай эҳтиросли изтироб билан боқарди. Юзидаги жиддийлик уни хотиржамдек кўрсатса-да, кўзларидаги дардли ифода сирини фош қилиб қўйган эди. Қалин лабларида акс этган ним табассум унинг ҳолатига, турқи-тароватига ҳеч ҳам мос тушмаган эди.

Дилдора йўлакдаги кўзгу олдига келиб, бесаранжом нигоҳи сал хотиржам ҳолатга келгунча тикилиб турди. "Эшикни очишга мажбурман, – дея пичирлади лаблари. – Ишга бориш керак..." Бир оздан сўнг у ўктам аёл қиёфасига кирди. Ва шахт билан эшикни очиб, шитоб билан йигитнинг ёнидан ўтиб кетди. Довдираб қолган йигит шошиб қизнинг ортидан эргашди.

– Сизга икки оғиз... гап... гапим бор эди, – деди у қизга етиб олиб, ёнма-ён кетаркан.

– Сиз билан ҳам, бошқалар билан гаплашишни истамайман, – деди қиз, унинг юзига қайрилиб ҳам қарамасдан.

– Бир киши ишончингизни оқламаса, бошқалар ҳам айбдор бўладими?

Йигит билиб айтдими, билмай айтдими, қизнинг жон еридан тутган эди. Дилдора таққа юришдан тўхтаб, йигитга синчковлик билан тикилди. Унинг кўзларидаги изтироб юзига кўчган, лаблари, бутун вужуди титраётгандек, бироқ йигит зўр бериб бу титроқни сездирмасликка тиришаётгандек туюлди Дилдорага.

– Ваҳоланки, сиз кўп нарсадан хабардор экансиз, шуни ҳам алоҳида билиб қўйишингизни истардимки... – Йигит унинг узундан-узун жумларини эътибор билан тинглаётганини кўриб қиз шарақлаб кулиб юборди. Кула-кула, охири гапининг давомини айтди: – Мен жуда қиммат тураман.

Қиз гапирганида, йигит унга ҳайрат билан тикилиб қолганди. У гапини тугатганда ва кулиб юборганида чўчиб тушди. Қиз жиддий айтяптими ё ҳазиллашдими, фарқига бориб ўтирмади. Бурилиб, кетишга чоғланаётган қизнинг йўлини тўсди.

– Тиллами, жавоҳирми, нимани хоҳлайсан? Тилагингни айт, – деди у овози титраб. Ва бирдан сенсирашга ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. – Фақат мени ҳайдаб солма!

Дилдора нима дейишини билмай, гарангсиб қолди. Сўнг ўта жиддий оҳангда деди:

– Мен ишга боришим керак. Кечикяпман...

– Шест секунд, – деди йигит кулимсираб, кўрсатгич бармоғини лабига босди. Ва тез-тез юриб катта йўлга чиқди. У ёқ-бу ёққа ғизиллаб ўтаётган таксилардан бирини тўхтатиб, қизнинг ёнига келди.

– Кетдик!

Дилдора бир зум иккиланди. Вақт зиқ эди. Кўп ўйлаб ўтирмади. Таваккал қилиб, йигитга эргашди...

Шундан кейин йигит ҳар куни келиб, эшик олдида уни кутиб турар, ишга кузатиб қўяр, кечки соат беш-олтиларда уйга олиб келиб қўяр, эшик олдида хайрлашиб кетарди. Дилдора унинг исми Пўлат эканлигини биларди холос. "Қанақа одам у?" – деган савол қизни ўйлантирар, юрак ютиб сўрашга эса ботинолмасди. Бир неча куннинг ўзидаёқ у йигитга анча ўрганиб қолганди. Бироқ аччиқ тажриба кўнглини қаттиқ қилиб қўйган, йигит олдида сира сир берай демасди.

Бир куни эрталаб Мавжуда опа шанғиллаганча ижара ҳаққини сўраб чиқди.

– Яна озгина сабр қилинг, илтимос, – деди Дилдора астагина.

Чунки Пўлат келиб уни олиб кетадиган вақт бўлиб қолганди. Мавжуда опа эса атай қилгандек сира паст тушай демасди.

– Ўмонга салом бериб, товонга қоласан деганлари шу-да, – дея дийдиё қилди у. – Тўрт ойдан буён сабр қилиб юрган мен аҳмоқман ўзи. Ҳе, яхшиликни билмаган...

Мавжуда опа қарғай-қарғай зиналардан тушиб кетаётиб, бирдан Пўлат билан тўқнаш келди. Ҳали келаётиб, унинг овозини эшитган Пўлат тўртинчи қаватда туриб, бор гапни билиб олганди. Опа учинчи қаватга тушгунча кутиб турди-да, сўнг ҳамон остонада тошдек қотиб қолган Дилдорага "ҳозир келаман" дегандек ишора қилиб, пастга тушиб кетди.

– Бўлди, у энди сизни безовта қилмайди, – деди бир оздан сўнг қайтиб чиқиб.

Дилдора унинг кўнгли учун жилмайди. Қалбини аввалгидан ҳам оғирроқ, залворли бир юк эзаётган, юрагини ғижимлаётган эди. Унинг мижжаларига ёш қалқиди. Бир дақиқагина йигит олдида ўктамлиги, совуққонлиги йўқолиб, асл қиёфасига қайтгандек бўлди. Бир лаҳзагина холос... Кейин яна аввалги ҳолатига қайтди. У ҳеч нарсани ўйламасликка, эсламасликка қарор қилди. Туну-кун қайғу-ҳасратда яшагандан кўра шўр қисматни афзал билди. У Пўлат билан ёнма-ён кетаркан, алланималар ҳақида тинмай гапирар, кулар, баъзида арзимас майда-чуйдалар ҳақида ғам-ғуссага ботиб сўзларкан, ич-ичидан ҳақиқий андуҳи қалб тўрида унсиз фарёд чекаётганини ҳис этиб турарди. Аёл кишининг ўз софлигини сақлаб қолиши энг мураккаб иш эканлигини қайта-қайта эътироф этарди...

Одатдагидек кечки маҳал Пўлат билан ишдан қайтаркан, уй эшиги олдида Абдулла кутиб турганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Абдулланинг қўлидаги селофан сеткада нимадир бор эди. Дилдора унинг тунов куни уйида қолиб кетган сумкасини олиб келганини ички бир туйғу билан сезди. Плаш этакларини шилдиратганча унинг ёнидан беэътибор ўтиб кетди. Бамайлихотир чўнтагидан уй калитини олиб, қулфни бурай бошлади. Пўлат билан Абдулла еб юборгудек бўлиб бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишганди. Вазиятдан чиқиш учун қиз овозига қувноқ тус бериб, деди:

– Пўлат ака, уйга... Вой худойим-ей, бўла қолинг...

Бунақа таклифни кутмаган Пўлатнинг юраги ширин орзиқди. Бир зум иккиланса Дилдора эшикни ёпиб қўядигандек шошилиб ичкарига қа-

дам қўйди. Абдулла ундан кўз узмасди. Пўлат ечиниб, меҳмонхонага ўтгунча қиз кутиб турди. Сўнг эшикни ёпиш баҳонасида ташқарига чиқди. Ҳамон бир қарорга келолмай, эшик ортида турган йигитнинг қўлидан сеткани юлиб олиб, илондай вишиллади:

– Бу ерда энди қорангизни кўрмай!

– Ўйлаб иш қил, Дилдора, – дея жон ҳолатда эшик тутқичига ёпишди Абдулла. – Менга ҳам осон тутма. Бир қарорга келолмаяпман.

– Мен бир қарорга келиб бўлдим, – деди Дилдора қатъий қилиб.

Ва куч билан эшикни тортиб, ёпиб олди. Бир оздан сўнг қаҳва дамлаб, меҳмонхонага олиб кирди. Пўлат эшикка термилиб ўтирган эди. Қизни кўриши билан нигоҳини олиб қочди. Дилдора қаҳва қуйиб узатганида ҳам юзига қарамади. Ўртага ноқулай жимлик тушди. Йигитнинг юраги ўртанди. Негадир ўз-ўзидан жаҳли чиқиб кетаётганди. Қаҳвани отиб юборгиси келди унинг. Аммо истиҳола зўр келиб ўзини босди. Бироқ юзи гезариб кетганди. Дилдорага қараб, кулмоқчи бўлди, лекин қаттиқ қимтилган лаблари тушуниксиз ва ўринсиз табассумдан қийшайиб қолди. Қиз ҳеч нарсадан бехабардек, бафуржа ўтирарди. Қаҳва хўплаётиб, йигит уни зимдан кузатаётганини сезиб қолди. Ўзича кулимсиради. Ниманидир яширмоқчи бўлгандай кулимсиради, бироқ уддасидан чиқолмади.

– Истасангиз кетишингиз мумкин, – деди у бирдан йигитга тик қараб. Унинг юзида мамнунлик, кўзларида кибр акс этарди. – Ҳозир нимани ўйлаётган бўлсангиз, ҳаммаси тўғри. Айтмасангиз ҳам юз-кўзларингиздан билиниб турибди ва ... ва мен бунга чидаб туролмайман. Кетинг!..

Қиз иситма тутгандай титрарди, қаттиқ ҳаяжонга тушганлигини билдирмаслик ва йиқилиб тушмаслик учун стол қиррасига маҳкам ёпишиб олди. Бутун кучини, имкониятини тўплаб, йигитдан жавоб кутарди, баайни ўлимга маҳкум этилган одам ҳукм ўқилишини кутгандай...

Пўлат индамай ўрнидан турди. Унинг чеҳрасига ифода қилиб бўлмас бир изтироб соя солган, кўзлари маъюс ва ғамгин боқарди. У эс-ҳушини йўқотгандай гандираклаганича столни айланиб ўтиб, Дилдоранинг қаршисига келди. Келаётиб бўш турган стулга қоқилиб кетди. Юраги қинидан чиққудек потирлаб урарди...

– Сизда гуноҳ йўқ, – деди у аллақандай ҳазин товушда. – Ҳаммасига мен айбдорман. Мен...

Қизнинг юзидан қон қочиб, ҳаддан ташқари оқариб кетди. Пўлатнинг сўзлари олисдан, жуда-жуда олисдан эшитилаётгандек эди...

* * *

– Менинг тақдирим сеникидан ҳам чигал ва маънисиз, – дея гап бошлади Пўлат. Тун ярмидан оққан, улар ҳамон ўша стол атрофида ўтиришарди. – Йигирма ёшимда отам аммамнинг қизига уйлантириб қўйди. Ҳамма кўргулик шундан кейин бошланди. Хотинимга кўнглим йўқ эди. У меҳнаткаш, камсуқум, тортинчоқ қиз эди. Худди ота-онамнинг кўнгилдагидек! Эртадан-кечгача ҳовлида ивирсиб юрарди. Онам унга кўп иш буюрарди. "Келинлигимдан то ҳозиргача қўлим косов, сочим супурги" бўлиб келдим. Келин олдимми, энди қўлимни совуқ сувга ҳам урмайман", деб кўп такрорларди. Пайт пойлаб туриб, хотинимни уйга имласам, у уялиб кетарди. Ўзини олиб қочарди. Кечаси ҳамма ёқни саранжомлаб, уйга кирарди

тиёр эди. Аммо кўнглидаги бир тугун ёнига иккинчиси қўшилганди. "Нега у қамалган? Бунча пулни қаердан оляпти?" деган саволлар хаёлида тинимсиз чарх уриб, тинчлик бермасди.

Бир куни у ишдан келаётиб, йўл устида Абдуллани учратди.

– Сизникига келаётгандим, – деди у. Силлиқ юзида аллақандай безовталик сезилар, нимадандир саросималаниб турарди. Қўлида қоғозга ўроғлиқ шиша бор эди.

Дилдора уни кўрмасликка олиб, ўтиб кетмоқчи эди. Аммо йигит илдамлик билан йўлини тўсиб, ялинчоқ товушда деди:

– Дилдора, гаплашиб олайлик, азизам...

Дилдора унинг бесаранжом юзига тикилиб туриб, киноя билан деди:

– "Азизам" десам эриб кетади деяпсизми? Бир вақтлар, эсим оғиб юрганда "Белий аист"ни яхши кўраман, деганим эсингизга тушиб қолдими? Яна аввалгидек апоқ-чапоқ бўламиз деган ниятда келдингизми?

Абдулланинг ҳуши бошидан учиб, довдираб қолди. Қўлидаги шишани қаёққа қўйишини, нима қилишини билмай, гарангсиб турди-да, беихтиёр ён тарафдаги ариқчага улоқтирди. Дилдора уни беписанд нигоҳ билан бошлан-оёқ кузатаркан, яна оғиз жуфтлаган эди, Абдулла чидаб туролмади.

– Ҳа, мен аблаҳман, – деди у қичқириб. Унинг юзи қумдек ўчган, лаблари, лабларига қўшилиб, бутун вужуди титрар эди. – Аблаҳлик қилдим. Лекин ҳали бир қарорга келганим йўқ-ку.

– Сиз бир қарорга келгунингизча, хотинингиз қаҳрамон она бўлади, шекилли, – дея узиб олди Дилдора. У жиддийлашган, хомуш ва паришон бўлиб қолганди.

Абдулланинг юзига қизиллик югуриб, кўзларини олиб қочди.

– Уни тинч қўйинг, аралаштирманг, – деди у ўзини тутиб олиб. – Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим.

– Нимани гаплашмоқчи эдингиз, гапиринг, – Дилдоранинг юзига киноялы табассум ёйилди. У шу туришида Абдуллани эрмак қилиб, чарчамайдиганга ўхшарди.

– Жуда ўзгариб кетибсиз, афсус, – деди Абдулла ҳафсаласи пир бўлиб.

Дилдора шу гапни кутиб тургандай, бирдан портлади:

– Сиз ҳеч қачон мендан воз кечолмайди, деб ўйлагансиз. Шундайми? Унга ҳеч нарса керак эмас, у ҳеч нарсани ўйламайди, деган хаёлда юргансиз. Шундайми, жавоб беринг, – деди жазавага тушиб Дилдора. – Фаришта деб ўйлагансиз. Аслида кимлигимни билмагансиз. Сиз ҳеч нарсасиз яшай олишингиз мумкин. Аммо аёлсиз яшай олмайсиз. Мен эрсиз яшашим мумкин, лекин ҳеч нарсасиз яшай олмайман. Кейин... яна мен жуда ҳам қасдкаш ва кекчиман. Шуни ҳам билиб қўйинг. Бировнинг ёмонлигини бир умр эслаб юраман. Яхшиси, мендан нарироқ юринг. Хотинингизни олдида айтган гапларингиз ҳали қулоғимдан кетгани йўқ.

Абдулла шамдек қотиб қолди. У адойи-тамом бўлганди.

– Яна шуни ҳам билиб қўйингки, Сиз мен учун ягона эркак эмассиз! Дарахтни силкитсам, эркак ёғилади, – деди Дилдора ва йигитга кибр ва мазах билан бир неча сония тикилиб турди-да, уйи томон тез-тез юриб кетди.

Абдулла унинг ортидан тикилиб қолди ва алам билан тишини ғижирлатди...

– Дилдора, сен билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчи эдим, – деди Пўлат бир куни. У одатдагидек кўра безовтароқ кўринди Дилдорага. – Менинг уйимга кўчиб ўтсанг...

Дилдора ялт этиб, йигитга қаради. Унинг нигоҳида бир олам ҳайрат, бир олам қувонч бор эди.

– Наҳотки... Уйингиз борми? Нега аввалроқ айтмадингиз?

– Кўчиб ўт, дебми?

– Йўқ. Уйингиз борлиги ҳақида нега аввалроқ гапирмагандингиз? Ахир, бу...

– Бахт, демоқчимисан? – Пўлат кулимсиради. У ўйчан боқарди. – Бошида, шу уйни олмасимдан бурун, эҳ-ҳе, нималарни ўйламаганман? Нималарни орзу қилмаганман? Уй олсам унақа, уй олсам бунақа деган ўй хаёлимдан нари кетмасди. Охири шу даражага бориб етдики, уй олган куним ўлиб қолсам керак деб ўйлагандим.

Пўлат жимиб қолди.

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – деди интиқлик билан Дилдора

– Кейинми,.. кейин... ҳеч нарса! Худди аввалдан шу уйда яшаб юргандек, оддийгина қабул қилдим.

– Қўйинг-е, – Дилдоранинг ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетди.

– Кўчасанми? – Пўлат унинг ортидан борди. – Хўп десанг, эртагаёқ...

– Кейин мени ҳеч қачон ҳайдаб юбормайсизми? Тўғри хотин бўлишимга ишонасизми?

– Ўзимга ишонгандай...

Дилдоранинг қалбидаги хавотир тугуни ечилиб, майин жилмайди. Эртаси куни у ишга бормади. Пўлат аллақаёқдан юк машинасини олиб келди. Улар кула-кула Дилдоранинг "кўч-кўрони"ни ортишди. Кейин Мавжуда опаникига кириб, уй

калитини топширишди, хайрлашишди. Чинданми ё кўнгил учунми, Мавжуда опа кўзига ёш олди.

– Йиғламанг, – деди Дилдора хазин товушда. – Мен йиғлаб хайрлашишга арзимайман. Адресни ёзиб қўйдим. Бориб туринг.

...Тўққиз қаватли уйнинг, учинчи қаватидаги янги уй Дилдорага жуда ёқди. Уч-тўрт кун ичида уёқ-буёғини таъмирлаб ҳам олишди. (Албатта, Дилдоранинг таклифи билан). "Тўрт йилдан буён ремонт қилиш хаёлимга ҳам келмабди, – деб ўйлади Пўлат ичида. – Аёл барибир аёл-да..."

– Уй сеники, – деди бир куни Пўлат дабдурустдан, – ҳар қандай шароитда ҳам... сеники!

У негадир шошиб гапирди. Юзида оғир изтиробли бир ифода пайдо бўлганди. Афтидан, ҳали танишганимга уч ой бўлар-бўлмас, бу аёлга ишонишим шартмикин, деган хаёл кўнглининг кўчасига ҳам келмаётганди. У яна нимадир демоқчи, ниманидир тайинламоқчи эди. Аммо айтолмади, Дилдорани чўчитиб юборишдан қўрқди. Кейинги куни у азонда чиқиб кетган кўйи кечқурун қайтиб келмади. Кутиш азобини обдон татиган аёл биринчи оқшомни тишини-тишига босиб ўтказди. Иккинчи кун ҳам ундан дарак бўлмади. Дилдоранинг кўнглига шайтон ғулғула сола бошлади. "Наҳотки, у мени ташлаб кетган бўлса? – деган ўй келди хаёлига. – Шунинг учун "уй сеники" деган экан-да..." Ўз ўйидан ўзи қўрқиб кетди. Ишхонада ҳам, уйда ҳам кунни тиқ этса эшикка қараб ўтказди. Учинчи куни эрталаб эшик қўнғироғи жиринглади. Дилдора ўринда хаёл суриб ётганди, апил-тапил кийина солиб, эшик томон отилди.

Остонада Абдулла турарди!

– Кутмаганмидингиз? – деди у заҳарли жилмайиб. – Тополмайди деб ўйлагансиз...

– Нега энди? Сиздан буни кутса бўлади, – деди Дилдора ҳам киноя билан.

– Кирсам бўладими? Ахир ташқарида туриш ноқулай...

– Йўқ, – деди Дилдора ва шартта эшикни ёпиб, унга суянди. – Эрим уйда йўқ. Бор пайтида кирарсиз.

– Ўҳ-ҳў, эрим... – Абдулла ўзини хотиржам тутса-да, рангги докадек оқариб кетганди. – Эрингизнинг кимлигини биласизми ўзи? – У муҳим янгиликни айтиши билан Дилдорани янчиб ташлайдигандек бирдан кайфияти кўтарилди. Юзкўзлари ғалаба нашидасидан ял-ял ёнарди. – Мен суриштириб билдим. Эрингиз ўғрибоши экан. Учтўртта йигит билан қароқчилик қилишаркан.

Дилдоранинг оёқ-қўлидан жон кетиб, ўзини беҳол сезаётган бўлса-да, сир бой бермади.

– Бу ёғи мени қизиқтирмайди.

– Унақаларнинг умри қисқа бўлади.

– Бу ҳақда тул бўлиб қолганимдн кейин гаплашармиз.

– Демоқчиманки, ҳозир ортга қайтишнинг иложи бор. Ҳали ҳам кеч эмас...

– Ортга қайтиш... – Дилдора қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. – Кеч эмас эмиш... Ҳа-ҳа-ҳа... Кўнгиллари яна нима тусайди? Сен аблаҳ эдинг, аблаҳлигингча қопсан, – деди у бирдан сенсираб. Абдулланинг саросималаниб қолганини кўриб, яна шарақлаб кулиб юборди. – Яна ўйнашинг бўлишимни хоҳлаяпсанми? Овора бўласан. Ҳеч қачон сен мени ўйламагансан. Хотинингдан безган пайтингда менинг олдимга келардинг. Чарчаган вақтингда мен керак эдим. Хотининг чўнтагингни қоқиб олиб, йўл кирага ҳам пулинг қолмаганида мени эслардинг. Кейин... кейин қумга сингган томчидек йўқ бўлиб кетардинг. Мен шўрлик юрак-бағрим

қон бўлиб сени кутиб яшадим. Эшик қўнғироғи жиринг этса юрагим қинидан чиқиб кетай дерди. Балки кута-кута ухлаб қолганимда келиб, қўнғироқни жиринглатса эшитмагандирман деб ўзимни ўзим ёмон кўриб кетардим. Уй эгасидан яширинча калит ясатмоқчи бўлиб юргандим. Мени яна шу кўйга солмоқчимисан? Овора бўласан!..

Темир эшик шарақлаб ёпилди. Абдулла чўчиб тушди. Ғазабдан дир-дир титрарди. У бундай муомалани кутмаганди. Айниқса, Пўлат ҳақидаги "янгилик" аёлни довдиратиб қўйса керак, деб ўйлаганди. Шунда у темирни қизиғида босмоқчи, яъни ўйлаган режасини амалга оширмоқчи эди. Бу режа анчадан буён унинг хаёлини банд этганди. Пайт пойлаб юрганди. "Лоп" этиб орадан Пўлат чиқиб қолди-ю, иши ортга сурилди. "Аблаҳ, бандит, қизнинг кўнглини олишга улгурибди, – дея ўйлади Абдулла зиналардан бир-бир босиб пастга тушиб кетаркан. Кўз олдида Пўлатнинг асабий тарзда, сурбетларча тиржайиб туриши гавдаланди. Жунжикиб кетди. – Соғ одамга ўхшамайди у." Ўйлаган режаси амалга ошмаганидан кўнгли ғаш тортди. Кўчага чиқиб, қаёққа юришини билмай, ўйланиб қолди. Бу ердан кетгиси келмаётганини ич-ичидан ҳис этди. Чуқур хўрсинди. Дилдора уйига бориб, жанжал қилиб кетгандан кейин хотини унга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрарди. Ишга вақтлироқ кетса ҳам, ё аксинча, кечроқ уйга келса ҳам пичинг қилавериб жонига тегиб кетди. Шу пичинг сўзлар сабаб бўлдими яқинда эр-хотин қаттиқ уришиб қолишди. "Мен сизга ишонмайман, ўша хотин уйга бекорга келмади", – дерди Мавлуда ҳадеб. Охири Абдулла деворда осиғлиқ турган "Қуръон"ни қўлига олди. Уч-тўрт йил бурун бир таниши: "Қуръони"ни қўлингга

– Ўтираверинг!..

Орадан чамаси икки соатча вақт ўтди. Иккаласи ҳам ҳамон эшик олдида туришарди. Бутун вужудлари қулоққа айланиб, бир-бирларининг хатти-ҳаракатини эшитишга уринишарди. "Йиғлаяпти шекилли, – дея ўйларди Пўлат. – Ҳақиқатан ҳам ноинсофлик қилдим". "Ана, эшикка суяниб ўтириб олди, – деб ўйлади Дилдора. – Совуқ ўтиб кетмасайди. Чекаяпти... "Уҳ" тортди"...

Бир оздан сўнг "ширқ" этиб эшик калити буралгани эшитилди. Пўлат ирғиб ўрнидан турди. Ярми чекилган сигаретни шоша-пиша улоқтирди.

– Сенга ким хабар берганини биламан, – деди у ичкарига кирган заҳоти. – Сен ... боя ... айтганингда ... Бирдан ҳаелимга келди. Ўша! Аниқ, ўша!

Дилдоранинг қовоқлари қизариб, шишиб кетгани боис кўзлари қисилиб қолганди. Йигитнинг юзига қараёлмади. Ваннага кириб, совуқ сувга юзини чайди, қовоқлари устига юмшоқ сочиқни хўллаб босиб, бир неча сония турди. Сал ўзини босиб, аввалги ҳолига келгандан кейингина Пўлатнинг ёнига ўтди...

– Тунов куни айтгандим уйдан қочиб кетганимни, – дея гап бошлади Пўлат. У жуда асабий эди. Ҳали уйга кириб келганидан буён тинимсиз, устма-уст сигарет тутатар, бирини чекиб бўлар-бўлмас иккинчисини бошлар, кичкинагина шиша кулдон бир пасда сигарет қолдиғи билан тўлган эди. – Иш йўқ, турар-жой йўқ. Бир қанча вақт вокзалда ётиб юрдим. Қаерга иш сўраб борсам, прописка сўрашади. Оддий таксичиликка ҳам олишмади. Правам бор бўлмаса. Пропискани тўғрилаб келинг, кейин гаплашамиз, дейишди. Уйдан бир оз пул билан чиққандим. Тўрт ойга базўр етказдим. Кастюмимни сотишга мажбур

бўлдим. Кейин соатимни... Охирида сотишга арзигулик ҳеч вақом қолмади. Қорни оч одамни ҳар мақомга йўрғалатиш мумкинлигига ўша пайтларда амин бўлдим. Шу... шу... йўлга кирганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Аввалига вақтинчалик, деб ўйладим. Ҳадисини олгач, ташлагим келмади. Аммо биринчи марта қўлга тушганимда жуда қўрқиб кетганман ва йиғлаганман. Ҳа, ҳа, йиғлаганман. Қамоқхона деганда кўз олдимда даҳшатли манзаралар гавдаланарди, – Пўлат бирдан гапиришдан тўхтаб, ўрнидан турди. Унинг юзи шу қадар ўзгариб кетгандики, Дилдора қўрқиб кетди. Устма-уст чекиб, сал ўзини босиб олгунча бир оз вақт ўтди. У жойига қайтиб ўтирганда юзидаги қўрқинчли ифода батамом йўқолган, ўрнини сурбетлик эгаллаган, кўзлари такаббурлик билан боқарди. Аммо сўзлар бўғзидан базўр отилиб чиқарди. – Қамоқхонага тиқиб қўйиб, ўзларича тарбияладик деб ўйлашади-да. – У бировни мазах қилаётгандек, совуқ тиржайиб қўйди. Ҳалигина босиқлик билан равон сўзлаётган одам бирдан алаҳсираётгандек узуқ-юлуқ гапира бошлади. – Ақлини киритиб қўйдик,.. хуллас.. нима десам экан... энди бу ишни қилмайди деб ўйлашади. Аммо... Лекин адашишади. Жуда қаттиқ адашишади. Мен қамоқхонада... Олтмиш тийин уриб қолгани учун қамалиб кетиб, у ердан қилни қирқ ёрадиган ўғри бўлиб чиққан одамни биламан. Лекин яхши томони ҳам борки, буни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳа... ҳа... бор... Яхши томон шундаки... қандай тушунтирсам экан?... Қўйиб берсанг бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр, асабий, жулдурвақи маҳбуслар ичида тепадаги ис босган туйнукдан тушаётган бир тутам нурга тикилиб ўтириб озодликни соғинасан.

Юрагинг эзилади. Эркинликнинг қадрига етасан. Қанча муддат олганигни эслайсан... ва қанча қолганини ҳисоблашга ҳаракат қиласан. Бошда бир оз қийин бўлади, худди вақт ўтмаётгандек туюлади. Кейин... кунлар ўтавергани сайин... ҳисоблаш ҳам осонлашади. Ўзингга ўхшаган маҳбуслар ёқалашиб, бошингни ёриб қўйишса ҳам унчалик алам қилмайди. Бироқ... сени одам ўрнида кўрмай, бирорта ҳайвон... ёки... ёки жирканч махлуққа қарагандай муомала қиладиган, сал саркашлик қилсанг аямасдан дўппослайдиган қоровулларни бир умрга ёмон кўриб қоласан... Нега рангинг оқариб кетди? Қўрқяпсанми? Шунинг учун сенга гапиргим келмаганди-да. Ҳозир... оз қолди, тугатаман. Биттаси бор эди. Юзидан заҳар томиб турарди. Жуда бераҳм ва бешафқат эди. Қамоқхона унинг маҳрига тушгандай тутарди ўзини. Кўп эмас-у... шу... бир-икки марта менинг ҳам ёмон таъзиримни берган. Ўзим ўлар ҳолатда ётибман-у, ҳадеб: "Шу ердан эсон-омон чиқиб кетсам бир-кунмас бир кун бўғизлаб кетаман!" дея қасам ичганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Уч-тўрт ой бурун шу ишни ташлайман деб, ўзимга ўзим сўз бергандим. Аммо ўзимни тутолмадим. Тўрт кун аввал яна бир ишга қўл урдим. Азбаройи... сени деб. Сени хурсанд қилмоқчийдим. Афсуски, бир шеригим чув тушириб қўйди. Яқинда бизга қўшилганди. Биринчи марта чиқиши эди... Унинг касри уриб, иккита шеригим қўлга тушиб қолишди. Қаёққа гумдон бўлди у? Билмайман... Уч кун ўшани изладим. Осмонга чиқдими, ерга кириб кетдими... Билмайман... билмадим...

Пўлат бошини чангаллаган кўйи, хаёлга толди.

Дилдора адойи тамом бўлган, стулга михланиб қолгандек қимир этмасди.

– Энди мендан воз кечасан, шундайми? – деди Пўлат титроқ овозда.

– Нега энди? – саволга савол билан жавоб берди Дилдора. – Ўғрини севиб бўлмайдими? Ўғрида юрак йўқми?

– Бор, жонидан, бор... – дея қичқириб юборди бирдан руҳи кўтарилган Пўлат. У Дилдорани даст кўтариб, чир айлантира бошлади.

– Мендан ор қилмайсанми? – дея қичқирди Пўлат чир айланаркан.

– Йўқ. Ҳеч қачон... Ҳеч қачон... Энди ҳеч нарсани ўйламайман... Ҳеч нарсага куймайман... Фақат яшайман... яшайман!

Улар қий-чув қилишганча гир-гир айланишар, бақиришар, кулишар, ўзларидан бўлак ҳаммани, ҳамма нарсани унутишганди. Ташқарида эса минг азоб билан осмон ёришиб, жимгина тонг ота бошлаганди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Абдулла яна икки марта келди. Дилдора билан гаплашишга ҳаракат қилди. Охирги келганида Дилдора уни қувиб солди. Шундан кейин Абдулла анча вақтгача кўринмай қолди. Дилдора унинг феълини яхши билгани учун, негадир кўнгли ғаш бўлиб юрди. "Писмиқ... Пайт пойлаб юргандир-да", – дея ўйларди у ҳадиксираб. Нимадан ҳадиксираяпти? Ўзи ҳам буни аниқ билмасди.

– Бугун изимга тушишди, – деди бир куни Пўлат дабдурустдан. Унинг юзи ҳорғин ва ташвишли эди. – Тасодифан сезиб қолдим.

Тунов кунги суҳбатдан кейин Дилдора шундай бўлишини фаҳмлаган, қачондир, бир йилдан кейинми ёинки бир ойдан кейин, шундай бўлишини сезган ва бунга ўзини тайёрлаб ҳам келаётганди. Шундай бўлса-да, юраги орқасига тортиб кетди.

– Кўзингизга шундай кўрингардир-да, – дея олди зўрға.

– Кўзимга кўрингани йўқ. Аниқ биламан... Яхшиси бу ерга вақтинча келмай тураман. Сен хавотирланма, вақт топиб хабар оламан. Айтгандай, мен унинг олдига бордим...

– Кимнинг? – деб юборди Дилдора ва бирдан гап ким ҳақида кетаётганини англаб, қизариб кетди.

– У энди сени безовта қилмайди. Эркакчасига гаплашиб олдик, – деди Пўлат ва чўнтагидан қоғозга ўроғлик алланима чиқариб, стол устига қўйди. – Кийимларимни алмаштириб олмоқчиман. Дазмол босганмисан?

– Ҳа, – деди Дилдора ва қоғозга ўроғлик нарсага ишора қилди. – Бу нима?

– Унинг қайчиси... Соч кесадиган... Ойнасининг олдида турган экан. Билдирмасдан олиб қўйдим. Керак бўлиб қолар...

Пўлат маъноли қараб қўйди. Дилдора унинг қарашини тушунди. Бироқ индамади. Пўлатнинг ҳозиргина ечган кийимларини йиғиштириб олиб, ювиш учун ванахонага кириб кетди. Пўлат унинг кўнгли оғриди, деган хаёлга борди. Рашки қўзиб, жаҳли чиқди. Аммо ўзини босди. Дилдора нотўғри хаёлга бориб, мендан нафратланиб юрмасин, деган ўйда у аёлнинг ортидан борди ва оғринган алфозда деди:

– Мени қитмирлик қиляпти деб юрма тағин. Шунчаки... олгандим. Аммо шуни яхши билиб қўй, мен унга ишонмайман.

Дилдора миқ этмади. Ваннага энгашган кўйи кир ювишда давом этди. У ўйларди. Бошидан ўтган воқеаларни ўйлар, ўзича мулоҳаза қилар, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетган пароканда хаёлларини тартибга келтиролмай хуноби ошарди.

Ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. “Шундай бир иш қилиш керакки...” – дерди у ҳадеб ўзига ўзи.

Аёл бир қарорга келганда тонг бўзариб қолганди.

Дилдора қўни-қўшниларга кўринмаслик учун тезроқ чиқиб кетишга чоғланаётган Пўлатни саволга тутди:

– Анави шеригингиз топилдими? Қочиб кетган бор-у...

– А, ҳа, йўқ, – дея шошиб жавоб берди Пўлат.

– Мабодо... жуда зарур бўлиб қолганида... бошқа бировнинг номини айтиб юборсангиз бўладими? Далил-исбот қўлингизда...

Пўлат ялт этиб Дилдорага қаради. Аёл ундан кўз узмай, тик қараб турарди. Пўлат унинг кўзларида куйган, ўртанган, топталган, аламзада юрак аксини кўргандек бўлди. Шу билан бирга чеки-чегараси йўқ, бепоён бир нафратланиш ҳам мужассам эдики, Пўлат дош беролмади. Индамай чиқиб кетди...

Пўлат шу кетганича қайтаб келмади. Анча вақтдан кейин ёшгина бир йигитча келиб, унинг қўлга тушиб қолганини айтди. Яна бир неча кун ўтгач, ўша йигитча Дилдорага яқинда Пўлатнинг устидан олиб борилган тергов ишлари тугаб, иши судга оширилганини, у билан Абдулла деган шериги ҳам бирга эканлигини айтди. Кетар чоғида яна келиб хабар олишини, мабодо жуда зарур бўлиб қолганда, ҳа, у айнан шундай деди, жуда зарур бўлиб қолганда ўзини қаердан қидириб топиш мумкинлигини айтиб, хайрлашди. Дилдора меҳмон кетгач, у ўтирган стул устида бели боғланган бир даста пул ва бир парча қоғоз турганини кўриб қолди. Юраги ҳапқириб қоғозни қўлига олди. Хат Пўлатдан эди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: “Мени кут, азизам...”

КЎЛАНКА

– Хой, ким бу? Мендан бошқа биров борми бу ерда? “Беҳрузман” дейсанми? Бекор айтибсан, менман Беҳруз! “Унда мен кимман?” дейсанми? Мен қаёқдан билай? Бу ер менинг масканим. Куни кеча пешинда олиб келишди мени бу ерга. Сен... Айтганча, исмингни нима дединг? Яна бир қайтар. Овозинг танишдай...

Беҳруз?!

Наҳотки бу сен бўлсанг?! Бу ерда нима қилиб ётибсан?! Ахир сен сувга чўкиб кетгандинг-ку! “Оғайниларим билан муштлашиб қолганимизда улар мени бехосдан ўлдириб қўйишди, кейин ярим кечаси шу ерга кўмиб кетишди”, дейсанми? Қанақа оғайниларинг? Ахир сенинг энг яқин дўстинг мен бўламан-ку!

“Ишхонадаги оғайниларим билан ўзимизнинг кўлга чўмилгани борувдик!” Э-ҳа, тушундим, тушундим, ичиб ўтириб айтишиб қолгансанлар, кейин уришиб кетгансанлар, шундан кейин улар сени ўлдириб қўйганларидан қўрқиб кетиб, қабристонга олиб келишгану чуқур қазиб, апил-тапил шу ерга кўмиб кетишган... Номардлар, ҳатто дурустроқ қабр ҳам қазишмабди-да! Ҳа, тўғри, янги қабр дўппайиб турса, одамлар шубҳаланиб қолишарди. Ахир ўша кунлари сендан бошқа ҳеч ким қишлоқдан ғойиб бўлмаганди-да.

Қизиқ, наҳотки гўрковлар бехабар қолишган бўлса? Ахир мангу сукунат чўмган масканда тунда қандайдир безовталик бўлгандир? Ўшанда сени кўлга чўкиб кетибди, ўлиги топилмади, деган гапдан бошқа ҳеч нарса эшитмадик.

Буни қара, наҳотки энди битта қабрда ётсак? "Бир сиқимгина суякларим қолган, сенга оғирлигим тушмайди," дейсанми? Ҳа, ахир анча йил ўтди-да. Зах ўтиб кетгандир роса? Кечадан буён кимдир ҳадеб инграётганди. Сен экансан-да. Ёмғир ҳам тина қолмади. Шамолни айтмайсанми яна. Икки кундан буён ёмғирни бошлаб келган қаттиқ шамол эсиб турди. У вақтда мен ҳали ҳаёт эдим. Икки кун кечаю кундуз увиллаган овоз тинмади. Шамол қувиб юрган булутларнинг кўпчиган қорни Ойқортовнинг нақ киндигига текканидан кейингина бирдан ёмғир қуйиб юборди. Ўзиям роса шиддат билан ёғди. Тарновлардан кўпириб кетган сув шовуллаб оқар, кўкдан тинмай жала қуяр, кўлмакларда чучвара қайнар, ҳамма ёқни ғарқ қилгудай тўлиб-тошган сув ерга сингиб улгурмасди. Кейин эса сел бостириб келди. Мени афтидан сел оқизиб кетди. Анчадан буён бетоб эдим-да. Аммо сен билан битта қабрда учрашамиз, деб ўйламагандим. Нима, тақдир ҳазилими бу? "Бу бежиз эмас," дейсанми? Нега ахир?! "Мендан кейин нималар бўлди?" Сўраб нима қиласан? Энди ҳаммаси ўтмишга айланган бўлса... "Ўтмишда сир-синоат кўп бўлади, келажак эса ҳаммага маълум..." Ҳа, ҳаётлигингда ҳам шу гапни кўп такрорлардинг. Бўпти, ҳадеб ижиклайвермасанг, ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман. Бу шундай бўлган эди...

* * *

Уфқ каптар қони сачрагандай қизғиш тус олган, тонг ёришиб келаётган пайт эди. Ҳали чарақлаб

улгурмаган қуёш нурлари бутунлай тарқаб кетмаган қоронғилик қаърини ёритишга ожизлик қиларди.

Кунчиқарга қараган айвон устунига суянганча ёришиб келаётган уфққа тикилиб ўтирарканман, тўсатдан пайдо бўлган самовий йўл бўйлаб узоқлашиб кетаётган шарпангни кўриб қолдим. Нимадир юз берганини англашга улгурмасимдан, чарақлаб кетган нурафшон ёғду сенинг шакли шамойилингни менинг нигоҳларимдан яширди...

Ўша субҳи содиқда ишга кетаётиб кўча эшик олдида турган Дилдорадан кеча эрталаб уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаганингни эшитдим. Унга эркак киши иш билан юради-да, деганга ўхшаш гаплар билан тасалли бериб ўтиб кетган бўлсам-да, негадир кўнглим ғаш тортиб қолди. Ишхонада ҳам шу кайфиятда юрдим. Кечқурун эса одамлардан: "Бехруз кўлга чўкиб кетганмиш!" деган миш-мишни эшитдим.

Бу хабарга бир ишониб, бир ишонмай, уйингга қараб йўл олдим.

Ўшанда Унинг аҳволини бир кўрсанг эди!

Сочлари паришон ёйилган, юзлари тимдаланган, ёқавайрон бир аҳволда ер муштлаб йиғларди.

Икки аёл унинг ёнида қўлларидан ушлаб, суяб туришар, агар ўз майлига қўйиб беришганида, У ҳеч иккиланмай ўзини ерга отиб, майиб-мажруҳ қилган бўларди.

– Сабрли бўлинг, Дилдора, – дедим секин ёнига бориб. – Ҳали ҳеч нарса аниқ эмас-ку.

Аммо у мени кўрмади, кўрса ҳам танимади...

Бир ҳафтадан кейин жасад йўқ, лекин биз аза очдик. Чунки ғаввослар қанча излашган бўлмасин, ўлигинг ҳам топилмади-да.

Дилдора қора кийди.

Бошдан-оёқ қоп-қора кийим.

Юзи қордай оқарган.

Мижжаларида ёш қалқиб турарди.

Бундай бўлади, деб сира ўйламагандим. Ўлим кутилмаганда келади, деганлари шу бўлса керак.

Нима бўлганда ҳам ўлганга қийин, тириклар бир кунини кўраверади, дейишади. Бироқ тирикларга ҳам осон бўлмас экан. Йўқ, кўнгилдаги оғирликларни назарда тутяпман. Худди сенинг ўлимингга мен айбдордай, анча вақт ғалати кайфиятда юрдим. Дилдоранинг ҳам кўзига кўринмадим. Фақат белгили кунлари унинг ҳузурига бориб, барча оғирликларга тайёр эканлигимни, ортиқча заҳмат чекмаслигини айтардим.

Дилдора бўлса ҳамон ўзига кела олмасди. Яхши ҳамки ўғлинг бор. Бечора аёл эртадан-кечгача шу бола билан ўзини овутарди чамаси, негаки қачон қарасам, ўғлингни қучоғидан қўймасди.

Кунлар ўта бошлади.

Хотиним билан бир йил яшамасдан ажрашганимни тириклик чоғингдаёқ билардинг, сабабини ҳам тусмоллардинг чамамда; Муҳайёни ҳам яхши танирдинг, бир-икки марта жиқиллашиб қолганмизда унинг тарафини олиб, менга насиҳат қилгандинг; "Муҳайёга ўхшаш аёлни икки дунёда ҳам топиб бўпсан энди!" дегандинг у тугунини кўтариб чиқиб кетган куни менга. "Сизни тушунишга ҳаракат қилдим, лекин уддасидан чиқолмадим, яхшиси кета қолай..." деганди Муҳайё кетиш олдидан. Ҳа, у ҳақиқатан ҳам яхши аёл эди, қолаверса ўша вақтда ҳаммадан кўра шу аёл – Муҳайё мени кўпроқ тушунган деган фикрдаман, негаки севиб, севилмаган, муҳаббатдан баҳраманд бўлмаган кишиларда ўзгаларнинг муҳаббатини ҳис

қилиш кучли бўлади деб ўйлайман, қолганларига менинг ўжар қалбим сабабчи. Нима қилай, фақат бир аёлгагина тикилган, ҳаётнинг жамики қувончларини фақат унинг сиймосида деб билган эркакнинг ҳаёти ҳаёт эмас, заҳар-заққумнинг ўзи бўларкан. Сенинг вафотингдан кейин менам ёлғизликдан сўппайиб, ўзимни қўярга жой топмай юрган бўлсам ҳам, ҳамдард бўлишни истаб, Дилдоранинг ҳузурига бормадим. Ҳозир унга қанчалар оғир эканлигини ҳис қилардим.

Аммо кунларнинг бирида Уни кўчада учратиб қолдим. Нигоҳлари қайғули, лекин аввалгидай қаддини кериб, гўё бу оламда ўзидан бошқа аёл йўқдай, виқор билан кетиб бораётган экан.

Анча вақт ортидан қараб турдим.

Юрагимда яна алланималар ғимирлаётган, унут ҳислар безовта қилаётган бўлса-да, ўзимни кўрмаганга олиб, ичкарига кириб кетдим. Ҳувиллаб ётган хонамга кириб девордаги соатга боқдим. Соат капгирлари икки томонга керилиб тарвақайлаганча тинмай чиққилларди. "Вақт ҳамма нарсага бурнини суқаверади, охирда ҳаммаси унутилади ва ўзгаради," деган фикрни хаёлимдан ўтказдим ўша пайтда соат милларига тикилиб турганча.

Ҳа, мен вақт ўтишини кутардим.

Шунинг учун ҳам неча замонлардан буён сарсон бўлган туйғуларим ичимда ғалаён қилаётган бўлса-да, Дилдора билан кўришганимизда ўзимни вазмин тутардим. Кун келиб ҳаммаси ўзгаришига ишонардим; тўғри, дунёдаги нарсалар тартибини ўзгартириб бўлмайди, аммо инсон ўзгаришга мойил, айниқса аёл зоти шароитга боғлиқ ҳолда ўзгаришга, мослашишга мажбур, чунки шароит кўпинча айнан шундай бўлишни талаб қилади.

Қолаверса, хотиралар ҳар қанча жон ўртагувчи бўлмасин, аста-секин унутилади. Фақат бу дарҳол юз бермайди.

Шу боис хонам деворидаги соатга бот-бот тикилганча пайт пойлардим.

Кўп ўтмай унга совчилар келаётганини эшитдим. Куёвликка номзодлардан бири ҳатто мендан ўртага тушишни илтимос қилса де. Тавба, дунёда бева эркаклар ҳам кўп экан-да!

Ўша куни қандай қилиб унинг ҳузурига борганимни билмай қолдим.

– Бирор ёрдам керак бўлса менга тортинмасдан айтаверинг, – дедим ўзимни шунчаки ҳолидан хабар олиш учун келгандай тутиб.

– Хўп, – қисқа жавоб берди Дилдора, кейин ерга қараганча миқ этамай ўтираверди.

Бир маҳал қарасам елкалари силкиняпти...

Жуда ноқулай аҳволда қолдим. Ахир бунақада одам юраги сиқилиб ўлиб қолиши ҳеч гапмас.

– Хўп, мен бора қолай бўлмаса, – дедим аста ўрнимдан қўзғолиб.

Дилдора унсиз бош ирғади.

"У мени ўзига яқин олганида эшигининг турумини бузаётган совчилар ҳақида гапирган бўларди, – деб ўйладим чиқиб кетарканман. – Бундан чиқди у ҳамон менга бефарқ экан-да..."

Бироқ мантиқан ўйлаганда, совчиларнинг шашти шундай бўлса, у қачондир ким биландир турмуш қуришга розилик бериб юбориши турган гап. Мен яна оғзимни очиб қолавераманми бир вақтлардагидай?!

Юрагимни аламли қизғаниш, изтиробли рашк қамради. Эвоҳ, бу туйғу аллазамонлардан буён юрагимни ўртаб, асабларимни қақшатиб келади. Аммо мен чидашга уринардим. Ва бунинг уддасидан чиқардим ҳам.

Лекин энди бунақаси кетмайди!

Шошилиш керакка ўхшайди.

Чин сўзим, дўстим, сенинг ўлимингда заррача айбим йўқ, бироқ Дилдора сени танлаганидан кейин, унинг ишқида куйиб юрган вақтларим сенга ўлим тилаганим рост. Сен бўлмаганингда Дилдора мени танлашига ишонардим-да.

Тунни қийинчилик билан ўтказдим.

Эрталаб эса унинг ҳузурига йўл олдим.

Эшик олдида эски дўстларимиздан бирини учратиб, юрагим яна ғаш тортди.

– Кўнгил сўрагани кирувдим, – деди дўстимиз мен билан қўл бериб кўришганча, сирғалиб ёнимдан ўтиб кетаркан.

Ортидан қараб қолдим.

Қизиқ!

Остонада Дилдорага дуч келдим.

Нигоҳлари ғамгин, аммо ҳамон кибрли.

Бир вақтлар менга унинг мағрурлиги ёқарди, лекин энди негадир ғашим келадиган бўлиб қолди.

– Иброҳим кептими? – деб юбордим беихтиёр унга кўзим тушган заҳоти.

Дилодора бир лаҳзалик сукутдан кейин жавоб берди:

– Ҳа, эрим ўлганидан буён мендан ҳол сўровчилар кўпайиб қолди!

Кейин жилмайди.

Киноя ва кибр билан жилмайди.

Тушундим.

Бирдан таъбим хиралиги олов теккан шамдай эриб кетди. Нима бўлганда ҳам йилт этган табассум унинг қайғули юзини бир лаҳзага бўлсада ёритиб ўтганидан енгил тортдим.

– Буни қаранг, – дедим бир оздан кейин хижолатга тушиб. – Айнан менам сиздан ҳол сўрагани келаётгандим. Ишга кетиш олдидан.

– Мендан хавотир олаверманг, аҳволим яхши, – деди Дилдора шунда киноядан холи, беғараз, аммо ўзига ишонган ҳолда. – Қолаверса ўғлим бор, бутунлай ёлғиз эмасман.

Шу гапдан кейин индамай кетсам бўларди, лекин чидаб туролмадим.

– Хавотир олмай бўларканми? Эшитишимча, кун-кунора совчилар келиб турганмиш.

– Эрсиз аёл кўприк бўлади, – деди Дилдора аста.

Кейин бурилиб ичкарига кириб кетди.

Остонада қанча турганимни билмайман.

Ичкаридан Дилдоранинг чуқур хўрсинганини эшитдим. Кейин қадам саслари: шип-шип, шип-шип...

Бирдан қадам саслари эшитилмай қолди.

Юрагим хавотирли увишганча дераза олдига келиб, ичкарига мўраладим.

Дилдора деворга тақаб қўйилган каравотда ухлаётган болакайнинг ёнида тиз чўкиб турганча, унинг юз-кўзларини силарди.

Юрагимни яна аламли қизғониш, изтиробли рашк эза бошлади. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ўша топда болакай кўзимга шунчалик ёмон кўриндики, агар у бўлмаганида Дилдора аллақачон меники бўларди, деган ўй кечди хаёлимдан. Ана шунда кўзимга дунёдаги энг маъсум аёл бўлиб кўринадиган бу жувоннинг қалбини бир уринишдаёқ забт этган бўлардим.

Томоқ қириб қўйдим.

Дилдора чўчиб бошини бурди.

– Ҳали ҳам шу ердамисиз?

– Ҳа...

Дилдора бир-бир босганча дераза ёнига келди.

Бир неча сония бир-биримизга тикилиб қолдик. Унинг бутун жозибаси кўзларида ва бўса

учун яратилгандек пуштиранг лабларида эди. Мен ундан кўз узолмай қолдим. Бир маҳал Дилдоранинг киприклари титрай бошлади.

– Дилдора, биламан, ҳозир сизга осонмас, лекин биласизми, бу аҳволда... ўзингизни олдириб қўясиз.

Дилдора кафтларини юзига босди.

– Йиғламанг... Яна йиғласангиз...

– Йиғлаётганим йўқ... Қуёш нури...

– Дилдора, сиз билан очиқчасига гаплашиб олмоқчиман. Агар рози бўлсангиз...

– Йўқ! – бирдан кескин жавоб берди Дилдора.

– Нега? – дедим оғриниб. Ўша вақтда дунё кўзларимга қоронғи бўлиб кетди.

– Яхшимас... Ахир Беҳруз дўстингиз эди!

– Лекин энди у йўқ, йўқ, тушуняпсизми? Ҳаёт эса давом этади, – дедим ичкарига бир назар ташлаб қўйиб.

Кутилмаганда Дилдора бутунлай бошқа оҳангда жавоб берди:

– Ўғлимга ёмон кўз билан қараманг, илтимос.

Ғалати бўлиб кетдим.

Назаримда бу аёл менинг ичимда ёзилганларни бемалол ўқий оларди...

Дилдора дераза олдидан узоқлашди.

Ич-ичимдан аллақандай тошқин кўтарилди.

Нима бўпти, Беҳруз дўстим бўлса? Нафсиламбрни айтганда, Беҳруз уйланмасидан аввал Дилдорани мен яхши кўришимни биларди, лекин у ҳеч нарсадан истиҳола қилмади-ку! Мен уни деб умримнинг энг қимматли дақиқаларини елга совуриб, тунлари болиш қучоқлаб ўтяпман. Ҳатто бир мушфиқ аёлга шафқатсизлик қилишгача етдим! Энди Беҳруз йўқ... Агар ўғли ҳам бўлмаганида!

– Самандар ака, сиздан буни кутмагандим, кетинг, – деган овоз эшитилди ичкаридан. – Агар яна бир марта шу ҳақда оғиз очсангиз!..

Дилдоранинг сўзлари юрагимни тешиб ўтди.

Нима, менга севиш мумкин эмасми? Нега Дилдора хафа бўлди? Мен одам боласи орзу қилиши ва етишишни исташи мумкин бўлган нарсадан ортиқ бирор нимани тиламаган эдим.

"Энди ўзи чорламаса остонасига қадам босмайман!" дея аҳд қилдим.

* * *

Бироқ тоқатим икки кунга етди холос. Учинчи куни эрталаб яна унинг эшиги олдида пайдо бўлдим.

– Самандар ака! – дея қичқириб юборди Дилдора менга кўзи тушган заҳоти.

Нимадир юз берганини англадим. Отилиб ичкарига кирдим.

Каравотда Дилдоранинг ягона овунчоғи болакай, сенинг ўғлинг иситмадан алангаи оташ бўлиб ётарди.

"Келганим яхши бўлган экан..."

– Ярим кечаси бирдан иситмаси кўтарилиб кетди, – дея йиғлаб гапирди Дилдора. – Шундан буён алаҳлаб ётибди. Дорилар кор қилмаяпти.

– Дўхтир чақирдингизми?

– Ҳа, ҳозир келиб кетди.

– Нима деди?

– Шамоллаган бўлса керак, деди. Мана, укол-дори ёзиб берди...

– Буни касалхонага олиб бориш керак менимча, – дедим болакайнинг аҳволига разм солиб. – Оддий шамоллашга ўхшамаяпти.

Дилдора дарҳол кийина бошлади.

Мен болани кўтариб олдим.

Касалхонага бордик.

Афсус...

Бир ҳафтадан кейин Дилдоранинг бир ўзи касалхонадан қайтди. Болакай терлама деган дардга чалинган экан. Дўхтирлар сақлаб қола олишмади.

– Нега бундай бўлди? Нега?! – Дилдора зор-зор қақшаб йиғларди ҳар куни. – Нега бундай бўлди? Ахир терлама аллақачон йўқолиб кетган экан-ку!

Унга таскин беришдан ожиз эдим.

Аммо нимадир дейиш керак...

– Худонинг хоҳиши шу экан, – дедим секин.

Шунда Дилдора чақмоқ ургандай қалқиб кетди. Кўзлари чақчайиб, қорачиқлари отилиб чиққудай бўлиб менга қаради.

– Худонинг ишими? Шу Худонинг ишими? – дея шивирлади у телбаларча. – Йўқ, бу Худонинг ишимас. Худо сизга қараганда инсофлироқ эди! У менга ўзим истаган нарсаларни беришдан бош тортмади, аммо сиз... умр бўйи мени таъқиб этишдан чарчамадингиз! Сиз уларнинг яшашини истамадингиз! Сиз қўрқинчли одамсиз! Мен сиздан қўрқаман...

Ҳа, у ҳақ. Мен уни севиб қолганимдан буён худди ов пайтида изига тушган жайрондай таъқиб этиб келаман. Кўздан қочирмайман сира. Аммо бу айб ёки хато эмас менимча!

Индамасдан хонани тарк этдим.

Жазаваси тутган аёлга гап уқтириб бўлармиди?

Роппа роса икки ой ундан хабар олмай қўйдим.

Қаттиқ хафа эдим. Бироқ биламанки, ҳеч нарса, ҳар қандай хафагарчилик унинг қиёфасини кўз олдимдан нари суриб кетолмайди.

Тунларни девордаги соат милларига тикилиб ўтказардим: чиқ-чиқ-чиқ.

Бир оқшом кўчадан эшитилаётган шовқин-суронни эшитиб, сарпойчан уйдан отилиб чиқдим. Назаримда шовқин Дилдоранинг уйи томондан келаётганди.

Ички сезгим алдамаганига етиб борганимдан кейин ишондим.

– Иброҳим деганлари уйига бостириб кирибди, – деди қўшни аёллардан бири менга ўзини яқин олиб. – Ўзи анчадан бери шу ёққа зир қатнаб юрувди. Энди эрсиз аёл бўлганидан кейин ит ҳам, бит ҳам... Тавба, эркакларга ҳам ҳайронман, битта хотинга мунча пашшахўрда бўлишмаса! Иброҳимнинг бип-бинойидай хотини бор-а!

Қўшни аёлнинг сўзларини охиригача эшитмадим. Ичкарига кирдим. Хаёлимда Дилдора хун бўлиб йиғлаб ўтиргандай туюларди.

Йўқ, у мени бутунлай хотиржам қарши олди.

– Хавотир олманг, ҳеч нарса бўлгани йўқ!

Дилдора шундай деди-да, тескари қаради.

Бу унинг мени тинч қўй, дегани эди. Аммо мен жойимдан жилмадим. Дилдорадан хафа эдим ҳамон. Аммо айни дамда уни бу аҳволда ташлаб қўя олмасдим. Ахир унга қанчалар оғир эди. Остонасига зир қатнаётган эркакларнинг худо урган энг бадбашарасини бўлса-да танламаса, аҳволи бундан бешбаттар бўлишини фаҳмлардим, лекин унга буни қандай тушунтираман?

Нима бўлса бўлар, деган фикрда индамай бориб бўш стуллардан бирига ўтириб олдим. "Энди бу ердан ҳайдасангиз ҳам кетмайман, Дилдора хоним!"

– Сиз! Ҳали ҳам шу ердамисиз? – деди у бир маҳал ортига ўгирилиб.

– Худди шундай, – дедим атай сурлик билан.

Дилдора афсуслангандай бош чайқади.

– Энди сизни ҳайдаб чиқараман шекилли.

– Қўлингиздан келса марҳамат! – дедим унинг кўзларига қаттиқ тикилиб.

Дилдора сесканиб тушди. Безовталик билан ёнверига қараб қўйди. Аммо тилидан учган сўзлар ўқдай эди.

– Мендан умидвор бўлманг, Самандар ака. Хавотир ҳам олманг. Лозим топган куним бирортасига турмушга чиқарман.

– Лозим топмасангиз-чи!

– Бошга тушганини кўраверасиз!

– Дилдора! – ўрнимдан ирғиб туриб унинг пойига тиз чўкдим. – Сизни бахтли қиламан. Илтимос...

– Йўқ! – сўзимни шарт кесди у. – Фақат сизга эмас!

Бирдан миямга қон тепди.

– Нега?! Нега энди фақат мен эмас?!

Дилдора ўзини четга тортди.

– Сабабини ўзингиз биласиз! Энди кетинг! – деди тескари қараб.

– Кетмайман! Ҳайдасангиз ҳам кетмайман! Етар, шунча вақт кутганим... Етар, шунча йил қийналганларим... Агар билсангиз, ўша Беҳруз ҳам, бошқалар ҳам мен чеккан изтиробларнинг лоақал битта учқунини ҳам...

Шунда Дилдора ялт этиб ўгирилди ва бир зум менга тикилиб қолди. Шундоқ жаҳлсиз, хотиржам.

– Уялмасангиз ихтиёрингиз, – деди у кейин.

Иссиғим чиқиб кетди.

Дилдора шундоқ ёнимдан ўтиб, ташқарига чиқди.

Ҳавода ҳилпираётган этагининг эпкинини ҳис қилдим.

Тиз чўккан кўйи анча турдим.

Ташқаридан Дилдоранинг ким биландир телефонда гаплашаётганини эшитдим.

Яна миям қизий бошлади.

Ўрнимдан ирғиб турдим-у ташқарига отилдим.

Дилдора айвон устунига суянганча телефонда гаплашарди.

– Телефонни бер бу ёққа! – яқин бориб, унинг қўлидан телефонни тортиб олдим.

Дилдоранинг юзи оқариб кетди.

– Бу нима қилиқ? Нега сенсирайсиз?! – деди у бир оздан кейин овози ўзгариб.

– Бу шундай қилиққи, – дедим сўзларни тишларим орасидан чиқариб. – Бундан кейин телефонда ҳам, кўчада ҳам бирор киши билан гаплашмайсиз!

Дилдора кутилмаганда кулиб юборди. Мендан кўзларини узмай кулди, кулаверди.

У менинг устимдан кулаётганди.

Қоним қайнаб кетди. Йўқ, унга қўл кўтармадим. Уни даст кўтардим-у, ичкарига олиб кирдим.

Бечора шошиб қолганидан дод солишга ҳам улугурмади...

* * *

Шу кеча биз эр-хотин бўлдик. Эрталаб мен унга бир оғиз айтмасдан муллани бошлаб келдим.

Дилдора айюҳаннос кўтармади.

У жим бўлиб қолганди холос.

Мулла никоҳ ўқиб тақдиримизни боғлаб кетди. Лекин... қани энди унинг кўзларига тик қарай олсам?..

У ўзини шундай тутардики, беихтиёр ўзимни йўқотиб қўярдим. Назаримда кечаги воқеадан аввал, орзу-хаёлларимда у менга жуда яқиндай эди. Мана, никоҳ ўқилди, энди биз бир оиламиз, аммо энди у мендан қанчалар йироқда эканлигини

ҳис қилардим. Бундан юрагим қоқ ёрилиб кетгудай бўларди. Ўзимни чалғитиш учун иш билан овунардим. Эркаксиз уйда эркакча ишлар қалашиб қоларкан...

Кунларнинг бирида у менга зимдан тикилиб турганини ҳис қилдим. Аммо унга қарамадим. Юрагим бетламади.

Кейин тоғорани олиб кир ювишга тутинди.

Ҳаммаси сенинг кийимларинг эди.

Дилдора ҳар бир кўйлагингни авайлаб, силаб-силаб, кейин дорга илаётганини кўрганимда ичичимдан жизғанагим чиқиб кетди. Бу нимаси, сенга бўлган муҳаббати ва садоқатининг ялови сифатида кийимларингни намойишкорона ёйиб қўйдими? Бир оздан кейин У рашкимни қўзғаш учун атай қиляпти, деган фикр аччиқ тутун бурқсиётган қалбимга таскин берди.

– Мен... бир ерга ўтиб келаман, – деди у бир маҳал ёнимга келиб.

– Тез қайтасанми? – дедим ишимдан бош кўтармай.

У жавоб бермади.

Жаҳлим чиқди.

Унинг кўчага чиқиш учун рухсат сўраганидан дилхиралигим ёзилгандай бўлганди, аммо индамагани алам қилди.

Жаҳл қилишга ҳаққим бор, деб ўйладим. Ахир... қўл текканидан кейин аёлга эгалик қилиш ибтидоси бошланади.

Дилдора чиқиб кетди.

Қўлим ишга бормай қолди.

Дилдора икки соталардан кейин қайтиб келди. Кўзлари қизарган...

Унинг ё кўлга, ёки қабристонга, боласининг бошига бориб келганини пайқадим. Балки иккисига ҳам боргандир?

Ичим ачишди. Унга оғир эди. Унинг бахтиёр бўлиши учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Аммо бу телба ва ўжар хотин буни ҳис қилмасди ёки ҳис қилган тақдирда ҳам ён бергиси келмасди.

Аламимни ҳам, жаҳлимни ҳам ичга ютдим.

– Чой ичасанми? – деб сўрадим ортидан ичкарига кириб.

Дилдора бош чайқади.

– Юр, шаҳарни айланиб келамиз, – дедим яна.

Дилдора шундай нигоҳ ташладики, беихтиёр нафасим ичимга тушиб кетди.

Вақт керак, вақт!

Нажот истаб хона ичидан соат қидирдим. Ҳа, мана у. Эвоҳ, девордаги соат миллари бир-бирининг устига мингашганча тош қотиб турарди! Назаримда бу ерда соат ва дақиқалар бирлашиб кетганди, вақт ўлганди...

Даҳлизга чиқдим.

Эшик очиқ қолди.

Бир оздан кейин Дилдора қўлларини кўксида чалиштирганча хонада юра бошлади.

Ўйлай бошладим, наҳотки бу аёл тақдирга тан бера олмаса? Ахир ўлган ўлди, энди ҳеч нарса, қирқ йиллик мотам ҳам, хонанишинлик ҳам ўлган одамни тирилтириб бермайди-ку. Энди унинг хотираларини эрига боғлаб турган ўғли ҳам йўқ...

Чидаб туролмадим. Ахир бундай яшаш азоб эди.

– Нега? Нега бунча ўзингниям, мениям қийнайсан?! – дедим унинг қаршисида пайдо бўлиб. – Мен нотўғри иш қилдимми? Айт, нотўғри иш қилдимми?!

Унга шундай важоҳатда тикилдимки, жоним ҳиқилдоғимда тургандай.

Дилдора сесканиб ўзини ортга ташлади, кейин негадир бирдан қаҳри қўзиб, яна бир қадам олдинга юрди.

– Ҳа, сиз нотўғри иш қилдингиз! – деди у кейин дона-дона қилиб кўзларимга тикилганча. – Сиз вазиятдан фойдаландингиз.

– Тўғри нарсалар нотўғри вақтларда юз беради, билмасанг билиб қўй! – дедим шартта.

Дилдора ҳам бўш келмади.

– Сизга ўхшаган одамлар ҳар қандай қилғиликни оқлаш учун асос топадилар.

Беихтиёр нигоҳларимни олиб қочиб, жим бўлиб қолдим.

– Мендан бир оғиз сўрамасдан никоҳ ўқитдингиз, – деди Дилдора бир пайт. – Энди эр-хотинмиз нима бўлгандаям. Мендан нимадир талаб қилаётганингизни пайқаб турибман. Майли, мен хотинлик бурчини бажаришга тайёрман, аммо шундан бошқа мендан ҳеч нарса талаб қила олмайсиз. Бунга ҳаққингиз йўқ!

Дилдора шарт-шурт гапирди-да, жой солишга киришди.

Мен бир лаҳза унинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турдим. Кейин индамай ташқарига чиқиб кетдим.

Менга унинг нафратдан қимтилган лаблари керак эмас!

Ҳовлида узоқ кезиб юрдим.

Дилдоранинг қалбига кириш учун йўл ахтардим. Аммо қанча ўйламайин, бу қалб мен учун тақа-тақ беркдай туюларди. Ваҳоланки беш-олти йил илгари мен бутунлай бошқача ўйлардим. Учрашиб қолганимизда унинг табассум ҳадя қилишлари, астагина қўл сиқиб қўйишлари, ўқиш учун китоб сўрашлари менга пешвоз чиққан

муҳаббатнинг ўзгинаси эди. Энди ўйласам, булар шунчаки.... нафосатнинг оддий кўринишларига ўхшайди назаримда. Мен нодон бўлсам... неча замонланлардан буён хаёлан унинг қалб ойнасига назар ташлаб, унда ўзимни кўргандек бўлардим.

"Беҳрузнинг ўлимидан кейин унинг қалби муҳрланиб қолганми, нима бало? – аламли ўй кечди хаёлимдан. – Наҳотки бир одамни унутиш шунчалар қийин бўлса? Ана, у ҳам бедор. Уй ичида бориб-келяпти. Нимани ўйлайди бунча? Ахир бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас. Наҳотки бу аёл руҳан маскан қўйган тилсимга кириш менга насиб этмаса?"

Бир-бир босиб деразага яқин келдим.

Парда сурилган, ой нури ичкарига поёндоз бўлиб тўшалган, у ана шу поёндоз устидан қўлларини кўксида чалиштирганча бир неча марта у ёқдан бу ёққа ўтди. Лекин менинг кузатиб турганимни пайқамади. Бу хонадонга кириб келганимдан буён у ҳар куни жони битмас-туганмас азоб-уқубатга гирифтордай, шу зайл бетоқатланар, бир ерда тинч туролмасди.

Юрагим сиқилди.

Бадбин истакларим бир-бир амалга ошди, энди сен ҳам, ўғлинг ҳам йўқ бу оламда, мана, мен севган, ишқида куйиб адо бўлган аёл қаршимда турибди, аммо... бахтдан дарак йўқ!

Бу азоблар қачон тугаркин? Наҳотки ўлаўлгунча унинг менга насиб этган заъфарон чеҳрасига тикилиб, ўзимни унинг олдида айбдор санаб ўтиб кетсам?

Йўқ, интиҳосиз нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда. Ахир бир кун келиб бу қийноқлар тугаб қолар. Майли, у ҳозирча ўзини шундай тутаверсин. Ахир кун келиб юракни сиқувчи ортиқча хуноб-

гарчилик, қайғу, нафрат, янги кунга кулиб қарай олмаслик, буларнинг бари-бари умр заволи эканлигини англаб етади ва шундан кейингина бу аёл фикри-хаёлини фойдасиз диққатбозликдан, кинадоватдан халос этади, ана шундан кейингина биз тугал бахт-саодатга эришамиз.

Ниҳоят у ухлаб қолди.

Мен унинг диванга ўтириб, бошини орқага ташлаганини, кўзларини юмганини кўриб турардим.

Чироқнинг мисранг ёғдуси унинг ихчам ияги ва бўйнига тушиб турарди. У ютинди шекилли, томоғи билинар-билинмас қимирлади.

Шунда яна бир бир ҳақиқатни тан олдим, майли, у мени тушунмаса ҳам розиман, майли, мени севмасин, жаҳли чиққанида зарда қилсин, бақирсин-чақирсин, нафратлансин, бахтли бўлиш учун ўзимнинг, ёлғиз ўзимнинг муҳаббатим етиб ортади, муҳими ҳам шу.

Шу кеча мен ўз кўнглимни тубсиз жарликдан олиб ўтдим. Энди майда-чуйда нарсаларга аҳамият бермайман, Дилдора ёнимда бўлса бас, жимгина яшайвераман, деган қарорга келдим.

Бироқ шугина ҳам менга насиб қилмади.

– Ажрашайлик, – деди Дилдора кунларнинг бирида кўзларимга тик қараганча. – Мен бу аҳволда яшай олмайман...

– Мен эсам яшайвераман, – дедим бепарво оҳангда.

– Ичингиздаги оловга атала пишади-ю... Яшайверармиш! – кесатди Дилдора.

– Сенга шундай туюлаётгандир, – дедим жим турмаслик учун.

– Майнавозчилик қилманг, илтимос, – деди Дилдора бир маҳал ёлворувчи оҳангда. – Нега ўзингизни бунча қийнайсиз? Биламан, бир вақтлар мени севгансиз, лекин мен...

– Бўлди, бас қил, – дедим овозимни кўтариб. Ўзимни вазмин тутишга уринмай, негадир ичичимдан совуқ ҳовур кўтарила бошлади.

– Бас қилмайман, – деди Дилдора шартта. – Сизга ғўладай совуқ хотиннинг нима кераги бор?!

– Ишинг бўлмасин!

– Сизга фарқи йўқми?

Шу бир оғиз гап косанинг тошиб чиқишига сабаб бўлди.

– Бу билан нима демоқчисан?! – дедим унинг ёқасига ёпишиб. – Нима демоқчисан?! Индамаганим сайин ҳаддингдан ошиб кетяпсан жа!

– Ёқамдан қўлингизни олинг, – деди Дилдора паст, аммо қатъий оҳангда.

– Олмайман, керак бўлса ҳозир...

– Қўлингиздан нима келарди?! Деразадан улоқтирасизми? Улоқтиринг! Улоқтиринг, нега қараб турибсиз?! Ёки мени кетиб қолади деб қўрқяпсизми? Қўрқоқ, ваҳ-ҳа-ҳа! Қўрқоқ!

Билмадим, қандай қилиб унинг юзига тарсаки туширганимни ҳали ҳам эслай олмайман.

Бир марта эмас, қайта-қайта тарсаки туширдим. Ҳар тарсаки тушганида Дилдора орқага қалқиб кетар, мувозанатини тута олмай, гандираклар, аммо миқ этмасди. Кўзим қонга тўлганидан, ўзимни бошқара олмас, нималар қилаётганимни билмасдим.

– Улоқтир эмиш! Сенга шу керакми?! Мана, бўлмаса!

Уни даст кўтардиму деразадан пастга ташладим.

– Вой!.. – деган овоз эшитилди ва бирдан олам сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди...

* * *

Кейин диванга ўзимни ташладим.

Орадан бир, икки соат ўтди ҳамки, Дилдорадан дарак бўлмади. Мен унинг ичкарига киришини кутардим-да.

Бир маҳал юрагим тез-тез ура бошлади.

Ўрнимдан тура солиб, ташқарига чиқдим.

Пастда, дераза остида Дилдора ётарди.

– Дилдор... Кўзингни оч, Дилдор...

Аммо у кўзини очмади.

Кўтариб уйга олиб кирдим.

Юзига совуқ сув сепдим, елпидим, ишқилиб, хаёлимга нима келса шуни қилдим, ахир довдираб қолгандим-да.

Бироқ Дилдора ҳушига келмади.

Эрталаб дўхтир чақирдим.

– Комага тушиб қолган шекилли, – деди дўхтир уни кўздан кечириб бўлгач. – Касалхонага олиб бориш керак.

– Комага тушиб қолган, дейсизми? – дедим ишонмасдан. – Нега комага тушади?

– Ўзингиз айтдингиз-ку, кечаси деразадан ташлавордим деб! – заҳарханда қилди дўхтир.

– Бўлиши мумкинмас! Ахир деразанинг баландлиги бир метр ҳам чиқмайди...

– Бўлинг, тез, машина топинг!

Мен туш кўраётгандай эдим. Мана, ҳозир уйғонаман-у ҳаммаси тугайди, лекин уйғониш бунчалик қийин... нега уйғонмаяпман?

Дилдорани касалхонанинг аҳволи оғир беморлар ётадиган бўлимига жойлаштиришди. Шундан кейингина аҳвол жиддийлигини пайқадим.

Мен туш кўрмаётган эдим.

– Уйғон, уйғона қол, илтимос, – дея ҳар куни унинг юзини силардим. – Уйғона қол, илтимос.

Майли, сен айтганча бўлади, агар мен билан яшашни истамас экансан, майли, ажрашамиз. Фақат уйғонсанг бас!

Кунлар ўта бошлади.

Ниҳоят еттинчи куни у кўзларини очди.

Бир неча сония маъносиз, бақрайган кўзларини менга тикиб турди-да, кейин яна чирт юмди.

Мен учун шунинг ўзи кифоя эди. Шу кичкина бахтнинг ўзи кифоя эди.

– Дўхтир, у ҳушига келди! – дея қичқириб юбордим.

Бир зумда дўхтир ва ҳамширалар уни ўраб олишди.

Мени эса йўлакка чиқариб юборишди.

"Наҳотки мен ўзим учун жуда кўп нарса сўраб юборган бўлсам, – деб ўйладим йўлакда турганча. – Барча кўргуликлар очкўзлигим туфайли юз берган-дир? Ахир мен бахтга ташна эдим. Назаримда мендан бошқа ҳамма бахтлидай туюларди. Бир аёлни севдим, уни бахтли қилишни истадим, лекин... Бутун ҳаётим бола вақтимда қийнала-қийнала ташлаган дастлабки қадамларимдек серташвиш ўтди. Лекин энди кўряпманки, ўзимни бахтли ҳис қилишим учун унинг кўзларини очгани кифоя экан..."

– Бу ёққа қаранг, – деди ҳамшира эшикни қия очиб.

Ичкарига кирдим.

– Бу аёл хотинингизми? – сўради врач.

– Ҳа... Кўнгилсизлик юз бермасдан олдин шундай эди, лекин энди...

– Гаплашиб кўринг.

Мен каравотга яқин келдим.

– Дилдора...

Шифтга тикилиб ётган Дилдоранинг қорачиқлари қимирлади, аммо мен томонга қарамади.

– Дилдора, яхши бўлиб қолдингми?

Дилдора жавоб бермади.

Врач яна мени палатадан чиқариб юборди.

Ҳақиқий фожеадан эртаси куни бохабар бўлдим.

– У хотирасини йўқотган, бугунги кунни буткул унутган, – деди дўхтир менга.

Етмиш икки томирим зириллаб кетди.

– Нега? Нега хотирасини йўқотади? Арзимаган зарб...

– Сиз учун арзимаган зарб бўлиши мумкин, – деди дўхтир ачитиб. – Хуллас, унга эътиборли бўлинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

Дўхтир чиқиб кетди.

Турган еримда Дилдорага разм солдим.

Бу вақтда у ухлаб ётарди. Юзида аллақандай оғриқдан азоб чекаётгандай асабий ифода қотган, мен суйган қўллар мен суйган кўкраклар устида бемажол ётарди.

– Дилдор... – дедим юрак ютиб.

Дилдоранинг киприклари титраб кетди.

Кейин оҳиста кўзларини очди.

– Сиз?! – деди у аста.

– Ҳа, мен эрингман, – дедим унинг ёноғидан ўпиш учун эгиларканман.

– Беҳруз...

Бирдан ток ургандай қалқиб кетдим.

– Нима бўлди? – сўради Дилдора.

– Ҳеч нарса... тинчлик...

– Нега унда юзимдан ўпмаяпсиз? Табриклама-япсиз! Ахир биз ўғил кўрдик! – Дилдора хиёл бошини кўтариб, ёноғини тутди.

Мен уни ўпиб қўйдим.

Лекин жуда ғалати тарзда.

– Хурсанд эмасмисиз? – Дилдора қўли билан юзимни силади.

– Хурсандман...

– Бизни қачон уйга олиб кетасиз?

– Қачон истасанг шунда.

– Ҳозироқ уйга кетишни истайман. Бу ерда гўё минг йилдан буён ётгандай, жуда сиқилиб кетдим.

Дилдора ўрнидан турди.

– Мен ҳозир... – дедим дўхтирни чақиришга тараддудланиб.

– Ие, болам қани?!

Дилдора олазарак бўлиб, ён-верига аланглай бошлади.

Бирдан миям тезлик билан ишлай бошлади.

– Ҳозир, бир пас кутиб тур, – дедим Дилдорага.

Нима қилиш кераклигини чўтлаб хонадан чиқдим.

Дўхтир билан гаплашиб, туғруқхонага ташлаб кетилган болалардан бирини фарзандликка олишга қарор қилдим.

Бир ҳафтадан кейин Дилдора билан болани уйга олиб келдим. Ўзимнинг уйимга. Менинг уйимда, менинг соатим ҳамон чиққиллаб турарди.

Аммо энди ўз уйимда Самандар бўлиб эмас, Беҳруз бўлиб яшай бошладим. Бу бир оз малол келарди албатта. "Бу вақтинчалик ҳол, ҳадемай унинг хотираси ўзига қайтади, – деб ўзимга таскин берардим. – Кейин ҳаммаси яна изига тушиб кетади. Хотираси ўзига қайтганидан кейин у нималар бўлганини билади, мендан хафа бўлиши мумкин, лекин энди ташлаб кетмайди, ахир ўртамизда бола бор!"

Дилдора болани эмиза бошлади.

Мен ҳайратда эдим.

– Нега сариқ рангли кўйлагингизни киймай қўйдингиз? – деб сўради Дилдора бир куни дабдурустдан.

Шошиб қолдим.

– Сариқ кўйлак?

– Ҳа, сариқ кўйлак.

– Билмадим... бир неча кундан буён тополмай юрибман, шунга ҳайрон бўлиб... сендан сўрамоқчи эдим...

– Мен бола билан андармон бўлиб қолганимдан буён жуда чарчаяпман...

– Майли, вақтим бўлганда ўзим топиб оларман бир бурчакдан.

Эртаси куни ишдан қайтишда сенинг уйингга кириб, шкафдан кийимларингни олдим... Пайпоқларинг ҳам қолмади.

– Қачондан буён ширгуруч ейдиган бўлиб қолдингиз? – деб сўради Дилдора бир кеч овқатланаётганимизда. – Ширгуруч есам, ичим ўтиб қолади, деб юрардингиз-ку!

Дилдора кулиб юборди. Самимий кулди.

Унинг юзи бахтиёрликдан гул-гул яшнаб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

– Шунақами?.. – дея олдим зўрға. Кейин бирдан жим бўлиб қолдим.

– Мен касалхонада вақтимда борига қаноат қилган бўлсангиз керак, бечорагинам...

Дилдора ўрнидан туриб ёнимга келди.

Бармоқлари сочларимни ўйнай бошлади.

Ё тангрим!

– Агар ширгуруч егингиз келган бўлса, яна пиширибераман, – дея шивирлади у қулоғимга, сочлари ёноғимни қитиқлади, атиргул ҳиди димоғимга урилди.

Мен адойи тамом бўлдим.

– Йўқ, ширгуруч емайман, ичим ўтиб қолади...

Шундай қилиб, мен сенга эврилдим, дўстим.

Сени "ўзлаштириш" қийин эмасди. Ахир дўс-

тим эдинг, ҳаммадан кўра сени кўпроқ мен билардим. Ўз ролимга шунчалик киришиб кетдимки, оқибатда ўзимдан, ўзлигимдан айрилдим...

Аммо шундан кейин ҳаётим нурга йўғрилди.

Фақат қўрқинчли хавотир юрагимни аҳён-аҳёнда тирнаб қўярди. Умр бўйи У фақат менгагина насиб этишини, фақат менинг хоҳиш-иродамга бўйсунишини, бўса учун яралган лаблари эҳтиросли бўсаларга кўмиб ташлашини истаб яшагандим, мана орзуим амалга ошди, аммо ўзим... оҳанрабо ўзига тортган нинадай бўшлиқ қаърида осилиб қолдим... Майли, ҳар не бўлганда ҳам, энди унинг хотираси ўзига қайтмасин! Жилла қурса менинг куним битгунча...

Ихлос билан тилаган эканманми, сўнгги тилагим ҳам амалга ошди. Мен Беҳруз бўлиб қабрга кирдим...

Сен эса иккинчи марта ўлдинг.

Эҳтимол бир қабрга тушганимизнинг сабаби ҳам шудир?.. Ахир биз бир одаммиз!

“МОМО ҲАВО”

*Ё*мғир уч кундан буён тинимсиз шивалаб ёғарди. Асфалти кўчиб, ўнқир-чўнқир тупроқ йўлга айланган йўлак билч-билч лой, йўлак четидаги бетон ариқчалар лойқа сувга тўлган, оловранг япроқлар оёқ остида эзилиб, лойга қоришиб кетган, оқибатда йўл сирпанчиқ бўлиб қолганди.

Акбар кўк бозор ёнидаги, пештоқига каттакатта ҳарфлар билан “Бар” деб ёзиб қўйилган, винога қоришиқ ёқимсиз ҳид анқиб турадиган кўримсиз, пастқам бинодан чиққанда вақт чошгоҳдан ўтганди. У маст эди. Маст бўлса-да, уч кундан буён ёмғир ёғаётганлиги, йўл сирпанчиқ бўлиб қолганлиги унинг ёдида, шу боиски бир-бир босиб пастқам бинодан узоқлаша бошлади. Йиқилиб тушмаслик учун эҳтиёт бўлиб юряпман, деб ўйларди у ўзича. Аслида эса гандираклаганча йўлнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига бориб келаркан, мункиб-мункиб кетарди. У ҳозиргина қаҳвахонадан чиққан бўлса-да, энгил-боши жиққа ҳўл, сочлари ивиб бошига ёпишган, тумшуғи очилиб қолган туфлисидан муздек сув сизиб кирган, бунинг натижасида оёқлари сира исимаётган эди. Бинобарин, у одатдагидек анча вақт ахлатхоналарни титкилаган, шиша идишлар, баклашкалар қидириб топиб, уларни керакли жойга топшириб, эвазига арзимаган пул олиб, сотувчилар алдашмадимикин деган хаёлда эски, тити-

либ кетган майда пулларни қайта-қайта санаб, чўнтагига солгунча шу кўйга тушганди.

Акбар бир амаллаб катта йўлни кесиб ўтиб йўлакка чиқиб олди. Икки четини яшил девор тўсган йўлак ўнқир-чўнқир бўлса-да, ҳар қалай хавфсиз, бу ердан машиналар юрмайди ҳисоб. Лекин барибир эҳтиёт бўлиш керак, ер лой, билчиллаб ётибди. Яна юз қадамча юрса уйига етиб олади. Бир амаллаб иккинчи қаватга кўтарилиб, қулфи яхши ишламайдиган эшигини очиб ичкарига кириб олса бас, у ёғи бир гап бўлар. Йигит яшил деворни пайпаслаганча кетиб бораркан... бехосдан қўрққан нарсаси юз берди, у йиқилиб тушди! Ўрнидан турмоқчи бўлиб бир-икки интилди, аммо гавдасини ердан узиб ололмади. Қолаверса, муздай ер мисдай қизиётган вужудига хуш ёқди ва у ғужанак бўлиб олди-ю, пишиллаб ухлаб қолди.

Уйига етишига эллик қадамча қолганди.

Ёмғир ҳамон шивалаб ёғарди.

Орадан қанча вақт ўтди, номаълум, ҳали уйқуга ғарқ бўлиб ётган маҳал эди. Аллақандай майин овоз қулоғига чалингандай бўлди. Лекин йигит эътибор бермади, ғудранди, ғудраниш асносида оғзидан сўлак оққанини ҳис этиб, артиб ташламоқчи бўлганди, бармоқларига илашган лой юзига суркалди. Аллаким қўнғироқдек овозда кулиб юборди шу вақт. Юз-кўзига чакиллаб урилаётган ёмғир томчилари ҳам бирдан томчиламай қўйди.

Акбар кўзини очди. Дастлаб ихчам, ялтироқ туфлига кўзи тушди. Қовоқлари аста-секин кўтарилгани сайин шуури ҳам тиниқлаша борди ва кутилмаганда ирғиб ўрнидан тур... Йўқ, хаёлида шундай ўйлаган экан, аслида базўр ўрнидан қўзғалди.

Калта қора плаши ўзига ярашган, кўҳлик жувон қўлини хиёл олдинга узатганча соябонини тутиб уни ёмғирдан тўсиб турарди.

– Келинг, ёрдамлашаман... – жувон қўлини узатди.

– Раҳмат, ўзим...

Боши лўқиллаб оғриётган Акбар ўрнидан турди. Аммо шу заҳоти яна ўтириб қолди. Вужудини иситма қиздираётган, кўнгли озаётган эди.

– Тобингиз қочиб қолган шекилли, қўлингизни беринг, нега тортинасиз, одам одамга ёрдам берса нима қипти? – Жувоннинг сўзлари ҳам, кўз қарашлари ҳам самимий эди.

Аммо барибир Акбар қўлини узата олмади. Ботинолмади, истиҳола қилди, чунки қўллари лой эди. Бор кучини тўплаб ўрнидан турди. Гандираклаб кетди. Жувон уни ушлаб қолмаганда яна йиқилиб тушарди.

– Уйингиз шу томондами?

Жувон эллик қадам нарида қўққайиб турган тўққиз қаватли уйга ишора қилди.

Акбар бош ирғади.

Жувон уни қўлтиқлаб олди. Соябонини юқори кўтарди.

Акбарнинг кайфи тарқаган, аммо бир оз шамоллаган шекилли, иситма исканжага олган, боши тарс ёрилиб кетай дерди. Сал чайқалгудек бўлса борми, боши лўқиллаб кетганидан, қадам ташлашга мажоли етмай қоларди.

– Касал аҳволда кўчага чиқиб бўлмайди, – деди жувон уйга яқинлашиб қолганларида. – Менимча, сиз тумовдан олган бўлсангиз керак. Ҳозирги тумов шунақа экан, бош айланиб, иситма тутаркан.

Акбар енгил тортди. Жувон ҳар қалай ичганини пайқамабди. Индамаслик ноқулай...

– Кечадан буён мазам қочиб турувди, – деди у ниҳоят ўзини дадил тутиб. – Лекин иш деган нарса бор. Уйдан чиқмасликнинг иложи йўқ.

– Тўғри, аслида шу, ҳаммамиз ҳам иш-иш деб ўлиб кетамиз.

– Яхшиям сиз келиб қолдингиз, акс ҳолда ҳозир...

– Нафасингизни иссиқ қилинг.

Подъезд эшиги олдида жувон таққа тўхтади.

– Бу ёғига ўзингиз кета оласизми? – Жувон гапириш асносида соябонини силкитди, биллур томчилар сачради ҳар томонга.

– Бошим ҳалиям айланяпти, – деди Акбар. – Иситмам ҳам тушмабди. Уйда дори-пори бормиди, билмадим. Кейин қанақа дори ичишниям билмайман.

Жувон кулимсираб қаради унга.

– Ҳеч ҳам касал бўлмаганмисиз? – деб сўради кейин.

– Кўп касал бўлганман, лекин у вақтларда ойим бор эдилар. Ойим қарардилар. Энди ойим йўқ.

Жувон бошқа савол бермади. Ён-верига қараб қўйди-да:

– Кеч тушиб қопти. Ҳа, майли, юринг, сумкамда у-бу дори бориди. Шуларни сизга ичириб кейин кетаман, – деди.

Уйга киришди. Ётоқхонадаги бир кишилик каравот ва ошхонадаги юмалоқ столу атрофида тизилишган тўртта табуреткадан бошқа ҳеч вақо кўзга ташланмасди. Дарвоқе, деворлардаги гулқоғозларнинг янгилиги ва тозалигини айтмаганда... Уйнинг шип-шийдонлиги жувонни ҳайрон қолдирмади, умуман у ҳеч нарсага эътибор бергани йўқ.

– Сиз кийимларингизни алмаштиринг, мен чой дамлаб келаман, – деди жувон, сўнг ошхона томонга кетди.

Акбар каравот остидан эски чемоданни тортиб чиқарди. Чемодан унга шифонер вазифасини ўтарди. Кийимлар кўп эди, лекин ҳаммаси ҳам эски-туски, алмисоқдан қолганди.

– Мана чой, мана ширингина дори, бир мазза қиладиган бўлдингиз, – дея жувон кириб келганда Акбар апил-тапил кийимларини алиштиришга улгурган, аммо ҳўл кийимларни нима қилишни билмагандек қўлида тутганча қимир этмай турарди. Гўё уй эгаси жувон-у, ўзи кутилмаганда келиб қолиб ўзини ноқулай сезаётган меҳмон.

– Кийимларингизни менга беринг, – жувон қўлини узатди. Пуштиранг кафти силлиқ ва чиройли эди.

– Йўқ, ўзим... эртага...

– Мен ҳалиям кийимларингизни ювмоқчи эмасман, – деди жувон. – Лекин бошқа вақт бўлганда эҳтимол ювиб ҳам қўярдим. Аммо ҳозир кетмасам бўлмайди.

Акбар жувондан кўз узмай турганча дорини ичди. Жувон яна битта дорини кафтига қўйди.

– Боягиси иситма туширадиган, буниси шамоллашга қарши дори, – изоҳ берди жувон.

Акбар шундай аҳволда эдики, жувон шифобахш дори эмас, заҳар тутган тақдирда ҳам индамай ичиб юборарди.

– Энди иссиқроқ ўраниб бир-икки соат ётинг. Мен кетаман. Яхши қолинг. Тезроқ соғайиб кетинг.

Жувон эшик томон юрди.

Акбар эса аёл томон интилди. Жувон буни сезмади. У аллақачон кўча эшик ёнидаги илгакдан плашини олаётган эди. Акбар унга ёрдамлашмоқчи эди, аммо улгура олмади. Жувон кийи-

ниб бўлиб эшикни очди. Яна бир оз, бир дақиқа кечикса жувон эшикни ёпади-ю, зиналардан шувиллаганча пастга тушиб кетади.

– Шошманг, – деб юборди Акбар беихтиёр.

– Мазангиз қочяптими?.. – Жувон илкис ўгирилди.

– Йўқ, ҳа, э, нимайди, анави, телефон номерингизни айта олмайсизми? Мабодо кечаси яна тобим қочса...

Жувон жилмайиб туриб телефон номерини айтди.

– Фақат тобингиз қочса телефон қилинг-а, – деди кейин.

– Албатта, албатта.

Жувон энди шарақлаб кулиб юборди. Анчадан буён аёл кулгусини эшитмаган деворлар зириллаб кетди.

– Нима учун "албатта" деяпсиз? Албатта тобим қочади, демоқчимисиз?

– Унақа эмас... Лекин қайдам... Аммо умид қиламанки... Эҳтимол...

– Хўп, яхши қолинг. Эшикка яқин келманг, совуқ тегади. Эшикни ўзим ёпаман.

Жувон кетди.

Ҳаммаси кейин юз берди. Акбар чексиз ҳайрат ичида қолди. "Шундай сулув жувон менга марҳамат кўрсатди, уйимга олиб келиб қўйди, дори ичирди... Унинг ўрнида бошқа аёл бўлганда балчиққа беланиб ётган чўчқага қарагандай қарарди. У эса мендан умуман жирканмади. Ё раббим, ким эди у?.. Момо Ҳавоми ё Биби Фотима!.."

Акбар беихтиёр иягини силаркан, ўсиқ соқоли кафтига тикандек ботди. Даҳшатга тушди. Ваннага югуриб кириб ўзини ойнага солди: "Уст-бошимку, майли, ёмғир, касаллигим, йиқилиб тушганим

баҳона бўлар, аммо эрталаб соқолни қиртишлаб олсам бўларкан. У бир неча марта юзимга синчиклаб қаради, лекин шундай иркит башарадан бирор мартаям ирганмади-я...”

Акбарнинг бош оғриғи, шамоллаши, ичгани, ҳамма-ҳаммаси эсидан чиққан эди. У ювинди. Ўтмас олмос билан соқол-мўйловини қиртишлади. Ёноғини, ияги остини бир неча марта кесиб олиб, қонатди. Сўнг каравотга чўзилди. Ухлашга ҳаракат қилди, лекин ухлолмади. Қовоқлари қотиб қолгандек сира ёпилмасди. Бирдан уйнинг шипшийдонлиги, аёл кишининг эътиборини жалб қиладиган жозибали нарсаси йўқлигини эслаб қолди. Онасидан қолган эски қақур-қуқурларни сотиб юборганидан афсусланди: “Арзимаган пулга сотгандим. Эссиз, тураверса бўларкан...”

Йигит шу оқшом мижжа қоқмади ҳисоб. Аҳён-аҳёнда кўзи илиниб кетгандек бўлар, лекин шу заҳоти чўчиб, сесканиб уйғонар, ҳали ювинмасдан туриб кўнглига туккан “тугун” эсига тушиб, ороми бузиларди, уйқуси қочарди. У жувонга телефон қилишни ўйлаганди. Бироқ истак қанчалик кучли бўлмасин, уни амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Ўтган йили ойлик абонент пуллари тўланмаганлиги туфайли телефони ўчириб қўйилган, кераксиз матоҳга айланган аппаратни эса у сотиб юборганди. Яна афсус-надомат юрагини ўртади.

Тонгга яқин кўзи илинди.

Уч соатлик уйқудан уйғонгач у сал бошқачароқ ўйлай бошлади. “У оққўнгил аёл. Йиқилиб ётган бир бенавога ёрдам берди, холос. Шунинг учун ҳам мендан ирганмади. Шунинг учун ҳам у бегона эркак сифатида мендан чўчимади. У шунчаки, илтифот кўрсатди, холос. Йиқилиб ётган одамнинг ёнидан бефарқ ўтиб кета олмади. Ҳойнаҳой, у

мени ўша заҳотиёқ эсидан чиқариб юборгандир. Мен бўлсам... Эҳ!.."

Йигит маҳзун тортиб қолди. Анча вақтгача шу кайфият таъсиридан чиқа олмади. Қорни очганини ҳис этарди-ю, аммо иштаҳаси йўқ эди. Томоғи қуриб, чанқоқ хуруж қила бошлади. Шунда ҳам ўрнидан турмади. Лекин чанқоққа кўп дош бера олмади. Ноилож ўрнидан туриб ошхонага ўтди. Човгумни сувга тўлдираркан, ўзича сўзланди: "Яхшиям газ плитасини сотиб юбормаган эканман!"

Бир чойнак кўк чойни ичиб олгач яна ётоқхонага кирди, каравотга чўзилди. Бирор соат ўтиб у кўнгли озаётганини ҳис қилди. Бу очликдан эди. Ошқозонни алдаш учун ўрнидан туриб у-бу топса бўларди. Лекин у бунга ҳаракат қилмади. Ичмаса тамадди қилолмасди, бир ютум луқма ҳам томоғидан ўтмасди. Уйда эса бир қултум ҳам ичимлик қолмаган, олиш учун пули соб бўлган, кеча ҳеч илож топилмаганидан ахлатхоналарни титкилашга мажбур бўлганди. Бугун ахлатхонага боролмайди. Анави аёл учраб қолса нима бўлади?

Бироқ кўп ўтмасдан ор-номус устидан истак ғолиб келди. У ичмаса бўлмаслигини, жилла қурса юз грамм ютмаса ўзига кела олмаслигини ҳис этди. Балкондаги кераксиз, сотишга арзимайдиган ашқол-дашқолларни титкилаб беш-олтита банка топиб олди. Чанг босган экан, апил-тапил қуруқ латта билан артиб тозалади. Кейин уларни йўлак эшиги олдига келтириб қўйди-да, ўзи рўпарадаги қўшнининг қўнғироғини босди. Йигирма олтиларга борган, сариқдан келган жувон эшикни очди.

– Соседка, ортиқча банкаларим бор эди, оласизми? – деди у жувонга мўлтираб қараркан. Жувоннинг жиддийлиги уни ташвишлантирди. Уларнинг ўзаро олди-бердилари бор эди. Жувон арзон-

гаровга унинг кўпгина нарсаларини сотиб олиб қўйганди. Аммо бу сафар...

– Банка етарли менда. Дазмол йўқми мабодо?

– Дазмол? Дазмол ҳам бўлиши керак, – деди Акбар шоша-пиша. – Қидириб кўраман ҳали. Лекин ҳозир вақтим зиқ. Пича пул керак бўлиб қолди. Ростини айтсам... бугун ойимнинг туғилган куни эди. Қабристонга бориб гул қўйиб келсам девдим.

– Банкаларингиз қани?

– Ҳозир.

Жувон ҳисоб-китобдан ортиқчароқ пул берган экан. Кўчага чиққандан кейин билди. Хурсанд бўлиб кетди. Таниш пивохона олдига учиб келди ўзиям. Ҳозир... Мана ҳозир... Ўша зормандани бир сипқоришда ютади-ю, дунёга қайта келгандек бўлади. Остона ҳат... Йўқ, остона ҳатлаб ичкарига кира олмади, кимдир чақиргандек бўлиб ортига ўгирилди. Икки қадам нарида кечаги соҳибжамол жилмайиб турарди!

Шиша ичидан кўз сузаётган "малак" доғда қолди. Акбар ҳеч иккиланмасдан пивохонадан юз ўгириб, жувон томон юрди. Кечга бориб шу ҳолатини қайта-қайта эсларкан, ўзидан мамнун бўлди: "Демак, ҳали жуда ҳам тубан кетмабман!"

– Салом.

– Яхшимисиз? Яхши бўлиб қолдингизми?

– Тузук... Ишдан келяпсизми ё энди боряпсизми?

– Бугун кечки сменадаман.

– Айтганча, исмингизни сўрамаган эканман кеча, кейин жуда афсусландим. Агар ҳозироқ айтмасангиз бугун оқшомги уйқу ҳам ҳаром бўлади.

– Ҳай-ҳай, шаштингиздан тушинг. Исмим оддийгина. Нафосат.

– Нафосат?! Жуда топиб қўйишган экан. Исмижисмига монанд аёлни биринчи марта кўриб туришим.

– Ҳар қалай яхши бўлиб қолибсиз, шунисига шукр. Хўп, мен борай...

– Дарров-а?

– Вой, бу нима деганингиз?

– Энди топдим деганимда... Биласизми, нима, мен ҳали жудаям соғайганим йўқ. Аптекага дори олиш учун келаётгандим. Паришонхотирлигим қурсин, пивохонага бурилиб кетибман. Агар сиз чақириб қолмаганингизда бармендан дори сўраб, тоза шарманда бўлардим-да.

– Вой, айёр-ей, бу билан нима демоқчисиз?

– Бир оз айланайлик, илтимос. Ишингиз кечки сменада экан-ку... – Акбар аёлга илтижоли боқди, илтимосимни рад этсанг, ўламан, дегандек.

– Ие, ҳали исмингизни ҳам билмайман-ку.

– Кейин айтаман. Қолаверса, мен сизга миннатдорчилик билдиришим керак. Агар сиз бўлмаганингизда...

– Яна шу гап.

– Қайси гап? – Бирдан ҳушёр тортди Акбар. Чув тушириб қўйдимми, дегандек.

– Кечадан буён "Агар сиз бўлмаганингизда..." деган гапни юз марта такрорладингиз.

– Яна такрорлайман, керак бўлса минг, миллион марта такрорлайман.

Жувон бир муддат ўйланиб турди-да, сўнг:

– Хўп, бир оз айлана қолайлик, – деди. – Сиз тутган еридан кесадиган эркаклардан экансиз, – деб қўшиб қўйди яна.

Акбар жўшиб кетганидан жувонни ўпиб олишига бир баҳя қолди. Шу вақтгача ҳеч ким уни бунчалик мақтамаган эди.

Улар йўлак бўйлаб аста юриб кетдилар. Акбар хаёлан бирорта дўкон ё бирорта ошхона бўлмаган кимсасиз кўчани қидирарди. Афсуски, ҳозирги замонда бундай кўчани топиш амри маҳол. Ахийри уйи яқинидаги мактаб ҳовлисини ўйлаб топди. Тушдан кейин у ерда ҳеч ким бўлмайди. Хушманзара, сердарахт, сокин жой. Ўтириш учун стадиондан ўриндиқ ҳам топиш мумкин. "Лекин эртага қаердан бўлсаям пул топиб уни тузукроқ жойга овқатланишга таклиф этаман. Бугунни бир амаллаб ўтказиб олсам бўлди эди", – хаёлидан ўтказди музтар бўлган йигит.

* * *

Эртаси куни у пул топди. Бир вақтлар жонажон ўртоғи бўлган, аммо кейинчалик юз ўгирган, айни кунларда дуч келиб қолса-да, кўрмасликка олиб ўтиб кетадиган бир ўртоғидан не-не қасаму ваъдалар эвазига қарз олди. Ва ўзи ният қилгандай Нафосатни "тузукроқ жой"га овқатланишга таклиф этди. Ушбу "кечлик" устида у Нафосат ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Жувон фабрикада ишларкан. Анча йил олдин ўқиш истагида шаҳарга келиб қолган экан. Қанча ўқиб, тайёрланса ҳам институтга кира олмабди. Тирикчилик учун фабрикага ишга кирибди. Шу ерда у бир ярамас йигитнинг тузоғига илиниб қолибди. "Уйланаман" деб икки йил алдаб юриб, охирида қочиб қолибди. Ана ўшандан буён...

– Ана ўшандан буён эркак зотига ишонмай қўйганман, – деди Нафосат охирида.

Акбарнинг бирдан нафаси ичига тушиб кетди. Йўлига, иштаҳани очиш учун олинган икки қадаҳдан кейин қизиб ўтирган эди. Устидан совуқ

сув қуйиб юборилгандек бўлди. У бугун Нафосатни уйига таклиф этмоқчи, аёлсиз ўтказган кунларининг ҳиссасини чиқармоқчи эди. Маҳзун тортиб қолди. Ҳатто ўрнидан туриб кетиб қолгиси келди. Назарида, жувон шунчаки вақтини ўтказиш учун, янада аниқроғи, миннатдорчилигини қабул қилиш учун келгандай туюла бошлади.

– Балки мен янглишгандирман, – деди Нафосат гапини давом эттириб. – Дунёда яхши одамлар кўпдир. Мен уларни кўрмаётгандирман, ўз дардим билан овора бўлиб.

– Нафосат, – деди Акбар дангалига кўчиб. – Агар мен яхши одам бўлсам, турмушга чиқармидингиз?

– Ўйлаб кўриш керак. Кейин... Сиз жудаям ғалати экансиз. Кеча таниша солиб бугун қўлимни сўраяпсиз!

– Тўғри, кеча танишдик. Лекин мен сизни аввал ҳам кўргандайман.

– Ётоқхонамиз бу ердан анча олисда, қаерда кўрган бўлишингиз мумкин? Менимча, сизга шундай туюляпти.

– Йўқ, йўқ, мен кечадан буён ўйлаб юрибман, сизни қаердадир кўргандайман.

Нафосат бир муддат ер чизиб ўтирди-да, сўнг илкис бошини кўтарди.

– Эсладим, – деди у ҳаяжон билан. – Эсладим. Сиз ҳақсиз. Мени кўрганингиз рост.

– Ана айтмадимми, паришонхотирлигим бор-у, лекин жа унчаликмас.

– Бир марта сизнинг ортингиздан келганман уйингизгача. Ўшанда ҳам мазангиз йўқмиди, жуда ёмон аҳволда эдингиз. Тўғриси, раҳмим келди ўшанда. Йўлда йиқилиб-нетиб юрмасин, деган хаёлда...

– Мана кўрдингизми, биз аллазамонлардан буён танишмиз-у, сиз бўлсангиз дарров қўлимни сўраяпсиз, деб домангир бўляпсиз. Хўш, рози бўлармидингиз?

– Раҳм қилинг, бир оз ўйлаб олай, – дея кулди жувон.

Бу гап, айниқса гап оҳанги Акбарни анча юксакка чиқариб қўйди. У жувоннинг, шундай соҳибжамолнинг хўжасидек ҳис эта бошлади ўзини.

– Бир ҳафта етадими?

– Вуй... намунча?..

– Кўпми? Майли, талабларга биноан муддатни қисқартирамиз. Икки кун...

– Э, боринг-е... – Нафосат кафтлари билан қизариб кетган юзини тўсди.

Акбарнинг завқи келди. У яна гапиргиси, аёлни уялтиргиси келди. Аммо уни хафа қилиб қўйишдан чўчиди. Истар-истамай гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Кафедан чиққанларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. У аёлни қучоқлаб олди. Нафосат кутмаган шекилли, чўчиб тушди, силтанди.

– Ие, қизиқмисиз... қўйворинг.

– Энди ҳар доим мана шундай юрамиз. Энди ҳеч қачон сизни қўйвормайман, – деди Акбар, кейин бирдан шивирлашга ўтди: – Бугун меникида қоласиз-а, ҳа, денг, хўп, денг!..

– Қололмайман... Вой...

Акбар уни қаттиқроқ бағрига босди.

– Хўп, демагунингизча, қўйвормайман!

– Жонимни оғритдингиз...

– Бу кам!

– Сиз... бошқачасиз... – Жувон унинг кўксига бош қўяркан, шундай деб пичирлади...

Улар таниш уй олдига келиб қолганларини пайқашмади. Бу Акбарнинг уйи эди. Уй олдидаги улкан дарахт остида бир пас туриб қолишди. Кейин... Кейин Акбар жувонни даст кўтариб олди.

Вақт эшик ортида қолди.

* * *

Акбар ухлаётган соҳибжамолнинг ҳуснига тўйиб-тўйиб тикилмоқчи эди, афсус, у уйғоқ экан.

– Биласанми, бирдан миямга ғалати фикр келди, – деди у Нафосатга.

– Нега энди "ғалати" фикр?..

– Ўзинг мени ғалати одамсиз, дейсан-ку.

– Бошқачасиз, дейман, – Нафосат унинг юзини силади.

Акбар унинг кафтини ўпди.

– Ғалати билан бошқачанинг нима фарқи бор?

– Фарқи бор.

– Ҳа, майли, умуман олганда, ғалати-да, хуллас, шу ғалати одам бугун ўзидан-да ғалати фикрга келди. Яъни...

– Яъни?.. – Нафосат унга синовчан тикилди.

Акбар тараддудланиб бир пас жим қолди.

– Ҳа, майли, бошқа пайт... – овози ўзгарди Акбарнинг, ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо турмади, бир қўзғалиб қўйди, холос. – Йўқ, – деди у бирдан ўзига-ўзи гапиргандек бўлиб. – Йўқ, бошқа вақт эмас, ҳозир, ҳозир айтаман, – Кейин у яна жим қолиб, чуқур нафас олди-да, давом этди: – Мен... Мен ўша куни касал эмасдим. Мен ичгандим. Мен ичкиликбозман. Мен пиёнистаман!..

Акбар юзига тарсаки тушадигандек бирдан юзини кафтлари билан тўсиб олди. Мана ҳозир... ҳозир... Бирдан момоқалдироқ гулдирайди-ю,

ҳаммаси, ҳаммаси тамом бўлади. Алвидо, муҳаббат! Алвидо, соҳибжамол! Ал...

– Билгандим... – шикаста, паст овозда айтилган бу сўз Акбарнинг қулоғига чинни пиёла жарангидек ёқимли эшитилди. Аммо у қулоқларига ишонмади. Қулоқларим мени алдаяпти, деб ўйлади. Юзини тўсган кафтларини туширишга ҳам уринмади. Ожизлик қилди.

– Лекин... Нима учун... Мен ҳайронман... Ичган одам одам эмасми?! – Бу гап фавқулодда айтилган сўздан ҳам кучлироқ таъсир қилди Акбарга. У кафтларини туширганда... Юзи шу қадар оқариб кетгандики... Нафосат қўрқиб кетди. Сапчиб ўрнидан турди.

– Мен ҳозир, чой опкеламан!..

Бир зумдан сўнг Акбар ўзига келгандек бўлди, юзига қизиллик югурди. Аммо сўзлари узуқ-юлуқ эди.

– Мен ичаман... Мен бетайин одамман... – дерди у нафаси қайтгудек бўлиб. – Лекин... Биласанми... Мен... нима десам экан... Ҳалиги... ҳа, топдим, мен ваъда бераман. Энди... ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бўлмайди... Энди...

Нафосат унинг лабига бармоғини босди.

– Кейин, кейин гапирасиз. Ҳозир шарт эмас... – Жувоннинг нозик бармоқлари унинг сочлари орасида, бўйнида, юзи-ю қулоқлари атрофида кезинди. Кейин шундай ҳол юз бердики, йигитнинг назарида борлиқ оламдан ўтди. Уларнинг руҳлари эса аллақачон арши-аълога учиб кетганди...

– Одамлар ҳаммаси тақдирдан, пешонага ёзилганидан дейди, лекин мен бунга ишонмайман, – дея ҳикоя қила бошлади Акбар қай бир куннинг қай бир соатида. – Мактабда математикадан аълога ўқирдим. Сендан кучли математик чиқади,

дейишарди устозларим. Шуларнинг гапига ишониб математика факультетига ўқишга кирдим. Бир амаллаб кирдим-да. У ёғини сўрама. Лекин шу ерда билдим, алданганимни. Менинг арифметика бўйича билганларим ҳеч нарсага арзимас экан. Қийналиб кетдим. Ортга қайтишга йўл йўқ. Тиришиб-тирмашиб ўқидим. Ниманидир тушунгандай бўлдим. Шу тушунган нарсамга ишониб мен аҳмоқ аспирантурага ҳужжат топширдим. Аспирантура менинг жиндайгина тушунчамни назар-писанд қилмади. Яна тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилдим. Ўқидим. Бир нарсаларни қораладим. Йиртдим ҳаммасини. Кейин яна ўқидим, яна қораладим, йиртдим... Аспирантурани битиргандан кейинги етти йиллик умримни бағишлаган ишимни ҳурматли устозим бир кунда йўққа чиқарди! Шу куни йўлда келяпман, фақат ичим куяди, куяди, куяди. Чанқаб кетдим, дейман ўзимга-ўзим. Лекин биламан, бу чанқов эмас. Бирдан пивохонага кўзим тушиб қолди. Яхши бўлди, чанқовбосди қиламан, деган хаёлда пивохонага кирдим. Ичдим. Бурнимдан чиққунча ичдим. Лекин чанқовим босилмади. Билардим, бу чанқовим анча-мунчага босилмаслигини. Шундай бўлса-да, пиво билан чанқовбосди қилиб юрдим. Қўлим ишга бормай қолганди. Домламнинг олдига қайтиб бормадим. "Аспирантурада қолсанг, сендан зўр кандидат чиқараман", деган шу домлам эди-да. Мен жиндек билимимга ва домламга ишонгандим. Тақдирнинг алдови эмасми бу? Бошқалар яхши баҳо олиш учун икки юз кўкидан беришаркан. Мен эса нақ беш юз олиб бориб бердим. Ўша беш юзни топгунча тилим осилиб қолганди ўзиям. Лекин начора, домланинг ўзи тилга келиб нархини айтиб тургандан кейин...

Барибир, ҳеч ёруғлик чиқмади. Нафсиламрини айтганда, ўша беш юзга яна озгина қўшиб тайёр "иш"ни сотиб олсам бўларди. Бирор кун эсига тушиб қолсам домламнинг ўзи чақириб қолар, деган ўйда юравердим.

Лекин домламдан хабар кела қолмади. Мен нима биландир банд бўлишга, нима биландир шуғулланишга ўрганиб қолгандим. Энди эса бекорчилигу аламдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Коллеждаги ўқитувчилигим ҳам кўзимга бало-қазодай кўрина бошлади. Ана шунда ичишга, ростакамига ичишга ружу қўйдим. Ишдан ҳайдалдим. Аспирантурани битирган йилим уйлангандим, хотиним анча йил туғмай юриб-юриб, қип-қизил ароқхўрга айланганимдан кейин бир қизча туғди. Исмини онам қўйди, Яхшигул деб. Қизим тўрт ёш бўлганида ҳам юрмасди, бунинг устига, ақли заиф экан. Хотиним билан муросамиз келмай қолди. У кетиб қолди. Онам икковимиз шўппайиб қолавердик. Ичкиликка баттар ружу қўйдим. Энди ҳаммасини унутиш учун ичардим. Лекин унутиб бўладими? Мен омадсиз, бахтиқаро одам эканман, деган фикр миямга ўрнашиб қолганди. Ҳеч нарсани унута олмадим. Ичгандан кейин маълум бир вақт ўзимни сархуш сезардим, қайғу-аламлар ўткинчидай туюларди. Лекин кейин жуда азобда қолардим. Охирги кунларда шу даражага етдимки, фақат, фақат ақлдан озиш учун ичардим. Бўкиб қолгунча ичардим, йиқилардим-суринардим, кимлардандир туртки ердим, аммо барибир уйимни топиб келардим. Уйга келишим, онамнинг кўзига кўринишим шарт эди. Бечора ойим... "Менинг шу ароқхўр боламни ўзинг паноҳингда сақла", деб Худога илтижо қиларди. Кўп ўтмасдан хотиним Гулшода уйга даъво қила бошлади. Уйнинг бир қисмида унинг ҳаққи бор

эмиш. Бола туфайли эмиш. Қани ўша бола?.. Уни аллақачон етимхонага топшириб юборган! Аввал ўша болани опкеласан, кейин уйнинг бир қисмига эгалик қиласан, дедим. Уй ойимнинг номида эди. Барибир қўлидан ҳеч нарса келмасди...

Акбар жимиб қолди.

– Ҳа, кўп қийналган... қийинчилик кўрган одам экансиз, – деди Нафосат ўйчанлик билан. Сўнг ҳайратлангандек кўзларини катта-катта очиб деди: – Сиз илм кишиси экансиз-а! Мен бўлсам... Мен илмли кишиларни жудаям ҳурмат қиламан.

– Имкон берсанг, кута олсанг мен албатта яна аввалги ҳолатимга қайтаман. Ишонаманки, қайта оламан. Бу жуда эҳтимолдан узоқ, эришиб бўлмайдиган нарса эмас. Мен ичмаса қўли қалтирайдиган, кўзи яхши кўрмай қоладиган бир аҳволда эмасман. Сен ишонсанг бас!

– Ишонаман, албатта ишонаман.

Акбар жувоннинг қўлини ўпди.

Анча вақт жим қолдилар.

Акбар ҳаяжондан энтикарди. Қаршисидаги хилқат унинг кўзига битмас-туганмас шодлик, умид ва кўпдан-кўп муваффақиятлар тимсоли бўлиб кўринарди. Мана энди ҳаётда йўқотган нарсаларини қайтариб олиш имкони ўз қўлида. Уни бой бергандан кўра ўлиб қўя қолган минг марта яхши...

* * *

Биргаликда яшай бошлашди.

Акбар уйдаги ичкиликни эслатувчи нарсаларни кўздан йўқотди. Ҳатто бирорта бўш шиша ҳам қолдирмади. Иш қидира бошлади. Лекин иш ҳадеганда топилавермади. Омади юришмаётган бўлса-да, сархуш юрган вақтларини эсламасликка, умуман ичкилик ҳақида ўйламасликка, у ҳақда

гапирмасликка аҳд қилганди. Бу қийин эди. Баъзи кунлари кўчага чиқиш, иш қидириш тугул, ҳатто ўрнидан тура олмай қоларди. Хумор жазаваси бутун вужудини исканжага олиб, куч-қувватини сўриб оларди. Акбар ғужанак бўлиб қоларди. Юзига қараб бўлмасди шу кезларда. Лекин шунда ҳам у чидарди, чидашга ҳаракат қиларди...

Нафосат эса аллақачон ўзини оилали аёлдек тутиб ҳам иш, ҳам рўзғор юмушларини баҳоли қудрат тебрата бошлаганди. У Акбарга йўл-йўриқлар бермас, ақл ўргатмас, ўз вазифаси билан андармон эди. Фақат бир марта у хавотирлангандек бўлиб:

– Гулшода жанжал кўтариб келиб қолмайдими? – деб сўраганди.

– Келса келаверсин, – деди Акбар бепарволик билан. – Энди ундан қўрқмайман. Мен умуман ундан қўрқмайман. Қолаверса, уй ойимнинг номида...

– Лекин ойингиз...

– Ҳа, тўғри, бу томонини ўйламаган эканман.

– Агар хўп десангиз, ўша қизчани уйга олиб келсак, – деди Нафосат. – У мени онаси ўрнида кўрадими-йўқми, ҳозирча бир нарса дея олмайман. Лекин қўлимдан келганча...

– Сен шусиз ҳам қўлингдан келганини, ҳатто ошириб қиляпсан. Қизим масаласида билмадим, буни ўзинг ҳал қил. Бу фақат сен туфайли ечиладиган муаммо.

– Менга боғлиқ бўлса, унда опкеламиз.

– Йўқ, шошма, яхшиси, бундай қиламиз. Уйни сенинг номингга ўтказамиз. Кейин...

– Ие, вой, нималар деяпсиз?! Ахир... Ахир...

– Ахир-пахири йўқ. Мен тутган еридан кесадиган одамман, биласан-ку одатимни! Лекин аввал никоҳ ўқитамиз!

– Ҳай, ўзингиз биласиз.

– Кейин ота-онангни олдига ҳам бемалол борардим.

Нафосат жавоб ўрнига ширин табассум ҳадя этди.

– Тўғри, уйим мақтангулик аҳволда эмас. Жуда кўп нарса керак ҳали. Лекин мен ҳаммасини муҳайё қиламан.

– Унчалик камтар бўлманг. Уч хонали уйингиз борлигининг ўзи бойлик-ку, – Нафосат шундай деди-ю, нимагадир ўрнидан туриб, ошхонага ўтиб кетди. Анча вақт ўша ерда ўралашиб юрди-да, кейин Акбарнинг олдига келди. Лекин энди уй ҳақида бир оғиз ҳам гап очмади.

Акбар айтганини қилди, аввал никоҳларини расмийлаштирди, сўнг уйни Нафосатнинг номига ўтказди. У аста-секин ўзига кела бошлаган, барча соғлом турмуш тарзи кечирадиган кишилар каби эрталаб нонушта қилар, тушликни ҳам ичкиликсиз ўтказар, фақат кечга бориб толиққандек бўлар ва шунда алланима эсига тушиб, безовталаниб қоларди. Шундай кезларда у қаерда бўлмасин, уйга етиб келар, кўнгли тусаган нарса билан қорнини тўйдирар, тўйдирганда ҳам унча-мунча эмас, ортиқча нарсага ўрин қолдирмайдиган қилиб тўйдирарди. Қорни тўйгандан кейин ичкиликка бўлган талаб сусаяр, уйқу элтиш асносида истак ҳам ўз-ўзидан йўқолиб-йитиб борарди.

Бир куни кечки пайт ана шундай "хуруж" тутиб қолди. Акбар истакни ўлдириш чорасини қўллаш ниятида музлатгични очди-ю... тахта бўлиб қолди. Шундоқ кўз ўнгида турли-туман егуликлар ўртасида қахрабодай товланаётган шиша турарди!

Акбар киприкларини пирпиратди, ютинди, шишага эътибор бермасдан (ҳар қалай ўзи шундай

ўйлади) ёнидаги егуликлардан ликопчага солди. Газга чой қўйганди, у шақирлаб қайнаб ётар, лекин Акбар буни пайқамасди. У аллақандай паришон бўлиб қолганди. Ликопчадаги егуликларга тикиларкан, уларнинг ўрнида қаҳрабодай товланаётган шиша кўзига кўринарди. Шиша ичидаги суюқлик аро Нафосатдан ҳам гўзал, ундан-да сулув бир нозанин ишва қилиб турарди.

Иштаҳаси ғиппа бўғилди. Сархил егуликлар томоғидан ўтмасди. Охири чидай олмади. Музлатгич олдига қандай етиб борганини сезмади. "Озгина олсам нима қиларди? Юз грамм ичаман-у, қолганини ойнадан улоқтираман!" Йўқ, қолганини ойнадан улоқтира олмади. Журъати етмади. Кўзи қиймади...

Эртаси эрталаб Нафосат сменадан келганида Акбар "бошоғриқ" қилиб ўтирарди. Аёлнинг қўлидан лиқ тўла сеткаси тушиб, мева-чевалар сочилиб кетди.

– Яна ича бошладингизми?

– Ўзинг музлатгичга қўйиб кетган экансан-ку, – деди Акбар пинак бузмай. – Мен сенга айтгандим, уйда менга ичкиликни эслатадиган стакан ҳам турмасин деб. Сен бўлсанг...

– Ахир эртага туғилган куним-ку, – деди Нафосат йиғламсираб. – Ишхонамдан қизлар келишмоқчи эди...

Акбар сўнгги қултумни юта олмади.

– Кечир, мени кечир, – деди у жувонга ёлворувчи нигоҳ ташларкан. – Энди бундай қилмайман.

Нафосат яқин келиб Акбарнинг бошини кўксига босди.

– Йўқ, сиз мени кечиринг...

Аммо ғишт қолипдан кўчган эди.

Акбар ишга кирган, қўлига тўрт-беш сўм пул тушиб қолганди. Бироқ у яна кечки пайтлар тез-тез пивохонанинг кўримсиз биноси олдида пайдо бўла бошлади...

Нафосат тунги сменадаги ишига бормай қўйди. У энди тушгача, гоҳида пешингача ишлаб, уйга қайтар, қайтаркан, йўл бўйидаги пивохонага кириб у ерда ичиб ўтирган Акбарни етаклаб келарди. У озиқ-овқат масаласида сарф-харажатни аямасди. Акбарнинг кўнгли тусаган нарса музлатгичда муҳайё эди. Аёл яна бир фидойиликка қўл урган: Акбарнинг ногирон қизчасини болалар уйидан олиб келиш ниятида юрарди. Бироқ... Нима учундир Акбар кейинги вақтларда оза бошлади. Юз-қўллари, умуман бадан териси ўзгариб сарғимтир тусга кирди. Кейинроқ бориб овқатдан кейин кўнгли озиб, ўхчийдиган бўлиб қолди. Кўп, жуда ҳам кўп сув ичарди. "Ичим куйиб кетяпти", – дерди у жониқиб. Кечаси билан қайт қилиб чиққан куннинг эртасига ишга ҳам бора олмади.

– Ичкилик сизга ёқмаяпти, энди шу зормандани ичмай қўя қолинг, – деди Нафосат.

– Ичмайман, энди ичмайман... – Акбар мажолсизликдан тинкаси қуриб кетаётган бўлса-да, жувоннинг қўлини олиб кўксига босди, жилмайди: – Яхшиям сен борсан...

– Уч-тўрт кун ишга борманг, дам олинг. Менам ишга бормайман. Ўзим парваришлайман, балки шу баҳонада ичкилик бутунлай эсингиздан чиқиб кетар.

Нафосат таниш дўхтирни чақиртирди.

– Ҳаммаси ичкилик оқибати, – деди чўққи соқолли, ёш дўхтир. Кейин бир парча қоғозга бир дунё дориларни ёзиб берди. – Бир томчи ҳам ичкиликни оғзингизга олманг. Мумкин эмас!

Нафосат дўхтирни кузатгани чиқиб бир фурсат ушланиб қолди. Бу Акбарнинг нафсониятига тегди.

– Дўхтир билан анчадан буён танишмисан? – деб сўради у Нафосат қайтиб кирганида.

Нафосат бир зум жавобсиз қолди. Сўнг:

– У фабрикамизнинг амбулаториясида ишлайди, – деди. – Бир мени эмас, ҳамма ишчиларнинг таниши у.

– Ҳар қалай... уйга чақирсанг югуриб келадиган даражада эмасдир!

– Нимага бунча хафа бўляпсиз? – деб сўради Нафосат сал оғрингандек бўлиб. – Пулини тўласангиз бас, келаверади-да дўхтир зоти!

Акбар ўсал бўлди.

– Кечир, – деди бир оздан кейин.

– Ҳеч қиси йўқ. Сиз яхши бўлиб кетсангиз бас.

Нафосат ишга бормай қўйди. У Акбарнинг бошида парвона бўлар, аллақандай дорилар ичирар, кийимларини алмаштириб турар, инжиқликларига меҳрибонлик билан жавоб қайтарарди. У фақат ярим соатга Акбарни ёлғиз қолдирарди. Бу вақтда у нон ёки бошқа бирор зарурат туфайли кўчага чиқарди-ю, кўп ўтмасдан ҳарсиллаганча кириб келарди.

Акбар уни койигандек бўларди:

– Секин юрсанг ҳам бўларди-ку, намунча...

– Сиздан хавотирландим... – Жувоннинг гезарган чеҳраси, олазарак нигоҳлари мулойим табассумдан ёришиб кетарди. Шу топда унинг қараши шунчалар мулойим, жилмайиши шу қадар беғубор, самимий ва меҳрли эдики, Акбарнинг кўкси ҳайратга тўларди.

– Қушқўнмас бир дарахтга кунларнинг бирида олтин патли тустовуқ келиб қўнди, дейишса ҳеч ким ишонмаса керак!..

Нафосат унинг оқарган юзини силайди. Яна шундай – беғубор самимият билан жилмаяди.

Чамаси икки ҳафта ўтиб Акбарнинг аҳволи оғирлаша бошлади. У озиб, қуриган чўпдай бўлиб қолди. Эрининг қусиғига жиндай-жиндай қон аралашиб тушаётганини кўрган Нафосат ўзини тутиб туролмади, Акбарнинг чекка томирлари бўртиб, териси қуруқшаб қолган, сочлари тўкила бошлаган бошини кўксига босганча ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Касалхонага оборай десам кўнмасангиз... – деди у йиғи аралаш. – Ахир бу аҳволда... охири нима бўлади?.. Мен қўрқиб кетяпман!..

– Нимага, нимадан қўрқасан? Ваҳима қилмасанг-чи, – деди Акбар унга жавобан. – Анави дўхтир айтди-ку, исми Давлатмиди, хавфли эмас деб. Ҳаммаси ичкиликнинг оқибати. Ўтиб кетади ҳадемай. Мана кўрасан!

Нафосат йиғидан тўхтаб, бир неча сония тек қотди. Кейин Акбарнинг қорамтир доғ босган юзини кафтлари орасига олиб, кўзларига тикилди. Қаттиқ тикилди. Аввалларн ҳеч ҳам бундай нигоҳ ташламасди.

– Мабодо... ўтиб кетмаса-чи? – деб сўради ғалати оҳангда.

Акбар бирдан жавоб бермади. Мажолсизлик билан бошини орқага ташлади. Нурсиз нигоҳларини шифтга қаратди. Сўнг:

– Бунинг қўрқинчли ери йўқ, – деди хотиржамлик билан. Ҳатто кулиб қўйди. – Юз йил бахт нелигини билмай яшагандан кўра... Олтин патли тустовуқ қўниб турган вақтда қарсиллаб қулаган маъқул!..

– Топган гапингизни қаранг!..

Акбар аёлнинг кафтига лабини босди.

гарчилик, қайғу, нафрат, янги кунга кулиб қарай олмаслик, буларнинг бари-бари умр заволи эканлигини англаб етади ва шундан кейингина бу аёл фикри-хаёлини фойдасиз диққатбозликдан, кинадоватдан халос этади, ана шундан кейингина биз тугал бахт-саодатга эришамиз.

Ниҳоят у ухлаб қолди.

Мен унинг диванга ўтириб, бошини орқага ташлаганини, кўзларини юмганини кўриб турардим.

Чироқнинг мисранг ёғдуси унинг ихчам ияги ва бўйнига тушиб турарди. У ютинди шекилли, томоғи билинар-билинмас қимирлади.

Шунда яна бир бир ҳақиқатни тан олдим, майли, у мени тушунмаса ҳам розиман, майли, мени севмасин, жаҳли чиққанида зарда қилсин, бақирсин-чақирсин, нафратлансин, бахтли бўлиш учун ўзимнинг, ёлғиз ўзимнинг муҳаббатим етиб ортади, муҳими ҳам шу.

Шу кеча мен ўз кўнглимни тубсиз жарликдан олиб ўтдим. Энди майда-чуйда нарсаларга аҳамият бермайман, Дилдора ёнимда бўлса бас, жимгина яшайвераман, деган қарорга келдим.

Бироқ шугина ҳам менга насиб қилмади.

– Ажрашайлик, – деди Дилдора кунларнинг бирида кўзларимга тик қараганча. – Мен бу аҳволда яшай олмайман...

– Мен эсам яшайвераман, – дедим бепарво оҳангда.

– Ичингиздаги оловга атала пишади-ю... Яшайверармиш! – кесатди Дилдора.

– Сенга шундай туюлаётгандир, – дедим жим турмаслик учун.

– Майнавозчилик қилманг, илтимос, – деди Дилдора бир маҳал ёлворувчи оҳангда. – Нега ўзингизни бунча қийнайсиз? Биламан, бир вақтлар мени севгансиз, лекин мен...

– Бўлди, бас қил, – дедим овозимни кўтариб. Ўзимни вазмин тутишга уринмай, негадир ич-ичимдан совуқ ҳовур кўтарила бошлади.

– Бас қилмайман, – деди Дилдора шартта. – Сизга ғўладай совуқ хотиннинг нима кераги бор?!

– Ишинг бўлмасин!

– Сизга фарқи йўқми?

Шу бир оғиз гап косанинг тошиб чиқишига сабаб бўлди.

– Бу билан нима демоқчисан?! – дедим унинг ёқасига ёпишиб. – Нима демоқчисан?! Индамаганим сайин ҳаддингдан ошиб кетяпсан жа!

– Ёқамдан қўлингизни олинг, – деди Дилдора паст, аммо қатъий оҳангда.

– Олмайман, керак бўлса ҳозир...

– Қўлингиздан нима келарди?! Деразадан улоқтирасизми? Улоқтиринг! Улоқтиринг, нега қараб турибсиз?! Ёки мени кетиб қолади деб қўрқяпсизми? Кўрқоқ, вах-ҳа-ҳа! Кўрқоқ!

Билмадим, қандай қилиб унинг юзига тарсаки туширганимни ҳали ҳам эслай олмайман.

Бир марта эмас, қайта-қайта тарсаки туширдим. Ҳар тарсаки тушганида Дилдора орқага қалқиб кетар, мувозанатини тута олмай, гандираклар, аммо миқ этмасди. Кўзим қонга тўлганидан, ўзимни бошқара олмас, нималар қилаётганимни билмасдим.

– Улоқтир эмиш! Сенга шу керакми?! Мана, бўлмаса!

Уни даст кўтардиму деразадан пастга ташладим.

– Вой!.. – деган овоз эшитилди ва бирдан олам сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди...

* * *

Кейин диванга ўзимни ташладим.

Орадан бир, икки соат ўтди ҳамки, Дилдорадан дарак бўлмади. Мен унинг ичкарига киришини кутардим-да.

Бир маҳал юрагим тез-тез ура бошлади.

Ўрнимдан тура солиб, ташқарига чиқдим.

Пастда, дераза остида Дилдора ётарди.

– Дилдор... Кўзингни оч, Дилдор...

Аммо у кўзини очмади.

Кўтариб уйга олиб кирдим.

Юзига совуқ сув сепдим, елпидим, ишқилиб, хаёлимга нима келса шуни қилдим, ахир довдираб қолгандим-да.

Бироқ Дилдора ҳушига келмади.

Эрталаб дўхтир чақирдим.

– Комага тушиб қолган шекилли, – деди дўхтир уни кўздан кечириб бўлгач. – Касалхонага олиб бориш керак.

– Комага тушиб қолган, дейсизми? – дедим ишонмасдан. – Нега комага тушади?

– Ўзингиз айтдингиз-ку, кечаси деразадан ташлавордим деб! – заҳарханда қилди дўхтир.

– Бўлиши мумкинмас! Ахир деразанинг баландлиги бир метр ҳам чиқмайди...

– Бўлинг, тез, машина топинг!

Мен туш кўраётгандай эдим. Мана, ҳозир уйғонаман-у ҳаммаси тугайди, лекин уйғониш бунчалик қийин... нега уйғонмаяпман?

Дилдорани касалхонанинг аҳволи оғир беморлар ётадиган бўлимига жойлаштиришди. Шундан кейингина аҳвол жиддийлигини пайқадим.

Мен туш кўрмаётган эдим.

– Уйғон, уйғона қол, илтимос, – дея ҳар куни унинг юзини силардим. – Уйғона қол, илтимос.

Майли, сен айтганча бўлади, агар мен билан яшашни истамас экансан, майли, ажрашамиз. Фақат уйғонсанг бас!

Кунлар ўта бошлади.

Ниҳоят еттинчи куни у кўзларини очди.

Бир неча сония маъносиз, бақрайган кўзларини менга тикиб турди-да, кейин яна чирт юмди.

Мен учун шунинг ўзи кифоя эди. Шу кичкина бахтнинг ўзи кифоя эди.

– Дўхтир, у ҳушига келди! – дея қичқириб юбордим.

Бир зумда дўхтир ва ҳамширалар уни ўраб олишди.

Мени эса йўлакка чиқариб юборишди.

"Наҳотки мен ўзим учун жуда кўп нарса сўраб юборган бўлсам, – деб ўйладим йўлакда турганча. – Барча кўргуликлар очкўзлигим туфайли юз берган-дир? Ахир мен бахтга ташна эдим. Назаримда мендан бошқа ҳамма бахтлидай туюларди. Бир аёлни севдим, уни бахтли қилишни истадим, лекин... Бутун ҳаётим бола вақтимда қийнала-қийнала ташлаган дастлабки қадамларимдек серташвиш ўтди. Лекин энди кўряпманки, ўзимни бахтли ҳис қилишим учун унинг кўзларини очгани кифоя экан..."

– Бу ёққа қаранг, – деди ҳамшира эшикни қия очиб.

Ичкарига кирдим.

– Бу аёл хотинингизми? – сўради врач.

– Ҳа... Кўнгилсизлик юз бермасдан олдин шундай эди, лекин энди...

– Гаплашиб кўринг.

Мен каравотга яқин келдим.

– Дилдора...

Шифтга тикилиб ётган Дилдоранинг қорачиқлари қимирлади, аммо мен томонга қарамади.

– Дилдора, яхши бўлиб қолдингми?

Дилдора жавоб бермади.

Врач яна мени палатадан чиқариб юборди.

Ҳақиқий фожеадан эртаси куни бохабар бўлдим.

– У хотирасини йўқотган, бугунги кунни буткул унутган, – деди дўхтир менга.

Етмиш икки томирим зириллаб кетди.

– Нега? Нега хотирасини йўқотади? Арзимаган зарб...

– Сиз учун арзимаган зарб бўлиши мумкин, – деди дўхтир ачитиб. – Хуллас, унга эътиборли бўлинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

Дўхтир чиқиб кетди.

Турган еримда Дилдорага разм солдим.

Бу вақтда у ухлаб ётарди. Юзида аллақандай оғриқдан азоб чекаётгандай асабий ифода қотган, мен суйган қўллар мен суйган кўкраклар устида бемажол ётарди.

– Дилдор... – дедим юрак ютиб.

Дилдоранинг киприклари титраб кетди.

Кейин оҳиста кўзларини очди.

– Сиз?! – деди у аста.

– Ҳа, мен эрингман, – дедим унинг ёноғидан ўпиш учун эгиларканман.

– Беҳруз...

Бирдан ток ургандай қалқиб кетдим.

– Нима бўлди? – сўради Дилдора.

– Ҳеч нарса... тинчлик...

– Нега унда юзимдан ўпмаяпсиз? Табриклама-япсиз! Ахир биз ўғил кўрдик! – Дилдора хиёл бошини кўтариб, ёноғини тутди.

Мен уни ўпиб қўйдим.

Лекин жуда ғалати тарзда.

– Хурсанд эмасмисиз? – Дилдора қўли билан юзимни силади.

– Хурсандман...

– Бизни қачон уйга олиб кетасиз?

– Қачон истасанг шунда.

– Ҳозироқ уйга кетишни истайман. Бу ерда гўё минг йилдан буён ётгандай, жуда сиқилиб кетдим.

Дилдора ўрнидан турди.

– Мен ҳозир... – дедим дўхтирни чақиришга тараддудланиб.

– Ие, болам қани?!

Дилдора олазарак бўлиб, ён-верига аланглай бошлади.

Бирдан миям тезлик билан ишлай бошлади.

– Ҳозир, бир пас кутиб тур, – дедим Дилдорага.

Нима қилиш кераклигини чўтлаб хонадан чиқдим.

Дўхтир билан гаплашиб, туғруқхонага ташлаб кетилган болалардан бирини фарзандликка олишга қарор қилдим.

Бир ҳафтадан кейин Дилдора билан болани уйга олиб келдим. Ўзимнинг уйимга. Менинг уйимда, менинг соатим ҳамон чиққиллаб турарди.

Аммо энди ўз уйимда Самандар бўлиб эмас, Беҳруз бўлиб яшай бошладим. Бу бир оз малол келарди албатта. "Бу вақтинчалик ҳол, ҳадемай унинг хотираси ўзига қайтади, – деб ўзимга таскин берардим. – Кейин ҳаммаси яна изига тушиб кетади. Хотираси ўзига қайтганидан кейин у нималар бўлганини билади, мендан хафа бўлиши мумкин, лекин энди ташлаб кетмайди, ахир ўртамизда бола бор!"

Дилдора болани эмиза бошлади.

Мен ҳайратда эдим.

– Нега сариқ рангли кўйлагингизни киймай қўйдингиз? – деб сўради Дилдора бир куни дабдурустдан.

Шошиб қолдим.

– Сариқ кўйлак?

– Ҳа, сариқ кўйлак.

– Билмадим... бир неча кундан буён тополмай юрибман, шунга ҳайрон бўлиб... сендан сўрамоқчи эдим...

– Мен бола билан андармон бўлиб қолганимдан буён жуда чарчаяпман...

– Майли, вақтим бўлганда ўзим топиб оларман бир бурчакдан.

Эртаси куни ишдан қайтишда сенинг уйингга кириб, шкафдан кийимларингни олдим... Пайпоқларинг ҳам қолмади.

– Қачондан буён ширгуруч ейдиган бўлиб қолдингиз? – деб сўради Дилдора бир кеч овқатланаётганимизда. – Ширгуруч есам, ичим ўтиб қолади, деб юрардингиз-ку!

Дилдора кулиб юборди. Самимий кулди.

Унинг юзи бахтиёрликдан гул-гул яшнаб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

– Шунақами?.. – дея олдим зўрға. Кейин бирдан жим бўлиб қолдим.

– Мен касалхонада вақтимда борига қаноат қилган бўлсангиз керак, бечорагинам...

Дилдора ўрнидан туриб ёнимга келди.

Бармоқлари сочларимни ўйнай бошлади.

Ё тангрим!

– Агар ширгуруч егингиз келган бўлса, яна пиширибераман, – дея шивирлади у қулоғимга, сочлари ёноғимни қитиқлади, атиргул ҳиди димоғимга урилди.

Мен адойи тамом бўлдим.

– Йўқ, ширгуруч емайман, ичим ўтиб қолади...

Шундай қилиб, мен сенга эврилдим, дўстим.

Сени "ўзлаштириш" қийин эмасди. Ахир дўс-

тим эдинг, ҳаммадан кўра сени кўпроқ мен билардим. Ўз ролимга шунчалик киришиб кетдимки, оқибатда ўзимдан, ўзлигимдан айрилдим...

Аммо шундан кейин ҳаётим нурга йўғрилди.

Фақат қўрқинчли хавотир юрагимни аҳён-аҳёнда тирнаб қўярди. Умр бўйи У фақат менгагина насиб этишини, фақат менинг хоҳиш-иродамга бўйсунишини, бўса учун яралган лаблари эҳтиросли бўсаларга кўмиб ташлашини истаб яшагандим, мана орзуим амалга ошди, аммо ўзим... оҳанрабо ўзига тортган нинадай бўшлиқ қаърида осилиб қолдим... Майли, ҳар не бўлганда ҳам, энди унинг хотираси ўзига қайтмасин! Жилла қурса менинг куним битгунча...

Ихлос билан тилаган эканманми, сўнгги тилагим ҳам амалга ошди. Мен Беҳруз бўлиб қабрга кирдим...

Сен эса иккинчи марта ўлдинг.

Эҳтимол бир қабрга тушганимизнинг сабаби ҳам шудир?.. Ахир биз бир одаммиз!

“МОМО ҲАВО”

Ёмғир уч кундан буён тинимсиз шивалаб ёғарди. Асфалти кўчиб, ўнқир-чўнқир тупроқ йўлга айланган йўлак билч-билч лой, йўлак четидаги бетон ариқчалар лойқа сувга тўлган, оловранг япроқлар оёқ остида эзилиб, лойга қоришиб кетган, оқибатда йўл сирпанчиқ бўлиб қолганди.

Акбар кўк бозор ёнидаги, пештоқига каттакатта ҳарфлар билан “Бар” деб ёзиб қўйилган, винога қоришиқ ёқимсиз ҳид анқиб турадиган кўримсиз, пастқам бинодан чиққанда вақт чошгоҳдан ўтганди. У маст эди. Маст бўлса-да, уч кундан буён ёмғир ёғаётганлиги, йўл сирпанчиқ бўлиб қолганлиги унинг ёдида, шу боиски бир-бир босиб пастқам бинодан узоқлаша бошлади. Йиқилиб тушмаслик учун эҳтиёт бўлиб юряпман, деб ўйларди у ўзича. Аслида эса гандираклаганча йўлнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига бориб келаркан, мункиб-мункиб кетарди. У ҳозиргина қаҳвахонадан чиққан бўлса-да, энгил-боши жиққа ҳўл, сочлари ивиб бошига ёпишган, тумшуғи очилиб қолган туфлисидан муздек сув сизиб кирган, бунинг натижасида оёқлари сира исимаётган эди. Бинобарин, у одатдагидек анча вақт ахлатхоналарни титкилаган, шиша идишлар, баклашкалар қидириб топиб, уларни керакли жойга топшириб, эвазига арзимаган пул олиб, сотувчилар алдашмадимикин деган хаёлда эски, тити-

либ кетган майда пулларни қайта-қайта санаб, чўнтагига солгунча шу кўйга тушганди.

Акбар бир амаллаб катта йўлни кесиб ўтиб йўлакка чиқиб олди. Икки четини яшил девор тўсган йўлак ўнқир-чўнқир бўлса-да, ҳар қалай хавфсиз, бу ердан машиналар юрмайди ҳисоб. Лекин барибир эҳтиёт бўлиш керак, ер лой, билчиллаб ётибди. Яна юз қадамча юрса уйига етиб олади. Бир амаллаб иккинчи қаватга кўтарилиб, қулфи яхши ишламайдиган эшигини очиб ичкарига кириб олса бас, у ёғи бир гап бўлар. Йигит яшил деворни пайпаслаганча кетиб бораркан... бехосдан қўрққан нарсаси юз берди, у йиқилиб тушди! Ўрнидан турмоқчи бўлиб бир-икки интилди, аммо гавдасини ердан узиб ололмади. Қолаверса, муздай ер мисдай қизиётган вужудига хуш ёқди ва у ғужанак бўлиб олди-ю, пишиллаб ухлаб қолди.

Уйига етишига эллик қадамча қолганди.

Ёмғир ҳамон шивалаб ёғарди.

Орадан қанча вақт ўтди, номаълум, ҳали уйқуга ғарқ бўлиб ётган маҳал эди. Аллақандай майин овоз қулоғига чалингандай бўлди. Лекин йигит эътибор бермади, ғудранди, ғудраниш асносида оғзидан сўлак оққанини ҳис этиб, артиб ташламоқчи бўлганди, бармоқларига илашган лой юзига суркалди. Аллаким қўнғироқдек овозда кулиб юборди шу вақт. Юз-кўзига чакиллаб урилаётган ёмғир томчилари ҳам бирдан томчиламай қўйди.

Акбар кўзини очди. Дастлаб ихчам, ялтироқ туфлига кўзи тушди. Қовоқлари аста-секин кўтарилгани сайин шуури ҳам тиниқлаша борди ва кутилмаганда ирғиб ўрнидан тур... Йўқ, хаёлида шундай ўйлаган экан, аслида базўр ўрнидан қўзғалди.

Калта қора плаши ўзига ярашган, кўҳлик жувон қўлини хиёл олдинга узатганча соябонини тутиб уни ёмғирдан тўсиб турарди.

– Келинг, ёрдамлашаман... – жувон қўлини узатди.

– Раҳмат, ўзим...

Боши лўқиллаб оғриётган Акбар ўрнидан турди. Аммо шу заҳоти яна ўтириб қолди. Вужудини иситма қиздираётган, кўнгли озаётган эди.

– Тобингиз қочиб қолган шекилли, қўлингизни беринг, нега тортинасиз, одам одамга ёрдам берса нима қипти? – Жувоннинг сўзлари ҳам, кўз қарашлари ҳам самимий эди.

Аммо барибир Акбар қўлини узата олмади. Ботинолмади, истиҳола қилди, чунки қўллари лой эди. Бор кучини тўплаб ўрнидан турди. Гандираклаб кетди. Жувон уни ушлаб қолмаганда яна йиқилиб тушарди.

– Уйингиз шу томондами?

Жувон эллик қадам нарида қўққайиб турган тўққиз қаватли уйга ишора қилди.

Акбар бош ирғади.

Жувон уни қўлтиқлаб олди. Соябонини юқори кўтарди.

Акбарнинг кайфи тарқаган, аммо бир оз шамоллаган шекилли, иситма исканжага олган, боши тарс ёрилиб кетай дерди. Сал чайқалгудек бўлса борми, боши лўқиллаб кетганидан, қадам ташлашга мажоли етмай қоларди.

– Касал аҳволда кўчага чиқиб бўлмайди, – деди жувон уйга яқинлашиб қолганларида. – Менимча, сиз тумовдан олган бўлсангиз керак. Ҳозирги тумов шунақа экан, бош айланиб, иситма тутаркан.

Акбар енгил тортди. Жувон ҳар қалай ичганини пайқамабди. Индамаслик ноқулай...

– Кечадан буён мазам қочиб турувди, – деди у ниҳоят ўзини дадил тутиб. – Лекин иш деган нарса бор. Уйдан чиқмасликнинг иложи йўқ.

– Тўғри, аслида шу, ҳаммамиз ҳам иш-иш деб ўлиб кетамиз.

– Яхшиям сиз келиб қолдингиз, акс ҳолда ҳозир...

– Нафасингизни иссиқ қилинг.

Подъезд эшиги олдида жувон таққа тўхтади.

– Бу ёғига ўзингиз кета оласизми? – Жувон гапириш асносида соябонини силкитди, биллур томчилар сачради ҳар томонга.

– Бошим ҳалиям айланяпти, – деди Акбар. – Иситмам ҳам тушмабди. Уйда дори-пори бормиди, билмадим. Кейин қанақа дори ичишниям билмайман.

Жувон кулимсираб қаради унга.

– Ҳеч ҳам касал бўлмаганмисиз? – деб сўради кейин.

– Кўп касал бўлганман, лекин у вақтларда ойим бор эдилар. Ойим қарардилар. Энди ойим йўқ.

Жувон бошқа савол бермади. Ён-верига қараб қўйди-да:

– Кеч тушиб қопти. Ҳа, майли, юринг, сумкамда у-бу дори бориди. Шуларни сизга ичириб кейин кетаман, – деди.

Уйга киришди. Ётоқхонадаги бир кишилик каравот ва ошхонадаги юмалоқ столу атрофида тизилишган тўртта табуреткадан бошқа ҳеч вақо кўзга ташланмасди. Дарвоқе, деворлардаги гулқоғозларнинг янгилиги ва тозалигини айтмаганда... Уйнинг шип-шийдонлиги жувонни ҳайрон қолдирмади, умуман у ҳеч нарсага эътибор бергани йўқ.

– Сиз кийимларингизни алмаштиринг, мен чой дамлаб келаман, – деди жувон, сўнг ошхона томонга кетди.

Акбар каравот остидан эски чемоданни тортиб чиқарди. Чемодан унга шифонер вазифасини ўтарди. Кийимлар кўп эди, лекин ҳаммаси ҳам эски-туски, алмисоқдан қолганди.

– Мана чой, мана ширингина дори, бир мазза қиладиган бўлдингиз, – дея жувон кириб келганда Акбар апил-тапил кийимларини алиштиришга улгурган, аммо ҳўл кийимларни нима қилишни билмагандек қўлида тутганча қимир этмай турарди. Гўё уй эгаси жувон-у, ўзи кутилмаганда келиб қолиб ўзини ноқулай сезаётган меҳмон.

– Кийимларингизни менга беринг, – жувон қўлини узатди. Пуштиранг кафти силлиқ ва чиройли эди.

– Йўқ, ўзим... эртага...

– Мен ҳалиям кийимларингизни ювмоқчи эмасман, – деди жувон. – Лекин бошқа вақт бўлганда эҳтимол ювиб ҳам қўярдим. Аммо ҳозир кетмасам бўлмайди.

Акбар жувондан кўз узмай турганча дорини ичди. Жувон яна битта дорини кафтига қўйди.

– Боягиси иситма туширадиган, буниси шамоллашга қарши дори, – изоҳ берди жувон.

Акбар шундай аҳволда эдики, жувон шифобахш дори эмас, заҳар тутган тақдирда ҳам индамай ичиб юборарди.

– Энди иссиқроқ ўраниб бир-икки соат ётинг. Мен кетаман. Яхши қолинг. Тезроқ соғайиб кетинг.

Жувон эшик томон юрди.

Акбар эса аёл томон интилди. Жувон буни сезмади. У аллақачон кўча эшик ёнидаги илгакдан плашини олаётган эди. Акбар унга ёрдамлашмоқчи эди, аммо улгура олмади. Жувон кийи-

ниб бўлиб эшикни очди. Яна бир оз, бир дақиқа кечикса жувон эшикни ёпади-ю, зиналардан шувиллаганча пастга тушиб кетади.

– Шошманг, – деб юборди Акбар беихтиёр.

– Мазангиз қочяптими?.. – Жувон илкис ўгирилди.

– Йўқ, ҳа, э, нимайди, анави, телефон номерингизни айта олмайсизми? Мабодо кечаси яна тобим қочса...

Жувон жилмайиб туриб телефон номерини айтди.

– Фақат тобингиз қочса телефон қилинг-а, – деди кейин.

– Албатта, албатта.

Жувон энди шарақлаб кулиб юборди. Анчадан буён аёл кулгусини эшитмаган деворлар зириллаб кетди.

– Нима учун "албатта" деяпсиз? Албатта тобим қочади, демоқчимисиз?

– Унақа эмас... Лекин қайдам... Аммо умид қиламанки... Эҳтимол...

– Хўп, яхши қолинг. Эшикка яқин келманг, совуқ тегади. Эшикни ўзим ёпаман.

Жувон кетди.

Ҳаммаси кейин юз берди. Акбар чексиз ҳайрат ичида қолди. "Шундай сулув жувон менга марҳамат кўрсатди, уйимга олиб келиб қўйди, дори ичирди... Унинг ўрнида бошқа аёл бўлганда балчиққа беланиб ётган чўчқага қарагандай қарарди. У эса мендан умуман жирканмади. Ё раббим, ким эди у?.. Момо Ҳавоми ё Биби Фотима!.."

Акбар беихтиёр иягини силаркан, ўсиқ соқоли кафтига тикандек ботди. Даҳшатга тушди. Ваннага югуриб кириб ўзини ойнага солди: "Уст-бошимку, майли, ёмғир, касаллигим, йиқилиб тушганим

баҳона бўлар, аммо эрталаб соқолни қиртишлаб олсам бўларкан. У бир неча марта юзимга синчиклаб қаради, лекин шундай иркит башарадан бирор мартаям ирганмади-я...”

Акбарнинг бош оғриғи, шамоллаши, ичгани, ҳамма-ҳаммаси эсидан чиққан эди. У ювинди. Ўтмас олмос билан соқол-мўйловини қиртишлади. Ёноғини, ияги остини бир неча марта кесиб олиб, қонатди. Сўнг каравотга чўзилди. Ухлашга ҳаракат қилди, лекин ухлолмади. Қовоқлари қотиб қолгандек сира ёпилмасди. Бирдан уйнинг шипшийдонлиги, аёл кишининг эътиборини жалб қиладиган жозибали нарсаси йўқлигини эслаб қолди. Онасидан қолган эски қақур-қуқурларни сотиб юборганидан афсусланди: “Арзимаган пулга сотгандим. Эссиз, тураверса бўларкан...”

Йигит шу оқшом мижжа қоқмади ҳисоб. Аҳён-аҳёнда кўзи илиниб кетгандек бўлар, лекин шу заҳоти чўчиб, сесканиб уйғонар, ҳали ювинмасдан туриб кўнглига туккан “тугун” эсига тушиб, ороми бузиларди, уйқуси қочарди. У жувонга телефон қилишни ўйлаганди. Бироқ истак қанчалик кучли бўлмасин, уни амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Ўтган йили ойлик абонент пуллари тўланмаганлиги туфайли телефони ўчириб қўйилган, кераксиз матоҳга айланган аппаратни эса у сотиб юборганди. Яна афсус-надомат юрагини ўртади.

Тонгга яқин кўзи илинди.

Уч соатлик уйқудан уйғонгач у сал бошқачароқ ўйлай бошлади. “У оққўнгил аёл. Йиқилиб ётган бир бенавога ёрдам берди, холос. Шунинг учун ҳам мендан ирганмади. Шунинг учун ҳам у бегона эркак сифатида мендан чўчимади. У шунчаки, илтифот кўрсатди, холос. Йиқилиб ётган одамнинг ёнидан бефарқ ўтиб кета олмади. Ҳойнаҳой, у

мени ўша заҳотиёқ эсидан чиқариб юборгандир. Мен бўлсам... Эҳ!..”

Йигит маҳзун тортиб қолди. Анча вақтгача шу кайфият таъсиридан чиқа олмади. Қорни очганини ҳис этарди-ю, аммо иштаҳаси йўқ эди. Томоғи қуриб, чанқоқ хуруж қила бошлади. Шунда ҳам ўрнидан турмади. Лекин чанқоққа кўп дош бера олмади. Ноилож ўрнидан туриб ошхонага ўтди. Човгумни сувга тўлдираркан, ўзича сўзланди: “Яхшиям газ плитасини сотиб юбормаган эканман!”

Бир чойнак кўк чойни ичиб олгач яна ётоқхонага кирди, каравотга чўзилди. Бирор соат ўтиб у кўнгли озаётганини ҳис қилди. Бу очликдан эди. Ошқозонни алдаш учун ўрнидан туриб у-бу топса бўларди. Лекин у бунга ҳаракат қилмади. Ичмаса тамадди қилолмасди, бир ютум луқма ҳам томоғидан ўтмасди. Уйда эса бир қултум ҳам ичимлик қолмаган, олиш учун пули соб бўлган, кеча ҳеч илож топилмаганидан ахлатхоналарни титкилашга мажбур бўлганди. Бугун ахлатхонага боролмайди. Анави аёл учраб қолса нима бўлади?

Бироқ кўп ўтмасдан ор-номус устидан истак ғолиб келди. У ичмаса бўлмаслигини, жилла қурса юз грамм ютмаса ўзига кела олмаслигини ҳис этди. Балкондаги кераксиз, сотишга арзимайдиган ашқол-дашқолларни титкилаб беш-олтита банка топиб олди. Чанг босган экан, апил-тапил қуруқ латта билан артиб тозалади. Кейин уларни йўлак эшиги олдига келтириб қўйди-да, ўзи рўпарадаги қўшнининг қўнғироғини босди. Йигирма олтиларга борган, сариқдан келган жувон эшикни очди.

– Соседка, ортиқча банкаларим бор эди, оласизми? – деди у жувонга мўлтираб қараркан. Жувоннинг жиддийлиги уни ташвишлантирди. Уларнинг ўзаро олди-бердилари бор эди. Жувон арзон-

гаровга унинг кўпгина нарсаларини сотиб олиб қўйганди. Аммо бу сафар...

– Банка етарли менда. Дазмол йўқми мабодо?

– Дазмол? Дазмол ҳам бўлиши керак, – деди Акбар шоша-пиша. – Қидириб кўраман ҳали. Лекин ҳозир вақтим зиқ. Пича пул керак бўлиб қолди. Ростини айтсам... бугун ойимнинг туғилган куни эди. Қабристонга бориб гул қўйиб келсам девдим.

– Банкаларингиз қани?

– Ҳозир.

Жувон ҳисоб-китобдан ортиқчароқ пул берган экан. Кўчага чиққандан кейин билди. Хурсанд бўлиб кетди. Таниш пивохона олдига учиб келди ўзиям. Ҳозир... Мана ҳозир... Ўша зормандани бир сипқоришда ютади-ю, дунёга қайта келгандек бўлади. Остона ҳат... Йўқ, остона ҳатлаб ичкарига кира олмади, кимдир чақиргандек бўлиб ортига ўгирилди. Икки қадам нарида кечаги соҳибжамол жилмайиб турарди!

Шиша ичидан кўз сузаётган "малак" доғда қолди. Акбар ҳеч иккиланмасдан пивохонадан юз ўгириб, жувон томон юрди. Кечга бориб шу ҳолатини қайта-қайта эсларкан, ўзидан мамнун бўлди: "Демак, ҳали жуда ҳам тубан кетмабман!"

– Салом.

– Яхшимисиз? Яхши бўлиб қолдингизми?

– Тузук... Ишдан келяпсизми ё энди боряпсизми?

– Бугун кечки сменадаман.

– Айтганча, исмингизни сўрамаган эканман кеча, кейин жуда афсусландим. Агар ҳозироқ айтмасангиз бугун оқшомги уйқу ҳам ҳаром бўлади.

– Ҳай-ҳай, шаштингиздан тушинг. Исмим оддийгина. Нафосат.

– Нафосат?! Жуда топиб қўйишган экан. Исмижисмига монанд аёлни биринчи марта кўриб туришим.

– Ҳар қалай яхши бўлиб қолибсиз, шунисига шукр. Хўп, мен борай...

– Дарров-а?

– Вой, бу нима деганингиз?

– Энди топдим деганимда... Биласизми, нима, мен ҳали жудаям соғайганим йўқ. Аптекага дори олиш учун келаётгандим. Паришонхотирлигим қурсин, пивохонага бурилиб кетибман. Агар сиз чақириб қолмаганингизда бармендан дори сўраб, тоза шарманда бўлардим-да.

– Вой, айёр-ей, бу билан нима демоқчисиз?

– Бир оз айланайлик, илтимос. Ишингиз кечки сменада экан-ку... – Акбар аёлга илтижоли боқди, илтимосимни рад этсанг, ўламан, дегандек.

– Ие, ҳали исмингизни ҳам билмайман-ку.

– Кейин айтаман. Қолаверса, мен сизга миннатдорчилик билдиришим керак. Агар сиз бўлмаганингизда...

– Яна шу гап.

– Қайси гап? – Бирдан ҳушёр тортди Акбар. Чув тушириб қўйдимми, дегандек.

– Кечадан буён "Агар сиз бўлмаганингизда..." деган гапни юз марта такрорладингиз.

– Яна такрорлайман, керак бўлса минг, миллион марта такрорлайман.

Жувон бир муддат ўйланиб турди-да, сўнг:

– Хўп, бир оз айлана қолайлик, – деди. – Сиз тутган еридан кесадиган эркаклардан экансиз, – деб қўшиб қўйди яна.

Акбар жўшиб кетганидан жувонни ўпиб олишига бир баҳя қолди. Шу вақтгача ҳеч ким уни бунчалик мақтамаган эди.

Улар йўлак бўйлаб аста юриб кетдилар. Акбар хаёлан бирорта дўкон ё бирорта ошхона бўлмаган кимсасиз кўчани қидирарди. Афсуски, ҳозирги замонда бундай кўчани топиш амри маҳол. Ахийри уйи яқинидаги мактаб ҳовлисини ўйлаб топди. Тушдан кейин у ерда ҳеч ким бўлмайди. Хушманзара, сердарахт, сокин жой. Ўтириш учун стадиондан ўриндиқ ҳам топиш мумкин. "Лекин эртага қаердан бўлсаям пул топиб уни тузукроқ жойга овқатланишга таклиф этаман. Бугунни бир амаллаб ўтказиб олсам бўлди эди", – хаёлидан ўтказди музтар бўлган йигит.

* * *

Эртаси куни у пул топди. Бир вақтлар жонажон ўртоғи бўлган, аммо кейинчалик юз ўгирган, айни кунларда дуч келиб қолса-да, кўрмасликка олиб ўтиб кетадиган бир ўртоғидан не-не қасаму ваъдалар эвазига қарз олди. Ва ўзи ният қилгандай Нафосатни "тузукроқ жой"га овқатланишга таклиф этди. Ушбу "кечлик" устида у Нафосат ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Жувон фабрикада ишларкан. Анча йил олдин ўқиш истагида шаҳарга келиб қолган экан. Қанча ўқиб, тайёрланса ҳам институтга кира олмабди. Тирикчилик учун фабрикага ишга кирибди. Шу ерда у бир ярамас йигитнинг тузоғига илиниб қолибди. "Уйланаман" деб икки йил алдаб юриб, охирида қочиб қолибди. Ана ўшандан буён...

– Ана ўшандан буён эркак зотига ишонмай қўйганман, – деди Нафосат охирида.

Акбарнинг бирдан нафаси ичига тушиб кетди. Йўлига, иштаҳани очиш учун олинган икки қадаҳдан кейин қизиб ўтирган эди. Устидан совуқ

сув қуйиб юборилгандек бўлди. У бугун Нафосатни уйига таклиф этмоқчи, аёлсиз ўтказган кунларининг ҳиссасини чиқармоқчи эди. Маҳзун тортиб қолди. Ҳатто ўрнидан туриб кетиб қолгиси келди. Назарида, жувон шунчаки вақтини ўтказиш учун, янада аниқроғи, миннатдорчилигини қабул қилиш учун келгандай туюла бошлади.

– Балки мен янглишгандирман, – деди Нафосат гапини давом эттириб. – Дунёда яхши одамлар кўпдир. Мен уларни кўрмаётгандирман, ўз дардим билан овора бўлиб.

– Нафосат, – деди Акбар дангалига кўчиб. – Агар мен яхши одам бўлсам, турмушга чиқармидингиз?

– Ўйлаб кўриш керак. Кейин... Сиз жудаям ғалати экансиз. Кеча таниша солиб бугун қўлимни сўраяпсиз!

– Тўғри, кеча танишдик. Лекин мен сизни аввал ҳам кўргандайман.

– Ётоқхонамиз бу ердан анча олисда, қаерда кўрган бўлишингиз мумкин? Менимча, сизга шундай туюляпти.

– Йўқ, йўқ, мен кечадан буён ўйлаб юрибман, сизни қаердадир кўргандайман.

Нафосат бир муддат ер чизиб ўтирди-да, сўнг илкис бошини кўтарди.

– Эсладим, – деди у ҳаяжон билан. – Эсладим. Сиз ҳақсиз. Мени кўрганингиз рост.

– Ана айтмадимми, паришонхотирлигим бор-у, лекин жа унчаликмас.

– Бир марта сизнинг ортингиздан келганман уйингизгача. Ўшанда ҳам мазангиз йўқмиди, жуда ёмон аҳволда эдингиз. Тўғриси, раҳмим келди ўшанда. Йўлда йиқилиб-нетиб юрмасин, деган хаёлда...

– Мана кўрдингизми, биз аллазамонлардан буён танишмиз-у, сиз бўлсангиз дарров қўлимни сўраяпсиз, деб домангир бўляпсиз. Хўш, рози бўлармидингиз?

– Раҳм қилинг, бир оз ўйлаб олай, – дея кулди жувон.

Бу гап, айниқса гап оҳанги Акбарни анча юксакка чиқариб қўйди. У жувоннинг, шундай соҳибжамолнинг хўжасидек ҳис эта бошлади ўзини.

– Бир ҳафта етадими?

– Вуй... намунча?..

– Кўпми? Майли, талабларга биноан муддатни қисқартирамиз. Икки кун...

– Э, боринг-е... – Нафосат кафтлари билан қизариб кетган юзини тўсди.

Акбарнинг завқи келди. У яна гапиргиси, аёлни уялтиргиси келди. Аммо уни хафа қилиб қўйишдан чўчиди. Истар-истамай гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Кафедан чиққанларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. У аёлни қучоқлаб олди. Нафосат кутмаган шекилли, чўчиб тушди, силтанди.

– Ие, қизиқмисиз... қўйворинг.

– Энди ҳар доим мана шундай юрамиз. Энди ҳеч қачон сизни қўйвормайман, – деди Акбар, кейин бирдан шивирлашга ўтди: – Бугун меникида қоласиз-а, ҳа, денг, хўп, денг!..

– Қололмайман... Вой...

Акбар уни қаттиқроқ бағрига босди.

– Хўп, демагунингизча, қўйвормайман!

– Жонимни оғритдингиз...

– Бу кам!

– Сиз... бошқачасиз... – Жувон унинг кўксига бош қўяркан, шундай деб пичирлади...

Улар таниш уй олдига келиб қолганларини пайқашмади. Бу Акбарнинг уйи эди. Уй олдидаги улкан дарахт остида бир пас туриб қолишди. Кейин... Кейин Акбар жувонни даст кўтариб олди.

Вақт эшик ортида қолди.

* * *

Акбар ухлаётган соҳибжамолнинг ҳуснига тўйиб-тўйиб тикилмоқчи эди, афсус, у уйғоқ экан.

– Биласанми, бирдан миямга ғалати фикр келди, – деди у Нафосатга.

– Нега энди "ғалати" фикр?..

– Ўзинг мени ғалати одамсиз, дейсан-ку.

– Бошқачасиз, дейман, – Нафосат унинг юзини силади.

Акбар унинг кафтини ўпди.

– Ғалати билан бошқачанинг нима фарқи бор?

– Фарқи бор.

– Ҳа, майли, умуман олганда, ғалати-да, хуллас, шу ғалати одам бугун ўзидан-да ғалати фикрга келди. Яъни...

– Яъни?.. – Нафосат унга синовчан тикилди.

Акбар тараддудланиб бир пас жим қолди.

– Ҳа, майли, бошқа пайт... – овози ўзгарди Акбарнинг, ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо турмади, бир қўзғалиб қўйди, холос. – Йўқ, – деди у бирдан ўзига-ўзи гапиргандек бўлиб. – Йўқ, бошқа вақт эмас, ҳозир, ҳозир айтаман, – Кейин у яна жим қолиб, чуқур нафас олди-да, давом этди: – Мен... Мен ўша куни касал эмасдим. Мен ичгандим. Мен ичкиликбозман. Мен пиёнистаман!..

Акбар юзига тарсаки тушадигандек бирдан юзини кафтлари билан тўсиб олди. Мана ҳозир... ҳозир... Бирдан момоқалдироқ гулдирайди-ю,

ҳаммаси, ҳаммаси тамом бўлади. Алвидо, муҳаббат! Алвидо, соҳибжамол! Ал...

– Билгандим... – шикаста, паст овозда айтилган бу сўз Акбарнинг қулоғига чинни пиёла жарангидек ёқимли эшитилди. Аммо у қулоқларига ишонмади. Қулоқларим мени алдаяпти, деб ўйлади. Юзини тўсган кафтларини туширишга ҳам уринмади. Ожизлик қилди.

– Лекин... Нима учун... Мен ҳайронман... Ичган одам одам эмасми?! – Бу гап фавқулодда айтилган сўздан ҳам кучлироқ таъсир қилди Акбарга. У кафтларини туширганда... Юзи шу қадар оқариб кетгандики... Нафосат қўрқиб кетди. Сапчиб ўрнидан турди.

– Мен ҳозир, чой опкеламан!..

Бир зумдан сўнг Акбар ўзига келгандек бўлди, юзига қизиллик югурди. Аммо сўзлари узуқ-юлуқ эди.

– Мен ичаман... Мен бетайин одамман... – дерди у нафаси қайтгудек бўлиб. – Лекин... Биласанми... Мен... нима десам экан... Ҳалиги... ҳа, топдим, мен ваъда бераман. Энди... ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бўлмайди... Энди...

Нафосат унинг лабига бармоғини босди.

– Кейин, кейин гапирасиз. Ҳозир шарт эмас... – Жувоннинг нозик бармоқлари унинг сочлари орасида, бўйнида, юзи-ю қулоқлари атрофида кезинди. Кейин шундай ҳол юз бердики, йигитнинг назарида борлиқ оламдан ўтди. Уларнинг руҳлари эса аллақачон арши-аълога учиб кетганди...

– Одамлар ҳаммаси тақдирдан, пешонага ёзилганидан дейди, лекин мен бунга ишонмайман, – дея ҳикоя қила бошлади Акбар қай бир куннинг қай бир соатида. – Мактабда математикадан аълога ўқирдим. Сендан кучли математик чиқади,

дейишарди устозларим. Шуларнинг гапига ишониб математика факультетига ўқишга кирдим. Бир амаллаб кирдим-да. У ёғини сўрама. Лекин шу ерда билдим, алданганимни. Менинг арифметика бўйича билганларим ҳеч нарсага арзимас экан. Қийналиб кетдим. Ортга қайтишга йўл йўқ. Тиришиб-тирмашиб ўқидим. Ниманидир тушунгандай бўлдим. Шу тушунган нарсамга ишониб мен аҳмоқ аспирантурага ҳужжат топширдим. Аспирантура менинг жиндайгина тушунчамни назар-писанд қилмади. Яна тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилдим. Ўқидим. Бир нарсаларни қораладим. Йиртдим ҳаммасини. Кейин яна ўқидим, яна қораладим, йиртдим... Аспирантурани битиргандан кейинги етти йиллик умримни бағишлаган ишимни ҳурматли устозим бир кунда йўққа чиқарди! Шу куни йўлда келяпман, фақат ичим куяди, куяди, куяди. Чанқаб кетдим, дейман ўзимга-ўзим. Лекин биламан, бу чанқов эмас. Бирдан пивохонага кўзим тушиб қолди. Яхши бўлди, чанқовбосди қиламан, деган хаёлда пивохонага кирдим. Ичдим. Бурнимдан чиққунча ичдим. Лекин чанқовим босилмади. Билардим, бу чанқовим анча-мунчага босилмаслигини. Шундай бўлса-да, пиво билан чанқовбосди қилиб юрдим. Қўлим ишга бормай қолганди. Домламнинг олдига қайтиб бормадим. "Аспирантурада қолсанг, сендан зўр кандидат чиқараман", деган шу домлам эди-да. Мен жиндек билимимга ва домламга ишонгандим. Тақдирнинг алдови эмасми бу? Бошқалар яхши баҳо олиш учун икки юз кўкидан беришаркан. Мен эса нақ беш юз олиб бориб бердим. Ўша беш юзни топгунча тилим осилиб қолганди ўзиям. Лекин начора, домланинг ўзи тилга келиб нархини айтиб тургандан кейин...

Барибир, ҳеч ёруғлик чиқмади. Нафсиламрини айтганда, ўша беш юзга яна озгина қўшиб тайёр "иш"ни сотиб олсам бўларди. Бирор кун эсига тушиб қолсам домламнинг ўзи чақириб қолар, деган ўйда юравердим.

Лекин домламдан хабар кела қолмади. Мен нима биландир банд бўлишга, нима биландир шуғулланишга ўрганиб қолгандим. Энди эса бекорчилигу аламдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Коллеждаги ўқитувчилигим ҳам кўзимга бало-қазодай кўрина бошлади. Ана шунда ичишга, ростакамига ичишга ружу қўйдим. Ишдан ҳайдалдим. Аспирантурани битирган йилим уйлангандим, хотиним анча йил туғмай юриб-юриб, қип-қизил ароқхўрга айланганимдан кейин бир қизча туғди. Исмини онам қўйди, Яхшигул деб. Қизим тўрт ёш бўлганида ҳам юрмасди, бунинг устига, ақли заиф экан. Хотиним билан муросамиз келмай қолди. У кетиб қолди. Онам икковимиз шўппайиб қолавердик. Ичкиликка баттар ружу қўйдим. Энди ҳаммасини унутиш учун ичардим. Лекин унутиб бўладими? Мен омадсиз, бахтиқаро одам эканман, деган фикр миямга ўрнашиб қолганди. Ҳеч нарсани унута олмадим. Ичгандан кейин маълум бир вақт ўзимни сархуш сезардим, қайғу-аламлар ўткинчидай туюларди. Лекин кейин жуда азобда қолардим. Охирги кунларда шу даражага етдимки, фақат, фақат ақлдан озиш учун ичардим. Бўкиб қолгунча ичардим, йиқилардим-суринардим, кимлардандир туртки ердим, аммо барибир уйимни топиб келардим. Уйга келишим, онамнинг кўзига кўринишим шарт эди. Бечора ойим... "Менинг шу ароқхўр боламни ўзинг паноҳингда сақла", деб Худога илтижо қиларди. Кўп ўтмасдан хотиним Гулшода уйга даъво қила бошлади. Уйнинг бир қисмида унинг ҳаққи бор

эмиш. Бола туфайли эмиш. Қани ўша бола?.. Уни аллақачон етимхонага топшириб юборган! Аввал ўша болани опкеласан, кейин уйнинг бир қисмига эгалик қиласан, дедим. Уй ойимнинг номида эди. Барибир қўлидан ҳеч нарса келмасди...

Акбар жимиб қолди.

– Ҳа, кўп қийналган... қийинчилик кўрган одам экансиз, – деди Нафосат ўйчанлик билан. Сўнг ҳайратлангандек кўзларини катта-катта очиб деди: – Сиз илм кишиси экансиз-а! Мен бўлсам... Мен илмли кишиларни жудаям ҳурмат қиламан.

– Имкон берсанг, кута олсанг мен албатта яна аввалги ҳолатимга қайтаман. Ишонаманки, қайта оламан. Бу жуда эҳтимолдан узоқ, эришиб бўлмайдиган нарса эмас. Мен ичмаса қўли қалтирайдиган, кўзи яхши кўрмай қоладиган бир аҳволда эмасман. Сен ишонсанг бас!

– Ишонаман, албатта ишонаман.

Акбар жувоннинг қўлини ўпди.

Анча вақт жим қолдилар.

Акбар ҳаяжондан энтикарди. Қаршисидаги хилқат унинг кўзига битмас-туганмас шодлик, умид ва кўпдан-кўп муваффақиятлар тимсоли бўлиб кўринарди. Мана энди ҳаётда йўқотган нарсаларини қайтариб олиш имкони ўз қўлида. Уни бой бергандан кўра ўлиб қўя қолган минг марта яхши...

* * *

Биргаликда яшай бошлашди.

Акбар уйдаги ичкиликни эслатувчи нарсаларни кўздан йўқотди. Ҳатто бирорта бўш шиша ҳам қолдирмади. Иш қидира бошлади. Лекин иш ҳадеганда топилавермади. Омади юришмаётган бўлса-да, сархуш юрган вақтларини эсламасликка, умуман ичкилик ҳақида ўйламасликка, у ҳақда

гапирмасликка аҳд қилганди. Бу қийин эди. Баъзи кунлари кўчага чиқиш, иш қидириш тугул, ҳатто ўрнидан тура олмай қоларди. Хумор жазаваси бутун вужудини исканжага олиб, куч-қувватини сўриб оларди. Акбар ғужанак бўлиб қоларди. Юзига қараб бўлмасди шу кезларда. Лекин шунда ҳам у чидарди, чидашга ҳаракат қиларди...

Нафосат эса аллақачон ўзини оилали аёлдек тутиб ҳам иш, ҳам рўзғор юмушларини баҳоли қудрат тебрата бошлаганди. У Акбарга йўл-йўриқлар бермас, ақл ўргатмас, ўз вазифаси билан андармон эди. Фақат бир марта у хавотирлангандек бўлиб:

– Гулшода жанжал кўтариб келиб қолмайдими? – деб сўраганди.

– Келса келаверсин, – деди Акбар бепарволик билан. – Энди ундан қўрқмайман. Мен умуман ундан қўрқмайман. Қолаверса, уй ойимнинг номида...

– Лекин ойингиз...

– Ҳа, тўғри, бу томонини ўйламаган эканман.

– Агар хўп десангиз, ўша қизчани уйга олиб келсак, – деди Нафосат. – У мени онаси ўрнида кўрадими-йўқми, ҳозирча бир нарса дея олмайман. Лекин қўлимдан келганча...

– Сен шусиз ҳам қўлингдан келганини, ҳатто ошириб қиляпсан. Қизим масаласида билмадим, буни ўзинг ҳал қил. Бу фақат сен туфайли ечиладиган муаммо.

– Менга боғлиқ бўлса, унда опкеламиз.

– Йўқ, шошма, яхшиси, бундай қиламиз. Уйни сенинг номингга ўтказамиз. Кейин...

– Ие, вой, нималар деяпсиз?! Ахир... Ахир...

– Ахир-пахири йўқ. Мен тутган еридан кесадиган одамман, биласан-ку одатимни! Лекин аввал никоҳ ўқитамиз!

– Ҳай, ўзингиз биласиз.

– Кейин ота-онангни олдига ҳам бемалол борардим.

Нафосат жавоб ўрнига ширин табассум ҳадя этди.

– Тўғри, уйим мақтангулик аҳволда эмас. Жуда кўп нарса керак ҳали. Лекин мен ҳаммасини муҳайё қиламан.

– Унчалик камтар бўлманг. Уч хонали уйингиз борлигининг ўзи бойлик-ку, – Нафосат шундай деди-ю, нимагадир ўрнидан туриб, ошхонага ўтиб кетди. Анча вақт ўша ерда ўралашиб юрди-да, кейин Акбарнинг олдига келди. Лекин энди уй ҳақида бир оғиз ҳам гап очмади.

Акбар айтганини қилди, аввал никоҳларини расмийлаштирди, сўнг уйни Нафосатнинг номига ўтказди. У аста-секин ўзига кела бошлаган, барча соғлом турмуш тарзи кечирадиган кишилар каби эрталаб нонушта қилар, тушликни ҳам ичкиликсиз ўтказар, фақат кечга бориб толиққандек бўлар ва шунда алланима эсига тушиб, безовталаниб қоларди. Шундай кезларда у қаерда бўлмасин, уйга етиб келар, кўнгли тусаган нарса билан қорнини тўйдирар, тўйдирганда ҳам унча-мунча эмас, ортиқча нарсага ўрин қолдирмайдиган қилиб тўйдирарди. Қорни тўйгандан кейин ичкиликка бўлган талаб сусаяр, уйқу элтиш асносида истак ҳам ўз-ўзидан йўқолиб-йитиб борарди.

Бир куни кечки пайт ана шундай "хуруж" тутиб қолди. Акбар истакни ўлдириш чорасини қўллаш ниятида музлатгични очди-ю... тахта бўлиб қолди. Шундоқ кўз ўнгида турли-туман егуликлар ўртасида қаҳрабодай товланаётган шиша турарди!

Акбар киприкларини пирпиратди, ютинди, шишага эътибор бермасдан (ҳар қалай ўзи шундай

ўйлади) ёнидаги егуликлардан ликопчага солди. Газга чой қўйганди, у шақирлаб қайнаб ётар, лекин Акбар буни пайқамасди. У аллақандай паришон бўлиб қолганди. Ликопчадаги егуликларга тикиларкан, уларнинг ўрнида қаҳрабодай товланаётган шиша кўзига кўринарди. Шиша ичидаги суюқлик аро Нафосатдан ҳам гўзал, ундан-да сулув бир нозанин ишва қилиб турарди.

Иштаҳаси ғиппа бўғилди. Сархил егуликлар томоғидан ўтмасди. Охири чидай олмади. Музлатгич олдига қандай етиб борганини сезмади. "Озгина олсам нима қиларди? Юз грамм ичаман-у, қолганини ойнадан улоқтираман!" Йўқ, қолганини ойнадан улоқтира олмади. Журъати етмади. Кўзи қиймади...

Эртаси эрталаб Нафосат сменадан келганида Акбар "бошоғриқ" қилиб ўтирарди. Аёлнинг қўлидан лиқ тўла сеткаси тушиб, мева-чевалар сочилиб кетди.

– Яна ича бошладингизми?

– Ўзинг музлатгичга қўйиб кетган экансан-ку, – деди Акбар пинак бузмай. – Мен сенга айтгандим, уйда менга ичкиликни эслатадиган стакан ҳам турмасин деб. Сен бўлсанг...

– Ахир эртага туғилган куним-ку, – деди Нафосат йиғламсираб. – Ишхонамдан қизлар келишмоқчи эди...

Акбар сўнгги қултумни юта олмади.

– Кечир, мени кечир, – деди у жувонга ёлворувчи нигоҳ ташларкан. – Энди бундай қилмайман.

Нафосат яқин келиб Акбарнинг бошини кўксига босди.

– Йўқ, сиз мени кечиринг...

Аммо ғишт қолипдан кўчган эди.

Акбар ишга кирган, қўлига тўрт-беш сўм пул тушиб қолганди. Бироқ у яна кечки пайтлар тез-тез пивохонанинг кўримсиз биноси олдида пайдо бўла бошлади...

Нафосат тунги сменадаги ишига бормай қўйди. У энди тушгача, гоҳида пешингача ишлаб, уйга қайтар, қайтаркан, йўл бўйидаги пивохонага кириб у ерда ичиб ўтирган Акбарни етаклаб келарди. У озиқ-овқат масаласида сарф-харажатни аямасди. Акбарнинг кўнгли тусаган нарса музлатгичда муҳайё эди. Аёл яна бир фидойиликка қўл урган: Акбарнинг ногирон қизчасини болалар уйидан олиб келиш ниятида юрарди. Бироқ... Нима учундир Акбар кейинги вақтларда оза бошлади. Юз-қўллари, умуман бадан териси ўзгариб сарғимтир тусга кирди. Кейинроқ бориб овқатдан кейин кўнгли озиб, ўхчийдиган бўлиб қолди. Кўп, жуда ҳам кўп сув ичарди. "Ичим куйиб кетяпти", – дерди у жониқиб. Кечаси билан қайт қилиб чиққан куннинг эртасига ишга ҳам бора олмади.

– Ичкилик сизга ёқмаяпти, энди шу зормандани ичмай қўя қолинг, – деди Нафосат.

– Ичмайман, энди ичмайман... – Акбар мажолсизликдан тинкаси қуриб кетаётган бўлса-да, жувоннинг қўлини олиб кўксига босди, жилмайди: – Яхшиям сен борсан...

– Уч-тўрт кун ишга борманг, дам олинг. Менам ишга бормайман. Ўзим парваришлайман, балки шу баҳонада ичкилик бутунлай эсингиздан чиқиб кетар.

Нафосат таниш дўхтирни чақиртирди.

– Ҳаммаси ичкилик оқибати, – деди чўққи соқолли, ёш дўхтир. Кейин бир парча қоғозга бир дунё дориларни ёзиб берди. – Бир томчи ҳам ичкиликни оғзингизга олманг. Мумкин эмас!

Нафосат дўхтирни кузатгани чиқиб бир фурсат ушланиб қолди. Бу Акбарнинг нафсониятига тегди.

– Дўхтир билан анчадан буён танишмисан? – деб сўради у Нафосат қайтиб кирганида.

Нафосат бир зум жавобсиз қолди. Сўнг:

– У фабрикамизнинг амбулаториясида ишлайди, – деди. – Бир мени эмас, ҳамма ишчиларнинг таниши у.

– Ҳар қалай... уйга чақирсанг югуриб келадиган даражада эмасдир!

– Нимага бунча хафа бўляпсиз? – деб сўради Нафосат сал оғрингандек бўлиб. – Пулини тўласангиз бас, келаверади-да дўхтир зоти!

Акбар ўсал бўлди.

– Кечир, – деди бир оздан кейин.

– Ҳеч қиси йўқ. Сиз яхши бўлиб кетсангиз бас.

Нафосат ишга бормай қўйди. У Акбарнинг бошида парвона бўлар, аллақандай дорилар ичирар, кийимларини алмаштириб турар, инжиқликларига меҳрибонлик билан жавоб қайтарарди. У фақат ярим соатга Акбарни ёлғиз қолдирарди. Бу вақтда у нон ёки бошқа бирор зарурат туфайли кўчага чиқарди-ю, кўп ўтмасдан ҳарсиллаганча кириб келарди.

Акбар уни койигандек бўларди:

– Секин юрсанг ҳам бўларди-ку, намунча...

– Сиздан хавотирландим... – Жувоннинг гезарган чеҳраси, олазарак нигоҳлари мулойим табассумдан ёришиб кетарди. Шу топда унинг қараши шунчалар мулойим, жилмайиши шу қадар беғубор, самимий ва меҳрли эдики, Акбарнинг кўкси ҳайратга тўларди.

– Қушқўнмас бир дарахтга кунларнинг бирида олтин патли тустовуқ келиб қўнди, дейишса ҳеч ким ишонмаса керак!..

Нафосат унинг оқарган юзини силайди. Яна шундай – беғубор самимият билан жилмаяди.

Чамаси икки ҳафта ўтиб Акбарнинг аҳволи оғирлаша бошлади. У озиб, қуриган чўпдай бўлиб қолди. Эрининг қусиғига жиндай-жиндай қон аралашиб тушаётганини кўрган Нафосат ўзини тутиб туролмади, Акбарнинг чекка томирлари бўртиб, териси қуруқшаб қолган, сочлари тўкила бошлаган бошини кўксига босганча ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Касалхонага оборай десам кўнмасангиз... – деди у йиғи аралаш. – Ахир бу аҳволда... охири нима бўлади?.. Мен қўрқиб кетяпман!..

– Нимага, нимадан қўрқасан? Ваҳима қилмасанг-чи, – деди Акбар унга жавобан. – Анави дўхтир айтди-ку, исми Давлатмиди, хавфли эмас деб. Ҳаммаси ичкиликнинг оқибати. Ўтиб кетади ҳадемай. Мана кўрасан!

Нафосат йиғидан тўхтаб, бир неча сония тек қотди. Кейин Акбарнинг қорамтир доғ босган юзини кафтлари орасига олиб, кўзларига тикилди. Қаттиқ тикилди. Аввалларида ҳеч ҳам бундай нигоҳ ташламасди.

– Мабодо... ўтиб кетмаса-чи? – деб сўради ғалати оҳангда.

Акбар бирдан жавоб бермади. Мажолсизлик билан бошини орқага ташлади. Нурсиз нигоҳларини шифтга қаратди. Сўнг:

– Бунинг қўрқинчли ери йўқ, – деди хотиржамлик билан. Ҳатто кулиб қўйди. – Юз йил бахт нелигини билмай яшагандан кўра... Олтин патли тустовуқ қўниб турган вақтда қарсиллаб қулаган маъқул!..

– Топган гапингизни қаранг!..

Акбар аёлнинг кафтига лабини босди.

этак боласи бор эди. Самандар пишиққина экан, тез орада тамаки орқасидан бойиб кетди. Мана энди унча-мунча одамни писанд қилавермайди. Аммо Исоқ чол машина сўраб борганида ҳеч ўзини тарозига солиб ўтирмасдан дарров рози бўлди) шаҳарга зир қатнади. Алал-оқибат қиз томонни кўндирди ҳам.

Исоқ чол тўйнинг барча харажатларини баҳолиқудрат ўзи кўтарди, бировнинг олдига қарз сўраб бормади. Аёллар орасида бўладиган олди-бердига ҳам хасислик қилиб ўтирмади. Бу саховатдан катта келин Норбуви ҳам анчагина фойдаланиб қолди: келинга деб олинган сарполардан иккисини кўрсатса, бирни сандиғига ташлаб қўяверди.

Ишқилиб, чол ўғлига онасининг йўқлигини билдирмади ҳисоб. Тўй — ҳаётда бир марта бўладиган савдо. Исоқ чол дунёдан ўтиб кетганидан кейин фарзандларининг ўзидан домангир бўлиб юришини сира-сира истамасди...

* * *

Тўйдан кейин келиннинг ота-онаси тоғлик қуданинг қистови ва қизлари Маликанинг ялиниб-ёлворишлари туфайли тўрт кунча меҳмон бўлиб қолишди.

Кетар чоғи она қизига тайинлади:

— Қизим, ўзинг рози бўлмаганингда бошимни уриб ёрсалар ҳам сени бу ерларга раво кўрмасдим. Тақдир экан, илож қанча. Энди унгин-ўсгин, кам бўлмагин. Тош келса кемир, сув келса симир. Аммо уриш-жанжалингни кўтариб остонамга қадамингни қўйма!

"Бу ерларнинг нимаси ёқмадийкин ойимга? — дея ҳайрон бўлиб ўйлади Малика ота-онасини кузатиб қўйгач. — Ахир бу ер курорт-ку!"

Чиндан-да, қишлоқ навниҳол келинчак мисоли сўлим эди. Чор тараф паст-баланд яшил адирлар, уларнинг бағрида кўкси қон лолақизғалдоқлар жилоланиб кишини ўзига тортарди. Адирлар ортида эса найзадор учи билан осмон бағрини тешиб юборгудек бўлиб турган қўнғир-кул ранг тоғлар ястаниб ётарди. Ҳаво эса шу қадар беғубор, тиниқки, чертсанг борлиқни тўлдириб жаранг бергудек...

Ҳовлилар қуюқ дарахтзорлар билан ўралган. Олисдан қаралганда, қишлоқ яшил парда оғушида кўринар, бу парда ортида қиз ўзи учун номаълум ўлка мавжудлигини туйса-да, асло чўчимасди. Устига устак, сершовқин шаҳар ҳаётидан кейин овулнинг тинчлиги, осойишталиги уни мафтун этганди.

Малика табиатан таъсирчан қиз эди. Қишлоқда майсаларнинг саррин шабадада майин тебранишидан тортиб тонг саҳарда қушларнинг бир-бирига гал бермай чаҳ-чаҳлашларигача, шафтоли гулининг гўзаллигидан тортиб тирикчилик ташвишида ғимирлаб юрган қурт-қумурсқаларнинг ҳаракатигача эътибор билан қарар, беҳад завқланар эди. Шундай пайтлари у беихтиёр "Мен бахтиёрман!" деб шивирлар ва кўзлари порлаб кетарди.

Малика азбаройи жўшиб кетганидан шеър ёза бошлади. Қораламаларини сиёҳи қуримай туриб эрига ўқиб берарди. Бекпўлат шеърларни миқ этмай, нафасини ичига ютиб эшитар, аммо хотинининг нима деётганига кўпам тушунавермасди. Зеро, йигитни шеърнинг мазмуни эмас, шеър ўқиётган малакнинг ўзи асир этарди. Бекпўлат сигирларни подага қўшиб келаётганида ҳам, тегирмонда чангга беланиб ишлаётганида

ҳам рафиқасининг шаҳарликларга хос рангпар чеҳрасини, маънога тўла чақноқ кўзларини, майин, латофатли табассумини қайта-қайта эслайверар ва эслаган сайин оғзининг таноби қочиб, маст одамдек гандираклаб юрарди.

* * *

Қишлоқ одатига кўра, янги келинчакка иккиуч ой қора ишлар буюрилмайди. Балки, дарров "кир" бўлиб қолмасин дейишар. Шунинг учун катта келин Норбуви ўн бир яшар қизини ёнига олиб уй ишларини эплаштириб турди, келинкуёвга кўпда халақит беравермади. Малика "чой дамла... овқатни олиб бориб бер..." қабилидаги илтимосларни адо этасолиб лип этиб уйига кириб кетаверганида ҳам Норбуви ғашлик қилмади. Умуман, қайнонаси ошқозон хасталиги туфайли кўз юмганидан буён рўзғорнинг барча ташвишлари, қайнотасининг иссиқ-совуғи Норбувининг зиммасида эди. Тўғри, эр-хотин бирон мўмин-қобилгина, диёнатли кампир топиб, чолни уйлантириб қўйиш ташвишида анча елиб-югуришди. Лекин чол рўйхушлик кўрсатмади. Жуда сиқиб келганларида: "Олиб берган кампирларинг мендан бурун у ёққа жўнаб қолса яна бева қоламанми!" деган ҳазил гаплар билан қутилди.

Бекпўлатни ҳоли-жонига қўймай, тўйни тезлаштирган ҳам мана шу Норбуви эди. Рўзғорнинг кўзга ташланмас майда-чуйда ташвишларидан толиққан катта келин ўзининг бағрига ҳам шамол тегадиган кунларни орзиқиб кутарди. Ҳар қалай, оёқ-қўлини узатиб бемалол дам олмаса-да, ҳеч бўлмаса қўшни қишлоқдаги ота-онасини кўриш учун ортига қарамай, бемалол кетаверар...

Ҳали субҳи содиқдаёқ ҳовлида Норбувининг шанғиллаган овози эшитиларди:

— Наси, о Наси, қуриб кетгур, ҳали ухлаяпсанми? Тур, ҳовлини шипир. Гўштингни майдаламасимдан тур тез!

— Малика, о Малика! Кун жайилиб кетди-ку, турмайсизларми? Пода кетиб қолмасдан сийирларни соғиб ол.

— Марди, о Марди, сенга булоқдан сув опке дегандим-ку. Ҳа, юришинг қурсин! Ҳали шошмай тур, қонингни ичмасам...

Сигирлар бегона қилишдими, тек турмай, депсинавериб, соғдиришмади. Жиғи-бийрони чиққан Малика қизариб-бўзариб турганда Норбуви индамасдан келиб челакни олди-да, ўтириб сигирни "пов-пов" соға кетди.

— Хамир қориб қўй, — деб буюрди Норбуви мулзам ҳолда турган овсинига.

Ошхона томон бораётган Малика қўшни аёллар девордан мўралаганича ўзини ошкор кузатаётганини кўрди, бу ҳолдан хўрлиги келди.

"Имтиёз" муддати тугади чоғи, Маликанинг ҳузур-ҳаловатли кунлари барҳам топди. У энди саҳардан шомга довур ҳовли билан томорқада бўзчининг мокисидай тинмай қатнайдиган бўлди. Қишлоқда на газ бор, на водопровод. Ўчоққа таппи қалаб овқат пиширилади, қумғонда чой қайнатилади. "Оғзи осмонга қараган" тандирда нон ёпилади. Куви пишилиб, сарёғ олинади. Томорқада сабзи, пиёз кун сайин ўтоқ қилинади, боғда ўрик, олмалардан қоқи қилинади, қора кишмишни ювиб тозаланади, қуритилади...

Малика ўзини гуё бошқа оламга, ибтидоий замонларга тушиб қолгандек сеза бошлади. Аммо бутун заковатини ишга солиб, ҳеч кети кўринмайдиган бу юмушларни яхшилаб ўрганиб олишга ҳаракат қиларди.

Малика чимхўр эди. Бироқ тинимсиз жисмоний меҳнат туфайлими ёинки тоза ҳаво таъсир қилдими, ишқилиб, тез орада унинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди.

— Ҳаддан ташқари кўп овқат еворяпман, — деди у бир куни эрига.

— Қозон-товоқ ихтиёрингда бўлса, ейвер-да, — деди Бекпўлат.

— Йўқ, кўп овқат ейиш зиён. У одамни дангаса, уйқучи қилиб қўяди, мия фаолиятини секинлаштиради.

Бекпўлат илжайди.

— Мияни ишлатиб энди олим бўлармидинг.

— Олим бўлмасам ҳам, миянинг ишлаб тургани яхши-да. Тўғриси, баъзан шунақанги ажойиб фикрлар келиб қолаяптики, афсус, ёзиб қўйишга вақт бўлмаяпти-да.

— Ёзиш... шартмикан, — деди Бекпўлат иккиланиб. — Ким ўқирди... яна... шеър бўлса...

Келинчакнинг кўнгли оғриди.

— Ўқиши... шарт эмасдир. Лекин ёзиш шарт.

Бекпўлат дарров ён берди.

— Ўзинг биласан. Ёзсанг ёзавер. Қийналиб қолмасанг бўлди...

Тўғриси, жуфти ҳалолининг баъзи қилиқлари Бекпўлатга эриш туюлади. Дейлик икки қатор нарса ёзаман деб ўзини овқатдан қисиш, мияни чарчатиш нима керак?.. Уйқудан воз кечиш... Аёл боши билан ... Зарилми? Бу ерда ҳеч қурса редакция бўлсайкан, ёзганларини чиқариб турса. Район марказигача камида юз чақирим. Тоғ орасидаги дўппидай қишлоқ бўлса...

* * *

Вақт ўтган сайин Маликанинг кўнглида норозилик кучая борди. Асал ойи тугагандан буён Бекпўлат ҳам тегирмондан бери келай демасди.

Кузда шаҳарга меҳмонга боришди. Қайнотаси икки кунга базўр рухсат берди. Ярим кунини йўлда ўтказиб борсаю... Маликанинг назарида бу ноинсофлик эди. Ахир у кузни, мана шу дамларни қанчалик интизор бўлиб кутганди. Балки шунинг учундир, борганларининг эртаси куни Бекпўлат: "Энди қайтсак ҳам бўлар" деганида Малика ўжарлик қилиб, оёқ тираб туриб олди. Ўртага онаси тушди.

— Жон болам, иссиқ ўрнингни совутма, — деди она куёви ҳовлига чиққан маҳал. — Бу ерда рўшнолик кўраман деб ҳам ўйлама. Отаси бошқа келин бор. Анов икковининг ғами ҳам етади бизга.

Маликанинг иккала опаси ҳам бефарзандлик туфайли эрдан ажралишиб, уйга қайтиб келишганди. Шўрлик она шуларни назарда тутмоқдайди.

Маликанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Ойижон... у ерда яшаш қийин... У ерда вақт тўхтаб қолган...

Лекин иккала қизининг тақдири туфайли олган сабоғи онани анча қаттиққўл қилиб қўйганди. Шунинг учун шоира қизининг раъйини қайтаришга куч осонлик билан топилди.

— Шоира бўлмасанг гўрга, қизим. Бекпўлатинг ёмон йигитга ўхшамайди. Бир нарсалар ёзиб-чизаман деб бахтингдан ажралиб қолмагин тағин...

Индамай қишлоққа қайтишди.

— Биз чумолимиз, — деб қолди бир куни Малика эрига. — Эртадан кечгача ғимир-ғимир қилишдан мақсад битта: яъни қорин тўйдириш эканлигини ўйласам юрагим орқага тортиб кетади.

Бекпўлат хотинининг иягидан тутиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Кейинги пайтларда кўп норзи бўлаяпсан-да. Нега ўзингни бунча қийнайсан? Эл қатори яшаётган бўлсак...

Малика эрининг саволига эътибор бермасдан, титроқ товушда давом этди.

— Мана, масалан, сигир соғамиз — сутини ичиш учун. Куви пишамиз — сарёғини...

Ич-ичидан қалтироқ турган Малика ортиқ гапиролмай қолди, лабини қаттиқ тишлаб, нафасини ичига ютди, қуйилиб келаётган кўз ёшлар мижжаларга қалқиб чиқмай, қиз юрагининг туб-тубига сингиб кетди.

Кўнгли ғаш тортган Бекпўлат ўйчан бўлиб қолди.

— Сен нолимасанг ҳам бўлар, — деди у анчадан кейин. — Ҳар қалай, маданиятга ювуқ одамсан. Бизларди айтса бўлади чумоли деб. Эртадан кечгача чангга беланиб ишлаймиз. Газит ўқишга ҳам хафсала қолмайди.

Бекпўлат "гап қўшармикан" деган илинжда хотинига кўз қирини ташлади. Маликанинг қилт этмай, бир нуқтадан кўз узмай ўтирганини кўриб яна гапиргиси келди. Шу пайтгача у сир бергиси келмаса-да, хотинининг олдида гурунглашиб ўтиришга тортинарди. "Гапга нўноқман, ўхшатолмасам Малика устимдан кулади", деб истиҳола қиларди.

— Менам катта ўқишларда ўқисам бўларди. Мактабда ўқишим ёмон эмасди. Фақат отам унча рўйхушлик бермади. «Энангни йўқлиги етади менга. Икковинг ҳам олдимда бўл. Мен ўлгандан кейин билганларингни қиларсилар", деб туриб олди. Акам қулоқ солмай Олтойга кетиб қолди.

Армияда ўша ёқда хизмат қилганди. У ёқда яхши кўрган қизи бор экан. Отам орқасидан излаб бориб, сўкиб-сўкиб олдига солиб қайтариб келди. Акам уч ойдан кейин яна қочиб кетди. Бу сафар отам пишиқлик қилди. Қариндошлар билан келишиб, акамни "майиз сотгани кетган" деб гап чиқарди-да, мана шу Норбуви янгамга унаштириб, кейин бориб акамни диконглатиб ҳайдаб келди. Отамнинг қаттиқ жаҳли чиққанди. Акамни уч кун оғилхонага қамаб қўйиб калтаклади. Шундан бери акам бечора Олтой ҳақида гап очмайди. Лекин ичкиликка муккасидан кетган. Аламини арағу винодан олади.

Анча ўзига келиб қолган Малика:

— Ҳали акайиз шунинг учун ичаркан-да? — деди.

– Мен шунақа деб ўйлайман. Яна ким билади дейсан, – кўзларига мунг чўккан Бекпўлат жиддийлашди. Сўнг дераза оша ташқарига бирров қараб қўйди-да, чуқур хўрсинди. – Бу ерларда яшаш ёмон эмас-у... аммо тоғлар орасида дунё кўрмай ўтиб кетаётганимиз чатоқ-да!

Малика эрига ачинди. Шунинг баробарида ўзини икки ўт орасида қолгандай сезди. Юрагининг туб-тубида эса бир хавотир ғимирлаб қолди: "Ҳамма нарса изига тушиб улгурган бу турмуш тарзини сал бошқачароқ қилишга уриниш бефойда шекилли..."

Малика энди вақт ҳақида, ёзиш ҳақида ўйламай қўйди. Келинчак энди... бу ерлардан кетиш режасини туза бошлади: "Касал бўлиб қолсам. Дўхтирлар унга бу ернинг ҳавоси тўғри келмайди, дейишса. Шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймасди. Бекпўлат эса бир пасда шаҳарга кўникиб кетади. У лаёқатли..."

* * *

Исоқ чол хонадонида кечлик дастурхонга албатта хамирли таом тайёрланади. Чол юмшоқ овқатни хуш кўради. Қайнотасининг кўнглини топишга уринадиган Норбуви учун хамирли таомлар чўт эмасди.

Ката келин... ишлаб чарчамайдиганлардан эди. Қайнотасининг бир оғиз: "Барака топ," деган мақтовини эшитиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қиларди. Болаларининг инжиқлигию эркаликларига парво қилмасди. Маликанинг дангасалиги, қўли бўшади дегунча уйга қамалиб олиши унга сира ёқмасди. "Ўлсин, эпсизлиги ўзининг бошига етсин, – деб қарғаниб қўярди у ғаши келган кезларида. – Келин зоти фақат меҳнатнинг орқасидан рўшнолик кўрган. Уч кун касалман, деб ётиб кўрчи, яхши кўриб олган эрингга ҳам ёқармикинсан? Ҳали нонни "нанна" деб юрибди бу ойимча!"

Норбуви энди ўттиз бирга кирган. Аммо мудом қаддини сал букиб юрадиган бу аёлнинг ажин босган ҳорғин чеҳрасига қараб, камида қирқ беш-элликни бериш мумкин. Бир вақтлар тақимини ўпган сочлари тўкилавериб бошига ёпишиб қолган, юз суяклари туртиб чиққан, икки ёноғида чуқурча ҳосил бўлган, киртайган кўзлари тез-тез ёшланиб туради, озғинлигиданми ёки суяги қийшиқми, ишқилиб икки елкаси туртиб чиқиб туради. Аммо қачон қараманг, куймаланиб, айтганини қилмаган болаларининг "гўштини майдалаб", "қонини ичиб" юрса-да, катта келин баъзан-баъзан кўтаринки кайфиятда, энг бахтиёр аёлдай илжайиб қолар, афтидан, бундан ортиқ бахтни орзу ҳам қилмасди.

– Норбуви опа, – деди Малика кечки сабзини ўтоқ қилишаётганларида. – Сизам зерикасизми ҳеч?

Норбуви ҳайрон бўлиб овсинига бир неча сония тикилиб қолди.

— Ҳов, нега зерикаман? Иш бошимдан ошиб ётибди-ку!

— Мана шу ҳар кунги бир хил иш, бир хил ташвишдан безор бўлмадингизми?

Норбуви яна ишдан тўхтаб бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг шошмасдан ўрнидан туриб, ранги андак ўчган алфозда этагидаги ўтларни уватга ташлаб келди-да:

— Безор бўлганда қайтамиз, — деди. — Одамзодники шу-да. Болам-чақам деб, ота-онам деб ўтиб кетасан.

— Унда одамлар фақат ейиш-ичиш, бола-чақа орттириш учун дунёга келаркан-да, а?

— Бўлмаса-чи. Ҳар ким пешонасида борини кўради. Биров ундай, биров мундай. Барибир, бир куни ўтади-кетади...

— Унда бу дунёни, бу оламни яратмоқдан мақсад нима? Масалан, мен ўлсам менинг "мен"лигим қаёққа кетади? Мен борлигим учуноқ ҳамма нарсани ҳис қилиб турибман-ку. Йўқ бўлсам-чи?

— Сен бўлмасанг болаларинг яшайди, — ёқтирмайроқ жавоб қилди Норбуви.

— Болалар ҳам ўтиб кетишганидан кейин-чи?

— Менга қара, ҳой тайтув, — деди Норбуви бирдан ғазабланиб. — Менинг олдимда ҳар нарсани бир нарса деб валдирайверасанми? Мен партияман! Шуни биласанми?

Малика ҳайратдан донг қотди.

— Йўғ-э?

— Ишонмаяпсанми? — Ногоҳ Норбуви сал қаддини ростлагандек бўлди. Юзида ҳам виқор аломатлари акс этди. — Биз шуйтиб, эгнимизди қисиб юри-иб ишни қип қўямизда, келин!

— Сиз... сиз партияда нима қилиб юрибсиз, опа?

— Қизлик пайтимда пастки овулдаги фермада соғувчи бўлиб ишлардим. Аёллардан керак бўлиб қолган экан, ўз ҳолимга қўймай ўтказишган. Ҳалигача партия майлиси бўлса атайин келиб бизларди обкетишади.

Борган сайин қизиқиши ортиб бораётган Малика ёш боладек чапак чалиб юборди.

— Нима қиласизлар у ерда?

— Нима қилардик? Майлис тугагунча ўтирамиз. Кейин магазиндан арзон қилиб чойнак-пиёла, чит сотишади. Шулардан олиб, қўйни-қўнжимиз тўлиб уйга қайтамиз, — деди Норбуви ғурур билан.

Катта келиннинг кайфияти жуда кўтарилиб кетганди.

Назарида, у "Мен партияман!" деган биргина гапи билан овсинини янчиб ташлагандай эди. "Бизарди жа анойи деб ўйламасин-да бу жинқарча! Ҳали эртан бир кун партком бова уйма-уй юриб, бизди аптовузда обкетганини ўз кўзиминан кўрса, тоза куйиб кетса кераг-ов!.."

* * *

Ҳақиқатан ҳам икки-уч кундан кейин, кечга яқин дарвоза олдига эски, шалоғи чиққан "Паз"ик автобуси келиб тўхтади. Ойнадан бош чиқарган тўрт-беш нафар жувон "Норбуви опа!.. Норбуви!.. Кетдик майлисга!" деб чақиришди.

Катта овсин бу галги мажлисга алоҳида тайёргарлик кўрди. Янги келинлигида сандиққа солиб қўйган кўйлакларидан бирини олиб кийди. Рўмоллари ичидан ҳам энг оҳорлисини танлади. Қизига ўсма эздириб, қошига энли қилиб қўйди. Бостирмада бир соатча ўтириб, ёрилиб кетган

товонларини тозалади. Бу ишларни катта келин овсинини куйдириш учун атайлабдан қилди.

Ўша кунги кечки ишлар Маликанинг зиммасига қолди.

Қоронғу тушган маҳал қайноғаси Бердибой ҳовлига чайқалиб кириб келаётганини кўрган Малика хавотирланиб, қўлидаги сўт тўла сатилни аста қозон бошига қўйди.

Бердибой тўғри юришга ҳаракат қилган ҳолда, бироқ гандираклаб келинининг олдига келди.

— Н-норбуви қ-қани?

Малика сатилни қайтадан қўлига олди-да, ёнверига аланглади.

— Мажлисга кетган, партия йиғилишига.

Бердибой шаҳодат бармоғини бигиз қилиб юқорига кўтарди.

— С-сен м-мендан қўрқ-ма? Мен маст эмасман... М-м-мен куйиб кетяпман. Ман-на бу еррим ён-ниб кетяпти!..

Кўйлаги тугмалари узилган, сочлари тўзғиган, кўзлари қонталаш Бердибой кўксига муштлади.

— Киринг, уйингизга кириб ётинг, — дея ёлворди Малика қўрқа-писа.

— Йўқ, кирмайман, партия хотиним майлисдан келгунча шу ерда ўтираман! — Бердибой яна гандираклаб кетди, сўнг амаллаб ўчоқ супасига чўкди. Шу алпозда кўзини зўрға очаркан, имлаб Маликани чақирди. — Бу ёққа ке, келин. Қўрқма дедим-ку. Мен маст эмасман. Сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Мана, сен ёзувчи экансан. Сендан бир илтимосим бор. Шу... Олтинсоч деган қиз ҳақида бир шеър ёзиб бермайсанми?

Малика нима дейишни билмай елка қисаркан, кулимсираб қўйди.

— Ёза оласанми ўзи? Тўғрисини айт...

Шу пайт қайдандир ранг-қути ўчган Исоқ чол келиб қолди.

— Яна ичдингми? — ўдағайлаб сўради у.

— Ичдик. Яна ичамиз. Нима қипти ичсак? Хотин майлисга кетади, биз ичамиз.Биз ҳеч қаерга кетмаймиз, кетолмаймиз... — деди Бердибой отасининг кўзига тик қараб, дона-дона қилиб гапиришга уринаркан.

Малика шу пайтгача одатда камгап ва ичимдагини топ, мудом гуноҳкор одамдай чекка-чеккада бўйнини қисиб юрадиган қайноғасини бу аҳволда кўрмаганди.

— Эш-шак!

Исоқ чол ўрнидан тура бошлаган ўғлининг юзига қаттиқ тарсаки туширди. Бердибой яна супага ўтириб қоларкан, қўллари билан юзини тўсиб олди.

Исоқ чол қаҳри қаттиқлардан эди. "Мана сенга ичиш!" дедию ҳассаси билан ўғлининг дуч келган ерига тушира кетди. Бердибой энди қўллари билан кичкинагина бошини тўсиб олди-да, ерга думалаганча, ҳўнграб йиғлаб, дод-вой қилишга тушди.

— Энажон, қаердасиз, энажон... Отам мени ўлдириб қўяди... энажон. Буларингиз мени ўлдириб қўяди, энажон... Энажо-он!..

Азбаройи қайноғасига раҳми келганидан юрак-бағри эзилиб кетган Малика турган жойида йиғлаб юборди.

Исоқ чол тобора қутуриб борарди.

— Ичаман эмиш! Мана ичиш! Хотин майлисга боради эмиш! Мана кесатиш! Лозим бўлган ерга боради! Сенинг ишинг бўлмасин? Эш-шак! Бу ҳовлида мен хўжайинман! Кунда ичиб келавериб, энангди суягини зирқиратдинг-ку, нокас!

— Энам мени урмасди...

— Энанг урмаса, мен ураман! Бўкирма-е, нодон! — Исоқ чол силтаб тортиб ўғлини ўрнидан турғазди. — Бор, уйингга кириб ёт!

Чол сўкина-сўкина ўз хонасига кириб кетди. Бердибой шилқ этиб ерга қулади. Малика қайноғасининг қўлидан тортиб турғазмоқчи эди, кучи етмади. Бердибой ғужанак бўлиб, ерга қапишиб ётиб олди.

— Муллака, — деди Малика йиғламсираб, — туринг, турсангиз-чи, юринг, уйга киринг энди.

Бердибой юмилиб бораётган кўзларини очиб Маликага алланечук синчков қаради-да, секингина:

— Биз шунақа... қўрқоқмиз, — деди. — Башарамизни бузиб қўйишсаям индамаймиз. Биз шунақа...

Бердибой қўлини бошига ёстиқ қилиб пинакка кетди. Кап-катта одамнинг... бурни оқиб, қалин лаблари устида қотиб қолганди...

* * *

Икки-уч соат ухлаб, кайфи тарқаган Бердибой мажлисдан қайтган хотинини ўласи қилиб калтаклади.

Норбувининг кўкармаган ери қолмади. Юришгаям мадори етмай икки кун уйда кўрпа-тўшак қилиб ётди. Малика энди уни ота-онасиникига жўнаб қолади, деган хавотирда эди.

Бироқ учинчи куни тонг саҳарда ҳовлидан Норбуви янгасининг одатдагидек зардали "Малика, о Малика, тур, сийирни совиб ол" деган кўрсатмаси эшитилди. Шу билан, ҳеч нарса бўлмагандек, одатдаги турмуш тарзи давом этди.

Малика сигир соғиш, кир ювишдан кўра томорқада ишлашни яхши кўрарди. Ҳар қалай, бу ер

анча тинч. Сабзи пуштасигами, пиёз жўягигами ўтириб олиб ўтоқ қилаверасан, ўтоқ қилаверасан, хаёлда эса дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқсанг ҳам бўлади — ҳеч ким халақит бермайди.

Норбувининг аҳволидан қаттиқ таъсирланган Малика бир неча кун ғалати кайфиятда юрди. Овсинига раҳми келди. Эрининг юриши бунақа бўлса. Кўнгли ҳалиям Олтойда, ҳалиги, яхши кўрган қизининг исми Олтинсоч экан-да. Хўш, Норбуви янгани бу ҳовлида нима, қандай куч ушлаб турибди? Ахир, яна бир марта шундай калтак еса ўлиб қолишиям мумкин-ку.

Ҳали эрга тегмасдан бурун ип-йигирув фабрикасида ишлайдиган дугонаси Маликага ёрилиб қолганди: "Эртадан кечгача тик оёқда ишлайман. Шундай чарчайманки, асти қўяверасан, бошим ғувиллаб, қулоқларим шанғиллаб кетади. Кечга бориб оддий қўшув-олувни бажаришгаям миям етмай қолади. Ишламасанг бўлмаса. Битта эримнинг топгани нимаям бўларди — томоқдан ортмайди. Шундан кейин ноилож қорин бандаси бўлмасдан иложинг йўқ.."

Маликанинг кўз олдидан кундалик меҳнатдан, рўзғорнинг ташвишларидан чарчаган Норбуви янга... норбувилар ўтди. Қурилишда ишлаётган коржомали аёллар, далада, саратон тиғида кетмон чопаётган аёллар... Улардан Нодира, Увайсий ёинки Маҳзунани сўраб кўринг-чи, билишармикан? Ойдин ҳақида гапириб кўринг-чи. Балки эшитишни ҳам хоҳлашмас. Лекин нарх-наво, латта-путталар ҳақида соатлаб дардлашишингиз мумкин.

Бир куни Норбуви токчада турган Достоевскийнинг китобини кўриб қолиб: "Вой-бў, отини ўқиш шунча қийин-у, ичидагини қайтиб ўқийсан!"

деганди. Ахир Норбуви янга ҳам мактабда ўқигандир, илм олгандир...

Ўйлай-ўйлай, ахири Малика бу ҳолнинг сабабини ўзича топгандай бўлди. Камбағалдан ҳеч қачон донишманд чиқмас экан шекилли. Агар Норбуви янгада, норбувиларда бу қадар кўп турмуш ташвишлари, қийинчиликлари бўлмаганида эди, эҳтимол, улар олиму шоирлар бўлишмасада, ҳар нечук фикрловчи, заковатли уй бекалари бўлишмасмиди? Агар Нодирабегим ҳам фақат ошқозон ташвишига боғланиб қолганида эди, қуёшни уйқудан уйғотадиган оддий аёлга айланиб қолмасмиди...

Малика хаёлига келган фикрлардан таъсирланиб кетди. Бирдан ёзиш истаги пайдо бўлди унда. Қўли ишга бормай қолди. Фикрларидан чалғиб кетишдан чўчиб этагидаги бегона ўтларни сабзи жўяклари устига тўкди-ю хонасига ошиқди...

* * *

Барибир, бўш вақт камлиги ўз таъсирини кўрсатди. Апил-тапил ёзиб ташланган мақола икки ҳафтада аранг оққа кўчирилди. Саккиз саҳифадан иборат битикларни тўрт буклаб, конвертга солиб, елим билан яхшилаб бекитган Малика уни қайин укаларидан бирига топшириб, почтахонага обориб беришни илтимос қилди. Бекпўлатга эса бу ҳақда лом-мим демади. Эрга текканидан буён редакция билан алоқаси бутунлай узилган. Ҳали мақола чиқадими, чиқмайдими... Чиқмай қолса, эрининг олдида изза бўлиши турган гап...

Орадан тўрт ой ўтиб кетди.

Малика мақоладан бутунлай умид узди. Ё қайин укаси почтахонага олиб бормаган, ё редакцияга етиб бормаган. Етиб борганида, чиқмаса-

да, устози, тўгарак раҳбари Темур Носир бир энлик жавоб хати юборган бўларди. Ахир Малика мақолани айнан шу кишининг номига юборгандику. Яхшиям мақоланинг асл нусхаси қолган экан. Малика уни қайтадан ўқиб чиқиб, у ер-бу ерини тузатди, ҳаяжонланиб кетган жойларини қиртишлади, хуллас, олти саҳифага келтирди-да, қайтадан кўчириб, конвертга солиб, энди ўзи почтахонага бориб топшириб келди.

Бу орада қор кўрпасига ўралиб қиш кириб келди. Бу ерларнинг совуғи қаттиқ бўларкан. Ҳаво илиқ бўлди деган кунларнинг ҳам шабадаси изғиринли, баданни ўйиб олади.

Малика қишни яхши кўриб қолди. Негаки, кундалик тирикчилик ташвишлари камайиб, ўқиш-ёзишга вақт бемалол бўларкан.

Бир куни, пешин бўлиб қолганди шекилли, Малика бир оз мизғиб олиш учун энди ўрингa чўзилганди, эшик шиддат билан очилди ва рангқути ўчган Норбуви кириб келди. Қўлида газета тутган Норбуви совуқданми, асабийлашганиданми дағ-дағ қалтирарди.

— Нима бу?! — дея Норбуви ўрнидан туришга чоғланаётган Маликанинг тепасига келиб ўдағайлади.

Овсинини бу ҳолатда биринчи марта кўраётган Малика довдираб, ўзини йўқотиб қўйди. Нима гаплиги онг-шуурига етиб бормаган бўлса-да, ёмон воқеа содир бўлганини сезиб, юраги шувиллаб кетди. Мадад кутгандай ён-верига аланглаб эрини қидирди.

Норбуви Маликанинг нақ бурни тагида газетани силкитди.

— Шарманда, шойирман, деб кўнглингга келган нарсани ёзаверсанми?

Маликага сал жон кирди.

— Мақола чиқибдими? — Овсинининг нега бунчалик дарғазаб бўлаётганини ҳалиям тушуниб етмаган Малика енгил бир ҳаракат билан унинг қўлидаги газетани суғуриб олди. — Нега хафа бўласиз, опа, — деди Малика газетанинг тўртинчи саҳифасидаги ўзининг "Камбағалдан даҳо чиққанми?" сарлавҳали мақоласига кўз югуртираркан. — Бу ерда ёмон гап йўғ-у...

— Сен мени, бизнинг оиламизни ёзгансан!

Туйқусдан янграган бу айблов Маликани ҳангманг қилиб қўйди. Аввал кулгуси қистади, айни пайтда овсинига нисбатан ғазаби ортиб бораётганини ҳис қилди.

— Нима деяпсиз, оғзингизга қараб гапиринг, нега мен сиззи, сизнинг оилангизни ёзарканман?

— Иши кўп дебсан-ку. Меҳнат одамни маймунга айлантиради дебсан-ку! Шу гапларни бир вақтлар менга айтгандинг, эсингдами, сабзи ўтоқ қилаётганимизда. Мен маймун бўпман-да меҳнат қилавериб сенингча?!

— Опа, сиз тушунинг ахир...

— Мен иш қилсам болаларим учун қиламан, рўзғоримди бутунлигини ўйлаб қиламан, — жазавага тушган Норбуви оғзидан кўпик сачратиб, йиғлаб-сиқтаб гапиришга ўтди. — Сен бизни бутун элга шарманда қилдинг. Шаҳардан келин олмай ўл, дейди энди одамлар. Ҳали отам эшитса нима дейди, шарманда! Сен барибир бизга эл бўлолмайсан. Ҳали қайним дийирмондан келсин, айтиб, бир марта қўйдириб юбормасам!..

Айниқса охирги пўписа Маликанинг сабр косасини тўлдириб юборди. Газетани токчага улоқтириб, эшик томон йўналган овсинининг йўлини тўсди.

— Қўлингдан келганини қил, олашақшақ! Сенам хотинман деб юрибсан-да бир эркакнинг умрини ўтказиб...

— Ким олашақшақ?

— Сен...

Иккала аёл ўртасида жанг бошланди. Норбуви Маликанинг юзига чанг солди. Малика унинг сочидан тортди. Норбуви Маликанинг биқинидан ўйиб олгудай чимчилади. Ўз навбатида Малика остонада ётган калишнинг бир пойини қўлга олди. Мана шу қий-чув, йиғи-сиғи, дод-вой, қарғишлар устига Исоқ чол ҳассасини дўқиллатиб келиб қолмаганида ким билади, жанжалнинг оқибати нима билан тугарди.

— Ўл, икковинг ҳам ўл!

Қайнотанинг зардали овози иккала аёлни ҳам дарров ўзига келтирди.

Малика лов-лов ёнаётган юзини кафтлари билан тўсганча дераза тарафга ўгирилди-ю, овозини чиқармай, юм-юм йиғлашга тушди. Норбуви уялганидан давҳлизга қочиб чиқди-да, пиқ-пиқ йиғлаганча рўмолини ўрай бошлади.

— Нима гап?

Малика жавоб берадиган аҳволда эмасди, аммо қайнотасининг овозида ўзига нисбатан хайрихоҳликни илғаб ўпкасини босди. Лекин жавоб беришга улгуролмади.

— Ота, — деди аллақачон ўзини тутиб, у ёқбуёғини тўғрилаб олган Норбуви эшикдан бош суқиб, зеро, эри билан бўладиган доимий тўполонлар катта келинни анчагина тажрибали қилиб қўйган ва бугунги жанг унинг учун чикора эди. — Эрталаб пўштахонага болларни пулини олишга боргандим. Шу ерда Оқилбек маллимни хотини айтиб қолди. Овсинингиз силарни газитга уриб чиқибди, деб. Келиб мунга айтсам тан олмайди...

— Уриб чиқибдими? Кимни? — Исоқ чол катта келинига ҳайрон бўлиб қаради.

— Кимни бўларди, бизди-да. Иши кўп дебди, эртадан кечгача тинмайди, дебди, пули оз дебди, камбағал дебди. Ишқиб, ҳар балони бир бало деб валдирабди. Шунга жаҳлим чиқиб кетди. Уйга қандай келганимниям билмайман, ота.

Норбуви кўзига ёш олди.

Қайнотаси шундай ёмон ўқрайдики, буни кўрган Малика қалтираб, оёқларининг учигача музлаб кетди.

Исоқ чол токачада ғижимланиб ётган газетани олиб, индамасдан хонадан чиқди.

* * *

Кечки овқатдан кейин эридан қолган эски чопонга ўралиб Зилай байча кириб келди. Уйдагилар аллақачон апил-тапил оқатланишиб, хонахонасига кириб кетганди. Ичига чироқ ёқса ёришмаётган Исоқ чолгина оппоқ соқолини тутамлаб, қовоқлари уюлиб, ғамга ботган ҳолда ёлғиз ўзи ўтирарди. Ҳамсоясини кўриб чолнинг чеҳраси ҳийла очилди.

— Кел, байча, бормисан бу дунёда?

— Кўзингизни шира босиб, кўрмай қолдингизми, ака?Биз ҳар куни шу ерда, юрамиз ивирсиб.

Кампир сандал атрофига тўшалган кўрпача четига омонат ўтирди.

— Мен сени чўлдаги қизингникига кетиб қолдингми, деб ўйловдим.

— Э, қиш ўчоғи тор, тур уйинга бор, деган экан бир бечора. Шу паллада қизникида бало борми? Куёвни бетига қараб ўтираманми. Ўз уйимдан қолмайин, ака.

Исоқ чол бир муддат хаёл суриб қолди.

— Тинчликми? Унча шихтингиз йўқ, — машмашаларнинг бир учини эшитган, Норбувининг овсини устидан қилган шикоятини бот-бот тинглаган Зилай байча ҳар эҳтимолга қарши ўзини ҳеч нарса билмаганга солди.

— Э, Зилай байча, раҳматли Босимбой сендан олдин кетиб тўғри қилган экан, — Исоқ чол ердан кўз узмай андак сукут сақлади. Ўтган кунларни эслаб кўнгли бузилдими, пешонасидаги ажинлари янада чуқурлашди, мижжаларига қалққан ёшни эса қўшнисидан яшириб ҳам ўтирмади. — Мен кетиб, раҳматли Ойимсулув қолганида эпларди, ҳаммасини эпларди. Эркак кишига рўзғорни бошқариш ўлимдан қийин экан.

Зилай байчанинг ҳам бўғзига алланима тиқилгандай бўлди.

— Ҳар банданинг ўлчаб берилган куни бор. Кўрмасдан иложи йўқ, ака.

– Илгари битта эди. Алдаб-сулдаб, болам-бўтам деб йўлга солувдим, — дея овозини пастайтириб арзи-ҳолини бошлади чол. — Бунисининг кўзида дови борлигини бошидаёқ билгандим. Бизминан муроса қилиши қийин-ов.

Зилай байча ялт этиб чолга қаради. Бу нигоҳда бир дунё танаю маломатлар мужассам эди. Илло, эри оламдан ўтгач, Зилай байча бир эмас, икки эмас, нақ етти қизи билан бева қолганди. Ёш бўлиб ёш эмасди ўшанда, қари бўлиб қари эмас... бирдаярим эга чиқса уй қилиш ниятиям бор эди кўнгли тубида. Қисмати шўр эканми, биров кўнгил учун ҳам эшигини бу ниятда қоқиб келмади. Беванинг кўрган куни қурсин. Бир амаллаб қизларини вояга етказди, шуларни уйли-жойли қилсам, менинг ҳам кўкрагимга шамол тегиб қолар деган ниятда юрди. Лекин... Куйган тери ёзилмас, деганлари тўғри

экан чоғи, шўр қисмат яна уни мўлжалга олди. Қизларининг каттаси бу йил кўклам ўттиз иккига киради. Энг кичигиям йигирмадан ошиб қолди. Етти қиздан биттаси икки йил бурун турмушга чиқди. Қолган олтови ўтирибди қозиғида қариб. Қизларининг тақдирини ўйлай-ўйлай Зилай байча куйиблар кетади. Одамларнинг шафтоли қоқидай буришиб-тиришиб кетган қизлариниям эр олади. Нега унинг ҳусайни узумдай дириллаб турган қизларини ҳеч ким назарига илмайди? Отадан-ку қолди, онадан ҳам қолса бу шўринг қурғурларнинг ҳоли не кечади? Шуларни ўйлаган сайин Зилай байча ҳар қайсини ўз қўлим билан эгасига топширмагунимча ажалга сабр бер, деб кечалари худога илтижо қилиб чиқади.

Бултур қишда уят-пуятниям сидириб ташлаб, озингни-оз демайман, кўпингни-кўп,сенам борингни қиласан, менам борини, дея энди-энди Норбувини қўлга олай деб юрган маҳаллари Бекпўлат бирдан айниди-қолди. Шундан буён Зилай байчанинг дарди ичида. Исоқ чолдан ҳам ўпкаси катта. Ахир ота-ку у, алдаб-сулдаб боласини йўлга солса бўларди. Мана оқибати... Баттар бўлсин. Зилай байча минг ҳамдард кўринишга уринмасин, ич-ичидан тантана қиларди. Беванинг ҳам бир дегани бор, деб қўярди ўзига-ўзи.

Табиийки, оғиздан ташқи рафторга яраша сўзлар чиқди.

— Келинингиз ҳали ёш, гўрни биладими. Жиловини ҳозирдан бўш қўйсангиз эртан бу кунлар ҳам ҳолва бўлиб қолади.

— Гапирай дейман-у, эркаклигимга бориб, оғзимдан ноқалб сўз чиқиб кетадими, деб қўрқаман, байча.

— Бўлмаса уришманг-сўкманг-да, уйдаги гапни буйтиб далага чиқарсанг, тўрт томонинг қибла, деб қаттиқ ушланг... Ҳай, Бек ўзи не дейди?

— Нима дерди, дийирмондан келаётиб эшитганакан. Битта-яримта суюнчи олгандир-да, бўзрайиб ўтириб овқат еди-да, уйига кирди-кетди.

— Асли ўзи эрни худо урган-да, бўлмаса-ку...

— Бу ерда ўзи тайинли бир гап йўқ, — ҳамсоясининг гапини эшитмаганга олган Исоқ чол кўрпача тагидан ўша газетани чиқариб, мақолага кўз ташлади. — Биздан бир кишининг отиям ёзилмаган. Лекин маънисини чақсанг...

— Ҳамма гап мана шу "маънисида"-да, — дея Зилай байча яна гапни илиб кетди. — Оқилбек маллимнинг бекорга гапирмайди. Ўзи, — шу ерга келганда байча овозини пасайтириб, сирли тарзда гапиришга ўтди: — тўққиз ой ичида юкли бўлмаган хотиндан ҳар балони кутса бўлади. Эс борида этакни ёпган маъқулов...

Исоқ чол юрагига наштардек ботган бу гапларниям эшитмагандай тутишнинг эпини қилди.

— Ҳа, майли, — деди чол дастурхон четини қайираркан, — сабр қилиб турайлик-чи, бир гап бўлар...

Аслида эса неча кундан бери ўйланавериб, Исоқ чолнинг боши ғовлаб кетганди. Ҳатто бошимни қўйсаму ухласам, ҳеч қачон қайтиб турмасам, деган шаккокона ўйлар ҳам чолнинг миясини пармалай бошлади.

Бир маҳал, ярим кечамиди, саҳармиди — чол аниқ идрок қилолмади, қаттиқ-қурум гап-сўзлардан чўчиб уйғониб кетди. Чопонини елкасига ташлай солиб даҳлизга чиқди. Қулоқ тутди. Шовқин Бекпўлатнинг уйидан эшитилаётган эди. Чол секингина ортига қайтмоқчи эди, эшик шарақлаб

очилиб, тугун кўтарган Малика чиқиб қолди. Қовоқлари шишган, кўзлари қизарган Малика қайнотасини кўрди-ю, турган жойида таққа тўхтаб қолди.

Қайнота-келин бир-бирларига тикилган кўйи туриб қолишди. Ниҳоят, Малика бўшашиб ортига қайтишга чоғланган маҳал Исоқ чол:

— Қизим, бир чойнак аччиқ чой обке, — деб қолди.

Малика тугунини ерга қўйди-да, қайнотаси ёнидан сирғалиб ўтиб, ҳовлига чиқди, ундан ошхонага ўтди.

Исоқ чол секин келиб тугунни олди. Сўнг очиқ эшикдан уни ичкарига ирғитиб юбораркан, баланд овозда деди:

— Бекпўлат, эшигинг очиқ қопти, маҳкамлаб ол. Совқотиб қоласизлар...

* * *

Ўша воқеадан кейин Малика учун азобли кунлар бошланди. Норбувви у билан умуман гаплашмай қўйди. Болалари ҳам Маликани кўрди дегунча тескари ўгирилиб олишади. Айниқса ўша, мақолани почтахонага олиб боргани кўп буровга олинганидан аламзадароқ шекилли, атайин Маликаннг олдида зум ўтмай пайдо бўлади-да, оғзини тўлдириб туфлаб ўтиб кетади. Ўн яшар боланинг қилиғи Маликага қаттиқ таъсир қилди. Аммо дардини кимга айтсин? Бекпўлат ҳам ўша кунги "кетаман"дан "кет"гача борган жанжалдан кейин қовоғини очмайди. Ёлғиз Беридбой бор. Лекин уям Малика билан ҳеч қачон очилиб-сочилиб гаплашмайди, фақат мулойим нигоҳ ташлаб, ҳайрихоҳлигини билдираётгандай бўлади.

Бундай шароитда яшаш оғир эди.

Малика эзилиб кетди.

Энди унга ҳеч ким иш буюрмас, ўзича бориб бирор юмушнинг бошини тутса, Норбувими, қизими келиб қўлидан юлқиб олиб қўярди. Мана энди қип-қизил бекорчи-ю, миясига тузукроқ бир фикр ҳам келмайди. Ёзишга-ку, иштиёқ бутунлай сўнган.

Атрофдагилар ўзаро келишиб олиб, унинг бурнини ерга ишқаб қўйишмоқчи шекилли. "Ўша куни... кетишим керак эди, — дея ўйлаб қоларди Малика тез-тез. — Отамдан ҳайиқиб... Мени бу ерда нима ушлаб турибди ўзи? Ишониб юрган эрнинг аҳволи бу: "Одамлар олдида бош кўтаролмай қолганмиш..." Ҳалиям бўлса кетиш керак... Кетиш..."

Бир куни тонг саҳар турдию, қайнотасининг намоз ўқиётганидан фойдаланиб энди чиқиб кетаётган эди, ортидан етиб келган Бекпўлат шартта билагидан тутиб ичкарига судради.

— Қўйворинг! — деди Малика йиғламсираб. — Кетганим маъқул. Сиз билан барибир чиқишолмаймиз.

— Қилғиликни қилиб қўйиб, энди қочиб кетмоқчимисан?

Малика тугунини бағрига босганча ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Нима қилдим ахир?! Нега мени тушунмайсизлар...

— Ҳа, бўпти, бўлди, бас қил энди, — деди сал юмшаган Бекпўлат хотинини қучоқламоқчи бўлиб.

Бироқ Малика уни итариб юборди.

— Кўзимга кўринманг! Сизни... кўргим келмай қолди.

Бекпўлат муросага келишга ҳаракат қилди.

— Сенам тушун-да мени. Эркак кишига осон-

мас. Хотини ундай қипти, хотини бундай қипти, эрини менсимаган, бўлмаса бундай қилмасди, деган гапларни эшитавериш...

— Мен кетсам қулоғингиз тинчийдими, ахир?

Қўққисдан берилган бу саволга Бекпўлат дарҳол жавоб бера олмади. Пешонасини ишқаб, бир муддат ўйланиб тургач тилга кирди:

— Кетсанг, яна гап қилишади, хотинини қайириб ололмаган деб...

Малика ерга чўк тушганча изиллаб йиғлаб юборди:

— Э Худо, қандай кунларга қолдим!..

Бекпўлатнинг куйганича ҳам бор эди. Қиш, айни бекорчилик эмасми, одамлар чошгоҳдан кейин кўчага чиқиб, эшиклари олдидаги қор босган ходаларга ўтириб олганларича маййит чиқишини кутаётган япалоққушлардай Исоқ чолнинг ҳовлисидан кўз узишмасди. Ора-сира тунд қиёфали оила аъзоларидан биронтаси ҳовли саҳнида кўриниб қолса томошабинлар дарҳол бир-бирига маънодор им қоқиб ва ўзларича ушбу хафаҳоллик ҳолатига изоҳ беришга шошишарди.

— Бу дейман, Исоқбойнинг тоби қочиб қолган шекилли, кеча мачитгаям чиқмади.

— Тоби қочса қочгандир. Қариганда қийин бўлди шўрликка. Буям ҳали ҳолва, Оқилбекнинг гапига қараганда, шу ой ичида текширувчилар келармиш. Камиссия!

— Йўғ-э, жуда унчалик эмасдир, — дея гурунгга пишанг беради ўтирганларда бири.

— Ҳа! — дейди нотиқ ишонч билан, худди комиссия аъзолари билан шахсан бориб гаплашиб келгандек.

— Нега шароит яратиб бермадиларинг деб ҳаммамизни тергов қилайкан.

— Ия, ҳали бизлар гувоҳликка ўтсак эди, — дея яна бирови ҳиринглаб кулади.

— Ўтсак ўтаверамиз-да. Лекин бирон танг Исоқбойни ёмонотлиқ қилманглар. Чол не деса шуни маъқуллаб тураберинглар...

Бу гапларнинг бир учи Зилай байча кўмагида Маликанинг қулоғига етказилганда қиз шу қадар асабийлашдики, тутқаноғи тутган одамдай тишлари тикиллаб, бутун вужуди қалтирай бошлади. Сўнг базўр хонасига кирди-ю, ўринга юзтубан қулади. Шу ҳолида узоқ ётди.

Хона тўрида, сандиқ ёнидаги бир кишилик ўринда Бекпўлат мук тушиб китоб мутолаа қиларди. Малика аразлаб, ўринни бошқа-бошқа сола бошлагандан бери хотинига ёқиш учунми, Бекпўлат бўш қолди дегунча китобга ёпишарди.

Бекпўлат билган қишлоқ аёллари, янгалари сира Маликага ўхшамасди. Тўғрироғи, Малика уларга ўхшамасди. Қишлоқ аёллари билан муомала қилиш осон. Аввал уришиб-сўкиб, бир пасдан кейин яхши гапирсанг бўлди, дунёда сендан яхши одам йўқ. Малика-чи? Кўнгли шу қадар нозикки, сал ёвқараш қилсанг ҳам ҳафта-ўн кун ўзига келолмай юради.

Маликанинг ҳар томонлама азоб чекаётганини кўриб Бекпўлатнинг унга раҳми келарди. Ҳозир ҳам китобни ёстиқ устига қўйди-да, сассиз қадамлар билан хотинининг тепасига келди. У аввал бир лаҳза иккиланиб турди, сўнг Маликанинг елкасига қўлини қўйди. Бекпўлат шу заҳоти хотинининг бутун вужуди қалтираб кетганини сезди...

* * *

Малика бутун аламини меҳнатдан ола бошлади. Кун совуқ бўлишига қарамасдан Норбувидан

эртароқ туриб уй юмушларининг бир қисмини саранжомлаб қўйишга ҳаракат қилади.

Бир куни у оғилхонада молларнинг тагини тозалаётганди, кўча эшик тарафдан кимдир исмини айтиб чақирди. Малика ота-онам келдимикан деган ўйда ҳовлиқиб, қўлида курак билан кўчага югуриб чиқди. Қараса ўттиз беш ёшлардаги, юпунгина кийинган жувон совуқда титраб-қақшаб турибди.

Аёл ночор қолгандай жилмайишга уринди.

— Сизга бир илтимос билан келувдим.

— Майли, қўлимдан келса бемалол. Қани, уйга кирайлик.

— Йўқ, йўқ, — аёл ортга чекинди. Қайнотангиздан уяламан.

Маликанинг кўнглига ғулғула тушди.

— Нима гап ўзи, тинчликми?

Аёл муҳим сирни ошкор қилишга жазм этган-у, айтишга қийналаётгандай иккиланиб турарди. Малика бир амаллаб жувонни айвонга бошлаб кирди.

— Бор-йўғи иккита болам бор эди, — дея гап бошлади ниҳоят аёл. — Бир ўғил, бир қиз. Кўчада ўйнаб юриб балнисанинг олдига бориб қолган. Дўхтирлар эскириб қолган дориларни ҳовлининг тўридаги чуқурчага ташларкан. Шўрлик болаларим шу дориларни конфет деб ўйлаб... — Аёл ранги униққан рўмолчасини олиб кўзларига босди. — Бирданига икковидан ҳам айрилиб қолдик. Эрим аламига чидамай дўхтирларни судга берди. Дўхтирларни бу иши қонун бўйича нотўғри экан-у... — Аёл оғир хўрсинди. — Текшир-текшир бошланиб, балнисанинг бош дўхтири қамалармиш деб эшитиб турганимизда иш бирдан тинчиди-қолди. Тураниб камисияларга бир бало бериб

оғзини ёпган... Шундан бери ўзимни қўйгани жой тополмайман. Менинг икки бирдай норасидам ўлиб кета берса-ю, катталар даврини суриб юраверса.

— Қачон... қачон шунақа бўлди? — деди юраги увишиб кетган Малика.

— Уч ой бўлди. Уч ойдан бери ичим куйиб юрибман. Болаларимдан айрилганим етмагандай, Тураниб очиқда лаллайиб юрганини кўрсам товонимгача музлаб кетаман. Пули борнинг юзи ёруғ, пули йўқнинг юзи чориқ, деб бекорга айтишмаган экан. Айланайин сиздан, — аёл Маликага илтижо билан тикилди, — шу Туранибнинг устидан ўхшатиб бир газитга ёзсангиз. Зилай хола айтди, катта-катта жойларда танишингиз бор экан... Сичқоннинг ини минг танга бўлиб, типирчилаб қолганини бир кўрай ўша чўчқанинг. Эмаса эрим касал бўлиб борсаям қарамай ҳайдаб солибди... Йўқ деманг, айланай сиздан. Умримнинг охиригача алқаб ўтаман... Жон синглим...

Малика кўзларини оҳиста юмди ва деворга беҳол суянди.

Ҳа, энди бундан бу ёғи... азоб, азоб, азоб...

РАШК

Овулнинг энг сулув қизи Хосият қўшни қишлоқлик Донабой чолнинг тўнғичи Шералига турмушга чиққанида ўн етти яшар навниҳол қизча эди. Келинлик либослари унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборди... Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳамқишлоқлар янги келинчакни кўриш учун келавериб Донабой чолнинг безорини чиқариб юборишди. Бунинг устига куёвтўра адабиёт ўқитувчиси эмасми, ота-онасини юз-хотир қилиб ўтирмасдан хотини атрофида парвона бўлар, ширин сўзларини аямас, иложини топса, унинг қўлини совуқ сувга урдирмасам дерди. Бу қилиқ айниқса онага ёқмас, ғаши келар, баъзан-баъзан жуда энсаси қотиб кетган маҳаллари чолига қараб: "Шу боламиз тозагина чуччи чиқди-ёв", деб қўярди.

Аммо...

Кетма-кет туғилган уч бола Хосиятни ўзгартириб юборди. Хосият келин озиб кетди, ёноқ суяклари туртиб чиқди, юзига ажин тушди, негадир чакка сочлари эрта оқара бошлади. Аввалги назокатларидан-ку, асар ҳам қолмагандек. Ўзиям эрта-кеч тинмайди-да. Бош келин эмасми, рўзғорнинг бутун оғирлиги унинг елкасида. Қайнилари ҳали ёш, қайинсингиллар эса эрга тегиб кетишган. Эрталабки соат тўртдан юмуш бошланарди: сигир соғиш, ҳовли супуриш, нон ёпиш, уй тозалаш, тушлик овқат, кечки овқат, молларнинг тагини

тозалаш, тезагини йиғиб таппи қилиш... Хосият келин ўзига енгилроқ бўлсин, дея аввалига фақат сигирларнинг тезагини таппи қилар эди. Бир куни қайнонаси таҳорат олишга ўтаётиб, қўйларнинг қийи қўшиб қилинса, таппи яхши чиқишини писанда қилиб қолди...

Донабой чолнинг қорамоли кўп эди. Кўз-қулоқ бўлиб туради деб оғилхонанинг орқа тарафига катта қопағон бир итни боғлаб қўйганди. Янги келинлик даврида ит Хосият келинни кўрди дегунча ипини узгудай вовулларди. Кейинчалик ювинди-чайинди бериб ўзига ўргатиб олди.

Катта рўзғорнинг ташвиши ҳам катта бўларкан. Хосият келин бир пас чўзилиб дам олишга зор эди.

Бир куни эри дабдурустдан унга:

— Хоси, сал ўзингга қараб юрсанг бўлмайдими? — деди.

— Энди мени келин қилишармиди? — деди Хосият келин бепарво оҳангда.

Шерали унга ғалати-ғалати қараб қўйди.

Яна бир куни Шерали унга:

— Тузукроқ кўйлагинг йўқми? Эгнингдагининг ранг-рўйи қолмабди-ку, — деди.

Бу сафар овози баландроқ, жеркиброқ чиқди.

Хосият келин бир зум кулимсираб турди-да сўнг:

— Атлас кўйлак кийиб, мол тагини тозалайманми? — деди.

Эри миқ этолмай қолди. Кўзларини олиб қочди. Хосият келин ўзича: "Бопладим, — деб ўйлади. — Иккинчи менга бу ҳақда гапирмайдиган бўлди".

Бироқ кўп ўтмай яна шу ҳақда гап очилди.

Ўша куни эрининг бироз кайфи бор эди. "Қўлингдан таппининг ҳиди келаяпти, бор, яхшилаб ювиб ке", — деб кечаси хотинини ҳовлига чиқариб юборди. Хосият келин кир совун билан уч-тўрт марта ювса ҳам қўлидан ҳид кетай демасди. Охири

чорбоғдан ўтадиган ариқ бўйига бориб, қўлларига лой чаплади. Анча вақт шу кўйи ўтирди. Сўнг ювиб ташлаб, ортига қайтаркан, хўрлиги келиб кўзларига ёш тўлди. Келин бўлиб тушганидан бери биринчи марта йиғлаши эди. Олма дарахтига суяниб ўксиб-ўксиб, узоқ йиғлади. Ўзини босиб, юзини ариқда оқаётган лойқа сувга чайиб, уйга кирганида эри аллақачон ухлаб қолганди.

Эртасига эрталаб у: "У ёқ-бу ёққа чиққанда киярман" деб сандиққа солиб қўйган оҳорли кўйлакларидан бирини кийиб, пардоз-андозини ўринлатиб ҳовлига чиқди. Бостирма тарафдан таҳорат олиб қайтаётган қайнотаси ҳайрон бўлиб келинига қараб қўйди. Хосият келин буни сезди ва ўнғайсизланганидан югуриб ошхонага кириб кетди.

Донабой чол уйга кириб, кампирга шипшиди:

— Туриб хабар ол, келининг қаёққадир отланяпти-ёв?

Тўладан келган Рисолат кампир лорсиллаб ҳовлига чиқди. Ошхонанинг очиқ деразасидан келиннинг хамир қораётганини кўриб, секин ортига қайтди.

— Орқасидан пойлаб юраманми, ўзи айтар-да керак бўлса, — дея ўзича ғудранди.

Хамир юқи қўлини ювиш учун чиққанида ҳовлида ўйнаб юрган қайни укалари югуриб келишди.

— Янга, қаерга борасиз? Бозорга борсизми? — дея чувиллашди.

Хосият келин жуда ноқулай аҳволда қолди. Ўзини меҳмонда юргандай ҳис қилди. Ҳеч бир ишига уқуви келмасди. Шу куни ёпган нони тагини бермай, парча-парча бўлиб чиқди. Тушликда шилпилдоқ сузаман деб, қайнонасининг хитой чинисидан ясалган лаганини синдириб қўйди. Лаган Рисолат кампирнинг келинлигидан қолган эсдалик эди. Роса жиғи-бийрони чиқди.

— Сен, — деди у келинига қўлини бигиз қилиб, — қош-кўзингни бўягунча ишингга пухта бўл!

Хосият келиннинг юзидан олов чиқиб кетди. "Лип" этиб уйига кирди-ю, кийимларини ечиб, ҳар ёққа ота бошлади.

Бир неча кун ўтгач, Хосият келин кичкина қизини эмизиб ўтирган чоқда эри дабдурустдан шундай деди:

— Хоси, анави музқаймоқчи хотин бор-ку, магазиннинг ёнидан дўконча очиб олган, ўша жувонга қараб туриб, ҳайрон қоламан-да. Тонг саҳардан шаҳардан етиб келади. Кун бўйи қўли-қўлига тегмай савдо қилади. Қош қорайганда яна шаҳарга жўнайди. У ёқдаям уй иши бўлса керак. Шундаям ҳеч ўзини олдирмаган. Жа-а олифта бўлиб юради. Қанаққиб улгураркин-а ўзига қарашга?..

Хосият келин жавоб бермади. Лабини тишлаб, бўғзига тиқилган ўкирикни базўр қайтарди. Шерали хотинининг ҳолатини сезмади. У аллақандай ёқимли кайфият оғушида маст эди.

Кунлар ўтган сайин Хосият келин эридан тортинадиган бўлиб қолди. Шерали уйда вақти ёнида ўтиргиси келмас, рўзғор юмушлари билан ўзини чалғитиб, ҳовлида ивирсиб юрарди. Аёлнинг ҳеч кимга айтмаган бирдан-бир орзуси бор эди. Упаэликни, атирлару тақинчоқларни эри совға қилишини жуда-жуда хоҳларди. Атирлари шу қадар кўп бўлишини истардики, ҳеч қачон адо бўлмаса. Ўзидан таппи эмас, атиргул ҳиди анқиб турса... "Ёнимдан ўтган кишининг мастликдан бошлари айланиб кетса", дея орзу қиларди.

Аёл киши минг қилгандаям, тежамкор бўлади. Шу арзимаган атирга ҳам фалон сўм тўлайманми, деб кўзи қиймаслиги турган гап. Рўзғорида бирон камчилик сезилса, дарҳол ўзига нисбатан сахийлик қилиб юборганидан пушаймон бўлади. Эркакларнинг йўриғи бошқа, улар шартта кўзни

юмади-ю, олади-қўяди. Кейин ҳеч қачон пушаймон ҳам бўлишмаса керак. Тағинам ким билади? Эри ундан гўзаллик талаб қилади-ю, бироқ... Қўнғизда ҳам кўнгил борлиги эсигаям келмайди.

Хосият келин ўзини тортган сари эри ҳам ундан узоқлашиб борарди. Мактабда дарси тугагандан кейин ҳам аллақаёқларда санғиб юрар, уйга кеч қайтар, баъзан овқатлангиси ҳам келмай, ухлаб қоларди.

Кунларнинг бирида Шерали уйга ҳовлиқиб келди:

— Бўлди, Хоси, ўқитувчиликни ташлайман, — деди у. — Шунча йил ишлаб, бирим-икки бўлмади. Савдо билан шуғулланаман.

— Ўқитувчилик яхши эмасми, тинчгина...

— Э, ғирт бош оғриқ десанг-чи. Кечга тузукроқ овқат қилиб қўй. Меҳмонлар келишади. Эр-хотин. Боғдаги олмаларга харидор топдим.

— Ие, нима деяпсиз, — ҳуши бошидан учди келиннинг. — Отам рухсат бермайди.

— Отам билан ўзим гаплашаман. Сен айтганимни қилавергин.

Кечки пайт кўча эшик олдига яп-янги "жигули" келиб тўхтади. Ундан эр-хотин эмас, уч киши, икки аёл, бир эркак тушишди. Хосият келин меҳмонларнинг бири "музқаймоқчи хотин" эканлигини дарҳол англади. Аммо нохуш ўйларга бормади. Елиб-югуриб хизмат қилди. Шерали негадир безовта эди. Меҳмонлар олдида ўтиролмай, ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, туриб кетарди. Меҳмондорчиликдан сўнг меҳмонлар чорбоққа ўтишди. Шерали ҳам уларга эргашди. Оғилхона ёнидаги боғлоқлик ит бегона кишиларни кўриб ҳураверіб, қулоқларини қоматга келтирди.

Хосият келин қозон-товоқларни ювиб олгач, сигир соғиш учун оғилхона тарафга ўтди. У сигирларнинг олдига кундуз тайёрлаб қўйган ем-

ларни қўйди-да, елинини сийпалаб, ийдира бошлади. Шу пайт оғилхонанинг тўридан, туйнук очилган тарафидан эркак кишининг зардали овози эшитилди. Хосият келин овоз эгаси эри эканлигини сезди. "Савдоси келишмаяпти-ёв", деб қўйди ўзича. Бир оздан сўнг аёл кишининг: "Нима қипти? Нима қипти келсам?!." дегани эшитилди. Хосият келин қизиқиши устун келиб, соғишни бас қилди, челакни сигирдан узоқроқ ерга қўйиб, туйнук томон юрди. Ташқаридан кўриб қолмасликлари учун энгашиб, деворга яқин ўтирди.

— Одамни ноқулай аҳволга солдингиз, фақат иккаласи боради дегандингиз-ку, — дерди Шерали ўпкалаб.

— Нега ноқулай бўларкан, — аёлнинг қувноқ овози эшитилди. — Хотинингиз қанақалигини билмоқчи эдим, холос.

— Ниятингизга етдингизми?

— Ҳа, лекин ёқмади, жуда-а... тўпори экан. Эрини бегона аёллар сўраб келганини кўриб, рашк ҳам қилмади-я...

— Сизни меҳмон деб ўйлаяпти-да. Юринг, анавиларнинг ёнига борайлик-чи.

— Сиз қўрқманг, улар айтган нархингизга олишади. Фақат... эссиз, шундай йигит хотинга ёлчимаган экансиз. Эрим мени ташлаб кетгандан кейин, роса уч йил иккинчи хотинини "шантаж" қилганман. "Музқаймоқ" дўконини очиб бериб қутилди шўрлик.

Аёлнинг ҳиринглаб кулгани эшитилди.

Хосият келиннинг оёқ-қўлидан жон кетиб, деворга суяниб қолди. Хаёлида: "Анави мегажин эримни йўлдан уряпти", — деган ўй чир айланиб, ҳеч қўним топмасди...

Келин сут челагини кўтариб оғилхонадан чиқаётганида, шом туша бошлаганди. Меҳмонлар ҳали

чорбоғда айланиб юришар, қопағон ит баттар авжига чиқан,аккилайвериб, ҳамманинг жонига текканди. Пешайвондаги сўрида чорбоғдан кўз узмай ўтирган Рисолат кампир ҳам ниманидир сезгандай бўлди. "Ит акилламаганда меҳмонларнинг гап-сўзларини эшитиб олардим," — деб ўйлаб хуноб бўлиб ўтирарди. Келинининг сўлжайиб ошхона томонга ўтаётганини кўриб, секин имлаб чақирди.

— Анави овозинг ўчгурни сал кўздан панароққа бойлаб қўй, — деди зорланиб.

— Хўп, — деди Хосият келин эшитилар-эшитилмас овозда. Унинг ҳуши ўзида эмасди. Бутун вужудини ғашлик қамраб олганди. Юрагида музқаймоқчи аёлга нисбатан ҳали ўзи ҳам тўла тушуниб етмаган адоват пайдо бўлганди. "У мени эримга ёмонлаб, уни тортиб олмоқчи... Мени тўпори деди-я? Э, худо, энди нима қиламан? Қандай кунларга қолдим? Дардимни кимга айтаман?" Хосият итнинг олдига етгунча титраб-қақшаб борди. Қопағон ит уни кўриб тинчлангандай бўлди-ю, аммо тортинишини қўймасди. Аёл занжирни ечиш учун қозиқ ёнига ўтираркан, зимдан олмазор тарафга қараб қўйди. Эр-хотин меҳмонлар ҳовли томонга қайтишаётган эди. Эри эса музқаймоқчи хотинга олмаларни кўрсатиб, алланималарни вайсар, бироқ аёлнинг иккала кўзи Хосият келинда эди. У қандайдир мазахомуз қараб тургандек туюлди Хосият келинга. Итни чорбоғдан ташқарига олиб чиқиб, боғламоқчи эди, ўтаётиб яна бир маротаба қаради, қалбида алам ва нафрат туйғуси қоришиб кетди, кўзларида қасос ўти аланга олди. Ва "бехос"дан қўлидан занжир тушиб кетди. Ҳамон жазавага тушиб, ҳураётган ит "ошиқ-маъшуқ" томон югуриб кетди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас аёл кишининг жон ҳолатда қичқиргани эшитилди.

КУЙГАН ШАҲАР

“Худойим бир шаҳар яратмиш
икки жаҳон орасинда...”

Ҳожи Байрам

Кампир етмишларга борган, чўпдай озғин, ияги эртакларда тасвирланган ялмоғиз кампирнинг иягидай олдинга туртиб чиққан, лаблари ҳаётнинг шўриш азобларини татиб кўраверганидан тиришиб-буришиб қолгандай сўлғин ва қуруқ, бурни сўппайган, киртайган кўзлари чуқур ботган – маъюс боқар, аммо жаҳли чиққанида нафақат кўзлари хунукдан хунук чақчаяр, балки бутун юзида қўрқинчли ифода пайдо бўларди, қоқсуяк гавдаси эса хиёл эгик, лекин жуда серҳаракат ҳамда чаққон, кийимлари эса ҳамиша тоза ва оҳорли эди.

У ғира-шира қоронғида ачиган-чириган ҳидлар ўрнашиб қолган мева-чева бозорига одатдагидай ҳаммадан олдин келди. Бир қўлида қўш термос ва бошқа қақур-қуқурлари ортилган яп-янги аравача, иккинчи қўлида каттагина тўрвахалта. Тез юрганидан ҳарсиллаб нафас оларди. Кампир аравачани тортиб келаркан, қадди янада эгилар, шунинг учун ҳам кўйлагининг олд этаги узунроқдай кўринарди.

Кампир етиб келганида олтмишларга борган, соч-соқолига оқ оралай бошлаган қоровул энди-гина катта жигарранг темир дарвозани очиб, атрофни кўздан кечираётган эди. У тонг ёришмасдан бозорда пайдо бўлган кампирга кўзи тушиб, норозилик билан ғўлдираб қўйди:

– Саҳарлаб бало бормикин бу қари қарғага?!.

Яхши ҳамки кампирнинг қулоғи сал оғирроқ, акс ҳолда бечора қоровулнинг соч-соқолидан асар ҳам қолмасмиди? Бироқ кампир қоровул билан сўрашмасдан ўтмайди.

– Яхши юрибсанми, Болтавой? Бола-чақанг омонми?

– Ҳа, омон, омон. Омон бўлмай нима... – ёқтирмайроқ жавоб берди қоровул. – Фақат сиз қачон менинг исмим Болтавой эмаслигига аҳамият бераркинсиз?

– Менинг уйчам ҳам омонми, Болтавой?

– Омон, омон. Ана қўққайиб турибди. Эшик-деразалари беркитилган бўлса, ким ҳам тегинарди?!

– Ҳа, яхши...

Кампир бир оз юргач, чапга бурилиб, ғираширада оқаринқираб турган уйчага яқин келди.

Қишда қалин палтосининг, ёз бўлса кўйлаги устидан мудом кийиб юрадиган енгил камзулининг чўнтагидан калит чиқариб, эшикни очди, ичкарига кирди.

Зум ўтмай, худди кампир келишини кутиб тургандай бозор бирдан жонланди. Дарвозадан турли кишилар, сотувчилар, ошхона эгалари, бозор ходимлари кириб кела бошлади. Кечаси уюм-уюм қоплари устида тунаб қоладиган деҳқон-сотувчилар негадир ҳар доим ҳаммадан кейин, бозорда шовқин-сурон қўпганидан сўнг эринибгина уйғонишади.

Бу вақтда кампир бирига чой, яна бирига аччиқ қаҳва дамланган термослари ёнида кела-келгунча

шақир-шуқур қилган чашкаларини чайишга улгуриб, ҳар доимги мижозларини кутиб олишга шай турарди.

– Розияхон, мана қаҳвангиз, – кампир қайноқ ҳовур кўтарилаётган чашкани қирқ беш-эллик ёшлардаги аёлга узатди. – Кеча бундан кейин сал қуюқроқ дамланг, дегандингиз, мана, айтганингиздай дамладим.

Картошка-пиёз қопларининг устида ўтирган Розияхон деганлари – унинг исми аслида Салимахон, лекин кампир уни ҳар доим Розияхон деб атайди, у тўладан келган, билаклари лорсиллаган, ойтовоқдай юзида кўзлари бир чизиқдай билиниб-билинмай турган, шартакироқ аёл, – ёйилиб илжайганча кампирнинг қўлидан чашкани оларкан:

– Ўзимнинг ақлли опоқимдан айланай! – деди гўё қаршисида етмиш яшар кампир эмас, етти яшар бола тургандай эркалаб. – Оҳ, оҳ, ҳидини қаранг, ҳидини... Эртага яна шунақасидан бўлсин, хўпми?

– Хўп.

Салима-Розия чойчақа узатди.

– Энди борақолинг. Сиз билан валақлашишга вақтим йўқ.

Кампир бениҳоя хурсанд бўлиб пулни олди, санамасдан чўнтагига солиб қўйди-да, аравачасини судраб йўлида давом этди.

Икки-икки ярим соат ичида мижозларини чой ва қаҳва билан сийлаб чиққан кампир чошгоҳгача – яна чой тарқатиш вақти бўлгунча бекор турмаслик учун ўзига иш қидира бошлади. Аҳвол деярли ҳар доим шундай: сотувчиларни чой ва қаҳва билан сийлаб бўлгач, у аравачаси билан бировларнинг юкини ташийди, картошка-пиёз саралайди, жуда бўлмаса сомсапазларга ёрдамлашиб, чойчақа ишлайди. Ёки бир чеккага ўтиб иштиёқ ва диққат билан аравасини тозалаб, у ер-

бу ерини кўздан кечирган бўлади. Ишқилиб бекор турмайди-да.

Фақат чошгоҳдаги "чайпитье"дан кейингина кампир бир оз нафас ростлаш ва гурунглашиш учун таниш мижозларидан бирининг олдига келиб дардлашиб ўтиради.

– Уф, чарчадим, Жамила, жудаям чарчадим... – дея зорланди у одатдагидай ҳорғинлик билан. – Болаларим қачон катта бўлишаркин-а?! Ишонасанми, кечқурунлари оёқларим шунақа қақшайдики! Айниқса бошим шундай оғрийдики, худди қизилиштон тумшуғи билан дарахтни тўқиллатиб ургандай бир шовқин қулоқларимда ғувиллаб кетади...

Савдо тиғиз бўлишига қарамай, кампирни эшитиш учун ҳамиша вақт топадиган, кўнгли бўш, раҳмдил олма сотувчи аёл – дарвоқе унинг исми Сожида, лекин кампир унга Жамила деб мурожаат қилади, – ачинаётганини сездирмасдан:

– Қизингизнинг бўйи чўзилиб қопти, худо хоҳласа ҳадемай ёнингизга киради, – деди хайриҳоҳлик билан. – Кўпам ўзингизни уринтираверманг, чарчаб қоласиз.

– Чарчасам гўрга, – деди кампир. – Чарчасам нима бўпти, бир юмалаб ухлаб олсам, ҳаммаси ўтиб кетади. Мендан кўра, болаларимга қийин. Улар менсиз қийналиб кетишди. Ахир ўзингиздан қиёс-да, тонг саҳарлаб бозорга келиб, қош қорайганда уйга борасиз. Бола бечоралар нима еб, нима ичиб ўтиришибди... Бир ерлари оғриб қолса, кимга айтишади... Ким уларнинг жонларига оро киради?.. Кеча кенжатойим Фаррухнинг қорни оғриб қопти. Бечора болам тушгача тўшакда буралиб ётибди... Мен бундан бехабар...

– Ноила қарамабдими укасига? – сўради Жамила-Сожида.

– Қараган. Қизим боёқиш укасига меҳрибон. Дори берибди, қорнини жун рўмол билан боғлаб қўйибди. Лекин Фаррух тинчланавермагандан кейин укасига қўшилиб йиғлабди-да бечора...

– Ҳа, тирикчилик-да энди... Илож қанча...

– Тирикчилик ҳам ўлсин. Эртадан кечгача бозорда изғиб юрганимга яраша, дурустроқ топсам эди.

– Сиз яхши топасиз, опоқи. Ҳадеб ўзингизни қийнайверманг.

– Бе, қаёқда... Кеча кун бўйи паттачилар қувғинида юрдим. У ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам кетимдан қолишмади. Охири бозордан ҳайдаб чиқаришди. Қанақадир текширувчи келармишми-ей. Сиз эшитмадингизми?

– Йўқ... Эшитмадим...

– Сизга яхши, ҳар қалай бозорда ўз жойингиз бор. Шунинг учун ҳам сизга индашмайди. Бизга ўхшаганларни эса кун бўйи ортимиздан қувишади, ярамаслар.

– Сиззиям уйчангиз бор-ку...

– Бе... Бу уйчани Наримон бойвачча инъом қилган. Савоб учун дегандир-да. Лекин у ерда ўтиргим келмайди.

– Сизлар ҳам патта олсангиз яхши бўларди.

– Бе, ўзи арзимаган чойчақа ишласам, бу пулга патта оламанми, рўзғорга ишлатаманми?

– Ҳа, майли... Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, куйинманг.

Кампир бир лаҳза жим қолди. Сўнг маҳзун оҳангда деди:

– Ҳа, яхши бўлиб кетар. Лекин унгача ета олармикинмиз?.. – кампир чуқур хўрсинди. Мунғайиб қолди. Шундай кезларда у аллақачон умрини яшаб бўлган, қуриб-қовжираган бўлса-да, дарахт шохида илиниб, амал-тақал жон сақлаб турган япроққа ўхшарди.

– Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади, – деди Сожида-Жамила.

Кампир Жамила-Сожида билан хайрлашди.

Чунки вақт тушга яқинлаб қолганди.

Бозорда кампирнинг чой ва қаҳвасига ўрганиб қолган сотувчилар анча-мунча эди. Улар кампирнинг ўзидан кўра, ёшини ҳурмат қилишар, аллақандай тушуниксиз, қачонлардир бўлган-бўлмагани номаълум воқеалар ҳақидаги ҳикояларини сабр-тоқат билан эшитишар, эски-янги пул аралаш қайтим қайтарганида индамай олишар, Сожида-Жамилага ўхшаганлар кампир йиғлаганда қўшилишиб йиғлашар, бошқа одамга, яъни неча йиллардан буён кампирнинг хотирасидагина яшаётган, ҳозирда бор-йўқликлари маълум бўлмаган одамларга эврилганларидан оғринишмас, лекин ҳеч қачон насияга чой ҳам, қаҳва ҳам олишмасди. Мободо насияга чой ёки қаҳва сўрагудай бўлишса, улар қанчалик қадрдон бўлиб қолганларига қарамасдан, кампир бунга асло рози бўлмаслигини жуда яхши билишарди.

– Хафа бўлманг, синглим, мижозим бўлсангиз ҳам насияга беролмайман. Уйда учта болам очдан оч ўтиришибди! Мен уларни мана шу чойчақа билан боқишимни била туриб, насияга сўрагани уялмайсизми?! – дея бобиллаб берарди кампир насия сўровчининг кўзига тик қараб.

Баъзида у бирдан бозордан ғойиб бўлиб қолар, орадан уч-тўрт соатлар ўтгач, гоҳ маҳзун тортган, гоҳида йиғлаб, кўзлари қизарган ҳолда яна пайдо бўларди.

– Холиданинг аҳволидан хабар олгани бордим, – дерди у доимий ҳамсуҳбати Сожида-Жамиланинг олдига келиб. – Бечора бир аҳволда ётибди... Ачиниб кетдим... Ўлиб қолса, болаларининг аҳволи нима бўлади?..

Кунларнинг бирида эса...

– Холида шўрлик оламдан ўтибди! – деган хабар билан келди юраги ёрилгудай бўлиб. – Э худойим!.. Энди нима бўлади? – Кейин бирдан қони қайнаб кетди: – Ҳаммасига эри Шокир пиёниста айбдор! Уни суд қилиш керак! Осиш керак уни!

Бозорда янги пайдо бўлган кишилар дастлабки кунлар чой сотиб тирикчилик қиладиган кампирнинг бип-бинойидай усти-бошию ҳорижий арава ва термосларига қараб туриб ҳайрон бўлишади, бу номутаносибликнинг тагига етганларидан кейингина кампирга ҳам, унинг алмойи-алжойи гапларига ҳам ортиқча эътибор бермай қўйишади.

Аммо бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам гўё ўтмишдан тушиб қолгандай кечгача бозорда тентираб юрадиган, ҳеч ким мушугини пишт демасада, мудом паттачилардан ўзини олиб қочишга уринадиган, бозор мутасаддилари у билан хушмуомалада бўлишса ҳам негадир улардан норози бўлиб, бир нималар деб қарғаниб юрадиган, аллақандай тушуниксиз, қачонлардир бўлган-бўлмагани номаълум воқеалар ҳақида гапираверіб чарчамайдиган кампирни ҳурмат қилади деб бўлмасди. Уни ёқтирмайдиганлар – айниқса овозини узоқдан эшитиши билан асаби бузилиб кетадиганлар, кўзини шамғалат қилиб, устидан куладиганлар, ортидан тош отадиганлар ҳам талайгина эди.

– Зарилга зарил, анави шумкампирга нима зарил экан, жонини бунча қийнаб?! Уйида масза қилиб ўтирмайдими?! Агар менинг ўғлим амалдор бўлганидами!

Ҳали айтганимиздай, кампир бундай ивиршивирларни ҳадеганда эшитавермайди, аммо эшитиб қолса борми, ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Унинг тили заҳар эди:

– Ҳа, оғзингдан қонинг келгур! Мен билан нима ишинг бор?! Нима, бозор сенинг маҳрингга

тушганми ёки уни Наримон бойваччадан сотиб олганмисан?!

Гап отган одам вазминроқ бўлса яхши, кампир кўп шанғилламайди, айтадиганини айтади-да, аравачасини судраганча йўлида давом этаверади. Лекин рақиб асабийроқ, жанжални пулга сотиб оладиганлар тоифасидан бўлса борми, бозорга ўт кетди дейверинг.

– Нималар деб валдираяпсиз? Наримон бойвачча деганлари ким ўзи? Бозорком Содиқ бойвачча-ку! Сиз қайси замонда яшаётганингизни биласизми ўзи?!

Жанжалкашнинг шу уч оғиз гапи етарли, кампир бирдан қутуриб кетади.

– Ҳой манжалақи, нима, мени эсдан оғиб қолган деяпсанми?! Бозорнинг хўжайини Наримон бойвачча эканлигини билмасанг, юр, ўзим кўрсатиб қўяман!

Кампир аравачасини улоқтириб юборадию, жанжалкаш томон ҳезланади.

Аллакимлар ҳай-ҳайлашиб, уларни ажратиб қўйишса олам гулистон, бир зумда кўзлари қонга тўлган кампир ҳансирай-ҳансирай нари кетади. Акс ҳолда у йиқилиб қолгунча, эркак-аёл демасдан ёқасига чанг солиб, айюҳаннос кўтариши турган гап. Аллакимлар бозор маъмуриятига кампирнинг устидан шикоят ҳам қилишади, лекин у ердагилар негадир минғирлашдан нарига ўтишмайди. Кампирнинг танобини тортиб қўйиш эсларига ҳам келмайди. Қай бир йили эса... ҳе йўқ, бе йўқ, бозор маъмурияти кампирга бемалол ўтириб савдо қилиши учун барча шароитлари муҳайё бўлган уйча совға қилди. Аммо кампир уйчада бир соат ҳам ўтириб савдо қилмади.

Шунинг учун ҳам бозордагиларнинг кўпчилиги кампирдан безиб қолишган. Айримларнинг уни

кўргани кўзи йўқ. Баъзилар ундан очиқдан очиқ нафратланишади.

– Тур, йўқол, эси паст кампир! Ким сени чақирди бу ерга?! – деб ҳайдашади улар тап тортмасдан.

Аммо кампир ҳам индамай кетадиганлар хилидан эмас.

– Оғзингдан қонинг келгур, нега мени ҳайдаб соляпсан?! Нима, сенга ҳалақит беряпманми? Ё олдингдаги ошни олиб қўйдимми?!

Шундай кезларда қаердан бўлса ҳам етиб келган Сожида-Жамила кампирнинг жонига оро кирар, уни бу ердан узоқроққа олиб кетарди.

Бир куни бозордагилар – афтидан улар янги сотувчилар эди – кампирни роса майна қилишди. Чунки у бир замонлар золим подшоҳ зулмидан қочиб, ғорга беркинган ҳамда тангрининг амри билан уйқуга кетган ва уч юз йилдан кейин уйғониб, бозорга чиққан садоқатли ва дунёбехабар йигитларга ўхшаб, аллақачон муомаладан чиққан эски пуллар билан савдо қилаётганди-да.

– Даққиюнусдан қолган пулларни бошимизга урамизми?! Бу кампирнинг томи кетиб қолган. Уни аллақачон жиннихонага топшириб юбориш керак эди!

Кампирнинг ғазаби қайнаб кетди. Тожи юлиб олинган хўроздай жаҳд билан олишувга шайланди. Лекин "...жиннихона" деган сўзни эшитиб беихтиёр қалтираб кетди ва шаштидан тушди.

– Бу одамлар ақлдан озиб қопти... – дея ғудранди у йўлда кетиб бораркан.

Кейин ажабланганча Сожида-Жамиланинг олдига борди.

Сожида-Жамилагина кампирнниг қалбига йўл топа олади, у пул алмашганини айтганидан кейин кампир бир нималарни фаҳмлагандай бўлиб:

– Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да, – деб қўйди. – Мен дунёбехабар...

Кампир жимиб қолди.

Лекин зум ўтмай Сожида-Жамилани саволга тутди:

– Пул қачон алмашди ўзи?

Бундай кезларда нима дейишни яхши биладиган Сожида-Жамила шу заҳоти жавоб берди:

– Куни кеча.

– Ҳа, шунақа денг.

Кампир бир зум ўйланиб турди, сўнг афсусланиб:

– Кеча телевизор кўрсам бўларкан... – деб қўйди.

Сожида-Жамила индамади.

Кампир яна бир зум ўйланиб турди-да, сўнг:

– Ҳозирги одамларнинг шунчалик қаҳри қаттиқ-ки, бу аҳволда йигирма йилдан кейин нима бўларкин?.. Билмадим... – деди аста ўзига ўзи гапиргандай.

Сожида-Жамила изтироб ичида:

– Аллақачон йигирма йил ўтиб бўлган-у... – дея шивирлади.

Кампир ўртоғининг гапини англамади.

– Келинг, бир пас дам олволинг, – Сожида-Жамила кампирнинг ҳалидан буён қаршисида тик турганига аҳамият бермаганидан хижолат тортиб, унга жой беради.

Шунда кампир бирдан ўзига келиб дейди:

– Вой, безовта бўлманг, ўргулай. Ўзингиз бемалол ўтираверинг жойингизда. Мен қариб боряпманми? Энди элликнинг бошини тутган одамга бу юришлар нима!

Баъзида, дардлашадиган мижозлари бозорда кўринмай қолса ёки тайинли бир иш тополмаган кунлари кампир зерикканидан одамларнинг асабига тегиб, кечгача бозорда беҳудага изғир, ҳеч ерда тўхтамас, аравасини шалдиратиб судраганча гўё бир нарсани қидираётгандай расталар ора-

сида айланиб юраверади, юраверади; савдо тиғиз пайтлари оломон уни у ёқдан-бу ёққа суриб ташлар, бировлар атай туртиб ўтар, лекин кампир ҳеч нарсани сезмас, кўзи кўр, қулоғи кар, ўз маромида давом этаётган ҳаётни ҳис қилмас, қаердадир узоқда, ҳаммадан, ҳамма нарсадан узилиб қолгандай, гангираганча кезиб юраверади; гоҳида эса дуч келган одамнинг ишига бурнини тиқар, суҳбатларига аралашар, ораларида гап қочганидан кейин худди бу ердагилар уни бозордан сиқиб чиқаришга уринаётгандай туюлиб, қаттиқ жаҳли чиқиб кетар, кейин хато устига хато қилиб қўяр, онгини қуршаган зулмат пардасига тобора чуқурроқ кириб борарди... оқибат шу даражага етадики, ҳеч ким кампирни эплай олмай қолади; кампир ўтмишда ҳеч қачон журъат қила олмаган ишни қилар, исён кўтарар, ниҳоят қидириб юрган одамини топгандай, ўзи итдан ҳам баттар ёмон кўрадиган бирорта паттачининг юзига боплаб тупурар, йиллар давомида ўзини эзиб ташлаган оламжаҳон беъмани сўзлар уюмини юрагидан итқитиб ташларди. Бундай кезларда унинг телбадан фарқи қолмасди.

Шунда кимдир кампирнинг уйига хабар беради шекилли, ўн дақиқа ўтар-ўтмас етиб келган "жип"дан иккита барваста йигит тушадию жазаваси қўзиб, айюҳаннос кўтараётган кампирни авайлаб икки қўлтиғидан олишиб, бозордан чиқиб кетишади...

Йўқ, у телба эмасди. Унинг хотираси инқирозга учраган, неча йиллардан буён кўрлик дунёсидан ҳам баттарроқ бир зулмат ичида, олам-дағи ўзгаришлардан бехабар, на кечанинг, на бугуннинг фарқига бормасдан, ёлғиз, ҳаттоки ёлғиздан ёлғиз, ҳудудсиз зулмат ичида яшарди. Онг-шуурида ҳаётининг фақат энг оғир дамлари – йигирма йил муқаддам, бозорда чой сотиб тирик-

чилик ўтказган даври – худди ҳалокатга учраган вақтнинг бир парчасидай қотиб қолган; ёши бир ерга борган, рўзғорнинг барча ташвишларидан қутилган бўлса-да, ҳамон илгаридай, яъни оиланинг бутун ташвишлари ўз гарданида бўлган вақтлардагидай куйиб-пишиб юрар, ҳолдан тойиб ётиб қолгунча бозордан бери келмас, лекин ҳеч қачон бировнинг молига кўз олайтирмас, ўзи ўқимаган ва онгига сиғдира олмаган сонмингта дунёвий қонунлардан фақат биттасини – "Ҳалол яша", деганини жуда қаттиқ ушлаб олган, худди битта тўғри чизиқ бўйлаб тинимсиз бориб-келаётгандай яшар, келажак эса... назарида жуда узоқда, ҳеч етиб бўлмайдигандай туюларди; жисми кундан кун қуриб-қовжираб борар, гўё тириклайин мурдага айланганди, аммо бир кун бозорга чиқмаса фарзандлари оч қоладигандай мудом қўрқиб яшарди, ваҳоланки ўзи қўрққан даҳшатли нарса аллақачон юз берганини, у бозорда юрганида уйи ёниб кетганини, қизи билан кичик ўғли олов ичида қолиб нобуд бўлганини, фақат бир ўғли омон қолганини, дугонаси Холида пиёниста эрининг калтагидан кейин ўнглана олмай, жиннихонада ётганини, қўшнилари унинг болаларини етимхонага топшириб юборишганини эслай олмасди...

Хуллас, кампирнинг хотирасида на ўтмиш бор, на келажак.... фақат бугунни – бир лаҳзалик умрни яшаб қолиш билан чекланарди.

Гоҳида эса беихтиёр эски уйига бориб қолади.

Ёниб кетган ҳовли қайта таъмирланган, лекин энди бу ерда бегонадан бегона кишилар яшайди, улар кампирга яхши муомала қилишади, гўё мурувват кўрсатаётгандай унга уй ичига киришга рухсат ҳам беришади. Кампир нега бу ерга келганини, нима мажбур қилганини сезмаган, англамаган ҳолда хоналарни бир-бир айланади, ҳар

бир хонанинг ҳар бир бурчаги кампирнинг хотираларини ўзида сақлайди, зеро хотиралар ёнмайди, аммо бу хоналар кампирнинг ўзи сингари қизғанчиқ, хотираларни унга бермайди, бироқ у кетаётганида ортидан мунғайиб қараб қолишади...

Кампир яна хотираларининг синиқ парчалари сочилиб ётган бозорга қайтади.

– Ернинг қоқ қиррасида турганга ўхшайман, – дейди у ўйчанлик билан шу куни Сожида-Жамилага. – Ернинг қоқ қиррасида. Пастга энкайсам тамом... ҳаммаси тугайдигандек... Нега бундай, билмайман.. Ўлай агар билмайман. Сенда бунақа бўлмайдими сира?

Сожида-Жамила маҳзун бош чайқайди.

Кампир муштини иягига тираганча жим қолади. Шу туришида у нақ қари қарғанинг ўзгинаси эди.

Аллаким, бу сотувчими ёки харидорлардан, номаълум, – ўтиб кетаётиб тасодифан кампирни туртиб юборади, кейин шоша-пиша узр сўрайди, аммо у аллақачон ғишт қолипдан кўчганди, кампирнинг чатнаб турган асаблари ўт тушган қуруқ гиёҳдек бирдан пов этади...

* * *

Тинчлантирувчи уколдан кейин кампир одатдагидай уч-тўрт соат донг қотиб ухлади. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандай, тиниқиб уйғонди. Уйғондию соатга қаради, кейин шоша-пиша ўрнидан турди.

– Ўлсин... Ухлаб қопман...

Кампир ғудранганча даҳлизга чиқди.

Бу ерда унга ўттиз ёшлардаги жувон пешвоз чиқди.

– Яхши ётиб турдингизми, ойижон?

– Роса ухлабман-да ўзиям, – деди кампир унга жавобан. – Сал вақтлироқ уйғотсанг бўлмасмиди?

– Яхшилаб дам олволинг дедим-да...

– Дам олмасам гўрга, дарров термосга чой дамла.

– Ойи, кеч бўлиб қолди...

– Кечки бозорга чиқаман.

– Ойи... илтимос, бугунча чиқмай қўя қолинг.

– Нега чиқмайман? Оёғимни узатиб уйда ётсам, тирикчилик нима бўлади?

– Эртага чиқа қоласиз. Ҳали Розия опоқи айтди, бугун бозор вақтли тугабди. Қандайдир текширувчилар келармишми...

Кампир бирдан ҳушёр тортди.

– Текширувчилар?

– Ҳа.

Кампир ўйланиб қолди.

– Розия бежиз хабар бермаган. Яхшиси чиқмай қўя қолай. Сенам уйингга кета қол, Манзура. Қайнонангдан балога қолма тағин.

– Қайнонамнинг зуғумидан қочиб келиб сизникида яшаб юрибман-ку, қаёққа бораман?

– Ҳа, айтганча... хаёлимдан кўтарилибди... Қайнонанг ўлмади, сен қутилмадинг.

– Овқат тайёр, сузаверайми?

– Ноила билан Акбар қани? Фарруҳ ҳали мактабдан келмадими?

– Улар ошхонада, сизни кутиб ўтиришибди.

– Менам ҳозир бораман.

Кампир ҳовлига чиқди.

Нақшинкор панжарали, мармар зиналардан бир-бир босиб тушаркан, атрофга ҳайрат билан боқди.

Ҳовли жуда ҳашаматли эди. Бундай уйларда фақат министрлар яшаши мумкин...

Аммо кампир ҳеч қачон бу ерда ўзини ўз уйида яшаётгандай ҳис қилмасди. Бу уйдаги ярқироқ ҳаёт унинг кўзларини қамаштирар, гўё келажакка сайёҳат қилгандай, баъзида ёқимли туш кў-

раётгандай бўларди холос. “Қачон ўз бошимга уй битадию, бу ердан тезроқ даф бўларкинман?..” – деб қўярди у гоҳида сиқилиб кетганидан. Ўзининг бундай ҳашамат ичида яшаётганининг сабабини гоҳида бозорком Наримон бойваччанинг илтифоти сифатида қабул қиларди, гоҳида эса ижарада турибман, деб ўйларди.

Атрофидаги нарсаларга тикилиб ўтириб кампир гоҳида бирдан ўзини кўланкалар водийсида юргандай ҳис қилар, ғалати кайфият чулғаб олар, ҳаётининг оғир дамларини қайта ва яна қайта яшаётгандай алланималар таниш туюлар, лекин мавжуд олам билан ўзи ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас тўсиқ бордай, тўсиқ оша назар ташлашга нимадир изн бермаётгандай, аллақандай шарпалар кўз олдидан бирма-бир ўтишга шайланиб тургандай бўлар, юраги санчиб кетар, ўзини чуқурга тушиб кетгандай ҳис қилар, мудом ғувиллаган шамол эсиб турадиган чуқур... кампир чуқур деворларига тирмашиб, юқорига чиқишга уринар, аммо ғувиллаган шамол овозига қўшиб, уринишларини ҳам аллақаёқларга олиб кетар, кампир эса чуқурда тиним билмай айланаверади, айланаверади, худди бозорни айлангандай, лекин кўп ўтмай эртанги тирикчилик ҳақида ўйлаб дарров ўзини алаҳситар, аммо нима учун безовта бўлганидан сира ҳам ташвишланмас, қўрқувга тушмас, қалби даҳшатли ёнғиндан кейин қуриб-қақшаб ётган қўрғондай яна ҳувиллаб қоларди. Ким билсин, эҳтимол у озгина бўлса ҳам қўрққанида, сергак тортганида, ҳаётга қайтармиди, лекин у қўрқмасди, таажжубланмасди, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасди, – худди ерга уруғ сочиб қўйгану, лекин кейин ҳаммасини унутган деҳқондай, – афтидан шунинг учун ҳам тобора зулмат қўйнига кириб борарди...

Ярим соатлардан кейин кампир намхуш юзини силаганча ошхонага кириб келди.

– Ура, бувим келдилар!

Саккиз ёшлардаги болакай югуриб келиб кампирни қучоқлаб олди.

– Буви, дейсанми, Фаррух? Қачон ақлинг киради сенинг? – кампир енгилгина танбеҳ берди болакайга.

Кейин бирин-кетин салом берган қизча билан йигитчага қараб:

– Ноила, бугун ёпган нонинг тандирдан тушиб қолмадими? – деб сўради.

– Йўқ, мана, кўринг, бугун жуда чиройли нон ёпдим... о-ойижон... – қизча кўзлари жавдираганча бир жуфт нонни узатди.

– Ҳа, яхши, анча қўлинг кеп қопти. Энди бозорда шошилмасдан, хотиржам юрсам бўларкан. Сен-чи, Акбар, Самаднинг дўконидан ун олиб келдингми?

– Ҳа, олиб келдим, – деб жавоб берди Акбар четга қараганча.

– Дуруст...

Шундан кейингина кампир набиралари, э, фарзандлари билан ўтириб овқатланди. Кейин болалар телевизор кўришди. Телевизорнинг экрани жуда катта, уйдаги бошқа жиҳозлар каби жуда ҳашаматли ва ноёб эди.

Кампир юмшоқ диваннинг чеккасида ҳашамату бойлик ичра бир сиқимгина бўлиб ўтираркан... яна ўзини бегона уйга кириб қолгандай ва қоронғида – бир вақтлар орзу қилган, лекин етиша олмаган нотаниш буюмлар ичида туртиниб-суртиниб юргандай ҳис қилганча эртанги бозор ва тирикчилик ҳақида ўйларди: “Манзура энди қайнонасиникига кетмайдиган бўлса, ундан фойдалансам нима бўпти? У ҳар куни сомса ёпиб бераверади, мен чой ва қаҳвага қўшиб сотаверaман.

Ахир энди оиламиз анча каттайди, униям боқишим керак-ку! Лекин уни бозорга йўлатмайман!"

Тонг отмасдан кампир яна бозорга отланди.

– Ойи, энди шу ишни бас қила қолинг, илтимос.

Қирқларга борган, башанг, уйда ҳам галстук тақиб юришни унутмайдиган, басавлат йигит энгашиб шошилганча термосларини аравага юклаётган кампирнинг олдига келди.

– Мени ойи дема, деб неча марта айтганман, Даврон! Барибир ўғлим бўлолмайсан, – кампир ишидан бош кўтармай жавоб берди. – Яхшиси уй топ. Қачонгача онанг жияним бечорани хўрлайди, азоблайди!

– Яхшиси сиз дам олинг, ойи! Агар хоҳласангиз, шу бугуноқ санаторийга юбораман.

Кампир ўз машғулотидан бир лаҳза ҳам чалғимаган ҳолда тўнг жавоб берди:

– Мен ҳали оёғимни узатиб, дам оладиган кунларга етганим йўқ.

– Етгансиз, ойи. Етгансиз! – бақириб юборди йигит изтироб ичида.

Кампир илкис бошини кўтарди. Нигоҳлари қаттиқ, лекин маънисиз эди.

– Менга бақирма! – деди у кескин оҳангда. – Мен одамларнинг калтагини ейиш, ҳақоратларини эшитиш учун туғилмаганман!

– Ойи!.. – Йигитнинг юзи қорайиб кетди.

– Ақл ўргатавериб тоза жонимга тегиб кетдинг. Яхшиси хотинингни олиб уйимдан чиқиб кет! Қачонгача сенлар учун ҳам ижара пули тўлайман?!

Кампир шундай деди-да, аравасини судраганча кўча эшик томон йўл олди.

Йигит бир зум ўйланиб турди, сўнг икки ҳатлашда кампирни қувиб етди ва уни даст кўтарганча хонага олиб кирди-да, эшикни қулфлади.

– Эшикни оч! Оч деяпман! – эшикни муштлаганча бақирди кампир. – Агар ҳозироқ очмасанг,

Наримон бойваччага айтиб, уруғингни қуритиб юбораман ҳаммангни! Оч! Оч, деяпман!

Кампир қўлига илинган нарсани эшикка ура бошлади.

Йигит қулоқларини бекитганча, эшикка суяниб турар, кўзлари жиққа ёш эди.

– Қўйинг, уни қийнаманг, – деди хотини яқин келиб. – Ойим шу ҳолича яшасагина ўзини яхши ҳис қиладилар.

– Ўйлаб гапиряпсанми?

– Хотираси ўзига қайтса, нима бўлади, биласизми?

– ...

– Ноила билан Анвар қани, деб сўрасалар, нима деб жавоб берасиз? Уларни топиб бероласизми?

– Ўчир!

Жувон жим бўлди.

– Жонимдан тўйиб кетдим! – шивирлади йигит асабий тарзда. – Бозордагиларнинг шикоятидан жоним ҳиқилдоғимга келди! Қачонгача уларнинг олдида тилим қисиқ, илтимосларига йўқ деёлмай яшайман?!

– Начора... Лекин...

– Бир ҳафта уй қамоғида ўтирсалар, бозорни эсларидан чиқариб юборадилар. Бор, сен ишингдан қолма.

– Эсларидан чиқармайдилар, касал бўлиб қоладилар!

– Нима бўлса бўлар!

Хотин нари кетди.

Йигит ичкарига қулоқ тутди. Кампир бирдан жимиб қолганидан хавотирланди.

– Ойи...

Ичкаридан жавоб бўлмади.

Йигит бир зум иккиланиб турди, сўнг аста эшикни очди. Деворга қапишиб турган кампир шу заҳоти ўзини эшикка урди.

Кампирнинг бундай шумликларига ўрганиб қолган йигит ҳам бўш келмади, эшикни ёпиб, қулфлашга улгурди.

– Мени қўйиб юбор! Қўйиб юбор! – жазава ичида қичқирди кампир ўғлига ёпишиб. – Агар ҳозироқ қўйиб юбормасанг, болаларимнинг уволига қоласан!

– ...

– Агар эшикни очмасанг, ўзимни деразадан ташлайман, – кампир дераза томон юрди.

– Билганингизни қилинг.

Йигит пайтдан фойдаланиб ўзини ташқарига олди.

Яна эшик қулфланди.

Зум ўтмай кампир шундай айюҳаннос кўтардики, анча-мунча одамнинг асаблари дош бериши қийин эди. Аммо йигит чидади, стол қиррасини маҳкам ушлаганча, бир нуқтага тикилиб тураверди.

– Акбар! Мени қутқар, болажоним! Улар мени ўлдириб қўйишади! – қичқирди кампир эшикни муштлаб. – Мени қутқар, Акбар! Ноила, қаердасан, Ноила?!. Улар мени ўлдириб қўйишади... Тириклай кўмиб юборишади... Онангдан айрилдинг, болам...

Бир чеккада турган жувон чидай олмай эшикка яқин келди.

– Агар эшикни очсанг! – йигитнинг кўзлари таҳдидли боқди.

– Қанақа одамсиз... Ахир бунақада...

Йигит жаҳл билан хотинининг устига бостириб келди. Жувон қўрққанидан ғужанак бўлиб олди. Лекин зум ўтмай қаддини тиклаб, эрига лабларини қимтиганча қаҳр билан қаттиқ тикилди.

Йигит унга қўл кўтармади. Аммо...

– Менимча ойимни ҳаддан ортиқ эркалатиб юбордим. Кўнгилларига қарайверганим учун ҳам ўғлим бор экан, нимаики қилмайин одамлар кўта-

раверади, деган фикрга келиб қолганлар. Етар, шунча вақт одамларга масхара бўлганлари!

Жувон эрини биринчи марта кўриб тургандай ҳайрат билан боқди.

Кейин:

– Шу гапларни сиз гапиряпсизми, – дея эътироз билдирди. – Қанақасига... ойим сизни ўғлим дейди? Ахир у киши сизни танимайдилар-ку!

– Йўқ, – кескин бош чайқади йигит. – Одам ақлдан озган тақдирдаям бунчаликка бормаслиги керак. Ахир онамни қанча даволатдим. Вақт ва тиббиёт ҳаракатга келтира олмайдиган хотира бўлмаслиги керак!

– Бўлиши мумкин...

– Менимча ойим атай қиладилар... Ўз касалига боғланиб қолганлар.

– Ё тангрим, – деб юборди жувон беихтиёр.

–Ахир қачонгача, она ўз ўғлини танимайди? – деди йигит кутилмаганда йиғламсираб. – Ахир қачонгача... Қачонгача... ўтмиш бизни таъқиб қилади?!. Ахир ҳаёт бир одамга шунчалик ҳам азоб берадими?! Кеча йўқ... Эрта йўқ... Фақат бугун билан одам қандай яшайди? Бугун кўриб турганларига қараб қандай хулоса чиқаради? Ахир қачонгача худди актёрлардай ўз уйимизда роль ўйнаймиз?! Мен Акбарман, лекин Даврон деган йигитнинг ролида чиқишим керак ҳар куни, ҳар сонияда саҳнага! Бу азоб-ку, азоб! Бу аҳволда қандай яшайди одам?! – йигит деворни муштлади. Унинг юзи қордай оқариб кетганди.

– Ойим яшаяптилар-ку...

– Мен яшай олмаяпман! Мен! Мен! – йигит бошига муштлай бошлади.

Жувон югуриб бориб стаканда суюқлик олиб келди.

– Ичиб олинг. Тинчланасиз...

Йигит стаканни бир кўтаришда бўшатди. Зум ўтмай у сал ўзига келди.

Бироқ...

Кампир энди дод солишга ўтди.

– Ҳой одамлар, ёрдам беринглар! Сизларда инсоф борми ўзи?! Бир бечора аёлни хўрлаётган золимдан шунчалик ҳам қўрқасизларми?! – кампир кўча томондаги деразага тирмашар, уни очмоқчи бўлар, алҳол очарди ҳам, лекин... энди темир панжарага урилган бармоқлари зириллаб кетарди, бироқ кампир бунга парво қилмас, у жони оғриётганини сезмасди. – Бир бечорага ёрдам берадиган мард борми бу дунёда?! Золимларнинг дастидан куйиб адо бўлдим-ку...

Эшик барибир очилмади.

Кампир эзилиб йиғлай бошлади...

* * *

Кампир касал бўлиб қолди. Уй қамоғи унинг асабларига ёмон таъсир қиларди. У ўзини эшик-деразаларга ура-ура, ниҳоят ҳолдан тойган, афтангорига қараб бўлмасди. Қўллари шилинган, юзи, пешонаси моматалоқ бўлган...

Энди у ўзини у ёқ-бу ёққа урмасди, фақат дераза олдига бориб қўлларини икки ёнига керганча дарахтга айланарди.

– Қарға... Қарға... Ке, шохларимга қўнсанг-чи, – кампир ўзини улкан дарахтдай ҳис қиларди. – Кела қол. Нега жим туриб қолдинг? Ке, кела қол... Лекин билиб қўй, бошимга қўнмайсан!

Кампир хиёл эгилди, гўё шохларини пасайтирди. Аммо кутилмаганда... қарға унинг шохларига эмас, миясига кириб олди.

– Ҳа, ярамас! Яна эски жойингни топиб олдингми? Кишт! Кишт... Оббо, яна қағиллашни бошлади! Мана бу еримда қарға қағиллаяпти, – кўрсатгич бармоғини чеккасида айлантириб, ғуд-

ранганча уй ичида юра бошлади кампир. – Қарға... Қарға... Йўқ, мен қарғаман... Мен қарға... Худди эртаю кеч дарахтда қимир этмай ўтирадиган қарға... Ўзича ҳаммага керакман, деб ўйлайди. Аслида ҳамманинг жонига тегиб кетган! Ҳе, ношуд... Намунча қағиллайсан?! Бунақада миямни тешиб қўясан-ку!

Кампир ўрнидан туролмай, ётиб қолганидан кейин эшик очилди. Жувон унга ғамхўрлик қила бошлади.

Аммо кампир ҳадеганда ўзига келавермагач, дўхтир чақиришди.

Уни кўрдию кампир яна шайтонлай бошлади:

– Вой-дод! Анави алвасти сочимни олгани келди. Кийимларимни ечиб, калта халат-иштон кийдиради. Мени яшириб қўйинглар! У мени опкетиб қолади! Тезроқ яшир мени, бекит. Кўзга кўринмайдиган ерга бекит! Қариганда шарманда бўлмайин... – кампир ёстиқ билан бошини бекитди.

– Ойи... – йигит онасига яқин келди.

Кампир кутилмаганда ирғиб ўрнидан турдию хона ичида чир айланиб қоча бошлади, ҳеч ким – на доктор, на... йиғламоқдан бери турган ўғил уни тутишга жазм этишди.

Аммо кампир барибир хонани гир айланиб югураверди, югураверди. То ҳолдан тойиб қолгунча... ва узун кўйлагининг этакларига ўралиб йиқилиб тушмагунча...

– Илтимос, мени касалхонага опкетманг, – дея ялина бошлади у ерда чўзилиб ётганча дўхтирга қараб, кўзлари қопқонга тушишдан хавфсираётган жониворнинг кўзларидай така-пука эди. – Мен жинни эмасман. Ақлим жойида. Лекин Холиданинг аҳволи оғир. Сиз ўшани олдига боринг. Уни даволаш керак...

– Майли, Холиданинг аҳволидан хабар оламан, – деди дўхтир неча марта айтган сўзларини

яна такрорларкан. – Йўл-йўлакай Қодир аравакашниям кўриб ўтаман.

– Барака топинг, илойим...

– Лекин аввал сизга...

– Йўқ! Йўқ! – докторнинг қўлидаги шприцга кўзи тушган кампир типирчилай бошлади.

– Ойи! – йигит кампирнинг билакларидан маҳкам тутди.

Кампирнинг юзи аянчли буришиб кетганини кўрган жувон уни қучоқлаб олди. Кейин эрига ёвқараш қилиб деди:

– Жони оғриб кетди ахир!

Йигит ичида қаттиқ ўкинди, қўлини сал бўшатди, лекин гап оҳангини ўзгартирмади:

– Агар ҳозироқ укол олишга рози бўлмасангиз, ўзим касалхонага обориб ташлайман! Тушундингизми, ойи?! – йигитнинг изтироб тўла нигоҳлари онасининг маъносиз нигоҳларига қадалди.

Бир лаҳза... атиги бир лаҳза кампир кўланкалар водийсидан қайтгандай бўлди, ҳозирги аҳволидан уялгандай ўғлига хижолатли назар ташлади. Сўнг...

– Укол олсам, обормайсанми? – деди боягидай ялинчоқ оҳангда.

– Йўқ.

– Алдаяпсан! – кампир қаттиқ силтаниб қўлини тортиб олишга уринди.

– Ойи!!! – йигитнинг нафақат кўзларидан, балки баданидаги ҳар бир мўйидан учқун сачраб кетгандай бўлди. – Ойи, ҳаммамизни қийнаб юбордингиз-ку! Бўлди-да энди! Сизнинг дастингиздан қачонгача юзим шувит бўлади?!

Кампир бирдан ғалати бўлиб кетди. Ҳатто ток ургандай сескаинб тушди.

– Қийнаб юбордим?.. – такрорлади у йигитга қараб. – Нега?... Сизларни қийнаб юбордимми?.. Ахир мен эртаю кеч... бозорда юрсам... ишлаб... пул топиб... Ўйловдимки... ҳеч кимга оғирлигим

тушмайди... Ё ўзим сезмаган ҳолда юзингизни шувит қилиб қўйдимми?.. Лекин нега...

– Бас қилинг, ойи! Бас қилинг. Сиз топган пулларнинг кераги йўқ! Эшитяпсизми, кераги йўқ! Моғор босган пулларингиз ана, ҳамёнингизда турибди аллақачонлардан бери...

– Нега?.. – кампир ажабланди. – Яна пул алмашдими?

– Ойи! Агар ҳозироқ бас қилмасангиз... ўзимни бир бало қилиб қўяман!

Кампир қўрқиб кетди. Қаршисидаги йигитга қўрқинч ичида бир неча сония тикилиб турди. Нимадир ўз маромидан четга оққанидан йигитнинг қаттиқ жаҳли чиқаётганини илғагандай бўлди, аммо нима? Кампир зўр бериб ўйламоқчи бўлди, лекин ҳеч нарсани англай олмаётганидан қийналиб, юраги сиқилиб кетди.

Кейин ҳиққиллаб йиғлаганча:

– Акбар... Ноила... Фаррух... – дея болаларини йўқлай бошлади.

– Ойи! Улар сизнинг набираларингиз! Нега тушунмайсиз?

– Набираларим?! – кампирнинг кўзлари чақчайди. – Набираларим... – дея такрорлади кейин. – Менинг болаларим қани унда? Акбар... Ноила...

– Ойи!!!

Йигит бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, у нима қилаётганини билмас, ўзини бутунлай жаҳлнинг ихтиёрига топширган, ҳадеб кампирни силталар, бир нималар деб бақирарди.

Жувон чидаб туролмади, эрини итариб юбордию жон ҳолатда кампирга ёпишиб олди.

Дўхтир шоша-пиша яна битта шприцни дорига тўлдирди.

– Ойи, ойижон, бизни кечиринг, – деди жувон кампирни қучоқлаб. – Бизни кечиринг... Биздан хафа бўлманг...

– У хафа бўлмайди, – деди йигит хирқироқ овозда. – Хафа бўлишни билмайдию..

Жувон шаҳд билан эрига тик қаради:

– Ойим идрок қила олмаслиги мумкин, лекин хафа қилишганда кўнгиллари оғрийди. Ахир у кишида ҳам юрак бор!

– Э, юрак ҳеч қачон ақл беролмас экан! Мана, исботи... – деди йигит тўнғиллаб, у яна асабийлаша бошлади.

Шу чоғ дўхтир гапга аралашди:

– Тўғри, юрак ақл бера олмайди, аммо мия ҳам юрак бўлолмайди.

Йигит индамади. У дераза олдига бориб орқа ўгирди.

Доктор кампирга юзланди.

– Тайёрмисиз, онахон?

Ўзини ҳаётга боғлаб турган нарса чил-чил бўлгандек, паришон тортиб қолган кампир аввал ҳаммага бир-бир қараб чиқди, бесаранжом, безовта нигоҳлари бир муддат ўғлига тикилиб қолди, кейин индамай билагини тутди.

Ниҳоят у тинчланди, лекин дарров ухлаб қолмади. Бир муддат қўлларини кўксида чалиштирганча, шифтга тикилиб ётди, сўнг қорачиқлари секин ёнга эниб, яна йигитга қадалди ва аста-секин киприклари жиплаша бошлади, лекин кўзлари бутунлай юмилмади, худди кўз қири билан ўғлига қараб тургандай қотиб қолди... Аммо йигит онаси томонга қайрилиб қарамади.

– Акбар Турдиевич, – деди кекса доктор дориларини сумкасига жойларкан йигитга зимдан қараб. – Нима қиласиз, ўзингизни ҳам, кампирни ҳам қийнаб? Яхшиси кампирни касалхонага ётқизиш керак.

– Йўқ!

– Тушунмайман, нега... Нима учун... ҳар доим...

– Онамни бир марта касалхонага ётқизишган, – жавоб берди йигит. – Ўшанда сочини олмоқчи бўлишган... ва яна... Мен у вақтларда ёш бола эдим... Шундан бери онам касалхонадан қўрқади.

– Энди... ундай бўлмайди. Ваъда бераман...

– Йўқ!

– Биласизми...

– Доктор, – сўзни кесди йигит. – Нега бундай, а? Нега?.. Наҳотки хотирани қайтариб бўлмаса?

– Бу саволингизга тиббиёт нуқтаи назаридан жуда кўп марта жавоб берганман, – деди доктор. – Аммо айтилмаган бир гап қолди.

– Хўш?

– Ҳаёт ҳаддан ташқари чидаб бўлмайдиган даражага етганида, тангрининг ўзи бандаларига мурувват кўрсатади...

– Мурувват?! Ҳали бу... мурувватми?! – йигитнинг юзига заҳарханда ва истеҳзога тўла таббассум югурди.

– Телбалик ҳам инсонни кўп азоблардан қутқаради.

Йигитнинг юзида азобли ва истеҳзоли табассум янада бўртди:

– Аввал хароб қилиб, кейин...

Дўхтир кетди.

Йигит каравотга яқин келиб, пишиллаб ухлаётган кампирнинг қўлини қўлига олди.

– Ойи... Ойижоним-а...

Тонгга яқин кўзи илинган йигит бехосдан уйғониб каравотга қаради. Кампир у ерда йўқ эди.

Йигит алам билан пешонасига муштлади.

Кампир шу куни ҳам, эртасига ҳам уйига қайтмади.

У ғойиб бўлганди...

Қидирувлар натижа бермади.

Кампир йўқолган хотираси сингари изсиз йўқолганди...

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Аёл 3
Тафаккур 14
Ажал чорлови 85
О, ҳаёт! 104
Қадимий қўшиқ 116
Муҳаббат ва нафрат 139
Кўланка 175
“Момо Ҳаво” 201
Келин 227
Тўхтаб қолган вақт сувратлари 253
Рашк 286
Куйган шаҳар 293

Адабий-бадиий нашр

Зулфия Қуролбой қизи

АЁЛ

Ҳикоялар

Муҳаррир *Санжар Турсунов*
Бадиий муҳаррирлар *Мурод Бурҳонов, Камолиддин Нурманов*
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*
Саҳифаловчи *Ҳилола Шарипова*

2019 йил 18 ноябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 84 x108 $^{1}/_{32}$. «PT Serif» гарнитураси.
Офсет босма. 16,8 шартли босма табоқ.
11,84 нашр табоғи.
Адади 5000 нусха. 291-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz

22,300 c.

Аёл

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

16+

ISBN 978-9943-5953-2-3